

Ilm-fan va
texnologiyalar

Наука и
технологии

Science and
technologies

2023
№ 1/1



Jurnal haqida

Jurnalga O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan ommaviy axborot vositasi davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganligi to‘g‘risida 076526 raqamli guvohnoma berilgan.

"Ilm-fan va texnologiyalar" ilmiy-metodik jurnaliga taqdim etilgan ilmiy maqolalarga qo'yiladigan asosiy talablar falsafa doktori (PhD), fan doktori (DSc) dissertatsiyalarining asosiy ilmiy natijalarini xalqaro standartlar va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzurida Oliy attestatsiya komissiyasi to'g'risidagi Nizom talablari, shu jumladan elektron ilmiy-texnik jurnallarga qo'yiladigan talablar tizimi hisoblanadi.

«Наука и технологии» международный научно-методический журнал. Основные требования к научным статьям, представляемым в международном научно-методическом журнале «Наука и технологии» являются научные труды, рекомендованные для публикации основных научных результатов докторских (PhD), (DSc) диссертаций в соответствии с международными стандартами и «Положением о Высшей аттестационной комиссии» при Кабинете Министров Республики Узбекистан, в частности требования к электронным научно-техническим журналам

About the magazine "Science and technologies" international scientific-metodical journal The main requirements for scientific articles submitted to the international scientific-metodical journal " Science and technologies " are scientific publications recommended for the publication of the main scientific results of doctoral (PhD), (DSc) dissertations in accordance with international standards and the “Regulation on the Higher Attestation Commission” Under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan, including from templates in the system of requirements for electronic scientific and technical journals.



Ilm-fan va texnologiyalar (2023 yil № 1)

ILM-FAN VA TEKNOLOGIYALAR НАУКА И ТЕХНОЛОГИИ SCIENCE AND TECHNOLOGIES



№1/1, 2023

Muassislar:

Fan va inovatsiya HNM MCHJ,
Buxoro davlat universiteti

Bosh muharrir:

Qahhorov Siddiq Qahhorovich

Jamoatchilik kengashi raisi: Xamidov Obidjon Xafizovich,
Buxoro davlat universiteti rektori

Tahririyat kengashi raisi: Jo'rayev Husniddin Oltinboyevich

Ma'sul kotib:

Kasimov Feruz Fayzulloyevich

Texnik muharrir:

Hazratov Fazliddin Xikmatovich

Tahririyat manzili:

Buxoro shahar, Q.Murtazoyev ko'chasi, 1/2 uy

Email: stjournal2023@gmail.com

Jurnalning elektron manzili:

www.sciencetech.uz

ILM-FAN VA TEKNOLOGIYALAR

JAMOATCHILIK KENGASHI A'ZOLARI

Muqimov Komil Muqimovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor.

Axatov Jasurjon Saidovich, texnika fanlari doktori.

Olimov Qahramon Tanzilovich, pedagogika fanlari doktori, professor.

Jumayeva Dilnoza Jo'rayevna, texnika fanlari doktori, professor.

Sharipov Shavkat Safarovich, pedagogika fanlari doktori, professor.

TAHRIRIYAT KENGASHI A'ZOLARI

XORIJ OLIMLARI

Verbenko Il'ya Aleksandrovich, kimyo fanlari doktori.

Veslov Gennadiy Yevgen'evich, texnika fanlari doktori, dotsent.

Madzigon Vasiliy Nikolayevich, pedagogika fanlari doktori, professor.

BILOGIYA FANLARI

Artikova Hafiza To'ymurodovna, biologiya fanlari doktori, professor.

Bo'riyev Sulaymon Bo'riyevich, biologiya fanlari doktori, professor.

Xolliyev Askar Ergashevich, biologiya fanlari doktori, professor.

Yoziyev Lutfillo, biologiya fanlari doktori, professor.

Norboyeva Umida Toshtemirovna, biologiya fanlari doktori, professor.

FALSAFA FANLARI

Namozov Bobir Bahriyevich, falsafa fanlari doktori, dotsent.

Sharipov Abduhakim Ziyavutdinovich, falsafa fanlari doktori, dotsent.

Salomova Hakima Yusupovna, falsafa fanlari doktori, professor.

Sharipova Oygul Tursunovna, falsafa fanlari doktori, professor.

Siddikov Ilyosjon Baxromovich, falsafa fanlari doktori, dotsent.

FIZIKA-MATEMATIKA FANLARI

Djurayev Davron Raxmonovich, fizika-matematika fanlari doktori, professor.

Dilmurodov Elyor Baxtiyorovich, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD).

Durdiyev Umidjon Durdimurodovich, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

Turayev Ergash Yuldashevich, fizika-matematika fanlari doktori, professor.

Kutliyev Uchqun Otaboyevich, fizika-matematika fanlari doktori, dotsent.

Jalolov Ozodjon Isomiddinovich, fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent.

Nuriddinov Javlon Zafarovich, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD).

Fayziyev Shaxobiddin Shavkatovich, fizika-matematika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

FILOLOGIYA FANLARI

Rajabov Dilshod Zaripovich, filologiya fanlari doktori, professor.

Rasulov Zubaydillo Izomovich, filologiya fanlari doktori, professor.

O'rayeva Darmon Saidaxmedovna, filologiya fanlari doktori, professor.

Kilichev Bayramali Ergashevich, filologiya fanlari nomzodi, dotsent.

Nosirov Otabek Timurovich, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD).

GEOGRAFIYA FANLARI

Hayitov Yozil Qosimovich, geografiya fanlari doktrori, dotsent.

Toshev Xudoynazar Ramazonovich, geografiya fanlari nomzodi, dotsent.

Halimova Gulshan Subxonovna, geografiya fanlari bo'yicha falsafa doktori, dotsent.

IQTISODIYOT FANLARI

Navro'zzoda Baxtiyor Negmatovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor.

Salimov Nutfullo Ibragimovich, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent.

Jo'rayev Abror Turobovich, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

Norov Asror Egamberdiyevich, fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor.

Yavmutov Dilshod Shoyimardonqulovich, Iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent.

KIMYO FANLARI

Do'stov Hamro, kimyo fanlari doktori, professor.

Amonov Muxtor Raxmatovich, texnika fanlari doktori, professor.

Umarov Baqo Bafoyevich, kimyo fanlari doktori, professor.

Nazarov Sayfullo Ibodullayevich, texnika fanlari nomzodi, dotsent.

Niyozov Erkin Dilmurodovich, texnika fanlari nomzodi, dotsent.

PEDAGOGIKA FANLARI

Abilova Gulbaxar Jalgasbayevna, pedagogika fanlari doktori, dotsent.
Adizov Baxtiyor Raxmonovich, pedagogika fanlari doktori, professor.
Ajiyeva Muhabbat Baxtibayevna, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent.
Alimov A'zam Anvarovich, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.
Bozorova Saodat Djamolovna, pedagogika fanlari doktori, professor.
Ergasheva Gulruxsor Surxonidinovna, pedagogika fanlari doktori, professor.
Jo'rayev Akmal Razzoqovich, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), professor.
Kurbaniyazova Zamira Kalbayevna, pedagogika fanlari doktori, dotsent.
Lutfillayev Mahmud Hasanovich, pedagogika fanlari doktori, professor.
Ro'ziyev Erkin Iskandarovich, pedagogika fanlari doktori, professor.
Shodiyev Rizamat Davronovich, pedagogika fanlari doktori, professor.
Tursunov Qahhor Shonazarovich, pedagogika fanlari doktori, dotsent.
Himmataliyev Do'stnazar Omonovich, pedagogika fanlari doktori, professor.
Xodjayev Begzod Xudoyberdiyevich, pedagogika fanlari doktori, professor.
Shomirazyev Maxmatmurod Xuramovich, pedagogika fanlari doktori, professor.
Mirzaahmad Qurbonov, pedagogika fanlari doktori, professor.
Hamidov Jalil Abdurasulovich, pedagogika fanlari doktori, professor.
Xazratov Fazliddin Xikmatovich, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD).

TEXNIKA FANLARI

Jo'rayev Turob Doniyorovich, texnika fanlari nomzodi, professor.
Toirov Olimjon Zuvurovich, texnika fanlari doktori, professor.
Syitnazarov Kuanishbay Kenesbayevich, texnika fanlari doktori, dotsent.
Mansurov Tohirjon Muxtorjonovich, texnika fanlari doktori, dotsent.

Maxmudov Maxsud Idrisovich, texnika fanlari doktori, professor.
Mo'minov Bahodir Boltayevich, texnika fanlari doktori, professor.
Raxmatov Ilhom Ismatovich, texnika fanlari nomzodi, professor.
Murtazoyev Azizbek Nusrat o'gli, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.
Eshonqulov Hamza Ilxomovich, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.
Shafiyev Tursun Rustamovich, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.
Bakayev Ilxom Izatovich, texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

TARIX FANLARI

Inoyatov Sulaymon Inoyatovich, tarix fanlari doktori, professor.
Rashidov Oybek Rasulovich, tarix fanlari doktori, dotsent.
Hayitov Shodmon Axmedovich, tarix fanlari doktori, professor.

TASAVVUF FALSAFASIGA BIR NAZAR

A GLIMPSE TO THE PHILOSOPHY OF SUFISM

ВЗГЛЯД НА ФИЛОСОФИИ СУФИЗМА

Намозов Бобир Бахриевич, фалсафа фанлари доктори (DSc), профессор. Бухоро давлат университети

Аннотация: Мазкур мақола маданиятимиз тарихида муҳим мавқеига эга бўлган, ахлоқий қадриятларимиз, муомала одобимиз, адабиёт, санъат, тарихимиз, мураса маданиятимиз илдизларига уйғунлашиб кетган тасаввуф сарчашмасига бир назар ҳисобланади. Ўрта асрларда тасаввуф Марказий Осиё халқлари ҳаётида ўзига хос ижтимоий –манавий ҳодиса сифатида ирфоний-фалсафий ғоялари билан ижтимоий онг, кишилар турмуш тарзи, тафаккурига сезиларли таъсир кўрсатди. Ислоннинг инсонпарварлик ғояларини тарғиб қилиб “комил инсон” ни тарбиялаш йўллари ишлаб чиқди. Тасаввуф мураккаб бир даврда ижтимоий келиб чиқиши, табақаси, тили ва миллатидан қатъий назар Мовароуннахр ва Хуросон ўлкаларидаги халқларни бирлаштирди. Ўзида инсонпарварлик, маърифатпарварлик, яқдиллик, ахлоқий поклик, беозорлик, бағрикенглик, ҳалол меҳнат қилиш каби юксак ғоялари билан оддий фуқаро кулбасидан подшоҳлар саройларига қадар кириб борди. Жамият аъзоларини илм-маърифатли қилиш, ўзаро ҳамжихатликда яшаш, меҳр-мурувватли бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, касб-корга эга бўлишга даъват қилди. Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилларини асослади.

Namozov Bobir Bahriyevich, Bukhara state university, doctor of philosophical sciences (DSc), asso.professor.

Abstract. In the following article there is a look at the sufis confusion that has taken an important place in the history of our culture, which is intertwined with the roots of our moral values, manners, literature, art, history, compromise culture. In the Middle Ages, sufism had a significant impact on social consciousness, the way of life, thinking of people, with its ironic and philosophical ideas as a kind of socio –spiritual phenomenon in the life of the peoples of Central Asia. He developed ways to educate the “perfect man” by promoting the humanitarian ideas of Islam. Sufism combined peoples from the Lands of Movarounnahr and Khorasan, regardless of social origin, class, language and nationality, in a complex period. With his lofty ideas such as humanism, enlightenment, unanimity, moral purity, impudence, tolerance, honest work, he penetrated from the hut of an ordinary citizen to the palaces of Kings. He encouraged the members of society to be educated, to live in mutual harmony, to be kind, to work honestly, to have a profession. He substantiated the principles of combating ignorance with enlightenment.

**Намозов Бобир Бахриевич, доктор философских наук (DSc) профессор.
Бухарский государственный университет.**

Резюме. В следующей статье мы рассмотрим учение о суфизме, который занимает важное место в истории нашей культуры, которая переплетена с корнями наших моральных ценностей, манер, литературы, искусства, истории и культуры компромиссов. В Средние века

суфизм оказал значительное влияние на общественное сознание, образ жизни, мышление людей, с его ироническими и философскими идеями как своеобразное социально–духовное явление в жизни народов Центральной Азии. Он разработал способы воспитания “совершенного человека”, продвигая гуманитарные идеи ислама. Суфизм объединил народы из земель Моваруннахра и Хорасана, независимо от социального происхождения, класса, языка и национальности, в сложный период. Со своими возвышенными идеями, такими как гуманизм, просвещение, единодушие, нравственная чистота, дерзость, терпимость, честный труд, он проник из хижины простого горожанина во дворцы королей. Он призывал членов общества быть образованными, жить во взаимной гармонии, быть добрыми, честно работать, иметь профессию. Он обосновал принципы борьбы с невежеством с помощью просветительства.

Калит сўзлар: Ренессанс, маърифат, жоҳиллик, жаҳолат, тасаввуф, мураса, бағрикенглик, мазҳаб, тариқат, инсонпарварлик, мутасаввиф, ориф, зоҳид

Ключевые слова: Ренессанс, просветительство, невежество, невежество, мистицизм, компромисс, терпимость, толк, секта, гуманизм, суфийский ученый, ориф, отшельник

Keywords: Renaissance, enlightenment, ignorance, ignorance, mysticism, compromise, tolerance, talk, sect, humanism, Sufi scholar, Orif, hermit

Кириш

Ўрта асрнинг мураккаб шароитида тасаввуф хурфикрликлари, ахлоқий тарбия, инсон учун камолот йўллари кўрсатиб берувчи ўзига хос ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида Мовароуннаҳр халқлари ҳаёти ва тафаккур тарзига кириб борди. Мовароуннаҳрда яшаётган турли халқларни ўзаро ҳамжиҳатликка, ҳалол меҳнатга, қалб ибодатига, ахлоқий юксалишга даъват этди. Инсон қалбини барча эзгуликлар, яхшиликлар, меҳр-шафқат, бағрикенглик манбаси деб қаради. Шунинг учун ҳам қалб поклиги, зеҳн теранлиги, ҳақ йўл, мустаҳкам эътиқод, муросани инсон учун муҳим ҳисоблади. Инсонни руҳий-маънавий юксалишларга, қалбни поклаш орқали камолотга эриштиришни, уни зоҳиран ва ботинан ислоҳ этишни кўзлади.

Тарихдан маълумки, Марказий Осиёга мўғулларнинг кириб келиши мамлакатнинг иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ўлка маданияти тарихига оид манбалар, илм масканлари, мадраса ва кутубхоналар қаровсиз қолди. Мўғуллар босиб олган ҳудудларда энг яхши ҳунармандларни ўзларининг манфаатлари учун ишлашга, қолган қисмини солиқлар тўлашга мажбур қилдилар. Бу халқнинг норозиликларига сабаб бўлиб, мўғулларга қарши курашлар авж олди. Бухоро ўлкасида Маҳмуд Торобий бошчилигидаги (1238.й.) кўзғолон ҳам зулмга қарши қаратилган эди. мазкур кўзғолонда кўплаб ҳунармандлар, деҳқонлар ва Шамсиддин Маҳбубий каби машҳур шайхлар ҳам иштирок этдилар, уларнинг кўпчилиги кучлар тенг эмаслиги сабабидан ҳалок бўлди.

Маълумки, XIV-XV асрларда ижтимоий-маънавий ҳаётда тариқатларнинг таъсири кучли бўлган. Хусусан, Нақшбандия тариқатининг халқчил ҳамда ижтимоий-иқтисодий

хаётга яқин ғоялари халқни жипслаштиришга, хунармандчиликнинг ривожланиши учун муҳим ижтимоий-мафкуравий омил сифатида шаклланган эди. Тариқатнинг ижтимоий келиб чиқиши, табақаси, тили ва миллатидан қатъий назар Мовароуннаҳр ва Хуросон ўлкаларидаги халқларни бирлаштирди. Ўзида инсонпарварлик, маърифатпарварлик, яқдиллик, ахлоқий поклик, беозорлик, бағрикенглик, ҳалол меҳнат қилиш каби юксак ғояларни жамлаган бу мўътадил тариқат оддий фуқародан тортиб, подшоҳларга саройларига қадаретиб борди. Хуросон ва Мовароуннаҳрда хуруфия, ҳакимия, нурбахшия, яссавийлик, хожагон, нақшбандия, мавлавийлик, суҳравардийлик, кубравийлик тариқатлари ҳам маданий-маънавий муҳитда ўзига хос ўрин тутган.

Тасаввуф мафкура сифатида

Тариқатларнинг бир томонлама зоҳирий расм-русум, одоб доирасидаги фаолияти, сиёсий-мазҳабий ҳаракат тусини олиши, тасаввуфнинг асл моҳиятидан узоқлашиб, турли низо ва ихтилофларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлди. Бу бир томондан мўғуллар зулмига қарши сиёсий-мазҳабий норозилик ҳаракати шаклини олди. Иккинчи томондан шиаларнинг ўз ақидаларига мос тариқатларининг пайдо бўлиши, турли сунний ва шиа жамоалари ихтилофларининг кучайишига олиб келди. Учинчидан, сохта шайхларнинг тасаввуфдан бўлмаган (бидъат, янги) нарсаларни унга киритишга ва тариқатни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилишлари одамларда тасаввуфга ишончнинг сусайишига олиб келди. Тўртинчидан, ушбу шарт-шароит тасаввуфнинг таълим бериш, ўқиб ўрганиш мумкин бўлган назарий тизимини ишлаб чиқишни ва унинг фалсафий-ирфоний асосларини мустаҳкамлашни тақозо қиларди.

Хожа Муҳаммад Порсо даврнинг бундайдолзарб ва нозик муаммоларини англаб, тасаввуфнинг фалсафий-ирфоний масалаларини чуқур тадқиқ этишга ҳаракат қилди. У назариётчи олим сифатида тасаввуфнинг мумтоз даври вакиллари Ҳаким ат-Термизий, Маждуддин Бағдодий, Абу Бакр Калободий, ал-Ҳужвирий, Ғаззолий таълимотларига таяниб, темурийлар даври тасаввуф ва тариқатларнинг ақидавий, мазҳабий муаммоларини назарий жиҳатдан ёритди. XIV-XV асрларда вужудга келган ақидавий, мазҳабий масалаларни қайта кўриб чиқди. Унинг илмий изланишлари, темурийларнинг хариҳоҳликларитуфайли аҳли сунна ва жамоа йўлида бўлган мўътадил Нақшбандия тариқатининг нуфузи ва географик ҳудуди кенгайди. Нақшбандия тариқатининг нафақат амалий тартиб қоидалари балки, назарий жиҳатдан ирфоний ғояларининг ижтимоий-маънавий ҳаётга таъсири ошиб, умумтасаввуфий таълимот даражасига кўтарилди.

Эронлик олим Тоҳири Ироқий Муҳаммад Порсонинг “Рисолаи қудсия” (“Муқаддас сўзлар”) асарининг “*نقشبندیان در عصري تیمور*” “Темури асрида Нақшбандийлар”, деб номланган сўз бошисида шундай ёзади: “Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва унинг халифаси Баҳоуддин Нақшбанд ҳақиқатдан ҳам исломий тасаввуф ислоҳотчиларидир, бу тариқат чилланишинлик, хилватнишинлик, қаландарваши дарвешликни рад этади. У зоҳирий расм-русум, тақлиддан узоқ бўлган, ҳақиқий “иршод” ва “ирфон” га асосланган, тарбия ва одобни мақсад қилган мўътадил сунний тариқатдир” [1,11].

Демак, Хожа Муҳаммад Порсо темурийлар даврининг мутафаккири ва тасаввуф назариётчиси, Нақшбандия тариқатининг ўз даври ва кейинги замонлардаги ривожланишини таъминлаган олим сифатида нафақат диний шаръий масалалар билан боғлиқ муаммоларини, балки унинг фалсафий-ирфоний томонларини ўз изланиш услуби асосида қайта кўриб чиқди. Унинг фано ва бақо, мавжудлик ва маъдумлик (йўқлик), макон ва замон,

Худо ва табиат, инсон ва жамият ҳақидаги диний-фалсафий қарашлари ўз даври ва кейинги даврларда дин фалсафаси билан боғлиқ муамолар ечимида дастурул-амал бўлиб хизмат қилди. Хожа Муҳаммад Порсо илмий мероси билан шуғулланган кўплаб тадқиқотчилар унинг меросига бир ёклама ёндашиб, уни нақшбандия тариқатининг назариётчи олими сифатида баҳолашга уринадилар. Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Хожа Муҳаммад Порсо XIV-XV аср тасаввуф назариясида ўзига хос услубда изланишлар олиб бориш билан бирга тариқатларнинг амалий тажрибаларини уйғунлаштирган. Унинг асарлари кейинги даврларда Мовароуннаҳр ва Хуросон тасаввуф мактабларидан ташқари мусулмон ўлкаларида шаклланган тасаввуф, калом, фикҳ мактаблари ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатган.

Шунингдек, Хожа Муҳаммад Порсо ва даврнинг йирик тариқат шайхлари, дин уламоларининг сайъ-ҳаракатлари сабабли мўғулларнинг мусулмон ўлкаларида ислом динига яқинлашишга, унинг меъёрларини билишга қизиқиш уйғотган эди. Уламоларнинг ғоявий таъсирлари кўплаб мўғулларнинг ислом динини қабул қилишларига сабаб бўлди. Мусулмонликни қабул қилган мўғул ҳукмдорлари ўз салтанатларида ижтимоий-маънавий ҳаётнинг яхшиланишига, барқарорлигига эришдилар. Ўлка халклари урф-одатлари, эътиқодий муносабатларига ҳурмат билан қарай бошладилар. Бу ҳам аслида мўғулларга қарши курашнинг бир кўриниши ёхуд “жаҳолатга қарши маърифат” билан курашиш бўлганига шубҳа йўқ.

XIV асрда Бухорода ва Хуросонда кўп йиллар қозилик қилган Алоуддин Бухорий ўзининг “Ҳайратул фуқаҳо” (“Фақиҳлар ҳайрати”) асари муқаддимасида Ботухон сулоласидан бўлган Олтин Ўрданинг сўнгги хони Наврўзбек (757/1356-759-1358 йй) ни таърифлаб, илгари (унгача бўлган даврда) Мовароуннаҳрда илмнинг сусайгани, намозга эътибор қаратилмагани, унинг ҳукмронлиги даврида эса, аста-секин тараққий этганини эслатиб ўтади [2.107]. Алоуддин Бухорий мўғуллар босқини даврида Бухоро шаҳрининг вайрон бўлганлиги, халқнинг мўғуллар зулми сабаб бир муддат илм ва маърифатга эътибор пасайгани, мусулмончилик қоидаларининг бажарилиши учун имкониятлар чекланганлиги, мадрасалар, масжидлар қаровсиз ҳолга келиб қолганлигини баён қилган. Унинг фикрига кўра, мўғулларнинг аста-секинлик билан ислом динига бўлган ҳурматлари ошиб борган. Наврўзбек (757/1356-759-1358 йй) даврида айниқса, Мовароуннаҳрда маданий муҳитнинг тикланиши, дин аҳкомларини бажариш учун шарт-шароитлар шаклланганлиги кузатилади.

Чиғатой ва унинг атрофидаги мўғуллар исломни қабул қилиш ва тан олишда ўзаро қарама-қарши кайфиятда эдилар. Шунга қарамасдан, Муборакшоҳ ва Беркахон ислом динига киришлари манбаларда келтирилади. Мўғулларнинг ислом динига киришида ўз даврида Шайхул-Олам Сайфиддин Бохарзийнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Албатта, мўғуллар зулмига қарши қаратилган ҳаракатларда тасаввуф шайхлари ҳам ўзига хос кураш олиб борганлар. Нажмиддин Кубронинг жасорати ҳам бунга мисол бўла олади.

XIV асрлардаги мўғулларнинг ўзаро урушлари Осиёдаги оддий феодал урушларидан фарқ қилмас эди [3.898]. Араб сайёҳи Ибн Батута ўзининг саёҳатлари ҳақидаги “رحلة ابن بطوطة” “Ибн Батутанинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари” номли асарида мўғул ҳукмдорларидан бири Кабакхон билан Бухоролик фақиҳ, воиз, музаққир Бадриддин Майдоний ўртасида бўлган бир ҳикояни келтиради: Яъни: ذكر أن هذا الملك كبك كان تتكلم يوما مع الفقيف الواعظ المذكور بدر الدين الميداني فقال له أنت تقول: إن الله ذكر كلى شى فى كتابه العزيز قال: نعم فقال: أين إسمى فيه؟ فقال: هو فى قوله تعالى: فى أي صورة ما شاء ركبك فأجبه ذلك وقال يخشى ومعناه بالتركية جيد. فالكرمه أكراما كثيرا تعظيم

المسلمين. Таржимаси: “Кунларнинг бирида Кабакхон Бухоролик факих, воиз ва музаккир Бадриддин Майдонийдан сўради: Сен айтдингки, Аллоҳ ўзининг муқаддас китобида ҳамма нарсани зикр қилган. Бадриддин Майдоний ҳа шундай, деб жавоб берди. Кабакхон сўради: Қуръонда мани исмим борми?. Бадриддин Майдоний Қуръоннинг “Инфитор” сурасининг: “Фи аййи суратин ма шааъ рок кабак”, яъни: “Ўзи хоҳлаган суратда сени таркиб қилди”,-деган мазмундаги 7-оятини ёддан ўқиди. Кабакхон оятдаги “рок кабак” сўзида ўзининг исми борлигидан ажабланди ва туркийча “яхши” деди. Кабакхон Майдонийга жуда юксак эҳтиром кўрсатди. Мусулмонларга унинг шарофати билан кўп илтифотлар қилди”. Кабакхон ўз ҳумронлиги остидаги ҳудудларда ислом илмлари, маданияти ривожланиши учун эътибор қаратади. Мўғуллар билан боғлиқ бундай воқеалар кўплаб манбаларда келтирилади. Муҳими мўғулларнинг зулм ва жаҳолатига қарши Мовароуннаҳрда маърифат билан қарши курашган Бадриддин Майдоний каби олимлар кўпчиликини ташкил қилган.

1318-1326 йилларда Насафдан икки фарсах (7-8 км) да Кабакхон ўзига катта сарой қурдирган эди. Сарой атрофида аста-секин Қарши шаҳри вужудга келиб, марказга айланди. Кабакхон иқтисодий ва маъмурий жиҳатдан ислохот ўтказиб, маъмурий ва пул сиёсатини янгилади. Бу ислохотларни амалга оширишда Кабакхон Қозонхоннинг 1295-1304 йилларда Эронда амалга оширган пул сиёсати тизимини андоза қилиб олди. Маъмурий ислохотлар эса, ҳудудларни ҳарбий-маъмурий округлар туманларга бўлиб бошқаришдан иборат бўлди. Бу даврга келиб, Самарқандда еттига, Фарғонада тўққизта туман бўлиб уларда ўн мингга яқин аҳоли яшарди. Кабакхон ислохотлари Мовароуннаҳр учун ўз самарасини берди. Бироқ, унинг вафотидан кейин мўғул хонлари ўртасида яна ўзаро урушлар авж олди. Қозонхон ва Қазағон ўртасидаги тўқнашувда Қазағон ғолиб бўлиб, Мовароуннаҳр (1346-1358 йй.) унинг қўлига ўтди. Қазағон Тоғлуқ-Темур тарафдорлари томонидан ўлдирилади. Мўғул хони Тоғлуқ-Темур вазиятдан фойдаланиб, 1360-1361 йилларда икки марта Мовароуннаҳрга юриш қилди. Ўлка бойликларини қўлга киритиш, халқни зулм остида сақлаш подшоҳларга ҳукмронликнинг узоқ давом этишига олиб келмади. Чунки, мўғулларнинг босқинчилик сиёсати ва зулми халқ оммаси норозилигини кучайтириб, озодлик учун курашларнинг авж олишига олиб келди. Бундай кенг кўламдаги норозилик ҳаракатлари минтақада мўғуллар ҳукмронлигини заифлаштириб, уларга қарши курашнинг кучайиши учун замин яратди.

Амир Темурнинг сиёсий майдонга кириб келиши, мавжуд тарқоқликка барҳам бериб, харобага айланган мамлакатни мўғуллар зулмидан озод қилишга олиб келди. Амир Темур даврида мусулмонлар маънавий ҳаётида тасаввуф шайхларининг ўрни муҳим аҳамият касб этарди. Шаҳрисабзда Амир Кулол катта нуфузга эга бўлиб, Амир Темурнинг отаси Тарағайнинг маънавий пири ҳисобланган. Тарағай ўғли Темурда шайхларга алоҳида ҳурмат ва меҳр уйғотган эди. Амир Темур кўплаб ғалабаларини Амир Кулол дуолари шарофатидан деббилар эди. Баҳоуддин Нақшбанд Амир Кулолнинг шогирдлари ҳисобланади. Амир Темур “Баҳоуддин Нақшбанд ва мен битта пирнинг шогирдимиз” деган фикрлари кўплаб манбаларда келтирилади. Амир Темур Балхни қўлга киритгандан сўнг унинг хизматида ўз даврининг машҳур шайхлари Абул-Маали ва Али Акбарлар кирдилар. Амир Темур билан уларнинг яқин алоқалари, мусулмон уламолари ва шайхларининг мустаҳкам муносабатлари учун замин бўлди. Сўфий шайхлар инсонни табиатни севишга, инсон ҳаётининг мазмунини, мақсадини англашга ўргатишга доир қатор таълимотлар яратдилар. Шу йўналишда Муҳаммад Порсо ва бошқа алломалар алоҳида хизмат қилдилар. Улар инсоният жамиятининг барқарорлиги учун

курашларда ғоявий, маънавий-ахлоқий таълимотлари билан халқни озодликка, хурфикрлиликка, ҳалол меҳнат қилишга, зулм ва зўравонликка қарши туришга чақирдилар.

Амир Тему́р асос солган давлат ўз даврида Европа ва Осиёда энг йирик, мустаҳкам ва ривожланган давлат сифатида танилди. Амир Тему́р вафотидан сўнг ҳам XVI аср бошига қадар унинг авлодлари мамлакатни бошқардилар. Темурийлар даврида марказий давлат иккига бўлиниб, яъни Мовароуннаҳр ва Хуросонга ажратилиб идора этилди. Самарқанд ва Ҳирот бу икки давлатнинг маркази сифатида раванқ топди. Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро даврларида бу заминларда маданий ҳаёт янада юксалди. Мамлакатмиқёсида дин ва тасаввуф маънавий йўналиш сифатида бутун маданий жараёнга мусулмон оламида маданий-маърифий алоқаларнинг кучайишига ҳам таъсир кўрсатди. Бу даврга келиб маънавиятда хурфикрлилик, илм-фанга ҳурмат эътибор, билимларни эгаллашга интилиш билан бирга унинг кадр-қимматини юксак баҳолаш устуворлик қилди. Диний ва дунёвий илмлар узвий ҳолда ривожланиб борди. Қадимги юнон, ҳинд ва бошқа халқларнинг салоҳиятидан кенг фойдаланилди.

Хожа Муҳаммад Порсонинг темурий шахзодаларга яқинлашуви, улар билан шариат ва тариқат масалаларидаги бўлган суҳбатлари ҳамда илиқ муносабатлари унинг илм ва маърифат соҳасидаги ютуқлари айниқса, Нақшбандия тариқатининг кенгайиши ва нуфузининг ортишида муҳим омил бўлди. Темурийлар саройининг мутафаккир шоири Хожа Исмаи Бухорий ўзининг «Девони Хожа Исмаи» асарида нақшбандия тариқатининг йирик назариётчи олими Муҳаммад Порсога бағишланган “Дар ситойиши Хожа Муҳаммад Порсо” қасидасида ўзининг буюк муҳаббати ва эҳтиромини ифодалаган.

Сақфи Турат ар бигуям ту ба сад Тур Ирфойи,
Байтумаъмур ар бигуям з-у ба сад руйи анвари.
Соликин роҳи ирфон ро ту ийди Аъзами,
Зоирони Каъбаи жонро ту ҳажжи Акбари.[7.182].

Мазмунан таржимаси:

Тоққа ўхшатсам сени, чўққига етмас юзта Тур,
Байти Маъмурсан десам, юзинг ундан нурлидир.
Маърифат солиқларига Ийди аъзам Сен ўзинг,
Жон Каъбаси зоирларига Ҳажжи акбар Сен ўзинг.

Мирзо Улуғбек ўз даврида Хожа Исмаи Бухорийни саройга таклиф қилиб, темурийзодаларнинг таълими ва тарбиясига масъул қилиб қўяди. У мударрислик фаолияти билан бирга қасидалар, ғазаллар, рубоийлар ёзади. Унинг Муҳаммад Порсога бағишлаб ёзган қасидаси Муҳаммад Порсога замондошларининг муносабати ва унинг темурийлар давридаги мавқеини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Манбаларда:[8.91]. “Ҳазрати Муҳаммад Порсо гоҳ-гоҳ мусулмонларнинг муҳимларини кифоят этмак жиҳатидин Мирзо Шохруҳга “рукъа” ёзар эрдилар”, - деган маълумотлар келтирилган. Темурийларнинг Хуросон ҳукмдори Шохруҳ Муҳаммад Порсога ихлоси жуда баланд бўлиб, у зотдан турли диний масалалар бўйича ёзишиб турган.[9.90].

Муҳаммад Порсо Мирзо Улуғбек Самарқандда ҳукмронлик қилган даврдаҳадис[10.90] соҳасидаги баҳсларда ўзининг салоҳиятини кўрсатган. Мирзо Улуғбек Муҳаммад Порсонинг нафақат диний билимлар, балки дунёвий илмга ҳам, қомусий билмдонлигига ҳам тан берган. Муҳаммад Порсо каби Хожагон-нақшбандия шайхларининг инсоният жамияти учун қилган хизматларининг Мирзо Улуғбек томонидан эътирофи ва муҳаббатини Ғиждувонда Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбараси ёнида барпо этган мадрасаси мисолида кўриш мумкин.

XIV-XV асрларда илм ва маърифат, адабиёт ва санъатнинг ривожланиши билан бирга тасаввуфнинг ривожланишини ҳам кузатиш мумкин. Бу даврларда тасаввуфнинг илоҳий “ишқ” ҳақидаги ғоялари санъат ва адабиётга кучли таъсир кўсатди. Мусаввирлар, шоирлар ижодига кириб бориб, адабиётнинг жозибасини оширди. Тасаввуф адабиёти ҳикмат ва фалсафа билан бойитилди.

Бу даврга келиб, мусулмон оламида табиий ва аниқ фанлар ривожланишига муҳим ҳисса қўшган қомусий алломалар етишиб чиққанлар. Уларнинг араб ва форс тилларидаги асарлари, шарҳлари темурийлар салтанатининг маданий-маънавий муҳитини барқарорлаштиришга хизмат қилган.

Шундай олимлардан бири, Мир Саййид Шариф Журжоний (1339-1413йй.) бўлиб у 50 дан ортиқ асарлар ёзган[11.189]. улар фаннинг деярли барча соҳаларини қамраб олган. Унинг XII-XIII асрларда Хоразмда яшаб ўтган Маҳмуд ал-Чағминийнинг астрономияга оид асарларига ёзган “Шарҳе мулаххас ал-ҳайа” (“Астрономияга оид сайланмага шарҳ”) ва Носириддин Тусий асарига бағишланган “Шарҳе тазкират-ул-Насирийат” (“Астрономия ҳақида эслатмага шарҳ”) асарлари машҳурдир. Шунингдек, Саъдуддин ибн Умар Тафтазоний, ат-Тахтоний ибн Муборакшоҳ, Самарқандда Абдуҷаббор Хоразмий, Шамсиддин Мунший, Абдулло Лисон, Бадриддин Аҳмад, Нуғмониддин Хоразмий, Хожа Афзал, Жалол Ҳокий каби олимлар ҳам шу даврда етишиб чиққанлар.[12.9].

Уларнинг таълимотлари ўрта асрлардаги бутун фалсафий масалаларни: борлик ҳақидаги таълимот, коинот жумбоқлари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёнинг хусусиятлари, жисмоний ва руҳий муносабатлар, билиш муаммолари, мантикий фикрлаш таълимоти, тил ва тафаккур алоқаларни ўз ичига олади.

Тасаввуф шайхлари деганда, кўпчилик назарида фақат дин ва тариқат ишлари билан машғул бўлган молар гавдаланади. Ҳолбуки, улар ҳукмдорларга сиёсат, маърифат, давлат бошқарувида ҳам имкон қадар кўмаклашганлар.Шунинг учун Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби давлат бошлиқлари халқ орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган тариқат пирларига эҳтиром кўрсатганлар.[13.57].

XIV-XV асрларда Хожа Муҳаммад Порсо ва бошқа шайхларнинг хизматлари сабабли Нақшбандия тариқати нуфузи янада ошди. Нақшбандия Амир Темур ва темурийлар давлатининг мафкуравий асосига айланиб борди. Халқнинг Нақшбандия шайхларига ишончлари ортиб, тариқатчиликда унга эргашувчилар кўпайиб борди. Айнан, шу асрларда Нақшбандия тариқати ўзининг географик ҳудудларини янада кенгайтди. Бу эса, тариқатнинг мўътадил аҳли сунна ва жамоа йўлида эканлиги, унинг ғоялари ижтимоий-иқтисодий ҳаётга яқинлиги жиҳатидан бошқа тариқатлардан фарқ қилиши билан ҳам боғлиқ эди.


Хожа Муҳаммад Порсо илк ўрта аср комусий алломаси ватандошимиз Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва унинг фаолияти билан боғлиқ масалага эътибор қаратиши ўзига хос тарзда XIV асрга қадар ўз ечимини топмаган, турли эътироз ва танқидларга сабаб бўлган баҳсларга хулоса ясади. У ўзининг “Фаслул-хитоб” асарида шундай ёзади: “Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Хусан ибн Али ибн Сино аҳли назарнинг устози ва муктадоси ва раиси. Бу йўлдаги изланишларида назарий қувватнинг фитратини соғломлаштириш мумкинлигини ёки у орқали завқ ва илҳом йўлини очиш имкони борлигини рад этувчилар йўлидан кетди. У кўп ўринларда нарсаларнинг ҳақиқатларини англаш башарнинг қудратида эмаслигини аксинча, инсоннинг бош ғояси нарсаларнинг хислатларини ва уларнинг қайси бири керак, қайси бири керак эмаслигини аниқлаш эканлигини айтди. У ўзининг мақсади ва фикрининг тўғрилигини қатъий баён қилган бўлсада, кейинроқ яна Ҳақнинг маърифати масаласига қайтганда, у аввалги айтганларига хилоф гапларни билдирганлиги маълум. Ҳаётининг сўнггида у тавба қилди, ўзида бор нарсаларни камбағалларга садақа қилиб берди, мазлумларга ёрдамлашди. Қуръонни ёддан ўқиб, ҳар уч кунда хатм қиларди. 428 хижрий санада рамазон ойининг биринчи жумаси куни вафот этди. Ҳамадон шаҳрига дафн этилган. Туғилиши 370 ҳ. Сана баъзи манбаларда 373 ҳ. дейилган. Отаси Балхлик киши эди. Нуҳ ибн Мансур подшоҳлик даврида Бухорога кўчиб келиб, Ҳурмитан қишлоғига оқсоқол бўлди. Афшона қишлоғида яшаб, шу ерда уйланди ва Абу Али шу ерда туғилди. Кейин Бухоро шаҳрига кўчиб ва фикҳ билан шуғулланди. Имом Исмоил аз-Зоҳиддан фикҳни ўрганган. Имом Ёфийийнинг тарихида ёзилишича, Абу Али 18 ёшга ҳали тўлмасидан ҳамма илмларни тўлиқ ўрганган экан. Унинг ёзган китоблари 100 га яқин. Улардан “Рисолатут-тайр” (“Қуш ҳақида рисола”) асари машҳур. У киши мусулмон файласуфларидан биридир. У зот зоҳидлик ва табаттул (дунёдан узилиш) билан ботинини поклаган ҳамда мақсадлари чўққисига етган эди”.[14.299].

XIV-XV асрларда бу масалада уламолар, мутасаввифлар, мутафаккирлар орасидаги баҳс-мунозаралар давом этган. Шунинг учун Муҳаммад Порсо Ибн Синонинг тасаввуф йўналишида ёзган машҳур асарининг Фаридуддин Аттордек буюк кишиларга илҳом бағишлаганини ҳам эслатиб ўтади. Айтиш мумкинки, Муҳаммад Порсонинг “Фаслул-хитоб” асари (“Оқ-қорани таниш”) китоби ҳам деб айтилади. Монографик тадқиқотларда асарнинг тўлиқ номи “Фасл ал-хитоб ли васл ал-аҳбоб ал-форик байна ал-хато ва ас-савоб” (“Дўстлар висолига етишда хато ва савобни ажратувчи китоб”), деб келтирилади. “فصل الخطاب” “Фасл ал-хитоб” (“қатъий қарор”) сўзи Қуръоннинг (“Довуд пайғамбар ҳақидаги”) “شددنا ملكه و اتيناه الحكمة” “و فصل الخطاب” Яъни: “Унинг ҳукмронлигини ҳам мустаҳкам қилдик ва унга ҳикмат ва қатъий қарор (ҳаққоний ҳукм чиқаришни)ато этдик” [15.24]. Мазкур асар ўз даврида ва кейинги замонларда мутасаввифлар, мутакаллимлар ва барча илм аҳллари учун жуда муҳим қўлланма бўлиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. طاهري عراقي. خواجه محد بارسا بخراي رساله قدسية مقدمة. ص. 111.
2. Асророва Л. Абу Ҳафс Кабир Бухорий ва ҳанафий фикҳи. -Тошкент: Ислон университети, 2014.-Б.107.
3. Петрушевский И.П. Земледелие и аграрное отношение в Иране XIII-XIV веков. Москва-Ленинград. 1960.-С.32.
4. حلة ابن بطوطة تحفة النظار في غرائب الامصار و عجائب الاسفار. دار احياء العلوم. بيروت. 1978.-Б.898.

5. Хожа Исмат Бухорий. Девон.-Душанбе: Истеъдод, 2020.-Б.182.
6. Фахруддин Али Сафий. Рашоҳот айну-л-хаёт. Худойберган Бекмуҳаммад таржимаси.- Тошкент: Абу Али Ибн Сино, 2004.-Б.91.
7. Ислом. Энциклопедия.Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.2003.-Б.258-259.
- 8.Қодиров М. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури. - Тошкент:ТошДШИ, 2010.-Б.189.



ТАБИЙ-ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА УЛАРНИНГ БИОСФЕРАНИ АСРАШДАГИ АМАЛИЙ АҲАМИЯТИ

Саломова Ҳакима Юсуповна

Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги.
Фалсафа” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори

Таянч иборалар: биосфера, табиий-экологик меъёр, оқилона эҳтиёж, экологик компонент имконият чегараси, экологик қиймат, яшил иқтисодиёт.

Ключевые слова: биосфера, природно-экологическая мера, разумный потребность, пределы возможности экологических компонентов и экосистем, экологическая ценность, зеленая экономика.

Keywords: biosphere, natural-ecological norm, rational necessity, ecological component range of possibility, ecological value, green economics.

Аннотация. Мақолада табиат борлиги компонентларининг табиий-экологик меъёрининг моҳияти ва хиллари ёритилган. Ҳар бир экологик компонентнинг меъёрини бузмаслик инқирозлар олдинги олиш омили эканлиги назарий –амалий мисолларда исботланган. Яшил иқтисодиётнинг маъноси ҳам табиат қонунларига риоя этиш, экокомпонентларнинг табиий-экологик меъёрини бузмаслик, ҳар бир экотизимга бўлган антропоген омил меъёрларига риоя этиш принциплари ётади.

Резюме. В статье излагается сущность и аспекты природно-экологические меры компонентов бытия природы. Неспособность нарушить норму каждого компонента окружающей среды была доказана на теоретико–практических примерах, что кризисы являются фактором предварительного приобретения. В основе зеленой экономики тоже лежат принципы соблюдения законов природы, ненарушения природно-экологической меры экокомпонентов, соблюдения меры антропогенного фактора для каждой экосистемы.

Abstract. The article covers the essence and aspects of the natural-ecological norm of the components of nature being. Failure to violate the norm of each environmental component has been proven in theoretical –practical examples that crises are a factor of prior acquisition. In the core of the green economy, too, lies the principles of compliance with the laws of nature, non-violation of the natural-ecological norm of ecocomponents, compliance with the norms of the anthropogenic factor for each ecosystem.

“Бугунги кунда она табиатнинг ўзи бизга йўллаётган огоҳлик қўнғироғига бепарво бўлмаслигимиз керак. Афсуски, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бормокда. Биз яшаётган Марказий Осиёда сўнгги 30 йилда ўртача йиллик ҳарорат тахминан бир даражага кўтарилди. Минтақамиздаги асосий дарёларнинг ҳавзаси ва биологик хил-ма-хилликнинг қисқариб бораётгани жиддий хавотир уйғотмокда. Буғланиш даражасини оширадиган газлар ва атмосферанинг кенг миқёсда ифлосланиши муаммоларни янада чуқурлаштирмокда. Бугунги кунда “яшил тараққиёт” борасидаги мақсадларга эришиш учун мамлакатларнинг ҳаракатлари янада фаол ва самарали бўлиши кераклигига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти”.¹

Ш.Мирзиёев

Табиат борлигидаги меъёрларни аниқ билиш учун кўпроқ китоб ўқиш, тажрибалар олиб боришни тақозо қилади. Шу сабабли ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “...китобсиз тараққиётга, юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Китоб ўқимаган

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасида ўтказилган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик-2030” (P4G) иккинчи халқаро саммитидаги нутқи.

одамнинг ҳам, миллатнинг ҳам келажаги йўқ”², - деб инсониятни китобхонликка даъват этмоқдалар. Китоблар ўқиш, неча юз йилги тажриба натижаларини таҳлил қилиш орқали биз табиат қонунлари ва экологик компонентлари (флора, фауна, сув, тупроқ, микрорганизмлар ва ҳ.) нинг табиий-экологик меъёрларини биламиз. Шундай сўнг ушбу табиий-экологик меъёрларни бузмасликка ҳаракат қиламиз. Ҳар бир жонли, жонсиз табиат компонентлари ўзининг аниқ сифат ва миқдор кўрсаткичлари яъни, меъёрига эга. Масалан, Ер сайёрасининг ҳаёт кўрсаткичларини сақлаб қолиш учун Ернинг ҳарорати ўз кўрсаткичида, табиий радиактивлиги, тоғларнинг баландлиги ўз меъёрида бўлиши керак. Асалари нектарида 4,25% глюкозадан кам бўлган гулларга асло қўнмайди³. Бу асаларининг шира билиш кўрсаткичининг пастки меъёри. Демак, асалари оиласи фақат ҳавоси мусаффо, гул нектарида 4,25%дан кўп бўладиган гулзор, мевазор, янтоқзор, ўрмонлар зарур. Асаларининг биосферадаги нектардан асал ҳосил қилиш, ўсимликларни чанглантириб, ўсимлик турларини сақлаб қолиш функциясини бошқа бирор ҳайвон бажара олмайди. Улуғ Ватан урушигача Бухорода бир йилда тўққиз мартага асал тортишган. Ҳозир-чи? Атиги бир-икки марта тортишади, холос.

Жалолиддин Румий назаридан бир тур ўрнини-функциясини биологик ибора билан айтганда, оламда бажараётган ишини иккинчи бир тур асло бажара олмаслиги алоҳида уқтирилган:

“Болари этган юмушни, йўқ шак,

Қуйида биз бир қанча табиий-экологик меъёрларга мисоллар келтираамиз:

1. Озон – O_3 Ҳаммага маълумки озон қатлами 300д.б. (Добсон бирлиги)га тенг бўлиб, у биосферанинг асосий ҳаёт кўрсаткичларидан биридир. Бир добсон бирлиги 0,001 см га тенг. Стратосферада ҳаммаси бўлиб 3,3 триллион тонна озон бор. Агар озоннинг бу миқдорини нормал босим ва 20°C даражада тўпласак, у ҳолда бу қатламнинг қалинлиги 2,5-3 мм ни ташкил этади.

2. Кислород – O_2 Кислород атмосферанинг 21%ини ташкил этади.

3. Карбонат ангидрид – CO_2 бир йилда табиий фон билан 9 миллиард тонна атмосферага юборилади.

4. Қўрғошин – Pb Саноат пайдо бўлмаган бир вақтда бир йилда табиий шамоллар орқали атиги 11 минг тонна қўрғошин океанга тушган.

5. Хлор – Cl_2 Хлорнинг табиий миқдори бир йилда 10 тоннадан то 100 минг тоннага етади.

6. Барча фауна ўзининг ўртача популяцион миқдорига эга. Туғилиш ва ўлим бу ўртача миқдорни сақлаб туради.

7. Ўсимликлар билан ўсимликхўр ҳайвон турлари орасида, йиртқич ва ўлжа орасида миқдорий мутаносиблик мавжуд; Олмаҳонлар миқдори, аниқроқ айтсак, меъёрини арча ғуддаларининг миқдорий кўрсаткичлари сақлаб туради; Судак ва зағора, судак йиртқич балиқ, зағора эса тинчликсевар балиқ. Улар орасидаги оптимал мутаносиблик 1:30 га тенг.

8. Чучук сувда яшовчи балиқлар учун сувнинг водород кўрсаткичи (pH) 5дан 9 гача бўлиши лозим. Мабодо сувнинг водород кўрсаткичи – pH 10 дан ошиб кетса, балиқларни гала-гала ўлими кузатилади, агар бу кўрсаткич 5дан камайиб кетса ҳам айнан шу ҳол кузатилади.

Балиқлар учун сувнинг минераллашув меъёри 6-8 г/л га тенг ёки 6000 мг дан 8000 мг минерал бир литр сувда бўлса, шу кўрсаткич экологик-табиий меъёрдир.

9. Биосферанинг физикавий ҳаёт кўрсаткичларидан бири – радиактивлик даражаси саналади. Йилида 100 миллирентген ёхуд 100 бэр табиий радиактивликда Н

²Ш. Мирзиёев. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. – Тошкент.: “Ўзбекистон”. НМИУ. 2017. 114-бет.

³Саломова Ҳ.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Бухоро.: “Дурдона”.2018.

⁴Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Т.: “Шарқ”. 2008. 34-бет.

инсон “яйраб” яшай олади. Бу шундай дозаки, қайсиким, биз 70-80 йилги умримиз мобайнида бу радиоактивлик нуруни олган бўламиз. **НКДАР ҳисоб-китобида кўра, табиат борлигидаги табиий радиоактивлик кўрсаткичи 350 микрозивертга тенг**, бу ўртача индивидуал дозадан кўра озгина кўпроқдир. **Табиий радиоактивлик меъёрининг коинотдаги кўрсаткичи 320 (300) мкЗв/йилга тенг бўлади.** Биринчи атом бомбаси 1945 йилда портлатилган бўлса, ҳозирги кунгача жаҳонда 2000 та бундай портлатишлар кузатилди. Шу сабабли ҳам сайёрамиздаги радиоактивлик ўз табиий даражасидан 2%га ошган.⁵ Ҳозир сайёрамизнинг куруқлик қисмининг 10 млн.м³ ҳудуди (бу ҳудуд АҚШ, Россия, Канада, Франция ва б.) радиоактив чиқиндилар тўпланган жой бўлиб, бу чиқиндиларни хавфсиз сақланаётганлигига 100% кафолат йўқ. Инсон ва инсон учун жуда зарур, муҳим аҳамиятга эга бўлган барча турларнинг радиоактивликка таъсири ниҳоятда сезилувчан, нозик, аммо хитин қобикли организмлар, масалан хитин қобикли қисқичбақасимонлар оиласига мансуб турлар 1200 рад. билан нурланганда ҳам, ўзларини яхши ҳис қилишади, бошқача сўзлар билан айтганда, уларнинг радиактив нурларга нисбатан кенг меъёрли. 1986 йил 26 апрелдаги Чернобил АЭСдаги фожа – “ифлос бомба” кудратини кўрсатди. Фожа юз берганида уран, плутон изотоплари, йод-131, цезий – 137, стронций – 90 каби радиоактив моддалар табиий муҳитга тарқалди. 1986 йил 26 апрелдаги Чернобил АЭСдаги фалокат Украина, Белоруссия, Россия ва бошқа 20 давлатга ўз таъсирини кўрсатди. Россиядаги 17 млн. киши зарар кўрилган ҳудудда яшашади. Россия давлатининг тиббий-дозиметрик регистр кўрсатмасига кўра, 100 мЗв. дан ортиқ нурланиш дозасини 60 000 яқин россиялик ликвидаторлар олган, улар орасидан бир неча ўнлаб кишилар вафот этган, бунга албатта уларни нур олгани сабаб бўлган. Бир суткада 400 бэр нурланиш жонли мавжудотнинг 50%ини ўлимга олиб келади. Бир суткада 100 бэр нурланиш одамни нурланиш касаллигига чалинтиради. Чернобил ва унинг атрофидаги 5 миллион гектар ер кишлок хўжалик кўлампидан издан чиқди.

Табиат компонентларининг экологик меъёрларини гуруҳлантисак:

1. Биотик омиллар меъёри;
2. Абиотик омиллар меъёри;
3. Турларнинг популяцион меъёри;
4. “Йирткич ва ўлжа”, “хўжайин ва паразит” орасидаги микдорий мутаносиблик;
5. Жинс меъёри;
6. Антропоген омиллар меъёри ва ҳ. гуруҳланади.

Биосферадаги бир меъёрнинг бузилиши бутун бир экосистемани иш фаолиятини издан чиқариши мумкин. Масалан СО₂ газининг меъёрида ошиши – **буғли қобикни**; О₃ ўз табиий экологик меъёри 300 (д.б.) добсон бирлигидан камайиши – **озон туйнугини**; турларни 70% қиодасига амал қилмай овланиши – биологик хилма –хилликнинг кескин камайишига сабаб бўлмоқда. Биргина озон қобиғи концентрациясининг атиги 1% гагина камайиши тери раки касаллигини 2% ошишига сабаб бўлади.

Дунёдаги барча инсонлар дини, эътиқоди, миллати, ёши, касби, жинсидан қатъий назар, фақатгина бир сайёрада – Ер сайёрасида яшашади. Ер сайёрасидан ўзга жойда яшашмайди. Она Ер, табиат неъматлари уларни боқади, кийинтиради, улғайтиради.

Экологик муаммолар инсониятни табиатга бўлган кўр-кўрона, ваҳшийларча мунособати туфайли содир бўлди. Океан ҳудудининг атиги 4 %игина ифлосланмаган, қолган қисми эса жуда ифлосланиб кетган.

Умумбашарий экологик муаммолар қуйидаги қисмларга бўлинади:

- * демографик муаммолар;
- * энергетик муаммолар;
- * табиат заҳираларини сақлаш, биологик хилма-хилликни асраш ва ҳ.;
- * ифлосланишлар;
- * озиқ-овқат муаммолари, экологик тоза, сифатли кишлок хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва ҳ.

⁵Инженерная экология и экологический менеджмент.М.”Логос”. 2003.С.14.

* экологик танглик туфайли келиб чиққан касалликлар (“итай-итай”, “флюораз”, “ура”, “минимата” ва х.)

* чучук (ичимлик) суви танқислиги;

№	Йиллар	Ер сайёрасида қанча инсон яшаган?
1	1000 йил илгари	Ер шарида 280 млн. инсон яшаган
2	1820 йилда	Ер шарида 1 миллиард аҳоли
3	1927 йилда	2 миллиард аҳоли
4	1950 йил	2,5 млрд. киши яшаган
5	1960 йилда	3 миллиард аҳоли
6	1974 йилда	4 миллиард аҳоли
5	1987 йилда	5 миллиард аҳоли
6	2000 йилнинг бошида	6 миллиард аҳоли
7	2011 йилда	7 миллиард аҳоли
8	2022 йил 15 ноябр маълумотларига кўра	8 миллиард аҳоли

Ер юзидаги аҳолининг географик ўсиши бир маромда эмас. Юқоридаги чизмага диққат қилсак, атиги 100 йил орасида аҳоли ўсишининг жуда кўпайганлигини англаймиз. Ер сайёраси эса ўша-ўша. Унинг имкониятлари чексиз эмас. Биосферанинг имконияти билан инсоният эҳтиёжи ўртасидаги “олтин ораликқа” риоя этиш лозим. Бунинг учун инсоният –антропоген меъёрга амал қилиши лозим.

1993 йилдан бошлаб Россияда аҳолининг ўсиши кескин пасайган бўлса, Хитой, Жанубий Осиё Африка, Лотин Америкада аҳолининг ўсиш сони анча ўсган. Кейинги ярим асрда табиатнинг экин майдонлари 2,5-3 бараварга камайиб кетиб, унинг ўрнини яшаш ва ижтимоий бинолар, темир ва автомобил йўллари, аэропортлар ва денгиз тўхташ жойлари, чиқинди майдонлари эгаллаган.

Биз экологик инқирознинг нақадар жиддийлигини тушунтириш учун атиги юз йил давомида бўлган ўзгаришларни қиёсий таҳлил этиб, асл вазиятни Сизга кўрсата олишга ҳаракат қиламиз.

Автомобиль транспорти XIX аср охирларида пайдо бўлди. Автомобиль саноати энг ёш саноат тармоқларидан бири бўлишига қарамадан, атроф-муҳитни ифлосланишига қўшган ҳиссаси салмоқли.

Жаҳон миқёсида автомобиллар сони

Йиллар	Дунё бўйича автомобиллар миқдори
1900 йил	11 000 автомобиль
1973 йил	260 миллион
1976 йил	250 миллиондан ортиқ
1990 йил	450 миллион
2000 йил	700 миллион
2003 йил	800 миллион
2015 йил	1,5 миллиард дон⁶

⁶Қаранг.: Саломова .Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти.2018.Бухоро.:”Дурдона”.164-бет.

2022 йил	Ҳисоб китобларга кўра баъзи манбаларда 1.5 миллиард машиналар, бошқа манбаларда 1.4 ёхуд 1,2 миллиард машиналар йўлда қатнаганлиги уқтирилмоқда. (Бизнинг назаримизда бу статистик миқдор фақат енгил машиналар рўйхатини олган, ҳаётда машиналар сони озгина кўпроқ.)
----------	--

Бир квадрат километрда, яъни 1 км^2 ҳудудда енгил машинанинг сони 1000 дан асло ошмаслиги лозим. Бир дона юк машинаси 5 дона енгил машинага эквивалент сифатида тўғри келади⁷. Бундай улкан миқдор ўзгаришлари албатта сифат ўзгаришларига олиб келади. Афсуски бу сифат ўзгаришлари экологик инқирозга олиб келади.

1 км² (яъни бир квадрат километрли маконда) ҳудудда енгил машинанинг сони 1000 дондан асло ошмаслиги лозим. Бу машиналар учун белгиланган экологик меъёр. Аммо инсоният бу меъёрдан чиқмоқда.

Энди юқорида келтирилган кўрғошин – Pb (Саноат пайдо бўлмаган бир вақтда бир йилда табиий шамоллар орқали атиги 11 минг тонна кўрғошин океанга тушган) нинг ҳозирги пайтдаги океан бағрига ташланаётган 430 000 тонна билан қиёсласак. Ҳозирги пайтда океан бағрига ҳар йили 430 000 тонна кўрғошин келиб чиқмоқда. Бундай ифлосланиш 1940 йилдан, яъни автомобил бензини учун $\text{Pb}(\text{C}_2\text{H}_5)_4$ тетраэтил кўрғошиннинг антидетонатор сифатида ишлатила бошланганидан бери рўй берди.

Илгарилари $\text{Pb}(\text{C}_2\text{H}_5)_4$ тетраэтил кўрғошин билан атроф-муҳит ифлосланмаган, ҳозир эса у билан 400 марта кўп ифлосланиш кузатилмоқда. Оғир метал тузларининг салбий оқибатлари маълум. Автомобиль саноати пайдо бўлиши билан атроф-муҳитнинг тетраэтил кўрғошин билан ифлосланиши вужудга келди. $\text{Pb}(\text{C}_2\text{H}_5)_4$ тетраэтил кўрғошинни биринчи марта 1853 йил немис-олмон химиги К.Лёвигом олди. Америкалик тадқиқотчилар Миджли ва Байд 1921 йилда бу бирикмани озгина қисмини бензинга қўшганда суяқ ёқилғи детонациясини қаттиқ камайтиришини, шу сабаб ички ёнув двигателининг ички ёнуви қуввати кўпайганини аниқлади. 1923 йилдан бери у авиация, кемачилик ва автомобиль двигателларини чиқиндиси сифатида атмосферани ифлослаб келмоқда. $\text{Pb}(\text{C}_2\text{H}_5)_4$ тетраэтил кўрғошин (антидетонатор) РЭК рухсат этиладиган концентрацияси $0,005 \text{ мг/м}^3$

Ички хулоса: Биз асло машинасозлик саноати ривожига қарши эмасмиз, аммо биосфера имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир ҳудудда муайян миқдордаги транспорт меъёрига амал қилинишини истаймиз. Куёш энергияси билан ишлаётган автомашиналарнинг кундан-кунга кўпайиши, куёш энергиясидан фойдаланиш шахобчаларининг кенгайиши – булар инсонларнинг экологик билим ва маданияти ошганидан, табиат борлигини асраш учун имкониятлар излаётганидан далолат беради. Қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган ҳар қандай технологиялар экологик асосланган бўлиши лозим, зеро улар ернинг оптимал зичлигини сақлаб қолиш учун табиат борлиги олдида масъулдирлар. Шу сабабли ҳам, **биз меъёрни борлиқнинг олтин қонун деб атаймиз.**

Жаҳон цивилизациясининг келажаги айнан шу муаммони яъни ҳар бир давлатнинг экологик меъёрларига риоя қилиш ёхуд қилмаслик муаммоларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Куёш батареялари билан ишлайдиган жамоат миниавтобусларини ташкил этиб, яшил иқтисодиёт принципларига риоя қилиш зарур.

ЕЧИМ: Инсон – антропоген омил меъёрига қатъий риоя қилиши шарт. Ов қилаётган пайт 70% қондасидан чиқмаслиги, тупроқ билан мулоқот пайтида “қайтариш қонун”ини бузмаслик, унинг оптимал зичлигини сақлаб қолиш лозим. Бунинг учун ўз истеъмолини, ҳар бир экосистеманинг имконият чегарасини билиб олиб бориши керак. Айнан худди шу фикрни бир неча аср олдин Юсуф Ҳамадоний томонидан ёзилган “Инсон ва коинот ҳақида рисола”

⁷Инженерная экология и экологический менеджмент.М.”Логос”. 2003.С.

(“Фи аннал – кавна мусаххарун лил-инсон”)⁸ жажжи рисоласида учратамиз: “...Сен табиат борлиғида яшайсан, коинотдан фойдаланасан, коинотдага ҳар бир зарра, ҳар бир жонивор-у, наботот, ҳар бир сув, ҳар бир олов, ҳар бир тупроқ “сен истаган ҳожатинг миқдорида ва мақсадинг ҳаддига мувофиқ бўлса фойдалидир.”⁹ Демак, барча экологик компонентларни меъёридагина ишлата олишимиз шарт, бу **биринчи қонун;иккинчидан: “...Булардан ҳожатинг доирасида ишлатсанг, сенга фойдалидир. Лекин ҳожатдан ортиб кетса, сени**

ў

л

д

и

р

а

д

и

,

м

а Демак, Юсуф Ҳамадоний фикрича қайси табиат борлигининг бири – у хоҳ ўсимлик, хоҳ ҳайвонот олами вакили бўлсин, уларнинг сифат кўрсаткичларини, меъёрини билиб ўша доирадагина ундан фойдаланишнинг мумкин. Мазкур табиат вакилига меъёридан ортиқ таъсир кўрсатиб, фаолият юритсанг, бу фаолиятнинг якуни табиат борлиғига зарар етказди.

1. “Инсон – коинотнинг ҳукмдори, сайид хожасиз.

2. Инсон – коинот (борлиқнинг) кули. Сизнинг ожизлигингиз – коинотсиз, борлиқсиз яшай алмаслигингизда.

д Борлиқ хожа Юсуф Ҳамадоний наздида борлиқ қадр-қимматли ва инсондан устун. Айни пайтда инсон тафаккурига, ҳаракат амалига боғлиқ бўлган бебаҳо ҳазинадир. Хожа Юсуф Ҳамадоний ўзларининг “Инсон ва коинот ҳақида рисола” Рисола (“Фи аннал – кавна мусаххарун лил-инсон”)¹² китобларида борлиқнинг қуйидаги кўринишларга ажратадилар:

Борлиқни – таом, сув, уй, маскан;

Борлиқ – оила қуриш ва никоҳланиш; инсонлар билан бирга бўлиш, уйқу ва уйғоқликдир;

Коинот иссиқлик ва совуқликдир.

Коинот нур ва оловдир.

Коинот сув ва тупроқдир.

Коинот ҳаво ва шамолдир.

Коинот инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидир.

Коинот ейиш, ичиш, эшитиш, хидлаш, сўз, иш, ҳаракат, ва тўхташдир.

Борлиқ тафаккур ва ботиний ишларда мулоҳаза юритишдир.

Борлиқ ирода ва истакдир.”¹³

Юсуф Ҳамадоний инсоннинг борлиққа мунособат, табиат борлиғидаги ўрни, коинот ва инсон орасидаги диалектик алоқадорликка, ҳар бир инсоннинг коинотга меъёри билан тўғри мунособатда бўлишини, айнан мана шу мунособатда бўлсагина, коинот ҳам бошқача сўзлар билан айтганда бутун табиат борлиғи ҳам инсонга фойдали мунособатда бўлиб, унга хизмат қилишини ақибатда борлиқнинг қуйидаги кўринишларга ажратадилар:

Борлиқни – таом, сув, уй, маскан;

Борлиқ – оила қуриш ва никоҳланиш; инсонлар билан бирга бўлиш, уйқу ва уйғоқликдир;

Коинот иссиқлик ва совуқликдир.

Коинот нур ва оловдир.

Коинот сув ва тупроқдир.

Коинот ҳаво ва шамолдир.

Коинот инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидир.

Коинот ейиш, ичиш, эшитиш, хидлаш, сўз, иш, ҳаракат, ва тўхташдир.

Борлиқ тафаккур ва ботиний ишларда мулоҳаза юритишдир.

Борлиқ ирода ва истакдир.”¹³

Юсуф Ҳамадоний рисола “Инсон ва коинот ҳақида рисола” Рисола (“Фи аннал – кавна мусаххарун лил-инсон”) китобларида борлиқнинг қуйидаги кўринишларга ажратадилар:

Борлиқни – таом, сув, уй, маскан;

Борлиқ – оила қуриш ва никоҳланиш; инсонлар билан бирга бўлиш, уйқу ва уйғоқликдир;

Коинот иссиқлик ва совуқликдир.

Коинот нур ва оловдир.

Коинот сув ва тупроқдир.

Коинот ҳаво ва шамолдир.

Коинот инсонлар билан бирга бўлиш, халқ билан аралашидир.

Коинот ейиш, ичиш, эшитиш, хидлаш, сўз, иш, ҳаракат, ва тўхташдир.

Борлиқ тафаккур ва ботиний ишларда мулоҳаза юритишдир.

Борлиқ ирода ва истакдир.”¹³

8 Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2003.

9 Абдуллоҳиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Ўз.Р. ФАШИ. № 2533. 20-37 в.

а

л

о

к

Инсониятнинг борлиқ олдидаги масъулияти, ёрқин бир маёқ мисоли кўрсатиб берилган. Эътибор беринг: “**Сен хизматингдаги нарсаларни бошқарасан...Бу ишнинг чораси ва**

й Инсоният табиат борлиғи билан муомалда қилганда ҳаддан ошдими? Албатта ошди, ов
лоидаси бўлган 70% қоидасига риоя қилдими? Йўқ, натижада қанчадан-қанча турлар Ер
юзидан йўқолиб кетди.

Хожа Юсуф Ҳамадоний табиат борлиғи, унда инсон ўрни, табиат борлиғини эъзозлашда
инсоннинг фаоллиги даражаси ҳақида бундай ёзадилар: “...қоинот (борлиқ) ожиздир, чунки у
қизнинг хизматингизга топширилган...Фойдаю манфаатга, яроқли нарсаларга муҳтож
бўлганингиз учун дунё сизларга бўйсундирилди. Қоинотнинг қадр-қиммати ва устунлиги
очиқ-ойдин равшан. Чунки унинг фойдали ва завқли жиҳатларидан фойдаланишингиз мумкин.
Шу боис қоинот бир томондан ожиз бўлса, бир томондан саййид –ҳожадир. Сиз ҳам бир
жиҳатдан борлиқни бошқарувчисиз, иккинчи томондан эса ожизу муҳтожсиз. Сенинг
оқизлигинг – қоинотсиз яшай олмаслигингдир”¹⁵. Юқоридаги фикрларни таҳлил этсак,
ажойиб бир диалектик мантикий ҳақиқатга дуч келамиз. Табиат борлиғи ва Инсон – ҳар
иккиласида ожизлик ва устунлик диалектикаси кўзга ташланади. Ҳар иккала томоннинг заиф
ва устунлик томонларини кўрсата олди.

Улар орасидаги олтин мутаносибликни Юсуф Ҳамадоний ўз даврида аниқ кўрсата олгани
инсонни ақл – заковатини лол қолдиради. Эътибор беринг, Юсуф Ҳамадоний ёзадилар: “Қоинот
е сув ва тупроқдир. Улар иккаласи сен истаган ҳожатинг миқдорида ва мақсадинг ҳаддига
мувофиқ бўлса фойдалидир. Агар улар наф етказиш даражасидан зиёда бўлса, унинг ортиғини
қарқ этасан”¹⁶. Инсон учун бир кунда биологик эҳтиёжини қондириш учун 2-2,5 литр тоза
ичимлик суви талаб этилади. Ҳаво ҳарорати мўътадил бўлганда, зеро ҳаво иссиб кетса, бу
кўрсаткич ўзгаради.

Биосферада яшовчи ҳар бир инсон диний эътиқодидан қатъий назар, қайси динга эътиқод
қилади ёхуд аксинча бирор бир динга эътиқод қилмаслигидан, тана ранги, тили, миллати
нуқтаи назаридан, камбағал учун ҳам, бой учун ҳам, қайси мамлакатда яшашидан қатъий назар
ўзининг ортиқча истеъмолини камайтириши барча учун баробар.

Мутахассислар маълумотларига кўра, сайёрамизда ҳар йили 15 миллиард тупга яқин
дарахт кесилади, экиладиганларининг сони эса беш миллиарддан ошмайди. Шу боис,
малқимизда шундай ақида бор: “Бирни кессанг, ўнни эк! ” Ушбу қоидага амал қилинми?
Йўқ, албатта. Шу туфайли 2019 йил, 2020-2022 йиллар иссиқ йил мақомини олди. Ўсимлик
қопламаси камайиб кетгани боис.

2019 йилда Ўзбекистон “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси”ни қабул қилди.

Яшил иқтисодиёт – иқтисодий тизим бўлиб, унинг асосий мақсади сайёрамизнинг
биологик, кимёвий, физикавий аниқроқ қилиб айтганда, унинг табиий ҳаёт кўрсаткичларини
рақлаб қолиш билан бирга иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган
иқтисодиёт тушунилади. Ўзбекистон 2030 йилгача “яшил иқтисодиёт”га ўтишни мақсад
қилиб қўйган.

Олмос қанча туради? Тоза ҳаво ёки тоза сув-чи? Табиат борлиғидаги экотизимлар
махсулдорлиги нисбатан нисбатан нисбатан нисбатан нисбатан нисбатан нисбатан нисбатан
нўп ҳосил беради. Бунга сабаб нима? Нега ерлар шўрланмоқда? Ҳосилдор ерларнинг сифат
кўрсаткичларини қандай воситалар орқали асраш мумкин? Нега инсоният дарахтларда етилган
меваларни кўра олади, аммо тинимсиз “меҳнат” қилиб, карбонат ангидридни кислородга
айлантириб бераётган барглар “ишини” кўра олмайди?

Р
а

¹⁵Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва қоинот ҳақида рисола” (Юсуф Ҳамадоний. Рисола (фи аннал-кавна
мусаххарун лил – инсон). Истамбул. Кўпрули кутубхонаси. Ф.А.Пошо.№853. 209 а -2126.

¹⁶Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва қоинот ҳақида рисола” (Юсуф Ҳамадоний. Рисола (фи аннал-кавна
мусаххарун лил – инсон). Истамбул. Кўпрули кутубхонаси. Ф.А.Пошо.№853. 209 а -2126.

¹⁷Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний.Т.:”Янги аср авлоди”.2003.43-бет.Хожа Юсуф
Ҳамадоний. Инсон ва қоинот ҳақида рисола. 43-бет.

Экокомпонентларнинг иқтисодий қиймати инсон меҳнати туфайли юзага келса, экологик қийматини табиатнинг ўзи узоқ йиллар машаққатли – “меҳнати” туфайли юзага келтиради. Инсон меҳнати туфайли пахтазорлар, боғлар, сунъий сув ҳавзалари, мебеллар, самолётлар, машиналар яратилади. Инсон асалари қилган меҳнатни бажара оладими?

Экологик қиймат – экокомпонентларнинг биомахсулдорлиги, биомассаси, сони, мақбуллиги, барқарорлиги экологик валентлиги, экологик самарадорлиги, толерантлиги (чидамлилиқ меъёри), оптималлиги, лимитрик меъёри, экологик мувозанатдаги роли, ўз-ўзини янгилаш, қоплаш функциялари ва бошқа бир қанча экологик – энергетик кўрсаткичлари билан характерланади. Экологик қиймат ўзига “табиий сифат, яъни табиий ҳаёт кўрсаткичларига тенг сифатни” сингдирган бўлади. Экологик қийматли экокомпонентгина жамият учун ниҳоятда нодир моддий бойлик саналадики, унинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмайди.

Х У Л О С А

1. Юсуф Ҳамадонийнинг “Инсон ва коинот ҳақида рисола”синин мақсади

Юсуф Ҳамадонийнинг “Фи аннал – кавна мусаххарун лил-инсон” ёхуд “Инсон ва коинот ҳақида рисола”сида коинот –бу ер, тупроқ, ҳаво, шамол, жонзот, наботот, иссиқлик, совуқлик, нур ва олов ва маскан деган тушунчалар орқали **табиат борлигини** ифода этган;

Коинот – бу “оила”, “дўстлар”, “жамият”, “ҳаракат”, “хоҳиш”, “истак”, “инсонлар билан бирга бўлиш”, “никоҳланиш” - орқали ижтимоий-жамият **борлиги**;

“Сенинг ожизлигинг”, “сенинг устунлигинг”, “борлиқ тафаккур ва ботиний ишларда мулоҳаза юритиш” иборалари орқали **индивидуал, табиий-руҳий инсон борлигини**;

“Мақсаднинг ҳаддига мувофиқ”, “ҳожатинг миқдорида”, “ўлчов доирасида”, “мувозанатни сақлаш”, “ҳаддан ошмаслик” тушунчалари орқали – **табиий-экологик меъёрлар моҳиятини ёритганини англадик. Бошқа томондан Юсуф Ҳамадоний гўё Ер юзида яшайдиган барча инсониятни яшаш одобига, табиат борлигидаги меъёрга амал қилиб инсониятни яшашга даъват этганини узоқдан туриб баланд овозда уқтирмоқда. (Бу рисолани “чайнаб ўқиш” фойдали илмларни инсониятга хизмат қилдириш дейилади).**

II. Х у л о с а :

1. Барча экологик компонент, омиллар ўзининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари – табиий-экологик меъёрига эга; Антропоген омилнинг ҳам меъёри мавжуд.

2. Экотизим, биосферанинг имконият чегараси мавжуд. Инсон – кучли геологик куч. Аммо ҳар бир антропоген фаолият меъёрга риоя қилмаса (триггер, деградацион таъсирлар) миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келади-экологик инкироз рўй беради.

3. Экологик қийматни яратувчиси–табиат ва унинг компонентлари, уларнинг минг йиллардаги эволюцион «меҳнат» натижаси бўлса, мазкур экокомпонентнинг иқтисодий қийматини инсон яратади;

4. Экологик қиймат – бу экокомпонентнинг табиий сифат кўрсаткичи, меъёри, баҳосидир. Эман дарахти кесилган пайт фойдали, ёхуд кесилмаган. Албатта кесилмаган пайти инсониятга катта фойда келтиради. У-кислород манбаи, у тупроқ намлигини сақловчи жонли организм ва ҳ.к.

5. Экологик қиймат моҳият, иқтисодий қиймат эса ҳодисадир;

6. Ҳар қандай экологик компонентнинг экологик қиймати унинг иқтисодий қийматидан юқори бўлади;

4. Экологик компонентнинг экологик қиймати унинг иқтисодий қийматига тўғри пропорционалдир;

5. Экологик компонентнинг экологик қиймати биосфера аҳамиятига молик бўлган қийматдир. Шу сабабли ҳам, унинг ўрнини бошқа бир қийматли экокомпонент боса олмайди.⁵ Бошқача сўзлар билан айтганда, сув ўрнини ҳаво, ҳаво ўрнини сув, олхўри ўрнини олма асло боса олмайди. Ҳар бир экокомпонент биосфера аҳамиятига моликдир.

⁵ Саломова Х.Ю. Экологик қиймат устунми ёки иқтисодий қиймат?//Иқтисод ва ҳисобот.1996.№5.40-41 бетлар. Саломова Х.Ю. Экология, производство, человек// Экономика и статистика.1996.№5.С.30-32.

6. Муайян бир экологик компонентнинг экологик қиймати иккинчи бир экомпонентнинг қиймати билан ҳам тўғри пропорционалдир. Масалан, биосферада ўрмонларнинг тугатилиши атмосферада кислороднинг камайишига сабаб бўлади. Демак, ўрмонларнинг экологик

15. The Condition Consequences and of Biological Changes in Biosphere.// Irish Interdisciplinary Journal of Science and Research (IJSR) Vol.5Iss.1. Pages 01-06. January

қиймати асралганда, биосфера учун зарур бўлган кислород – абиотик компонент қиймати ҳам асралган бўлади. Бир самолётнинг Европа билан Америка орасида қатновига 50-100 тонна кислород сарфланади. Бу кислородни тиклаш учун эса 10000 гектар ўрмон бир кеча-кундуз вақт сарфлаб «ишлаши» зарур, аслида ўрмонлар шафқатсизлик билан йўқотилиб юборилмоқда. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон иқтисодий негизини энг аввало, экологик қиймат ташкил этиб ишлаб чиқариш худди шу асосда ташкил этилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Президент Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасида ўтказилган “Яшил ўсиш ва глобал мақсадлар учун ҳамкорлик-2030” (P4G) иккинчи халқаро саммитидаги нутқи.
- 2.Ш. Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент.: “Ўзбекистон”. НМИУ. 2017. 114-бет.
- 3.Инженерная экология и экологический менеджмент.М.”Логос”. 2003.С.14.
- 4.Саломова Х.Ю. Меъёрнинг фалсафий моҳияти ва амалий аҳамияти. Бухоро.: “Дурдона”. 2018. 168 Б.
- 5.Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. Т.: “Шарқ”. 2008. 110 Б.
- 6.Инженерная экология и экологический менеджмент.М.”Логос”. 2003.С.530.
- 7.Юсуф Ҳамадоний. Рисола (Фи аннал-кавна мусаххарун лил-инсон). Истамбул, Кўпркли кутубхонаси, Ф.А.Пошо,№ 853. 209а – 212б.
- 8.Хожа Абдулоҳиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2003.
9. Хожа Абдулоҳиқ Гиждувоний. Мақомоти Юсуф Ҳамадоний.Т.:”Янги аср авлоди”. 2003.43-бет. Хожа Юсуф Ҳамадоний. Инсон ва коинот ҳақида рисола. 43-бет.
- 10.Саломова Х.Ю. Биосферанинг имконият чегаралари ва антропоген таъсир меъёри// Биология ва тиббиёт муаммолари. Халқаро илмий журнал//2016. №3 (89) Problems of biology and medicine.
- 11.Саломова Х.Ю. Жамиятнинг сувга бўлган эҳтиёжи ва биосферанинг имконият чегараси// Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. Общественное мнение.//2010.№3.62-65 бетлар.
- 12.Саломова Х.Ю. Биосферадаги биологик ўзгаришларнинг ҳолати, оқибатлари ва хавфи// Экология хабарномаси//Экологический вестник. 2009.№6.25-28 бетлар.
- 13.Саломова Х.Ю. Ҳаёт омиллари// Фалсафа ва ҳуқуқ. Илмий-назарий, маърифий журнал.2005.№1. (3)53-56 бетлар.
14. The Condition Consequences and of Biological Changes in Biosphere.// Irish Interdisciplinary Journal of Science and Research (IJSR) Vol.5Iss.1. Pages 01-06. January March 2021.Article Accepted 02 February 2021/ 1-6 p.
- 15.Саломова Х.Ю. Биосферанинг ҳаёт кўрсаткичлари//“Фалсафа ва ҳуқуқ”.Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти.Ўзбекистон Файласуфлари миллий жамияти. 2006 йил №4. 63-64 бетлар.

Юсуф Ҳамадонийнинг “Фи аннал – кавна мусаххарун лил-инсон” ёхуд “Инсон ва коинот ҳақида рисола”сида коинот –бу ер, тупроқ, ҳаво, шамол, жонзот, наботот, иссиқлик, совуқлик, нур ва олов ва маскан деган тушунчалар орқали **табиат борлиғини** ифода этган;
Коинот – бу “оила”, “дўстлар”, “жамият”, “ҳаракат”, “хоҳиш”, “истак”, “инсонлар билан бирга бўлиш”, “никоҳланиш” - орқали ижтимоий-**жамият борлиғи**;
“Сенинг ожизлигинг”, “сенинг устунлигинг”, “борлиқ тафаккур ва ботиний ишларда мулоҳаза юритиш” иборалари орқали **индивидуал, табиий-руҳий инсон борлиғини**;
“Мақсадинг ҳаддига мувофиқ”, “ҳожатинг миқдорида”, “ўлчов доирасида”, “мувозонатни сақлаш”, “ҳаддан ошмаслик” тушунчалари орқали – **табиий-экологик меъёрлар моҳиятини ёритганини** англадик. Бошқа томондан Юсуф Ҳамадоний гўё Ер юзида яшайдиган барча инсониятни яшаш одобига, табиат борлиғидаги меъёрга амал қилиб инсониятни яшашга даъват этганини узоқдан туриб баланд овозда уқтирмоқда. (Бу рисола **ни “чайнаб ўқиш”** фойдали илмларни инсониятга хизмат қилдириш дейилади).

Энг эътиборлиси шу бўлдики, Нобел мукофоти Африка қитъасида яшовчи кениялик 64 ёшли аёл Вангари Маатаига топширилди. Зоолог олима ва табиат ҳимоячиси бўлган бу аёл


«Олтин камар» ҳаракатининг етакчиси сифатида 10 йил давомида Африка ерларига 30 миллиондан ортиқ дарахт ўтказган эди.

«Бу мукофот бир менга эмас, балки мамлакатимдаги ўрмонларни йўқотишга қарши бўлган юзлаб одамларга ҳам берилган, -деб биламан, деди Вангари Маатаи,- дунёда урушлар бўлиб минглаб одамлар ҳалок бўлмокда. Мен ана шу хунрезликларга қарама-қарши ишлар қилаётганлар куплигидан миннатдорман».

Африкалик биринчи Нобел мукофоти соҳибаси – Вангари Маатаини барча қатнашчилар шарафладилар. Зеро, эзгулик учун ақл бовар қилмас даражада хизмат қилган фидойи аёл Африканинг сувсиз саҳроларида ўрмонзор ташкил этишга уриниши эҳтимоли, аввалига кимларнингдир нимкулгусига сабаб бўлгандир. Бироқ яхшилик йўлидаги заҳматли меҳнатлари зое кетмади. Норвегия қироли Харольд Бешинчи дунёдаги энг юксак мукофотни унга тантана билан топширди.

64 ёшли Вангари Маатаи олтин медал ва 1,48 миллион долларлик чекнинг соҳибаси бўлди.

Ҳақиқатдан ҳам ўз умрини эзгу ишлар бағишлайдиган аёллар дунёда талайгина, Г.Ибсен: "Инсон қалби унинг ишларида акс этади", деганида ҳақ эди. Зеро эзгу ишлар фақат қалби тоза ва буюк кишилар томонидан рўйбга келади.



ТАСАВВУФДА “ИРОДАТ СИЛСИЛАСИ”¹

Шарипова Ойгул Турсуновна,
фалсафа фанлари доктори (DSc), доцент. Бухоро давлат университети

ДУХОВНАЯ ГЕНЕОЛОГИЯ В УЧЕНИИ ТАСАВВУФ

Шарипова Ойгул Турсуновна
доктор философских наук (DSc), доцент. Бухарский государственный университет

SPIRITUAL GENEALOGY IN TASAVVUF

Sharipova Oigul Tursunovna
Doctor of Philosophy (DSc), Associate Professor. Bukhara State University

<https://orcid.org/0000-0000-0000-0000>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада тасаввуф таълимотида амал қиладиган муридлик силсиласи ҳақида фикр билдирилади. Тасаввуфда “иродат силсиласи”, мурид (шайх, пир) томонидан муридга, ўз навбатида, мурид (шайх, пир) га айланган мурид томонидан унинг муридларига узлуксиз равишда узатиб бориладиган ворислик асосидаги муридлик – муридлик занжири, сўфийлик анъанасининг бир авлоддан кейинги авлодага узлуксиз равишда узатиб борилишини таъминлайдиган муридлик – муридлик тизими ифодаланган. Бу борадаги фикрлар Хожагон-Нақшбандия тариқати мисолида ифодаланиб, ушбу тариқат вакиллари ўз иродат силсилаларини Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан бошланганлиги ҳақидаги фикрлар манбалар асосида ёритилган. Ушбу силсилани мазкур тариқат шайхлари “Силсилат уз заҳаб” (“Олтин силсила, “Олтин занжир”) деб атаганлари, Хожагон тариқатининг асосчиси Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг бу борадаги фикрлари манбалар орқали асосланган.

Мазкур тариқат Маворауннаҳрдаги бутун тарихи давомида, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Ахрордан кейин ҳам Хожагон номи билан аталганлиги, Нақшбандиянинг Бухородан етишиб чиққан пирлари ўз даврининг илму-маърифатини, одоб-ахлоқини, тасаввуфий сир-асрорини эгаллаган комил инсонлар бўлганлиги, Улар ибодатда, дунёвий муносабатларда, халқ билан мулоқотларда ҳамиша яхши амалларнинг, эзгуликнинг энг юксак намунасини намоён қилганлари, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувонийдан кейин Хожагон тариқати буюк сўфийлар, мутасаввифлар томонидан муносиб давом эттирилганлиги, янгиликлар, қўшимчалар киритилиб янада такомиллаштирилганлиги каби муаммолар баён қилинган. “Даст ба қору, дил ба Ёр” Абдуҳолиқ Гиждувоний асослаган шиор, ҳалол меҳнат ҳақидаги ғоялар кейинги давр Хожагонлик таълимоти тарққиётида асос бўлиб хизмат қилганлиги каби хулосалар келтирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР:

Тасаввуф, сўфий, мурид, мурид, ворислик, шайх, силсила, тариқат, Хожагон, Нақшбандия, одоб, шариат, “олтин силсила”, силсила бошловчиси.

АННОТАЦИЯ

В данной статье высказывается мнение о серии мюридов, используемых в суфизме. В суфизме «цепь воли» — это цепь мюридизма, основанная на преемственности, которая

непрерывно передается от муршида (шейха, пира) к мюриду и от мюрида, ставшего муршидом (шейха, пира), к его мюридам. , непрерывно передающего суфийскую традицию из поколения в поколение, выражается система муршид - мюрид, которая обеспечивает переход. Представления по этому поводу высказаны на примере секты Ходжагон-Накшбандия, а также на основе источников разъяснено мнение о том, что представители этой секты начинали свои завещания с Пророка (с.а.с.). Эта цепочка называется «Силсилат уз Захаб» («Золотая цепь», «Золотая цепь») шейхами этого тариката, исходя из источников мнений основателя Ходжаганского тариката Абдулхалика Гиждувани.

На протяжении всей истории этой секты в Маворауннахре, в честь Ходжи Бахауддина Накшбанди и Ходжи Насируддина Убайдуллы Ахрора, она называлась по имени Хваджагон, старейшины Накшбанди, пришедшие из Бухары, были совершенными людьми, владевшими знаниями, нравами и мистическими тайнами. своего времени всегда добрые дела в отношениях и общении с людьми, такие проблемы, как те, кто показал высший пример добра, что после Ходжи Абдухолика Гиждувани орден Ходжагана был продолжен великими суфиями и мистиками, и что он еще более совершенствовался путем внесения нововведений и дополнений. дана основа для развития учения о ходжагонизме в последующий период.

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА

Суфизм, суфий, преемство, шейх, ряд, тарикат(дорога), Ходжаган, Накшбандия, манеры, шарият, “золотая цепочка”, основатель преемства

ANNOTATION

This article expresses an opinion about the series of murids used in Sufism. In Sufism, the “chain of wills” is a chain of muridism based on continuity, which is continuously transmitted from a murshid (sheikh, pir) to a murid and from a murid who has become a murshid (sheikh, pir) to his murids. , which continuously transmits the Sufi tradition from generation to generation, the murshid-murid system is expressed, which ensures the transition. Ideas on this subject are expressed on the example of the Khodjagon-Naqshbandiya sect, and on the basis of sources, the opinion that representatives of this sect began their testaments with the Prophet (peace and blessings be upon him) is clarified. This chain is called "Silsilat uz Zahab" ("Golden Chain", "Golden Chain") by the sheikhs of this tariqat, based on the sources of the opinions of the founder of the Khojagan tariqat, Abdulkhalik Gijduvani.

Throughout the history of this sect in Mavoraunnahr, in honor of Khoja Bahauddin Nakshband and Khoja Nasiruddin Ubaidulla Akhror, it was called by the name of Khvajagon, the elders of Nakshbandi, who came from Bukhara, were perfect people who owned knowledge, morals and mystical secrets.

KEYWORDS

Sufism, Sufi, succession, sheikh, row, tarikat (road), Khojagan, Naqshbandiya, manners, Sharia, “golden chain”, founder of succession.

КИРИШ. ВВЕДЕНИЕ (Introduction)

Жаҳонда ҳамма даврларда ҳам инсониятнинг маънавий – ахлоқий жихатдан тарбиялаш, такомиллаштириш, халқаро маданий трансформация жараёни меъёрлаштириш, умуминсоний тамойил ва қадриятларни юксак даражага кўтариш, умумбашарий хусусиятга эга бўлган маънавий қадриятлар тизимини ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан глобал дунёда “маънавий қашшоқлик” каби умумбашарий характерга эга бўлган кемтикликларга қарши курашишда ворисийлик ва замонавийлик тамойилини

уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш, тасаввуф илмининг инсон баркамоллигига таъсирини ҳозирги давр ижтимоий- сиёсий воқеалари билан синтезлаш зарурдир.

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиётида фалсафа умумназарий масалаларининг Шарқда ўрганилганлиги, хусусан, инсоннинг ижтимоий, маънавий, руҳий маънавиятига оид фундаментал тадқиқотлар олиб борилишига имкон яратмоқда. Жумладан, мутасаввифларнинг маънавий меросида илгари сурилган тасаввуфнинг асосий масалалари ҳақидаги қарашларини ўрганиш асосида умуминсоний маданиятлар контекстида консенсус ва бағрикенглик каби тамойилларнинг юксак маънавиятли янги жамият тараққиётидаги мазмунини илмий-назарий асослаш аҳамиятлидир.

Шу маънода тасаввуф таълимотидаги ворисийлик силсиласини фалсафий жиҳатдан таҳлил этиш, инсоният фалсафий тафаккури тарихидаги азалий муаммоларнинг тариқат пирлари таълимотларида ифодаланишини ўрганиш, инсон руҳияти, ахлоқи ва маданиятидаги жиҳатларни манбалар асосида асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида қанчадан-қанча улуғвор ишлар амалга оширилди. “Таъкидлаш жоизки, Ватанимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўяётган бугунги кунда биз учун қадимий тарихимиз ва маданиятимизга оид янги илмий тадқиқотлар ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам биз жаҳондаги илмий - маданий ташкилотларни Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, асраб-авайлаш ва тарғиб этиш жараёнларига кенг жалб этиб, дунёнинг турли мамлакатларидаги шу йўлда бирга ишлаш истагини билдирган олимлар ва мутахассисларга ҳар томонлама ёрдам беришда давом этамиз”,⁻² деган фикрлардан келиб чиқиб, бу борадаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун жиддий эътибор берилаётганлигини англаймиз.

МЕТОДЛАР. МЕТОДЫ (Methods)

Мазкур мақолани ёзишда қиёсий таҳлил, ретроспектив таҳлил, тизимли ёндашув, креатив ёндашиш, диалектик, герменевтик, синергетик илмий билиш усулларидадан фойдаланилган.

НАТИЖАЛАР.Мулоҳаза. РЕЗУЛЬТАТЫ

Тасаввуфда “иродат силсиласи”³ деб, муршид⁴ (шайх, пир) томонидан муридга⁵, ўз навбатида, муршид (шайх,пир)га айланган мурид томонидан унинг муридларига узлуксиз равишда узатиб бориладиган ворислик асосидаги муршидлик – муридлик занжири, сўфийлик анъанасининг бир авлоддан кейинги авлодага узлуксиз равишда узатиб борилишини таъминлайдиган муршидлик – муридлик тизимида айтилади. Шунингдек, баъзида “иродат силсиласи“ деганда, бирор муршид (шайх, пир) нинг ўз муршиди (шайх, пири)ни ва ўз муршиди (шайхи, пирининг муршидлари (шайхлари, пирлари)ни ушбу занжирининг охирига ҳалқаси бўлимиш ўзидан бошлаб мазкур занжирнинг бошига қараб узлуксиз тарзда номма - ном айтиб боришидан ҳосил бўлган муршидлар (шайхлар, пирлар)рўйхати тушунилади⁶.

Хожагон-Нақшбандия тариқатида ушбу тариқат вакиллари ўз иродат силсилаларини Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан бошланган дейишади.

“Рашаҳот айн ал-ҳаёт”, (“Оби – ҳаёт томчилари”) асарида ҳам муршидлик-муридлик риштаси беш йўл орқали Хожагон-Нақшбандия пирларига етиб келганлиги айтилса ҳам, қуйидаги силсилани асосий йўл ҳисоблашган: Муҳаммад (с.а.в.); Абу Бакр Сиддик; Солмони

²Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.Тошкент: “O‘zbekiston” нашриёти, 2021. –Б. 37.

³Силсила - (арабча:занжир, қатор, тизим), 2) бирор таълимотнинг устоздан шогирдга узлуксиз тартибда узатиб бориш тизими;

⁴Муршид - (арабча-иршод килувчи, тўғри йўлга бошловчи

⁵Мурид (арабча иродат килувчи, истовчи) муршидга шогирд тушган, толиби илм;

⁶Қаранг Акиммушкин О.Силсила//Ислам. Энциклопедический словарь. Москва: Наука, 1991, -С. 206-209; Ислон. Энциклопедия.А-Х//Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида.-Т.”Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017. -Б. 418-419.

Форсий; Қосим бин Муҳаммад Жаъфари Содиқ; Боязид Бистомий; Абдулҳасан Ҳараконий; Абу Али Формадий; Хожа Юсуф Ҳамадоний; Абдулҳолик Ғиждувоний. Ушбу силсилани мазкур тариқат шайхлари “Силсилат уз заҳаб” (“Олтин силсила, “Олтин занжир”) деб атаганлар. Абдулҳолик Ғиждувоний бу борада устозининг қуйидаги фикрларини баён этган: “Бу (тариқат) йўли ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ разийаллоҳу анҳудан бизгача етиб келган ва қиёматга қадар давом этажакдир. Шу боис барча мўъминлар ва солихлар бу танланган йўлга эргашиши, бу хонадон билан суҳбат қуриши, уларнинг йўлига сулук этиб, улар билан бирга бўлишдан ва унсиятдан узок қолмаслиги керак”⁷.

“Эй Абдулҳолик! Билгинки, Ҳақ йўлининг йўлчилиги, яъни сулук икки қисмдир: сулуки зоҳир ва сулуки ботин. Биринчиси, сулуки зоҳир бўлиб, у ҳар ҳолу корда илоҳий амр ва таъқиқларга риоят этиш, имкон доирасида диний мезонларни сақлаш ва нафс орзуларидан қочишдир. Ўз аъзоларини ҳавою нафсдан сақлаб, шариат ҳудудида муҳофаза қилишдир. Иккинчи қисм бўлган сулуки ботин эса қалбни поклашга ҳаракат қилиш ва нафсоний ёмон сифатларни йўқотиш учун ғайрат сарфлашдир, Ботиний таҳорат - қалбнинг Ҳақ зикри билан гўё бўлишлиги учун зикрда беҳад жидду жаҳд қилиш. Бу зикр талқини дастлаб ҳазрати Абу Бакр разийаллоҳу анҳунинг қалбига, ундан Салмон Форсийга⁸, ундан Жаъфари Содиққа, ундан Султон Боязид (Бастомий)га, ундан Шайх Абул Ҳасан Ҳараконийга, ундан буюк шайх⁹ Абу Али Формадий Тусийга ва ундан эса бизга қадар етиб келган” дейилган¹⁰.

1. Абу Бакр Сиддиқ замонидан Боязид Бистомий давригача-сиддикия;

2. Боязид Бистомий замонидан Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний даврига қадар Бистомийнинг “Тайфур” деган исмидан келиб чиққан ҳолда тайфурия;

3. Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний замонидан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд давригача Хожагон;

4. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд давридан Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрор (1404-1490) замонигача Нақшбандия;

5. Хожа Носириддин Убайдилло Аҳрордан кейин Нақшбандия ёки аҳрория;

6. Саййид Аҳмад ибн Жалолиддин Косоний (1464- 1549) давридан кейин Нақшбандия ёки даҳбедия.

Мазкур тариқат Маворауннаҳрдаги бутун тарихи давомида, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрордан кейин ҳам Хожагон номи билан аталган¹¹.

Юсуф Ҳамадоний Хуросонга кетганидан сўнг Абдулҳолик Ғиждувоний бир муддат нафс тарбияси билан шуғулланади. Натижада валий¹² даражасига етишади. Ўзининг валийлиги ва кароматларини¹³ бошқалардан яширади. Хожагон-Нақшбандия тариқатига оид манбалар Ғиждувонийнинг валийлик даражасини кўрсатиш мақсадида унинг бир намозни уқиш учун ҳам Каъбага бориб-келганлиги тўғрисидаги ривоятни эслатади¹⁴.

Абдулҳолик Ғиждувоний ҳаётининг кейинги босқичида Хожагон силсиласига раҳбарлик қилади. Манбаларда келтирилишича, Хожа Юсуф Ҳамадоний ўлиmidан аввал ўздан кейин унинг ўрнига Хожа Абдуллоҳ Баракий, ундан кейин Хожа Ҳасан Андакий, ундан сўнг Хожа Аҳмад Яссавий халифа бўлиши, Хожа Аҳмад Туркистонга кетгач эса унинг ўрнини Абдулҳолик Ғиждувоний эгаллаши лозимлигини васият қилади¹⁵. Ҳамадонийнинг васиятига мувофиқ Хожа Аҳмад Яссавий маълум муддат Бухорода тариқат раҳбарлигини амалга

⁷ Абдулҳолик Ғиждувоний. Рисолалар. С. Сайфулоҳ, Н. Ҳасан. Т., “Маворауннаҳр”, 2018. –Б. 17.

⁸ Абдулҳолик Ғиждувоний. Рисолалар. С. Сайфулоҳ, Н. Ҳасан. Т., “Маворауннаҳр”, 2018. –Б. 17.

⁹ Ўша ерда.

¹⁰ Ўша ерда

¹¹ Ўша ерда

¹² Валий (арабча, дўст,) тасаввуфда: комилликка эришган, Ҳақ мушухадаси билан машғул бўлган, Худонинг дўсти даражасига эга бўлган киши.

¹³ Нафахот ул унс. –Б.383; Насойим ул муҳаббат. –Б.254; Маноқиби Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний. –Б.19 Рашахот айн ал-хаёт. 1-ж. –Б.36.

¹⁴ Заринқўб, Абдулҳусайн. Эрон тасаввуфи борасида изланиш, –Техрон “Амири Кабир”, 1997. –Б. 206-207.

¹⁵ Мақомоти Юсуф Ҳамадоний. – Б. 8; Рашахот айн ал-хаёт. 1-ж. – Б. 14-19.

оширгач, Туркистонга кетар чоғи барча муридларини Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийга топшириб кетади¹⁶. Шундан сўнг, Абдулхолиқ Ғиждувоний муридлар тарбиялаш ва муршидлик қилиш билан шуғулланади. “Рашахот айн ал-ҳаёт” муаллифи бу тўғрида ёзади: “Ул хазрат бир қанча вақт халкни *иршод* ва *даъват* этиш (тўғри йўлга чорлаш ва йўллаш) мақомида қаттиқ туриб, толиблар ва содиқларга Ҳақ йўлини кўрсатишга машғул бўлдилар”¹⁷.

Манбаларда Хожагон таълимотининг Мовароуннахрдан анча узоқда жойлашган Шом ўлкасида ёйилиши тўғрисида ҳам сўз боради. Жумладан, Шомда кўплаб кишилар Ғиждувонийга мурид тушишади, улар ушбу ўлкада ўз пирлари таълимотларини ёйиш учун хонақоҳлар барпо этишади¹⁸. Хожагон-Нақшбандия тариқатининг суриялик издоши Абдулмажид Хоний (1847-1900) эса “Ал-Ҳадойик ал-вардия” асарида Ғиждувонийнинг, ҳатто бир муддат Шомга бориб яшагани, ушбу ўлкада ўз таълимотини ёйиш учун хонақоҳ барпо этгани ҳамда у ерда кўплаб муридлар тўплаганини ёзади. “Орифнома” асарида Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг бир марта уч йиллик ҳаж сафарига кетганлиги, бу муддатда унинг кўрсатмасига кўра, шогирди Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий тариқат раҳбарлигини амалга оширганлиги тўғрисида маълумот келтирилади¹⁹. Гарчи Хожа Юсуф Ҳамадоний кўплаб муридлар тарбиялаган ҳамда улардан юқорида эслатиб ўтилган тўрттаси - мазкур силсилага кетма-кет раҳбарлик қилган Баракий, Андакий, Яссавий ва Ғиждувонийлар унинг асосий шогирдлари ҳисобланган бўлсалар-да, илк икки шогирддан кейин силсила раҳбарлигини ўз зиммасига олган Яссавий ва Ғиждувонийларгина Хожагон таълимотини ривожлантириб, мазкур силсилани сўфийлик тариқатига айлантиришга, яъни ўз мустақил тариқатларига - **Хожагон-Нақшбандия** ҳамда асли Хожагон силсиласи натижасида вужудга келган Яссавия тариқатларига асос солганлар. Хожагон-Нақшбандия тариқати манбалари ҳам айнан Хожа Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг мазкур тариқат асосчиси эканлигини таъкидлайдилар. Жумладан, ушбу тариқат назариётчиси Хожа Муҳаммад Порсо (749/1348-822/1420) ўзининг “Фасл ул-хитоб” асарида “Ул хазратнинг фаолияти тариқат учун конун бўлиб, барча тариқатлар томонидан маъқуллангандир”²⁰, дея айнан Ғиждувонийнинг сўфийлик фаолияти Хожагон-Нақшбандия тариқати таълимоти учун асос бўлганлигини таъкидласа, “Рашхот айн ал-ҳаёт” муаллифи Ғиждувонийни “Хожагон занжирининг бош халқаси”²¹, “Хожагон табакасининг асосчиси ва ушбу улуғлар силсиласининг бошловчиси”²² деб таништириш орқали унинг ушбу тариқат асосчиси эканлигини эслатади.

Абдулхолиқ Ғиждувоний ўз асарларида шахсий сўфийлик амалиёти мисолида Хожагон-Нақшбандия тариқатининг қуйидаги назарий ва амалий асосларини яратиб берди: Шариат ва суннатга қаттиқ риоя қилиш. Тасаввуф пайдо бўлган илк даврлардан бошлаб сўфийлар тасаввуфнинг ислом шариатига мувофиқлигини Марказий Осиё тасаввуф мактабининг йирик вакиллари, Бухоро сўфийлик мухитидан етишиб чиккан йирик тасаввуф назариётчилари Абу Бакр Калободий (305/917-385/995) ва сўфийлик йўлининг айнан шариатдаи бошланишига урғу бериб ўтганлар²³.

Саййид Амир Кулолнинг невараси Мавлоно Шаҳобиддин “Манокиби Саййид Амир Кулол” рисоласида Хожагон тариқатига оид фикрларни келтириб, Абдулхолиқ Ғиждувонийни шундай таърифлайди: “У зот (Абдулхолиқ Ғиждувоний) тариқат султони, ҳақиқат ҳужжати,

¹⁶ Нафахот ул-унс. - Б. 383; Насойим ул-муҳаббат. - Б. 253; Рашахот айн ал-ҳаёт. 1-ж. - Б. 18.

¹⁷ Рашахот айн ал-ҳаёт. 1-ж. - Б. 37.

¹⁸ Нафахот ул-унс. - Б. 383; Насойим ул-муҳаббат. - Б. 254; Манокиби Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний. - Б. 19; Рашахот айн ал-ҳаёт. 1-ж. - Б. 36.

¹⁹ Орифнома. — Б. 14.

²⁰ Орифнома. — Б. 14.

²¹ Орифнома. — Б. 14.

²² Орифнома. — Б. 14.

²³ **Абу Балр Мухаммад ибн Исх,ок ал-Калобсзий** Ат-Тъзарруф ли-мазҳаб ахл ат-тасаввуф (араб тилида) / Нашрга тайёрловчи Аҳмад Шамсиддин. - Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмия. 2001. - б. 7, 31-35; **Ал-Мустамлий ал-Бухорий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Мухаммад**. Шарҳ ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф (форс тилида) [Мухаммад Равшан таҳрири остида]. 5 рубҳлик. 1-рубҳ. - Тсхрон: “Асотир”. 1363/1984. - Б. 41, 51, 73. 90.

муҳаққиқлар кутби, солихлар раиси, мушоҳада соҳиби, жисмоний мукошафат эгаси, халқни Ҳаққа бошловчи, Ҳақнинг халққа ҳужжатиدير”²⁴.

Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан сўнг бу ворислик Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобо Самосий, Саййид Амир Кулол, Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд каби ўз даврининг машхур шайхлари томонидан давом эттирилди.

Алишер Навоий “Насойимул муҳаббат”да Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг урта халифаси борлигини ёзади. Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Авлиёи Калон, шунингдек Баҳоуддин Нақшбанд номлари келтирилган. Лекин кейинги ишончли манбалардан у кишининг кўплаб мурид-мухлислари ва тўрт халифаси борлиги маълум бўлади.

Хожа Аҳмад Сиддиқ - Абдулҳолиқ Ғиждувоний вафотидан кейин унинг мақомига ўтган биринчи халифаси, Хожа Авлиёи Кабир-иккинчи халифалари ва уларнинг муридлари ҳақида ҳам манбаларда ёзилган²⁵.

Фазлуллоҳ ибн Рузбехон “Манокби Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний” асарида Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг *иршодга*²⁶ ижозат олган уч халифаси - Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ориф Ревгарий тўғрисида эслатади. Унинг ёзишича, Хожа Абдулҳолиқдан сўнг унинг ўрнига Хожа Аҳмад Сиддиқ ўтиради. Қолган икки халифа, гарчи муршидликка рухсат олган бўлсалар-да, Хожа Аҳмад Сиддиқ вафотига қадар унинг ҳурматини қилиб, иршодга киришмай турадилар. У вафот этганидан кейин эса Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ориф Ревгарий бир вақтнинг ўзида ўз муридларини тарбиялашга киришадилар²⁷. Бироқ “Рашоҳот айн ал-ҳаёт” муаллифи Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўз халифаларидан тўрттаси - Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Салмон Карминий ва Хожа Ориф Ревгарийни “даъват ва иршод мақомига лойиқ” топганлигини маълум қилади. Яъни, Кошифий Ғиждувонийнинг иршод рухсатини олган халифалари қаторида юқоридаги уч сўфийдан ташқари Хожа Салмон Карминийни ҳам эспатиб ўтади. Унинг ёзишича, гарчи мазкур тўрт халифанинг барчаси муршидлик қилишга рухсат олган бўлсалар-да, Ғиждувоний вафотидан сўнг Хожа Аҳмад Сиддиқ тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олади. У вафот этганидан кейин эса унинг муридлари Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ориф Ревгарий муршидлиги остига ўтишади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, у ёшлик чоғлариданок сўуфийлик йўлига кириб, Абдулҳолиқ Ғиждувоний муридлари қаторидан жой олади. ²⁸Ревгарий Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг бошқа шогирдлари орасида тиришқоқлиги билан ажралиб турган. Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳузурига келган Хизр (а.с.) Хожа Ориф Ревгарийнинг уни кўриш мақсадида ухлаб колмаслик учун кўзига туз солиб олганлигини кўради-да, келажакда ориф²⁹ бўлиб етишишини Худодан сўраб дуо қилади³⁰. У кейинчалик ориф бир зотга айланади.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний муршидлигида тариқат одобларига риоя қилиб, Ревгарий бора-бора унинг энг буюк муридларидан ва халифаларидан бирига айланади. Манбаларда унинг кароматлари билан боғлиқ кўплаб ривоятлар келтирилади. Хожа Ориф Ревгарий Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг *иршодга* ижозат олган уч (Хожа Аҳмад Сиддиқ ва Хожа Авлиёи Кабир билан биргаликда) ёки тўрт (Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Салмон Карминий билан биргаликда) халифасидан бири бўлиб, Ғиждувонийдан кейин тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олган. Хожа Аҳмад Сиддиқ вафотидан сўнг Хожа Авлиёи Кабир

²⁴ Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир. (Дунё муршидлари). Тошкент, “Ўзбекистон”, 2019, -Б. 38.

²⁵ Орифнома. -Б. 84.

²⁶ *иршод* (арабча - тўғри йўлго бошлаш) - *тасавеуфда*: муридларнинг (солиқларнинг) сайру сулук босқичларини босиб ўтишларида уларга устозлик, раҳнамолик ва йулбошчилик қилиш, муршидлик.

²⁷ Манокби Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний. -Б. 20. Рашоҳот айн ал-ҳаёт. 1-ж. -Б. 50-59

²⁸ Мақомоти Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий. -Б. 57.

²⁹ *Ориф* [арабча - чуқур ва батафсил билувчи] - Худога етишиш йулида Аллоҳни. унинг исмлари ва сифатларини билиш, яъни Худо ва унинг барча хусусиятлари тўғрисида билим ҳосил қилиш босқичига етган киши; Худони билиш учун ирфон йулига кирган ва унинг босқичларини босиб ўтаётган киши; Худонинг зоти, исмлари ва сифатларини чуқур билувчи киши.

³⁰ Мақомоти Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий. - Б. 57.

билан бир замонда ўз **муридларини** тарбиялашга киришади³¹. Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий тахминан 1262 йили ўзи туғилиб ўсган Ревгар қишлоғида оламдан ўтади ва ана шу қишлоқнинг ўзида дафн этилади.

Хожа Ориф Ревгарий ўзидан “Орифнома” номли бир асар қолдирган. 1225 йилда Ревгарийнинг муридларидан бири, “соликларнинг сараси Хожа Наим илгтимоси билан Нурота шаҳрида ушбу тариқат аъзоларига мурожаат ва насихат тариқасида ёзилган. Ушбу асарда муаллифнинг сайру сулук босқичлари, маърифат, орифлик ва валийлик ҳамда сайру сулук одоблари борасидаги қарашлари акс этган.

Хожа Ориф Ревгарий ўз муридларини Хожагон-Нақшбандия тариқатининг Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний томонидан шакллантирилган асослари ва қоидаларига мувофиқ тарбиялашда ҳамда ўз устози таълимотини тарғиб этишда давом этиш билан биргаликда, ўзи ҳам ушбу таълимотга айрим янгиликлар ва тўлдиришлар киритди. Ревгарий ўзидан қолдирган ягона асар “Орифнома” ҳамда ўз шайхлик амалиётида тасаввуфнинг ўз тасавбуридаги қуйидаги жиҳатларни ифодалайди:

Хожа Ориф Ревгарий ўз муридларини барча ҳолларда, биринчи навбатда, Муҳаммад (с.а.в.) шариатида амал қилишга чорлаш орқали шариатни тасаввуфнинг илк шарт сифатидаги ўрнини кўрсатиб берар экан, киши сўфийлик йўлига кириб бориши учун қуйидаги қатъий кетма-кетликда келадиган босқичларни босиб ўтиши лозимлигини таъкидлайди:

- 1) шариатга қаттиқ риоя қилиш;
- 2) Аллоҳнинг унга нисбатан белгилаган ҳар қандай тақдирга рози бўлиш;
- 3) ўз ихтиёри ва иродасидан воз кечиб, Худонинг унга нисбатан қиладиган ҳар қандай иродасига рози бўлиш. Киши шариат билан бошланадиган мазкур йўлни босиб ўтганидан кейин сайру сулук босқичларига қадам қўяди.

Ориф Ревгарий Абдулхолиқ Ғиждувонийдан кейин Хожагон тариқатини бошқариши давомида унга “шоҳу гадо ҳузурига ошиқганлиги, ва эл уни “Моҳитобон”(зулматни ёритувчи ой) деб атаётганлиги, пайғамбар суннатида эришишда жуда талабчанлиги, устози вафотидан кейин унинг йўлини давом эттиришда самимий ихлос ва ғайрат кўрсатганлиги боис, ўзидан тўрт авлод кейин келадиган Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари у кишининг изидан бориб, руҳониятларидан файз олиб, дунёга машҳур бўлганликлари айтилади.³²

Хожагон силсиласининг учинчи пири Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий тахминан XIII аср бошларида Бухоро яқинидаги Вобкент музофотининг Анжирфағна қишлоғида дунёга келган.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Муҳаммад (с.а.в.) авлодидан бўлган саййидлар табақасига мансуб бўлиб, отаси Амир Султон Яҳё ҳам ўз даврининг руҳонийларидан бўлган. У ёшлигидан исломий илмлар ва тасаввуфга бўлган қизиқишини эса дастлаб оила муҳитида олган. Манбаларда унинг Саййид Умар ва Мавлоно Нажмиддин Ҳожиб номли икки ўғли бўлганлиги тўғрисида эслатилади³³.

Сўфийлик йўлига кириб, Хожа Ориф Ревгарий ҳузурида сайру сулук босқичларини босиб ўтади ва унинг етук халифаларидан бирига айланади. Муридларга дарс беради.

Хожа Маҳмуд Хожагон тариқатида биринчилардан бўлиб зикри жаҳрийни бошлаб берган. Якка шахс учун зикри хафийни, жамоат учун зикри жаҳрийни афзал кўрган. Унинг махфий зикрни қўйиб, жаҳрий зикрга ўтгани хабари Абдулхолиқ Ғиждувоний халифаларидан Авлиёи Кабир қулоғига етгач, дарҳол Анжир Фағнавий ҳузурига келиб, у кишига: “Эй хожа! Хожагон тариқатининг вазифа ва талаблари сирасида жаҳрий зикр учрамаслигини биласиз. Шунга қарамай нега бундай қиляпсиз?”, деб сўраганида, Анжир Фағнавий: “Устозим Ориф Ревгарий ҳазратлари ўлим тўшағида ётганида буни бизга васият қилган эди,”-деб жавоб берган. Авлиёи Кабир “Ҳақиқий орифларга кўра, тил қалбдир. Зикр вужуд тили билан эмас,

³¹Мақомоти Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий. - Б. 57.

³² Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир. (Дунё муршидлари)Тошкент, “Ўзбекистон”, 2019, -Б. 39-90.

³³Матлаб ут-толибин. -Б. 24; Мақомоти Саййид Амир Хурд Вобкентий. Кулёма // УзР ФА Шарқшунослик институти, инв. №7065. - Б. 7.

кўнгил тили билан қилиниши керак”, дея уни жаҳрий зикрдан воз кечишга ҳаракат қилган. Анжир Фағнавий устозининг васияти ва маслаҳати туфайли эътирозларга қарши чиққан ва ўз қарорида қатъий қолган.³⁴ Хожагон тариқатидаги асосий талаблардан бўлган ҳалол касб-хунар билан шуғулланиб, тирикчилик қилиш лозимлигига оид қоидага амал қилган. Хожа Маҳмуд ўзи туғилиб ўсган жойда иморат қуриш устачилиги билан шуғулланиб, шу касб орқали тирикчилик ўтказган.⁷ “Шу жиҳати билан Маҳмуд Анжир Фағнавий Бухорода “руҳнинг гўзаллиги” сифатини олган, ёғоч меъморчилигининг кадрини оширган санъаткорлардан ҳисобланади. Бизнинг йўлимизда хирқа эмас, хирфа (касб) муҳимдир”, - дея бировга юк бўлмаслик учун касб-хунарга аҳамият берган.³⁵ Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг ўзидан бирор асар қолдирганлиги тўғрисида маълумот йўқ. Ўз пирларининг таълимотини давом эттириб, зикри хафий ўрнига зикри жаҳрийни жорий этди.³⁶ Шогирдларини ҳам шуни бажаришга даъват этган. Чунки, у биринчидан, жаҳрий зикрнинг таъсири катта деб ҳисоблаган, иккинчидан, кўпроқ кишиларни ўз тариқатига жалб қилиш орқали мазкур таълимотни янада кенгроқ ёйиш мақсадида шундай қарорга келганлиги айтилади.

Зикри жаҳрийдан кўзда тутилган асосий мақсад сифатида кишиларнинг ғафлат уйқусидан уйғониб, тавба қилишлари ҳамда шариат ва тариқат йўлидан оғишмасдан юришларини маълум қилар экан, зикрнинг бу турини амалга ошириш шартларини қуйидагича белгилаб беради: “Зикри алонияни тили ёлгон ва ғийбатдан, хулқи ҳаром ва шубҳали нарсалардан, қалби риё ва сохтакорликдан, сири эса Ҳазрат Рубубиятдан бошқага қарашдан пок бўлган кишигина бажариши керак”³⁷.

Анжир Фағнавий ўлими олдидан тариқат раҳбарлигини Хожа Али Ромитанийга топширганлигини маълум қилган³⁸. Сарҳалқа силсилани Хожа Али Ромитаний давом эттирди.

Хожа Али Ромитаний Хожагон силсиласининг тўртинчи пири, “Ҳазрат Азизон”, “Хожаи Азизон” номлари билан аталган. Хожа Али Ромитаний тахминан 1195-1224 йиллар оралиғида Бухоро атрофидаги қишлоқлардан ҳисобланган Ромитанда дунёга келган.

Хожа Али тўқимачилик, яъни мато тўқиш касбини ўрганиб, умрининг охиригача шу касб билан тирикчилик қилган³⁹. “Рашаҳот айн ал-хаёт”да келтирилишича, Хожа Маҳмуд вафотидан аввал Ромитанийга иршод, яъни муридлар тарбиялаш ҳукукини бериб, тариқат раҳбарлигини унга топширади ва ушбу тариқатнинг барча муридларини унга бўйсунтиришларини буюради⁴⁰. У маълум муддат Бухорода иршод билан шуғулланади ва маълум муддатдан сўнг Бовард⁴¹ шаҳрига бориб, маълум бир муддат у ерда муридлар тарбиялаш билан шуғулланади. Шундан сўнг ўз таълимотини тарғиб этиш мақсадида Хоразм диёрига бориб, у ерда умрининг охирига қадар яшади.⁴²

Хожа Али Ромитаний Хоразмда Хожагон-Нақшбандия тариқатини кенг ёйиш борасида фаолият олиб боради. У Хожагон-Нақшбандия тариқати аҳли орасида “Ҳазрат Азизон”⁴³ ва “Хожаи Азизон”⁴⁴ номлари билан машҳур бўлган. У кишининг ўзлари муридларига шундай, “азизлар”(улуғлар)деб мурожаат қилар эканлар. Хожагон-Нақшбандия тариқатининг унгача яратилган манбалари Хожа Али Ромитанийнинг том маънода улуғ сўфийлардан бўлганлигини исботлаш мақсадида Жалолиддин Румий каламига мансуб бўлган қуйидаги байтни айнан Ромитанийга бағишлаб ёзилганлигини таъкидлашади⁴⁵:

³⁴ Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир(Дунё муридлари). Т.:, “Ўзбекистон”, 2019. -Б. 101-102.

³⁵ Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир(Дунё муридлари). Т.:, “Ўзбекистон”, 2019. -Б. 99-100.

³⁶ Маноқиб Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний:-Б. 20.

³⁷ Ўша ерда. -Б.60.

³⁸ Рашаҳот айн ал-хаёт. 1-ж.-Б. 61-62.

³⁹ Нафаҳот ул-унс. - Б. 385; Насойим ул-муҳаббат. - Б. 255; Рашаҳот айн ал-хаёт. 1-ж. - Б. 62.

⁴⁰ Матлаб ут-толибин. - б. 25.

⁴¹ Туркманистоннинг жанубий-шарқий қисмидаги қадимий шаҳар.

⁴² Рашаҳот айн ал-хаёт. 1-ж. - Б. 70-71

⁴³ Ўша ерда Б. 62-72;

⁴⁴ Матлаб ут-толибин. - Б. 25.

⁴⁵ Ўша ерда. - Б. 25.

Гар на илми ҳол фавқи қол будий, кай шудий,
Банда аёни Бухоро Хочайи Нассочро?

Мазмуни: Ҳол (руҳий ҳолат воситасида ҳосил бўладиган илм) илми қол илмидан (бошқалардан эшитиш, ўрганиш орқали ҳосил бўладиган илм) устун бўлмаганида эди, Бухоро аёнлари тўқимачи Хожага хизмат қилган бўлармидилар? - дейилади.

Хожа Али Ромитанийдан “Хожаи Хурд” (“Кичкина Хожа”) лақаби билан машҳур бўлган Хожа Муҳаммад ҳамда Хожа Иброҳим исмли икки ўғил қолган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи диний илмларда олимлик, тасаввуфда эса орифлик ва валийлик даражаларига етган эдилар. Ромитаний вафоти олдида кичкина ўғли Хожа Иброҳимга иршод рухсатини беради.⁴⁶ Хожа Али Ромитаний тахминан 1321 йилда Хоразм диёрининг Кўхна Урганч шаҳрида оламдан ўтган ва ўша ерда дафн этилган. “Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон” муаллифи Муҳаммад ибн Низом ал-Хоразмий ал-Арзангий бу тўғрида шундай ёзган: “Ҳозирда ул ҳазратнинг муборак қабрлари Хоразм шаҳрида бўлиб, ушбу қабр узра макбара, (унинг ёнида эса) хонақоҳ ва масжид бино этилган. Сўфийлар мазкур хонақоҳда кундалик вазифаларини бажариш асносида вирдлар айтиб, зикрга тушишади.”⁴⁷ “Рисолаи Ҳазрат Азизон” (“Ҳазрат Азизон рисоласи”). Хожа Али Ромитаний қаламига мансуб топилган кичик ҳажмли ушбу асардан Ромитанийнинг тасаввуф борасидаги қарашлари жой олган. Профессор Г.Н.Наврўзова бу асарни таржима қилиб, фалсафий таҳлил асосида илмий муомалага киритганлар. Шунингдек, Хожа Али Ромитаний шоирлик истеъдодига ҳам эга бўлиб, сўфиёна китъалар ва рубоийлар ёзган. Улар манбаларда ўз аксини топган. Хожа Али Ромитаний Хожагон силсиласининг ўзидан аввал ўтган пирлари таълимотини ёйишда давом этиш билан бирга, унга ўзи ҳам айрим янгиликлар киритган: У устози Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий томонидан ўрнатилган зикри жаҳрийни давом эттириш билан биргаликда зикри ҳафийни ҳам қўллаш бошлайди. Ромитаний таълимотининг ўзига хос томонлари: “Рисолаи Ҳазрат Азизон” асарида ёритилган. Рисолада суфийликнинг қуйидаги ўн шартини ишлаб чиқди: 1) *поклик* (ўз навбатида, зоҳир поклиги, ботин поклиги, қалб поклиги ва сир поклигига бўлинади); 2) *сукут* (тилни ёмон гаплардан тийиш); 3) *хилват ва узлат* (қўлни ёмон нарсаларга тегиш, оёқни ёмон нарсаларни босиш ва қулоқни ёмон нарсаларни эшитишдан тийиш); 4) *рўза*; 5) *зикр*; 6) *хаёлга келган ўйларни фарқаш* (уларнинг Аллоҳ, фаришталар, нафс ёки шайтон томонидан юборилганлигини билиш); 7) *ризо ва таваккул*; 8) *солиҳ кишилар билан бирга бўлиш, фосиқ, кишилардан узоқ, туриш* 9) *тунги бедорлик* ва Аллоҳ таолога муцаббат 10) *ҳалол луқма*⁴⁸. У зикри жаҳрий ва зикри ҳафийни биргаликда қўллайди⁴⁹. Валийлик мартабасини улуглайди. Мақомларни бирма-бир талаб даражасида босиб ўтиш лозимлигини таъкидлайди. Имон, тавба ва амал каби тушунчаларга сўфиёна мазмун бағишлайди. “Рашахот айн ал-ҳаёт” муаллифининг ёзишича, Хожа Али Ромитанийнинг Хожа Муҳаммад Кулохдўз, Хожа Муҳаммад Ҳаллож Балхий, Хожа Муҳаммад Бовардий ва Хожа Муҳаммад Бобо Самосий номли тўрт халифаси бўлган. У ўлими олдида Хожа Муҳаммад Бобо Самосийни ўз ўрнига қолдириб, барча муридлар ва халифаларни унга топширади.⁵⁰

Хожагон силсиласининг бешинчи пири Хожа Муҳаммад Бобо Самосий тахминан XIII аср ўрталарида Бухоро яқинидаги Ромитан худудига қарашли Самос қишлоғида дунёга келган. Бизгача Самосийнинг туғилган йили ва қанча умр кўргани тўғрисида аниқ маълумот етиб келмаган, унинг вафоти 1335⁵¹ деб кўрсатилган. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий саййидзода ҳисобланиб, унинг отаси Саййид Абдуллоҳ Пайғамбар (с.а.в.) авлодларидан, Имом Мусо

⁴⁶Рашахот айн ал-ҳаёт. 1-ж. - Б.71-72.

⁴⁷Муҳаммад ибн Низом ал-Хоразмий ал-Арзангий. Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон. Қўлёзма // УзР ФА Шарқшунослик институти. Инв. N 1332/1. - Б. 2.

⁴⁸Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Ҳазрати Азизон / Тошбосма нашр. - Тошкент: Гулом Хасан Орифжонов босмаҳонаси, 1330Л912. УзР ФА Шарқшунослик институти, инв. №3162. - Б. 8-12.

⁴⁹Рашахот айн ал-ҳаёт. 1-ж. - Б. 64.

⁵⁰Ўша ерда.

⁵¹Абул Мукшии Муҳаммад Боқир иби Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Мақомоти Хожа Баҳоуддин Накшбанд)/Таърир хайъати: А. Рустам ва бошқ.; Форсийдан таржима, сузбоши ва лугат муаллифи Махмудхон Махдум Касанхон Махдум угли. - Тошкент: “Ёзувчи”. 1993. - Б. 24.

Козим (р.а.) наслидан бўлган. Исломий илмлар ва тасаввуфга бўлган қизиқишни Хожа Муҳаммад Бобо дастлаб оила мухитида ўз отасининг таълимидан олган. Чунки “Матлаб ут-толибин”да Самосийнинг даставвал ўз кишлоғида таҳсил олганлиги, кейин эса отасининг кўрсатмаси билан Бухорога келганлиги эслатилади⁵². У Бухорода ҳам ислом илмларини ўрганган, ҳам сўфийлик йўлига кирган. Ромитанийга муршид бўлган. Ромитаний муршидлигида сайру сулук босқичларини босиб ўтиб, унинг энг буюк халифаларидан бирига айланган⁵³. Хожа Али Ромитаний ўлими олдида Хожа Муҳаммад Бобо Самосийни ўз ўрнида қолдириб, барча муридлар ва халифаларни унга топширади⁵⁴, кейин ўзи туғилиб-ўсган Самос кишлоғида муридлар тарбияси билан шуғулланади. Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг таржимаи холидаги энг муҳим ўринлардан бири у билан Баҳоуддин Нақшбанд ўртасидаги муносабатдир. Хожагон-нақшбандия тариқати манбаларида нақл килинишича, Хожа Муҳаммад Бобо ҳали Баҳоуддин Нақшбанд туғилмасидан туриб унинг дунёга келиши ва “замона пешвоси” бўлишини башорат қилади, таваллуд топганидан кейин эса уни маънавий фарзандликка қабул қилиб, тарбиясини Саййид Амир Кулолга топширади. Кейинчалик Баҳоуддин Нақшбанд уйланиши арафасида совчиликка боришини сўраш мақсадида яна бир бор Самосий билан учрашиб, унинг валийлик даражасига эришганлигига гувоҳ бўлади⁵⁵. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий Хожагон силсиласининг бошқа пирлари каби касб-кор аҳли - боғбон бўлиб, ўз ҳалол меҳнати орқали кун ўтказган⁵⁶. Хожа Муҳаммад Бобо Самосий тахминан 1335 йили ўзи туғилиб ўсган Самос кишлоғида оламдан ўтади ва шу ерда дафн этилган. Хожа Муҳаммад Бобо Самосийдан бирор асар қолмаган Самосий устози каби зикрнинг икки турини *зикри жаҳрий* ва *зикри хафий*ни қўллаган ҳам дейилади. Хожа Муҳаммад Бобо Самосийнинг кўп сонли муридлари орасидан тўрт киши - Хожа Сўфий Сухорий, Хожа Маҳмуд Самосий, Мавлоно Донишманд Али ва Саййид Амир Кулол унинг халифалари сифатида танилган. Юкорида эслатиб ўтилганидек, Самосийнинг иккинчи ўғли Хожа Маҳмуд ҳам ўз отасининг халифалари қаторидан жой олган, яъни Самосийнинг тўрт халифасидан бири Хожа Маҳмуд аслида унинг ўғли бўлган. Гарчи Хожа Муҳаммад Бобо вафотидан кейин унинг барча халифалари муридлар тарбиялашга киришган бўлсалар-да, халифалари орасида энг етуги Саййид Амир Кулол тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олган.⁵⁷ “Шамси Ҳақ” дея сифатланган Муҳаммад Бобо Самосийдан кейин сарҳалқа силсилани етук халифа Саййид Амир Кулол давом эттирган.

Хожагон силсиласининг олтинчи пири Саййид Амир Кулол тахминан 1281 йили Бухоро атрофидаги Афшона кишлоғида дунёга келган⁵⁸. Унинг Пайғамбар (с.а.в.) авлодидан бўлган отаси Амир Ҳамза ибн Амир Иброҳим асли Ҳижознинг Мадина шаҳридан бўлиб, Мовароуннаҳрга кўчиб келгач, Бухоро атрофида яшаб қолган. Саййид Амир Кулол болаликдан сўфийликка қизиққан. “Мақомоти Амир Кулол”да ёзилишича, унинг отаси Амир Ҳамза Яссавия тариқатининг шайхи - Саййид Ота билан яқин муносабатда бўлиб, ушбу турк шайхи ҳар сафар Бухорога келганида у билан учрашарди. Саййид Ота бир сафар келганида унинг хонадонида бутун жаҳонни ўзига хизмат қилдирадиган бир буюк ўғлон дунёга келишини башорат қилиб, унинг исмини Амир Калон деб қўйишни тавсия қилган. Хожа Муҳаммад Бобо Самосийга мурид тушган Саййид Амир Кулол йигирма йил давомида унинг муршидлигида сайру сулук босқичларини босиб ўтган ва унинг энг етук халифасига айланган. Самосий оламдан ўтганидан кейин эса тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олган. Саййид Амир Кулол кўплаб кишиларни ўз тариқатига киргизишга муваффақ бўлган. Манбаларда унинг муридлари сони бир юз ўн тўртта бўлиб, уларнинг барчаси сайру сулукда камолга етганликлари тўғрисида маълум килинган Саййид Амир Кулол таржимаи холидаги муҳим

⁵²Матлаб ут-толибин. - Б. 26.

⁵³Рашахот айн ал-хаёт. 1 ж.-Б. 73.

⁵⁴Ўша ерда.

⁵⁵Анис ут-толибин. - Б. 79-80; Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Б. 24-25

⁵⁶Рашахот айн ал-хаёт. 1-ж. - Б. 73.

⁵⁷Рашахот айн ал-хаёт. 1-ж. - Б. 75.

⁵⁸Ўша ерда.

ўринлардан бири унинг Хожагон-Нақшбандия тариқатининг йирик вакили, ушбу тариқатнинг *Хожагонлик* босқичидан кейин келган *нақшбандия* босқичининг бошловчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбандга бевосита муршид бўлганлигидир. Юқорида эслатиб ўтилганидек, Саййид Амир Кулол пири Хожа Муҳаммад Бобо Самосий топширигига кўра ёш Баҳоуддин Нақшбандни сулук йўлида тарбиялашни ўз зиммасига олади. Баҳоуддин Нақшбанд бир неча вақт унинг хизматида бўлиб, сайру сулук босқичларини босиб ўтгач, унга энди *Хожагонлик* ёки *Яссавия* тариқатлари шайхларидан маъқул келган бирортаси ҳузурида таълим олиш ва сулукда давом этиши мумкинлигини айтган.⁵⁹ Саййид Амир Кулол ҳам ўз пирлари каби бир касбнинг этагини тутиб, ўз меҳнати орқали тирикчилик қилишни афзал билади. Манбалар унинг кулолчилик билан шуғулланганлиги, шу сабабдан ҳам “Кулол” лақабини олганлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Саййид Амир Кулол Хожагон силсиласининг ўзидан аввал ўтган пирлари таълимотини тарғиб этиш, жумладан, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий давридан бошлаб жорий этилган *зикри жаҳрийни* қўллашда давом этди. Шунингдек, “Мақомоти Амир Кулол” асарида унинг сўфийлик шартлари ва одоблари ҳамда айрим сўфиёна тушунчалар борасидаги қуйидаги қарашлари акс этган: Саййид Амир Кулолнинг таъкидлашича, *тариқат* асосини *шариатга* риоя қилиш ташкил этади, яъни, унинг фикрича, сўфийлик шариат асосига қурилади. У бошқа бир ўринда ўз издошларини шариатга эргашишдан бир қадам ҳам чекинмасликка чорлар экан, бу йўлда имон, намоз, рўза, закот ва Ҳаж илмлари билан бирга ота-онага хизмат қилиш, қўшниларга меҳр-оқибат кўрсатиш, савдо - сотиқ илмларини ҳам ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Саййид Амир Кулол сайру сулукдаги солиқларнинг қуйидагиларни амалга ошириши лозимлигини айтади: *ихлос* - Аллоҳнинг амрларига хилоф нарсалардан халос бўлиш учун бажариладиган амал; *хавф* - Худонинг ғазабидан нажот топиш учун бажариладиган амал; *ҳалол луқма ейиши* - қалб ва тилни поклаш учун бажариладиган амал; *тавба*- барча тоатнинг боши бўлиб, қилган гуноҳи учун чин юракдан пушаймон бўлиш ва гуноҳ ишни бошқа қилмасликка аҳд қилиш кўринишида амалга ошади. *Иродат* - Аллоҳнинг ёди билан яшаш, ёмон одатлардан воз кечиш, аҳдга вафо қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик, ўзини айбдор ҳисоблаб юриш билан биргаликда амалга оширилади. *Зикр*-доимий тарзда Аллоҳни эслаш ва ҳар бир ишни унинг номи билан бошлаш кўринишидаги амал. Саййид Амир Кулол сўфийлик йўлига кирган киши шахсий ҳаётида риоя қилиши лозим бўлган одоб-ахлоқ мезонлари тўғрисида ҳам сўз юритади. Жумладан, у ўз муридларини, юқорида эслатилган ота-онага хизмат қилиш ва қўшниларга меҳр-оқибат кўрсатиш каби хислатларга эга бўлишдан ташқари, касб-кор билан шуғулланиш, ўз меҳнати билан кун кўриш ҳамда ўзи ва оиласининг эҳтиёжини қондирадиган даражада даромад топишга, шунинг билан биргаликда, исрофгарчиликдан эҳтиёт бўлишга чақиради. Бутун фаолияти давомида Хожагонлик тариқати талабларини давом этиради, ҳимоя қилади. “Эй, ёронлар бизнинг Хожамиз Абдулҳолиқ Гиждувоний алайҳир раҳма айтган эдиларки, кимки дарвешларга ҳақорат назари билан қараса, то гаргин, яъни, тузалмас касалликка чалинмагунча, дунёдан кетмайди.”⁶⁰ Маълумки, тасаввуфнинг шартларидан бири силсилаи шарифнинг собит ва барқарор бўлишидир. Ҳар бир мурид ўз пирининг силсиласини яхши билиши лозим. Бу қайсидир маънода ўртада меҳр-муҳаббатнинг, ишонч-этиқоднинг ортишига сабаб бўлади. “Маноқиб Амир Кулол”да ҳам бу батафсил баён этилган. “Билгинки, Хожагон хонадони ўзга хонадонлардан кўп фазилатлари билан ажралиб туради, чунки бу хонадон аҳллари комил инсонлардир. Шариат, тариқат, ҳақиқатдан қайси толибга мушкул бир иш тушса, шу ерда ҳозир бўлиб, муаммони ҳал қиладилар. Иккинчидан, бу хонадон зоҳирда ҳам ботинда ҳам ҳазрат Рисолатпаноҳга боғланади ҳамда улар сўз ва амалда Пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи вассалламга эргашувчилардир. Шунга кўра Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний хонадонини келтиришни хохладик. У зот тариқат султони, ҳақиқат хужжати, муҳаққиқлар кутби, солиҳлар раиси, руҳоний мушоҳада соҳиби, жисмоний мукошафат эгаси, халқни Ҳаққа бошловчи, Ҳақнинг халққа хужжатидир,-”⁶¹ дейилади. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”да Саййид Амир Кулолнинг

⁵⁹Мақомоти Хожа Бохзудон Нақшбанд. - Б. 50

⁶⁰Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир(Дунё муршидлари). Т.:, “Ўзбекистон”, 2019. –Б. 144.

⁶¹Ўша ерда – Б. 152-153.

куйидаги кетма-кетликдаги тўрт халифаси бўлганлиги эслатилади: Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Мавлоно Ориф Деггароний, Шайх Ёдгор ва Шайх Жамолиддин Даҳистоний. “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”да келтирилишича, Саййид Амир Кулол Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Мавлоно Ориф Деггаронийни ўз халифалари орасида энг буюклари деб билади⁶², вафотидан аввал эса барча муридларига Хожа Баҳоуддин Нақшбандга эргашишни буюради.⁶³ Саййид Амир Кулолдан сўнг унинг ўғли Амир Ҳамза (вафоти 1398й.) шогирдларидан мавлоно Ориф Деггароний, шайх Ёдгор Кунсуруний, шайх Жамолиддин Даҳистоний, шайх Муҳаммад Халифа, Амир Калон Воший, Шамсиддин Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд энг эътиборли шогирдлар сифатида устозларининг таълим ва сулук йўлини оммага кенг ёйдилар. Маълумки, Амир Кулол Бобо Самосий каби устозлар васиятига кўра Баҳоуддин Нақшбандни тарбия қилган. Юксак истеъдод соҳиби Баҳоуддин Нақшбанд Хожагон – Нақшбандияга янги йўналиш берди, такомиллаштирди.

Хожагон силсиласининг еттинчи пири, Хожагон-Нақшбандия тариқатининг иккинчи – *Нақшбандия* босқичи бошловчиси, “Хожаи Бузург” (“Буюк Хожа”), “Баҳоуддини Балоғардон” (“Балони қайтарувчи Баҳоуддин”), “Шоҳ Нақшбанд” номлари билан машҳур бўлган Хожа Баҳоуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Нақшбанд Бухорий 1318 йилнинг март ойида Бухоро атрофидаги Қасри Ҳиндувон² қишлоғида кимхоб тўқиш ва матога гул солиш *-нақшбандлик* билан шуғулланувчи хунараманд оиласида дунёга келган.

Айрим манбаларда Хожа Баҳоуддиннинг насаби ота томондан Пайғамбар (с.а.в.)га бориб тақалганлиги, онаси биринчи халифа Абу Бакр Сиддиқ наслдан эканлиги ёзилади⁶⁴.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ота томондан бобоси Жалолиддин сўфийлик йўлига кирган муридлардан, бувиси эса ўз даврининг ўқимишли ва тақводор аёлларидан бўлган.

Айрим муаллифлар Хожа Баҳоуддин ёшлнгида отаси билан бирга *нақшбандлик* (матога гул босиш) хунари билан машғул бўлганлиги сабабли “Нақшбанд” номини олганлигини таъкидлашади.⁶⁵ Бироқ кейинги даврларда яратилган манбаларда ёзилишича, Баҳоуддиннинг кўнгил зикри билан узлуксиз равишда шуғулланиш натижасида унинг қалбига Аллоҳнинг исми нақшланиб қолганлиги каби фикрлар келтирилган..

Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлик йўлига кирган чоғлариданоқ Хожагон тариқатини ислоҳ қилиш ва такомиллаштиришга, жумладан, тариқат асосчиси Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг Хожагон силсиласининг кейинги пирлари даврида айрим ўзгаришлар киритган. Зеро, манбаларда Баҳоуддиннинг, бир томондан, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг руҳидан таълим олиб, унинг увайсий шогирдига айланганлиги, иккинчи томондан эса, Яссавия тариқати шайхларидан ҳам сўфийлик таълимини олганлиги эслатилади. Манбаларда келтирилишича, Баҳоуддин Саййид Амир Кулол ҳузурида бевосита сўфийлик таълимини ола бошлашдан аввал тушида Хожагон силсиласининг Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийдан тортиб, Хожа Муҳаммад Самосийгача бўлган пирларининг руҳлари билан учрашиб, Гиждувоний руҳидан шариат ва суннатга қаттиқ амал қилиш, бидъатдан қочиш, Саййид Амир Кулол ҳузурида тариқат одобларини ўрганишга кўрсатма олади. Баҳоуддиннинг ўзидан нақл қилинган қиссаларга кўра, у тушида *зикри хафий*ни кўллашга кўрсатма олган бўлиб, Саййид Амир Кулол ҳам унга зикрнинг ана шу турини ўргатади. Шунга кўра, у ўз фаолиятида *зикри алоия*ни кўлламайди”. Бундан ташқари, у охиригача Саййид Амир Кулолнинг муриди бўлиб қолган ва охирида унинг ўзидан *иршод*га - муридлар тарбиялаш ва тариқат раҳбарлигини амалга оширишга рухсат олган бўлса-да, ҳаётининг турли даврларида турк машойихлари - Яссавия тариқати шайхлари Халил Ота (XIII-XIV а.) ва Қусам Шайх (XIII-XIV), шунингдек, Саййид Амир Кулолнинг бошқа бир халифаси, Хожагон тариқати шайхи Мавлоно Ориф Деггароний (XIII-XIV а.) ҳузурида ҳам сўфийлик таълимини олади. Хожагон тариқати таълимотини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад

⁶²: Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд.-Б.-50.

⁶³: Ўша ерда.

⁶⁴ Бухорий, Саййид Муҳаммад Носириддин ибн Амир Музаффар. Тухфат уз-зойирин (форс тилида) /Тошбосма нашр. - Бухоро, 1910. - Б.

⁶⁵ Насойим ул-муҳаббат. - Б. 15;

қилиб қўйган Баҳоуддин Нақшбанд ўша даврда ҳаёт бўлган шайхларнинг тасаввуф ва сайру сулук борасидаги қарашлари, назария ва амалиёти билан биргаликда ўтмиш даврлар сўфийлари таълимотини ҳам чуқур ўрганган. Хожагон - Нақшбандия тариқати манбаларида Баҳоуддин Нақшбанднинг валийлиги ва кароматлари тўғрисида кўплаб мисоллар келтирилган. Саййид Амир Кулол вафотидан аввал Хожа Баҳоуддин Нақшбандга иршод - муридлар тарбиялашга ижозат бераркан, тариқат раҳбарлигини унга топшириб, барча муридларига Хожа Баҳоуддинга эргашишни буюради.

Баҳоуддин Нақшбанднинг турли йиғинлар ва жойларда айтган қудсий сўзлари ва қилган маърузаларидан иборат бўлиб, унинг муриди Хожа Муҳаммад Порсо томонидан ёзиб борилган ва Баҳоуддиннинг вафотидан сўнг муридларининг хоҳишига кўра тўпланиб, китоб ҳолига келтирилган.

“Аврод” (“Вирдлар”) - ривоятларга кўра, Баҳоуддин Нақшбанд тушида Ҳазрат Расулуллоҳ (с.а.в.)дан ўрганган ва кейинчалик унинг муридларидан Ҳамза ибн Шамшод томонидан алифбо тартибда шарҳланиб, китоб ҳолига келтирилган “Авроди сағир” (“Қисқа вирдлар”) - Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айtilган қисқа вирдлар тўплами.

1. “Воридот” (“Кўнгилдан ўтган ўйлар”) - беихтиёр ҳолда Аллоҳ томонидан кўнгилга солинган ўйлар тўғрисида.

2. “Далил ул-ошиқин” (“Ошиқлар далили”) - Аллоҳга ишқ йўли бўлган сулук ва бу йўлга кирган солиқлар тўғрисидаги асар.

3. “Ҳаётнома” - инсон ҳаёти моҳияти ва уни мазмунли ўтказиш борасидаги насихатлар ва ваъзлар тўплами.

4. Рубойилар - Баҳоуддин Нақшбанд томонидан турли сўфиёна мавзуларда айtilган рубойилар бўлиб, турли асарлар таркибидан жой олган.

-Хожагон тариқатини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш орқали уни кснг ёйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд: биринчи навбатда, тариқат асосчиси Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний томонидан жорий этилган, бироқ Хожагон силсиласининг кейинги пирлари даврида *зикри жаҳрий* билан алмаштирилган *зикри ҳафий*ни қайтадан жорий этган;

- *хилват* ва *самоъ* амалиётига барҳам бериб, ботиний хилват -*зоҳирда халқ, билан, ботинда Ҳақ билан бўлиш*ни тарғиб этади;

-Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Гиждувоний томонидан ишлаб чиқилган саккиз *рашҳага* урта янги рашҳа қўшиб, уларнинг сонини ўн биттага етказди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти биринчи навбатда, шариатга қаттиқ риоя қилиш ва ҳар қандай бидъатдан сақланишга асосланган. У ўз тариқатини *урват ул-вусқо* (мустаҳкам тутқич), яъни Пайғамбар(с.а.в.) шариатига эргашиш ва саҳобалар йўлидан боришдан иборат эканлигини уқтиради, бу тариқатга шариатни маҳкам тутиш ва Расулуллоҳ (с.а.в.) суннатларига амал қилиш орқали етишиш мумкинлигини маълум қилади⁶⁶.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз таълимотида сайру сулукнинг *иродат* -солиқнинг бирор муршидга мурид тушиши, *таслим* (ўзини топшириш) ва *тарки ихтиёр* (ўз ихтиёридан воз кечиш) билан бирга кечадиган жараён бўлиб, бунда мурид “иродат - иродатда иродатдан воз кечишдир” қондасига кўра ўз иродатини муршиди иродатига бўйсундиради. Мурид сулукда муршидга тамомила бўйсунishi, унинг чизган чизиғидан чиқмаслиги лозим.

Сўфийлар пастдан юқорига қараб борадиган уч табақага бўлинадилар, ёхуд пастдан юқорига қараб борадиган қуйидаги уч даражага эришиб борадилар: 1) мукаллидлар (эргашувчилар); 2) комиллар; 3) мукаммаллар. Бунда мукаллид эшитганига амал қилади, комил ўз вужудидан чиқиб кетолмайди, мукаммал комилни тарбиялаш даражасида бўлади ва комил мукаммалнинг тарбиясиз мукаммал бўла олмайди. Мақсад-*маърифати ижмолий*-Аллоҳнинг зоти ва сифатлари тўғрисидаги қисқача ва умумий билимни *маърифати тафсилий* - Худонинг зоти ва сифатлари тўғрисидаги батафсил ва кенг билимга айлантиришдан иборат,

⁶⁶ Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Б. 78.

деб билади. Бошқача, иродат билан бошланиб, муайян босқичларини босиб ўтиш орқали амалга ошириладиган сулукдан кўзда тутиладиган мақсад том маънодаги *маърифатдир*. Маърифат мақомига етган сўфий эса *ориф* деб аталади. Зеро, ориф деб Аллоҳга етишиш йўлида Худони, унинг исмлари ва сифатларини билиш, яъни Аллоҳ тўғрисида билим ҳосил қилиш босқичига етган сўфийга айтилади.

Баҳоуддин Нақшбанд сайру сулук ҳосилаларидан яна бири - валийликка алоҳида эътибор берган. Унинг фикрича, *валий*- баъзи ғайбий ҳолатлардан хабардор бўлган ва кароматлар кўрсатиш қобилиятига эга бўлган киши ўзининг бу хислатларидан мағрурланиб қолмаслиги учун уларга умуман эътибор бермаслиги, балки кўпроқ бандаликка берилмоғи лозим⁶⁷. Зикр борасида Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан қўлланилган *зикри хафийни* қайтадан жорий этди. Юқорида айтиб ўтилганидек, Хожагон-Нақшбандия таълимотининг энг муҳим асосларидан бўлмиш “рашҳалар” (“томчилар”) деб аталувчи ўн бир қоидадан илк тўрттаси -*Хуш дар дам, Назар бар қодам, Сафар дар ватан* ва *Хилват дар анжуман* Хожа Юсуф Ҳамадоний, яна тўрт рашҳа -*Ёдқард, Бозгаит, Нигоҳдошт ва Ёддошт* рашҳалари Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан ишлаб чиқилган. Баҳоуддин Нақшбанд ушбу саккиз рашҳага яна уч рашҳа - *Вуқуфи ададий* (санокдаги воқифлик), *Вуқуфи замоний* (вақтдаги воқифлик) ва *Вуқуфи қалбий* (қалбдаги воқифлик) рашҳаларини қўшиб, уларнинг умумий сонини ўн биттага етказди.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таркидунёчиликка қарши чиққан. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний изидан бориб, ўз издошларини хилватдан воз кечиб, суҳбат йўлини танлашга чорларкан: “Бизнинг йўлимиз суҳбат йўлидир. Зеро, хилват шуҳрат келтиради, шуҳрат эса офат. Яхшилик кўпчилик халқ ичра ҳосил бўлади, кўпчилик халқ эса суҳбат натижасида шаклланади,-”⁶⁸ дейди. Шунингдек, у Ғиждувоний каби сўфийнинг бошқалар ҳисобидан яшамасдан, ўз меҳнати билан кун кўриши лозимлигини таъкидлайди. Жумладан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд сўфий бўлиш учун албатта касб-кордан воз кечиб, узлатга чекиниш шарт эмаслигини уқтириб, ўз издошларини фаол иқтисодий фаолият билан шуғулланишга чорлаш мақсадида *Дил ба Ёру Даст ба кор* (кўнгил Аллоҳда, қўл эса ишда бўлсин) қоидасини ўртага ташлайди⁶⁹. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд кўпгина шогирдлар етиштирган бўлиб, Хожа Алоуддин Аггор (ваф. 802/1400), Хожа Муҳаммад Порсо (749/1348-822/1420), ва Хожа Алоуддин Ғиждувоний (ваф. 852/1448), Хожа Яъқуб Чархий (ваф. 851/1447) унинг энг машҳур халифалари жумласига киради. “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” ва “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарларида келтирилишича, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан олдин Хожа Муҳаммад Порсога тариқат раҳбарлигини топшириб, бошқа издошларини унга бўйсунтиришга ва эргашишга чақиради⁷⁰. Қўл доимо ишда бўлиши, яъни бунёдкорликка, жамиятга хизмат этишга, одамларнинг оғирини енгил қилишга, меҳнатсеварлик, унинг гуллаб яшнаши учун ҳаракат қилиш билан бирга, иймонли бўлишга яъни тил ва дилнинг бир хил бўлиши, мусулмончилик фарзларини бекаму-қўст бажариш, виждонан яшашга даъват этилади. Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан бошланган бу жараён-Нақшбандия таълимотида узил-кесил ҳукм тусини олди. Хожаи Жаҳоннинг маънавий шогирди Баҳоуддин Нақшбанд, устози йўлидан бориб, хилват ва самоъни анжуманда суҳбат билан алмаштирар экан, бу янгиликни ўз тариқатининг пойдевори деб ҳисоблади. Сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг “Насойим ул муҳаббат” асарида шу рашҳа тўғрисида, унга боғлиқ масалалар юзасидан Баҳоуддин Нақшбанднинг берган жавоблари берилади. Ҳазрат Навоий ёзади: “Яна алардин сўрадиларки, сизнинг тариқингизда зикр жаҳр ва хилват ва самоъ бўлур? – “Дедиларки, бўлмас”⁷¹. Абдулҳолиқ Ғиждувонийдек буюк сўфий шогирди бўлган Баҳоуддин Нақшбанд бу жавоби билан зикрни, яъни, Тангри номини қайта-қайта тилга олиш “жаҳр”- баланд овоз билан нола қилиш, ибодат этиш, “хилват”-одамлардан ҳоли жойда, ёлғизликда умр ўтказиш,

⁶⁷ Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Б. 91.

⁶⁸ Нафаҳот ул-унс. - Б. 392.

⁶⁹ Рашаҳот айн ал-ҳаёт, 1-ж.-Б. 100.

⁷⁰ Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд. - Б. 44-45;

⁷¹ Султон И.Баҳоуддин.Нақшбанд абадияти.Т.: 1994.-Б.65.

дарвешликда Тангри билан яккама-якка қолиш, “самоъ”- ашула қилиб, мусиқа орқали амалга оширмаслигини айтади. Шунинг учун бундай ҳолатларни ўз тариқатида бўлмас деб айтади. Яна сўрадиларки, сизнинг тариқингиз биноси не ишгадур? Дедиларки, “анжуманда хилват: зоҳир юзасидан халқ билан ва ботин тарафидин Ҳақ субҳонаҳу ва таоло била”⁷², яъни, бу ерда ташқаридан қараганда мажлисда одамлар бирла суҳбатда бўлсанг ҳам, қалбингизда доимо Оллоҳни сақланг.

XULOSA (KATTA HARFLARDA)

Умуман олганда, Хожাগон тариқати асос солган “Хилват дар анжуман” муқаддас маънавий қоида нақшбандийликда ривожлантирилиб, мукаммаллаштирилади. Баҳоуддин Нақшбанд устозининг таълимотини давом эттириб, хилватдан кечиш - ҳаётга, жамият манфаатларига фаол муносабатда бўлиш, эканлигини уқтиради.

Алишер Навоий ёзади: “Нақшбанд дер эмишларки, бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат.”⁷³ Нима учун “хилватда шуҳрат?” чунки тарки дунё этиб, хилватда ўтириб, бутун умрини тоат-ибодатга бағишлаш - Оллоҳ ва одамлар олдида шуҳрат қозонишнинг, яъни тариқат қоралаган манфаатпарастликнинг бир туридир”⁷⁴. Одамларнинг жам бўлиши, бир-бирлари билан фикр алмашишлари, маърифат орттиришнинг фойдаси катта эканлиги таъкидланади. Ташқи тарафдан анжуман, яъни одамлар даврасида бўлавериш керак. Чунки Оллоҳ йўлига кирган ҳақиқий солиқ ана шу жамият ичида ҳам хилват қилаверади. Чунки хилватга чекиниш инсоннинг қалбида кечадиган ҳодиса. Хожай Жаҳоннинг маънавий фарзандлари Баҳоуддин Нақшбанд шунинг учун ҳам хилватда шуҳрат бор, шуҳратда офат дейдики, яъни, хилватга чекинган одам элдан ажралади, сўфийлигини ошқора кўз-кўз қилади, унинг сўфий экани ҳақидаги гап ҳаммага аён бўлади, шундай қилиб у, шуҳрат қозонади. Шуҳрат қозонилган ерда эса офат бор. Жамият, яъни, кўпчилик ичида хайр - барака бор. Жамият эса суҳбат орқали пайдо қилинади.

Бу зоҳиран, яъни юзаки қараганда халқ билан бирга бўлиш, унинг йиғинларида бўлиш, умуман олганда, қаерда бўлишидан қатъий назар лекин қалбда ботинан хилват қилиш, яъни ҳамиша кўнгилда Тангрини унутмаслик ҳисобланади.

Ислом тасаввуфининг бу машҳур тариқат вакиллари ҳалоллиги, суннатга риоя этишлари, халқпарварлиги, меъёрий ҳаёт тарзига даъвати билан барчани ўзига жалб қилган. Чунки улар юксак илм-маърифат соҳиби сифатида, халқ билан ҳамнафас муршид, марҳаматли устоз, ахлоқи комил инсон бўлганликлари учун ҳам эътиборга лойиқ бўлганлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати. СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ (References):


1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O'zbekiston” нашриёти, 2021 Акимов О.Силсила/Ислам.
- 2.Энциклопедический словарь. Москва: Наука, 1991
- 3.Ислом. Энциклопедия.А-Х//Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида.-Т.”Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2017
- 4.Абдулҳолик Ғиждувоний. Рисолалар. С.Сайфулоҳ, Н.Ҳасан.Т., “Маворауннаҳр”, 2018
- 5.Абдурахмон Жомий.Нафаҳот ул унс.
6. Навоий Алишер. Лисонут-тайр (Насрий баёна билан) -Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – Навоий А. Насойимул муҳаббат мин шамойим ул футувват –Т.: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.

⁷²Султон И.Баҳоуддин.Нақшбанд абадияти.Т.: 1994.-Б.65.

⁷³Ўша ерда.. -Б.69.

⁷⁴Ўша ерда.. -Б.69.

- 7.Заринкўб, Абдулхусайн. Эрон тасаввуфи борасида изланиш, -Техрон “Амири Кабир”, 1997
- 8.Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Калободий. Ат-Тъарруф ли-мазҳаб ахл ат-тасавауф (араб тилида) / Нашрга тайёрловчи Ах,мад Шамсиддин. - Байрут: Дор ул-кутуб ал-илмия. 2001.
- 9.Ал-Мустамлий ал-Бухорий, Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад. Шар ат-Таъарруф ли-мазҳаб ат-тасаввуф (форс тилида) [Муҳаммад Равшан таҳрири остида. - Тсхрон: “Асотир”. 1984.
- 10.Сайфиддин Сайфуллоҳ. Етти пир. (Дунё муршидлари). Тошкент, “Ўзбекистон”, 2019.
- 11.Муҳаммад ибн Низом ал-Хоразмий ал-Арзангий. Манокиби Хожа Али Ромитаний Азизон. Қўлёзма // УзР ФА Шарқшунослик институти. Инв. N 1332/1. -
Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Хазрати Азизон / Тошбосма нашр. - Тошкент: Гулом Хасан Орифжонов босмахонаси, 1330Л912. УзР ФА Шарқшунослик институти, инв. №3162.
- 12.Абул Мухсин Муҳаммад Боқир иби Муҳаммад Али. Баҳоуддин Балогардон (Макомоти Хожа Баҳоуддин Накшбанд)/Таҳрир хайъати: А. Рустам ва бошқ.; Форсийдан таржима, сузбоши ва лугат муаллифи Махмудхон Махдум Ҳасанхон Махдум угли. - Тошкент: “Ёзувчи”. 1993.
- 13.Саййид Муҳаммад Носириддим ибн Амир Музаффар.Тухфат уз-зойирин (форс тилида) /Тошбосма нашр. - Бухоро, 1910.



АЖДОДЛАР МЕРОСИДА ИЛМ ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ТЕОЛОГИК ВА ГНОСЕОЛОГИК ҚАРАШЛАР ТАҲЛИЛИ

Сиддиқов Илёсжон Бахромович

Фарғона давлат университети доценти в.б., фалсафа фанлари доктори (DSc)

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта асрлар гносеологик-теологик қарашларидаги диний ва дунёвий илмлар яхлитлиги, замон ва макон диалектикаси, толерантлик тамойилларини замонавий ислом дунёсига трансформациялашда ислом маънавиятини тиклаш, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, ёшларни замонавий илмий билимлар билан қуроллантириш истиқболлари исботланган.

Калит сўзлар: ислом, теология, гносеология, ислом, ислом фалсафаси, ислом маданияти, дин, фан, фалсафа, илм, интеллект, илмий фаолият, интеллектуал қадрият, таълим.

АНАЛИЗ ТЕОЛОГИЧЕСКИХ И ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ НА РАЗВИТИЕ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В НАСЛЕДИИ ПРЕДКОВ

Сиддиқов Илёсжон Бахромович

доцент Ферганского государственного университета,
доктора философских наук (DSc)

Аннотация: В данной статье доказана целостность религиозных и светских наук в средневековых эпистемолого-теологических воззрениях, диалектика времени и пространства, перспективы возрождения исламской духовности в трансформации принципов толерантности в современный исламский мир, установление толерантности и солидарности, вооружение молодежи современными научными знаниями.

Ключевые слова: ислам, теология, эпистемология, ислам, исламская философия, исламская культура, религия, наука, философия, наука, интеллект, научная деятельность, интеллектуальная ценность, образование.

ANALYSIS OF THEOLOGICAL AND GNOSEOLOGICAL VIEWS ON THE DEVELOPMENT OF SCIENCE AND EDUCATION IN ANCESTRAL HERITAGE

Siddikov Ilyosjon Bakhromovich

Associate professor of Fergana State University , doctor of philosophy (DSc)

Annotation: This article proves the integrity of religious and secular sciences in the gnoseological and theological views of the Middle Ages, The Dialectics of time and space, the prospects for restoring Islamic spirituality in the transformation of the principles of tolerance into the modern Islamic world, finding tolerance and harmony, arming young people with modern scientific knowledge.

Keywords: Islam, theology, gnoseology, Islam, Islamic Philosophy, Islamic culture, religion, science, philosophy, science, intellect, scientific activity, intellectual value, education.

КИРИШ

Мамлакатимизда маърифатли, маънавий-руҳий етук, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда аجدодлар илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан ёш авлодни муносиб ворислар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ўрта аср Ислом Шарқи алломаларининг “Бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим...Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда, тушунарли, жозибали шаклда етказиб бериши зарур”[1].Бу борада ўрта аср мусулмон шарқи алломаларининг ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этувчи гносеологик ва теологик таълимотларидаги

гуманистик концепциялар негизда шаклланган конструктив аҳамиятга эга фалсафий ғояларини ҳар томонлама илмий-назарий тадқиқ этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашлари асосида ислом ақидалари орқали инсонлар ҳаётини осонлаштириш, муҳтожларга ёрдам бериш, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмаслик, ҳалоллик ва покликка тарғиб қилиш юксак даражада таҳлил қилинган ва ижтимоий муҳитга уларнинг таъсири кучли бўлган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Жаҳонда Ўрта аср Шарқ алломаларининг жаҳон илм-фани, фалсафаси, теологияси ривожига қўшган ҳиссаси, уларнинг гносеологик ва теологик қарашларининг аҳамиятини ўрганиш бўйича Ғарб шарқшунос, исломшунос ва файласуф олимлардан Н. Suter, G. Sarton, R. Donald, M. Ulmann, C. Brockelmann, A. Jourdain, E. Renan, S. Munk, T. J. De Boer, O'leary De Lacy, Cruz Hernandez, W. M. Watt, H. Corbin, Ф. Роузенталь, Адам Мец, Т. Ж. Уинтер, Густав фон Грюнебаум, А. Шиммель, Я. Ришард, Дж. С. Тримингэм, Н. Ҳир, У. Рудолф, Р. Наллино, М. Хотамийва бошқаларнинг тадқиқотларида мазкур масалаларга кенг ўрин берилган.

Араб олимлари Имом Аҳмад ибн Қудома Мақсудий, Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қаймоз ибн Абдуллоҳ Заҳабий, Ҳоний ал-Ҳаж, Доктор Роғиб Саржоний, Абулҳасан Мовардий, Маҳмуд Асъад Жўшон, Муҳаммад Зако Кўнрапа, Абдурахмон Рафъат Пошо, Шайх Муҳаммад Мутававали Шаъровий, Имом Зарнужий, Жиход Ат-Турбонийларнинг монографик тадқиқотларини муҳим манба сифатида айтиш мумкин.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, Д. Кныш, Е. Э. Бертельс, А. В. Смирнов, М. Т. Степанянц, П. Г. Булгаков, Б. М. Кедров, А. Ш. Камилов, Г. П. Матвиевская, Б. А. Розенфельд, С. М. Прозоров, М. М. Рожанская, Е. А. Фроловаларнинг тадқиқотлари мавзу доирасида муҳим методологик аҳамиятга эга.

Ўзбек олимлари И. Р. Насыров, Б. Вахобова, М. Болтаев, Н. Комилов, Э. Каримов, Р. Шодиев, М. Жакбаров, Г. Наврўзова, С. Сайфуллоҳ, Н. Сафарова, Х. Саломова, С. С. Бухорий, Г. Юнусовалар томонидан тасаввуф намояндаларининг онтологик, гносеологик ва антропологик қарашлари, М. Ҳасаний, Б. Намозов, К. Раҳимов, З. Нарзиев, М. Маматов, Қ. Рўзматзода, Н. Ҳасанов, З. Исҳоқова, И. Ҳаққулов, Ҳ. Ҳомидий, А. Абдуллаев, Йўлдош Эшбек, К. Раҳимовтадқиқотларида, тасаввуф илмига оид қарашлар, исломда аёлларнинг илм олишга бўлган ҳуқулари ҳамда илм оладиган кишиларга қўйиладиган вазифалар тадқиқ этилган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг асарларида ҳам ислом дунёсининг илмий фаолияти ривож, ўрта асрларда ислом маданиятини шаклланиши ва тараққий этиш жараёнлари таҳлил қилинган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Замонавий ислом гносеологик-теологик қарашлар тизимининг намоён бўлиш ҳолати, ўзгаришлар жараёнини ва унинг ўрта асрлар ислом гносеологияси ва теологияси анъаналарини ўрганиш ҳам долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Зеро, “биз Оллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар суннатида шаръий аҳкомларни, шунингдек, умматнинг аввали қандай азиз бўлганини билишимиз билан бир қаторда, ўз тарихимиздан ташқари бошқаларнинг тажрибаларини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Баъзи донишмандларимиз Ғарб тажрибасини ўрганишга қаршилар, сабаби – улар таъсиридан ўзликимиздан узоқлашиш хавотиридир. Албатта, бу ўринли. Лекин ўз қадриятларимиздан воз кечмаган ҳолда инсоният тажрибасини ўрганиш зиён қилмайди”[2]. Демак, замонавий илоҳиётшуносликни ривожлантириш, гносеологик қарашларни толерантлаштириш билан бирга мувозанатни тўғри шакллантира оладиган илм эгаларини тарбиялаш долзарб вазифалардандир. Зеро, Саҳл ибн Абдуллоҳ айтади: “Олимлардан ташқари ҳамма одамлар ўликдир. Олимларнинг илмига амал қилаётганидан ташқари ҳаммаси мастдир. Амал қилувчиларнинг мухлисларидан бошқа ҳаммаси ғурурга кетгандир. Ихлос билан амал қилганлар хатардадир”[3]. Мана шунда маст илмлиларни эмас, масъулиятли ва илмига амал қиладиганларни, Ғарб илмий муҳитидан фойдалисини ажрата оладиган олимларни тарбиялашга имкон беради. Бунинг учун ўрта аср

Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашларини чуқур ўрганиш, уни замонавий шароитда ривожлантиришда араб-мусулмон анъаналарини Ғарб анъаналари билан солиштириш, аҳамиятли томонларидан хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тарихдан маълумки, исломнинг нозил этилиши илмга одатланмаган, маърифий муҳитга кўникмаган жамиятда ҳақиқий инқилоб бўлган. Исломдан олдинги давр – “жоҳилият” (илмсизлик) даври дейилган. Ваҳий нозил бўлиши билан илм бошланди, дунёга ҳидоят нури тушди. Исломда жоҳиллик, шубҳа, ёмон гумонга ўрин йўқ. Оллоҳ ўз Пайғамбарини жоҳилликни севиб, илмни суймайдиганлардан юз ўгиришга буюрди: “Афвни ихтиёр этинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгиринг”. Ислом дини шубҳа-гумонга асосланган қадриятларни инкор қилади. Ислом шариати, фақат аниқ, ишончли илмга асосланади.

Бугунги кунда сохта пайғамбарлар, имом маҳдийлар, Оллоҳдан ваҳий қабул қилишни даъво қилувчилар, ғайб илмидан хабар берувчилар, сохта эшонлар оз бўлса-да учрамоқда. Айниқса, ёшларимизнинг диний билими ўта саёз, турли фитна-фасод кўзгайдиган фикрлар ва ғояларни содда халқ онгига сингдиришга уринадиган чаласавод кимсаларга эргашиб кетмасликлари учун уларни тўғри йўлга солиш ва ҳушёрликка чорлаш[4] долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунинг учун эса, ислом илоҳиётини чуқур ўрганиш, ўрта аср Шарқ гносеологиясидан яхши хабардор бўлиш, уларни муштарак томонларини англаган бўлиш талаб этилади. Шу билан бир қаторда, турли тоифалар томонидан динийлик билан дунёвийлик нисбати масаласи бузиб талқин қилинмоқда ҳамда ислом – дин ҳам сиёсатни ўз ичига қамраб олган илоҳий таълимот эканлиги ҳақида кўплаб мантиқсиз даъволар янграмоқда. Аслини олганда, мусулмонларнинг дунёвий давлатда яшашлари мумкинлиги ҳеч қандай илмий исбот талаб қилмайдиган аксиомадир. Нафақат Ғарбий Европа, Америка ва Австралиядagi аҳолининг озчилигини ташкил қилувчи мусулмонларнинг тажрибаси, балки аҳолисининг мутлақ кўпчилиги мусулмонлардан иборат Туркия ёки Ўзбекистон тажрибаси ҳам шундан далолат беради[5]. Бунинг учун ислом асосларини чуқур ўрганиш, ислом илоҳиётини чуқур англаш, гносеологик қарашларга нисбатан бағрикенг муносабатни шакллантириш зарур.

Тарихда ва ҳозирги замонамизда пайдо бўлган турли тоифаларнинг бузуқ эътиқодлари содда ва ишонувчан одамларни адаштирмоқда. Олимларга эргашидик, энди ҳақ йўлини топдик деб ўйлаган ноқис ақл эгалари, уларга эргашиб бориб, бошларини тошларга уриб, жувонмарг бўлдилар. Бу каби динимиз моҳиятини чуқур тушуниб етмасдан чаламулла даъватчиларга эргашган ёш авлодга ачинмасдан иложимиз йўқ[6]. Ўрта асрлар шарқида ислом теологияси ақидаларни ҳимоя қилиш билан бирга мана шундай бузуқ эътиқод ва ўзларини тўғри йўлдалигини иддао қилувчи мутассибларга қарши курашганлигини ҳам кўриш мумкин.

Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашларини ўрганиш орқали шуни англаш мумкинки, ҳақиқий илоҳиётшунослар ҳам ёки бошқа илмлар вакиллари ҳам ҳар қандай вазиятда илм эгаллаш лозимлигини, илм инсонларни адашишдан асровчи ягона нажот эканлигини кўп бора таъкидлаганлар. Исломга кўра, ҳам илмсиз ҳаёт мазмунсиздир. Илм йўқолиши қиёмат яқинлашганидан белгидир. Шу ҳақда Бухорий ва Муслим ривоятида Пайғамбар алайҳиссалом дейдилар: “илмнинг кўтарилиб кетиши, жоҳиллик тарқалиши, маст қилувчи ичимликлар ичилиши, зино авж олиши – қиёмат аломатларидандир”. Илм кўтарилиши қалблардан ўчиб кетиш билан бўлмайди, балки уламолар ўлиши билан бўлади. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоху анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ саллоллоху алайҳи вассаллам шундай деганларини эшитдим: “Оллоҳ илмни бандаларидан тортиб олмайди, лекин олимларни олиш билан олади. Олим қолмагандан кейин одамлар илмсиз, жоҳил кимсаларни бошлиқ қилиб оладилар. Улардан савол сўраганларида, илмсизлар фатво бериб ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам адаштирадилар”[6]. Дарҳақиқат, олимларнинг ўлими зилзила, сув тошқинидан ҳам катта офатдир. Зеро, олимларнинг ўлиши билан фасод кўпаяди, ҳаёт ўз қийматини йўқотади.

Ўрта аср ислом теологиясида илмга дунё ва охиратда инсонга фойда ёки зарар бўлган нарсаларни билмоқ эканлигига алоҳида урғу берилади. Илм инсонларга хос бўлган бир сифатдир. Илмдан бошқа сифатлар масалан, ботирлик, шафқат кабилар баъзи вақтда бошқа

хайвонларда ҳам топилади. Илм ўрганиш бандалар устида улуғ бурчдир. Оллоҳ таъоло: “Билмаган ишларингизни билган кимсалардан ўрганингиз” дея буюрган. Яна бир бошқа оятда “Айтинг: Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?! Дарҳақиқат фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар”[2]. Исломда илмлилар билан илмсизлар тенг бўла олмасликлари ҳақида сўз кетганда, илмли доимо устун туриши ва фазилятли ҳисобланиши, илмсизда эса бу нарсалар бўлмаслигига ишора қилинади. Бирор масалаларни англаб улардан ўрнак олиш учун ҳам илм зарурдир.

МУҲОКАМА

Ўрта аср Шарқ маърифий муҳитида илмга муҳаббат кучли бўлганлигини кўриш мумкин. Бағрикенг илмий муҳит ўша даврда гносеологик изланишларни ва илоҳиётшуносликка доир талқинларни курашига, ўзаро сайқалланишига имкон берди. Шу боис илм ривожланди, илмлилар кўпайди, жамиятнинг ижтимоий дунёқараши ўсди. Бирок мусулмонларнинг дунёвий илмларга бепарволиги, гносеологик қарашларни қабул қила олмаслиги натижасида бугунги илмий муҳит қониқарли даражада эмас. Бунга бир қанча мулоҳазалар бор. “Бир қанча мусулмон ўлкаларидаги исломий институтлардаги муҳит ўрганилганда натижа шуни кўрсатадики, юқори даражада таҳсил олаётган талабалар сони жуда оз. Исломий илмларни ўрганишда фаоллик бор, бироқ дунёвий фанлардан орқада қолинган. Чунки талаба дин йўлида дунёвий фанлардан воз кечиш керак деб ҳисоблайди. У Қуръон, тафсир, ҳадис, фикҳ дарсларига қатнашади, аммо кимё, физика каби фанларни ўзлаштирмайди. Қорилар ва шайхлар мажлисига боради, бироқ тажриба майдонларига яқинлашмайди ҳам. Бу муаммо мусулмон талабалари учун одатга айланган”[8]. Шу боис талабаларни дунёвий илмларга бўлган қизиқишини оширишимиз зарур. Бунинг учун ўрта аср Шарқ гносеологик ва теологик қарашлари ва бу асосда ислом ривожини ва ақидавий мустаҳкамланишини тушунтириб бера оладиган кадрлар, олимлар ва ижтимоий фаол инсонларни тарбиялаш долзарб вазифалардандир.

Ислом оламида илмга қизиқиш сўниб бормокда. Мисол учун, Мисрда ўн беш ёшдан катталарда саводсизлик 29,6 фоизга етган. Яъниҳар ўнта мисрликдан учтаси ўқиш-ёзишни билмайди. Аҳолининг учдан бири газета, журнал ўқимайди. Қуръонни очиб ҳам кўрмайди. Ҳозирги ривожланган ускуналардан фойдалана олмайди. Камбағаллар биз билан бир муҳитда яшасада, бирор кимса уларни ўқитишни ўйлагани йўқ. Ваҳоланки, Исроил давлатида саводсизлик даражаси анча паст. Мисрда ўн беш ёшдан йигирма тўрт ёшгача бўлган йигитлар орасида саводсизлик 15 фоиз бўлса, Исроилда эса 2,9 фоизни ташкил этади. Уруш ва ночорлик чарчатган Кубада ёшлар орасида бесаводлик йўқ: ҳар бир йигит-қиз ўқишни ва ёзишни билади. Катталар орасида саводсизлик 0,2 фоизни ташкил қилади. Нафақат Куба, балки Лотин Американинг Чили, Бразилия, Колумбия каби давлатларида ҳам саводсизлик даражаси 2-3 фоиздан ошмайди[2]. Демак, камбағаллик, иқтисодий муаммолар саводсизликка баҳона бўла олмайди. Бу фақат Мисрга тегишли эмас. Мусулмон мамлакатларнинг кўпида шу муаммо мавжуд. Масалан, Марокашда ёшлар орасида саводсизлик Мисрдан икки баробар кўп: 30 фоиз, катталар орасида 48 фоиз экани ҳеч бир ўлчовга тўғри келмайди. Аёллар орасида саводсизлик Мисрда 41 фоиз, Исроилда 4 фоиз, ҳолос.

Шу билан бирга, замонавий ислом оламида илмли мусулмонларнинг Ғарбга кетиб қолиши ҳам кўп учрамокда. Ғарб давлатлари, айниқса, Америка ихтирочи, кашфиётчиларни турли йўللار билан ўзига оғдириб олади. Тўқсонинчи йиллардан буён 12 миллион мутахассис фуқаролик, катта маош, юқори имтиёзлар сабаб ўз қадриятларидан воз кечиб, Америка муҳитига сингиб кетишди. Араб-мусулмон табибларидан 50 фоиз, муҳандисларидан 23 фоизи Ғарб давлатларига кўчиб кетган. Улар Америка, Канада, Британия каби давлатларнинг иқтисодиётини гуллаб-яшнашига хизмат қилади. Британия табибларининг 34 фоизини араблар ташкил қилади.

“Мусулмон умматининг ўтган мингйилликдаги энг катта ютуғи интеллектуал бирдамликка эришгани бўлганлиги шубҳасиз. Ҳижрий бешинчи асрдан шу кунгача сулолалар ўртасидаги ўз қобиғини ёриб чиқишга қаратилган тўқнашувларни ҳисобга олмаганда, сунний мазҳаб вакиллари динга нисбатан деярли ўзгармаган ҳурматни ва ўзаро биродарликни сақлаб

қола билди. Бошқалар учун мана шундай мушкул кечган узок давр мобайнида на улкан диний урушлар, на қўзғалишлар ва на таъкиблар уларни бўлиб юбора олмагани хайратланарлидир”[2]. Албатта, бунинг соф диний сабаби бор. Ислон сўнгги диндир, у “уйга элтувчи сўнгги автобусдир” ва шунинг учун ҳам вақти-вақти билан бўлиниб кетишдай инқироздан илоҳий йўл билан ҳимоялангандир. Бизнинг фикримизга кўра, мусулмон мамлакатларида қатор муаммолар кўзга ташланади. Лекин бу юксак даражада билим олишга тўсқинлик қилади дейишга асос бўлмайди. Масалан, Малайзия – мусулмон мамлакатларидан бири ҳисобланиб, бошқа мусулмон мамлакатларида бўлгани каби муаммолари етарлидир. Шунинг ҳисобга олиб айтиш мумкинки, илмда юқори натижаларга эришмоқда, кундан-кунга тараққий этиб бормоқда. Шу боис Малайзия тажрибасини ўрганиб, тадбиқ қилиш орқали ҳам тараққиётга эришиш мумкиндир.

Илмий лойиҳалар кўп маблағни талаб этади. Афсуски, бу масалада ислоний давлатларни йирик ишлаб чиқарувчи давлатларга қийослай олмаймиз. Исроил давлатининг ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизини илмга ва турли илмий лойиҳаларга сарфлайди. Бу кўрсаткич бутун араб давлатларининг бу соҳага ажратган маблағидан 3,5 баробар кўп. Мусулмон мамлакатларида илмий ишлар, кашфиётларга деярли эътибор берилмайди. Ишлаб чиқаруви ихтиро эгасига патент тўламайди, агар ихтирога яхши ҳақ тўланса, ишлаб чиқариш янада ривожланади. Илмни ривожлантириш билан ҳам моддий бойликка, ҳам сиёсий ва ҳарбий қудратга эга бўлиш мумкин.

БМТнинг баёнотига кўра, Миср ялпи ички маҳсулотининг 0,2 фоизини таълимга сарфлайди. Исроил давлати эса таълимга Мисрдан 25 баробар кўп маблағ ажратар экан. Оллоҳ таъоло натижаларни сабабларга боғлаб қўйган. Кимки сабабни кўп ушласа, у кўпроқ натижага эришади. Таълим учун ҳар бир исроиллик йилига 922 доллар, америкалик 1005 доллар, мисрлик эса 6 доллар сарфлайди. Демак, айрим замонавий ислон мамлакатларида илмнинг аҳамиятини тушунмаслик ҳам уларнинг илмий инқирозига таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг учун ислоний ўқув даргоҳларининг дунё стандартларига чиқариш бўйича ҳаракатларни ташкил этиш зарур. Шанхайнинг Жиао тонг университети 2004 йилда дунёнинг энг яхши 500 ўқув муассасасини эълон қилди. Бундан мусулмон мамлакатлари ва дунёвий илм қай даражада суғат эканини очик-ойдин кўрсатиб берди[9]. Мазкур ўлчов тўртта мезон бўйича аниқланган.

Биринчи мезон – сифатли таълим, бунда олий шъув юртини тамаомлаган битирувчиларнинг эришган унвон ва даражалари ҳисобга олинади. Иккинчи мезон – олий ўқув юритининг сифати: мазкур ҳолатда ўқув муассасасининг самарадорлиги, таълим олувчиларнинг иқтидори назарда тутилади. Учунчи мезон – илмий изланишлар ҳолати: бундана шр этилган мақолалар, конференцияларда оммага ҳавола этилган чиқишлар инобатга олинади. Тўртинчи мезон – таълим муассасаси ҳажми: бунда олийгоҳлар қошидаги академиялар назарда тутилади. Ушбу мезонлар асосида олийгоҳлар баҳоланганда бирорта мусулмон давлати олийгоҳи бу рўйхатга кира олмаган. Фақатгина 2005 йилда Туркиянинг иккита университети рўйхатга кира олди, холос[2].

Ислон дунёсининг аксарият мамлакатларида таълим тизимини ислон қилишга ва таълим сифатига унчалик эътибор қаратилмайди. Илк таълимдан юқори таълимгача салоҳияти юқори педагогларга эҳтиёж катта. Бунинг боиси ўқитувчиларнинг ойлиги паст бўлиб, бу уларнинг бошқа иш билан машғул бўлишларига сабаб бўлади. Бу эса уларнинг илм билан шуғулланишга эътибор бермай, ўз устиларида ишлашларига рағбатини ўлдиради. Натижада илмий пасайиш юз беради. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, ислон дунёсидаги муаммо илмий соҳа ва унинг фундаментал асосларига етарлича эътибор қаратмасликда бўлиб қолмоқда. Зеро, “ислон дини ақлга аҳамият берган диндир. Инсон хоҳ ўз борлигида ва хоҳ кўкларда ва ерда бўлсин, Оллоҳнинг бутун қудрат асарларини англай билиш учун фақат соғлом бир ақлга эга бўлмоғи лозим. Мусулмонлик ақлга юксак бир мавқе бергани каби илмнинг ҳам қийматини юксалтирган, ҳар кимга илм олишни фарз қилган, ҳақиқат қарда бўлса, олинишини билдирган. Бу сабабдан мусулмонликдан фойдали илмларга, фанларга тескари бир ҳукм йўқдир ва бўлмайди ҳам”[10]. Демак, ислондаги илм олиш, ҳақиқатга

интилиш даъватларини ислом дунёсига сингдириш орқали улардаги илмий-интеллектуал фаолиятни жонлантириш ва тараққий эттириш мумкин.

Ўтган асрларда мусулмонлар “фойдали илм” тушунчасини нотўғри талқин қила бошлашди. Улар онгига фақат шаръий илмлар фойдали деган фикр ўрнашиб қолди. Аслида дунёвий илм ҳам Қуръони карим ва суннатда макталган мутлақ илмга киради. Бироқ баъзи инсонлар диний илмларда савоб бор, дунёвий кўринишида эса йўқ, деб тушунишади. “Дунёвий илмлар” деган термин кўпчилик диндорларда Исломдан узоқлаштирувчи илм деган тасаввур уйғотади. Физика, кимё, биология каби фанларга гўёки диндан чалғитиш учун ўқитилгандек муносабатда бўлишади. Бу фикрлар асоссиз бўлиб, агар мусулмон ниятни тўғри қилса, физика, кимё, биология каби илмлар орқали ҳам жаннатга кириш мумкин. Дунёвий илмлар мусулмонларни азиз қиладиган диний илмдир.

Доктор Роғиб Саржоний фикрича, дунёвий илмлар тушунчасини ўрнига “хаётий илмлар” тушунчасини ишлатиш ва мусулмонларнинг гўзал ҳаёт кечириши учун фойдали бўлган илмларни ўрта асрларда ривожлантирилгани каби ривожлантириш муҳим вазифалардандир. Исломий жамиятларда баъзи фикҳий масалалар борки, фақиҳлар уларни ҳалол ёки ҳаром дейиш учун соҳа мутахассисларининг фикрига эҳтиёж сезади. Демак, ҳаётий илмнинг моҳир мутахассиси баъзи фикҳий масалани ечишда ёрдам беради. Шунингдек, янги даврда юзага келган турли масалаларни ечишда иқтисодчи, молиячи, табобат илми эгаларининг ҳиссаси бор. Фақиҳлар мутахассис ҳулосасисиз тўғри ҳукм чиқариш қийин. Иқтисодий масалада – иқтисодчига, тиббий масалада – ҳозир табибга мухтожмиз[11].

Ўрта аср Ислом Шарқи ҳаётий илмларда устун бўлган вақтларда ривожланиш кучли бўлганини кўрсатади. Ўрта асрлар ислом илоҳиёти шаклланишида черков сингари олимларга зулм қилиш ҳолати кузатилмаганлиги учун ҳам теологик қарашлар юксак даражада бўлган. Ислом дини илм олишга ҳеч қачон тўғаноқ бўлмаган. Европа жамиятида яқин вақтгача черков илм йўлига ғов бўлиб келган, минглаб олимлар оловда куйдирилган. Нима сабабдан черков илмга қаршилиқ қилди? Чунки ҳукмронлик тўлалигича черковда эди. Илм уларнинг ёлғонларини фош қиларди. Черков катта бойликдан ажралиб қолмаслик учун ҳам олимларга тазйиқ ўтказган.

Европа узоқ вақт шундай зимистонда яшади. Бу давр “зулмат асри” деб номланган. Бир неча аср диний ҳукмронликдан кейин одамлар илмий тараққиётга эришиш учун дин ҳукмронлигини йўқотиш керак деган фикрга келдилар. Диндан нафратланиш, даҳрийлик кучайиб кетади. Илмий ҳақиқатларга зид келгани учун Таврот ва Инжилни душман санашади. Улар дин деганда илм душманини тушунадиган ҳолатга келади[2]. Натижада ақлни диний китоблардан устун қўйиш бошланади. Марказий Осиёда ҳам хонликлар даври диний догматизми ҳам одамларни диндан кўркишга олиб келиб қўйганлиги ҳолатини ҳам шунга ўхшатиш мумкин.

Шу боис ислом дунёси ислом динига асосланган маърифат излаш йўлига ўтиши ва исломий илмлар билан ҳаётий илмларни ҳам тенг қадрлаган ҳолда ўрганишга киришмоғи, жамиятда илм-фанни қадрлайдиган муҳитни шакллантирмоғи зарур. “Илдизига қараб – ҳосили”, деган мақолга амал қиладиган бўлсак, зиммамизга жуда кўп вазифалар юкланиши табиий. Келажакда ақлли, маърифатли ва баркамол авлод шаклланиши учун барча малака ва имкониятларимизни ишга солган ҳолда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб боришимиз зарур. Бизнинг илдизимиз мустаҳкам ва теран. Зеро, бой тарихимизда илм-фан соҳасини барча соҳалари бўйича қомусий олимлар ва буюк алломалар айнан бизнинг юртимиздан етишиб чиққанини бутун дунё эътироф этади. Ва илмий мерослари маънавий ҳазиналаримизнинг кўркига айланган. Эндиликда ёшлар уларни пухта ўрганиб, Ватан тараққиёти йўлида унумли фойдаланишлари керак, холос. Шундагина унинг берадиган ҳосили ҳам ҳар қачонгидан мўл ва баракали бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, замонавий ислом дунёсида исломий илмлар билан дунёвий илмларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлаш, ғносеологик ва теологик қарашларнинг

ривожланиши ва бағрикенгликда муносабатига эркинлик бериш, биргаликда муаммоларни ечишдаги ўрнини белгилаш ижтимоий тараққиётнинг асоси эканлиги келиб чиқмоқда.

1. Замонавий мусулмон дунёсида исломий маърифатнинг кучсизланиши, таълимнинг инкйрози ортидан ислом ақидаларини тушунишда мутаассибона қарашларни ёқлаб, диний кўрсатмаларни тушуниш ва уларга амал қилишда ихтилоф чиқариб, ўз фикрини диндаги энг тўғри ва ягона исломий қараш санаб, ўзгача дунёқарашдаги инсонларга нисбатан кескин муносабатда бўлувчи мутассиб фикрловчиларнинг кўпайиб кетаётганлиги сабабли инсонлар ўртасида ўзаро нифок, бир-бирига нисбатан адоват қилиш, майда масалаларни глобал диний муаммо қилиб кўрсатиш, оқибатда, мусулмон жамиятларида ички низоларнинг авж олиши, парокандалик, бўлиниш ва беқарор вазиятнинг вужудга келишига содир бўлмоқда. Бу эса ўрта асрлар Шарқ ғносеологик ва теологик қарашлар муҳитига хос толерант ва тоқатли илмий мунозаралар муҳитини яратиш вазифаларини келтириб чиқармоқда.


2. Бугун ислом дунёсининг аксарият мамлакатларида таълим тизимини ислоҳ қилишга ва таълим сифатини кўтаришга унчалик эътибор қаратилмайди. Айрим мусулмон давлатларида бошланғич таълимдан тортиб олий таълимга қадаринтеллектуал ва компетенцион салоҳияти юқори педагог кадрларга бўлган эътиёж жуда катта. Турли ижтимоий-иқтисодий омиллар илмий пасайишга олиб келмоқда. Масалан, ўқитувчиларнинг маошининг камлиги, уларнинг бошқа иш билан машғул бўлиши, кўшимча даромад манбаини ўз соҳасидан топиб бўлмаслиги, ўз устида ишлашга, илмга вақти ва кучи қолмаслиги, меҳнатига яраша муносиб рағбат олмаслиги ва юқоридагилардан келиб чиқиб, илмини оширишга ҳаракат қилмаслигини кўрсатиш мумкин. Бу эса ўз навбатида илм ва фанда пасайишга олиб келади. Ўз ўрнида алоҳида таъкидланиши жоиз бўлган ҳолат шуки, ислом дунёсидаги муаммо аслида иқтисодий ночорлик эмас, илмсизлик, уни тўғри тушунмаслик, тасарруф қила олмаслик бўлиб ҳисобланади.

3. Ўрта асрлар илоҳиётида илм ва илм олиш юксак даражада кадрланишига сабаб Пайғамбаримиз томонидан илм олишни фарз сифатида айтилиши билан ҳам боғлиқдир. Ўша даврда ислом таълимотининг ривожланиши, ислом дининг эътиқодий ва ташкилий тузилиши шаклланаётган ва мустаҳкамланиб бораётган шароитда Пайғамбаримиз томонида илм олишга жуда кўп бора даъват этилиши ислом дини тарқалган ҳудудларга таъсир кўрстамасдан қолмайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. –Б. 224.
2. Саржоний, Доктор Роғиб. Ислон ва олам. –Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, 2018. –Б. 4.
3. Самарқандий, Абу Лайс. Танбеҳул ғофилин. Тарж. Д.Қўшоқов; Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. –Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2020. –Б. 370
4. Тулепов А. Ислон ва ақидапараст оқимлар. –Тошкент: Моварауннахр, 2017. –Б. 4.
5. Кремер Г. Ислон – дин ва давлат: ислонда дин, ҳуқуқ ва сиёсатнинг ўзаро муносабати // Ислон ва дунёвий-маърифий давлат/ масъул муҳаррир З. Мунавваров. –Тошкент: Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси, 2003. –Б. 60.
6. Тулепов А. Ислон ва ақидапараст оқимлар. –Тошкент: Моварауннахр, 2017. –Б. 466.
7. Жамолов С. Илмнинг ўн тўрт қаноти. –Тошкент: Ғофур Ғулом, 2018. –Б. 8.
8. Тимоти Ж. Уинтер (Абдулҳаким Мурод) ХХI асрда ислон: постмодерн дунёда қиблани топиш. –Тошкент: Шарқ, 2005. –Б. 335.
9. <https://islamonline.uz/index.php/item/4545-holat>. Илмий ҳолатимизга эътибор. 09.04.2019
10. Қўнрапа, Муҳаммад Зако. Муҳаммад(с.а.в) ва ислон тарихи (Ислон тарихидан сабоқлар). –Тошкент: Шарқ, 2017. –Б. 338.

11. Siddikov, I. (2021). Traditions Of Philosophy, Fiqh And Philosophy In The Theological Views Of The Middle East. Interconf.
12. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
13. Bakhromovich, S. I. (2021). Views On The Role Of Science In Human And Society Life In Islamic Teaching. International Journal Of Philosophical Studies And Social Sciences, 1(3), 79-86.
14. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
15. Siddiqov, I. (2022). Dialectical And Synergetic Features Of The Development Of Theological And Epistemological Views In Medieval Eastern Islam.
16. Siddiqov, I. B. (2022). Mutual Synthesis Of Medieval Islam Gnoseology And Theology.
17. Siddiqov, I. B. (2018). Social And Philisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. European Science Review, (7-8), 296-298.
18. Bakhromovich, S. I. Social And Physical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. July–August, 289.



MIFLARNING O'RGANILISH TARIXIGA DOIR QARASHLAR VA TARAQQIYOT DAVRLARI

VIEWS ON THE HISTORY OF THE STUDY OF MYTHS AND PERIODS OF DEVELOPMENT

ВЗГЛЯДЫ НА ИСТОРИЮ ИЗУЧЕНИЯ МИФОВ И ПЕРИОДЫ РАЗВИТИЯ

DSc Rasulov Z.I. BuxDU dotsenti (DSc Rasulov Z.I. dotcent of BSU)

Ahrorova Nigina BuxDU 2-kurs magistri (2nd course master of BSU)

Kalit so'zlar: Mif, mifologiya, anropogenik miflar, folklor, arxaik, sav, uyg'onish davri, structural maktab, allegoriya g'ori.

Key words: Myth, mythology, anthropogenic myths, folklore, archaic, sav, renaissance, structural school, cave of allegory.

Ключевые слова: Миф, мифология, антропогенные мифы, фольклор, архаика, сав, ренессанс, структурная школа, пещера аллегории.

Annotatsiya

Ushbu maqolada miflar va ularning taraqqiyot davri, insoniyat taraqqiyotida tutgan o'rni, mifologik maktablar, olimlarning asarlarida keltirilgan misollar. Bundan tashqari qadimgi odamlarning qarashlari negizida paydo bo'lgan miflarga misolla va mifshunos olimlar haqida ma'lumotlar berilgan. Renessans davrining mifologiyaga qanday aloqasi borligi, mifologik maktablarning shakllanish va miflar haqida ingliz va o'zbek olimlarining fikrlari keltirilgan.

Annotation

In this article, myths and their period of development, their place in the development of humanity, mythological schools, and examples given in the works of scientists. In addition, examples of myths that arose based on the views of ancient people and information about mythologists are given. The relationship of the Renaissance to mythology, the formation of mythological schools, and the opinions of English and Uzbek scientists about myths are presented.

Аннотация

В данной статье мифы и период их развития, их место в развитии человечества, мифологические школы и примеры приведены в трудах ученых. Кроме того, приведены примеры мифов, возникших на основе взглядов древних людей и сведений о мифологах. Представлено отношение Ренессанса к мифологии, формирование мифологических школ, мнения английских и узбекских ученых о мифах.

Dunyoning barcha xalqlarining taraqqiyotining dastlabki bosqichlarda olam va odam haqidagi tasavvurlaridan kelib chiqib, hayot, o'lim, borlik, dunyoning yaralishi haqida miflar yaratishgan. Dunyoning yaralishi, ma'budlar, sehru-jodular, ilohiyot bilan bog'langan voqea-hodisalar, ilohiy qahramonlar, ruhlar haqidagi asotirlar fan tilida "Mif" deb ataladi. Miflarni o'rganuvchi fan esa mifologiya deyiladi. Mifologiya — muayyan xalq tomonidan yaratilgan mifologik tasavvurlarning izchil tartibga solingan tizimi, asotirlar majmui. Masalan yunon mifologiyasi, hind mifologiyasi,

o'zbek mifologiyasi insoniyat ma'naviy taraqqiyotining ilk bosqichi sifatida muhim amaliy ahamiyat kasb etgan. Miflar ibtidoiy madaniyatning negizi, olamni idrok etishning asosiy vositasi, badiiy tafakkurning ibtidosi hisoblangan. Mifning asosini qadimgi odamlarning koinot, tabiat, inson, samo jismlari, narsa va hodisalarning paydo bo'lishi haqidagi asotirlar tashkil etadi. Mifning arxaik qatlami quyosh, oy va yulduzlar to'g'risidagi shamsiy, qamariy va astral miflar, olamning paydo bo'lishi haqidagi samoviy miflar, odamzotning yaratilishi haqidagi antropogenik miflar, qadimiy e'tiqodiy qarashlarni o'zida ifoda etgan totemistik va animistik miflaridan tashkil topgan. Dehqonchilik madaniyati yuksak darajada rivojlangan hududlarda esa tabiiy-iqlimiy o'zgarishlarning ramziy-metaforik talqinlari asosiga qurilgan taqvimiy (kalendar) miflar va o'lib-tiriluvchi tabiat kultlari haqidagi miflar keng tarqalgan. Xususan, Osiris (Qadimiy Misr), Adonis (Finikiya), Dionis (Yunoniston), Siyovush (O'rta Osiyo) haqidagi mifologik syujetlar shu tariqa yuzaga kelgan. O'zining ilk taraqqiyot bosqichida eng sodda ibtidoiy ishonchlardangina iborat bo'lgan miflar insoniyat tafakkurining tadrijiy rivoji davomida olam, jamiyat va tabiat haqidagi asotiriy syujetlar, mifik obraz va tasavvurlar silsilasini o'z ichiga olgan mukammal tizimga aylangan. Ijtimoiy ongning animizm, totemizm, fetishizm kabi qadimiy shakllari mifologiya bilan chambarchas bog'liq. Ibtidoiy dunyoqarash tizimi sifatida shakllangan miflar qadimgi diniy e'tiqodlarning ilk kurtaklari, ajdodlarimizning falsafiy, axloqiy va ijtimoiy qarashlari, olam va odam hayotiga doir eng sodda ilmiy talqinlar, voqelikni ongsiz-hissiy anglash asosiga qurilgan ramziy-metaforik obrazlar, shuningdek, so'z san'ati, marosimlar tizimi va mifologik tafakkurning turli xil shakllarini o'z ichiga kamrab olgan. U qadimiy odamning borliq olamni idrok etishga doir tasavvur va qarashlarini o'zida jamlagan izchil tizim sifatida ibtidoiy mafkuraning yetakchi g'oyasi bo'lib xizmat qilgan. Miflar ibtidoiy insonning ilmiy, diniy, falsafiy va badiiy qarashlarini o'zida mujassamlashtirgan sinkretik hodisadir. Shu bois miflar folklor, yozma adabiyot, san'at va ma'naviy qadriyatlarining shakllanishi uchun ilk zamin vazifasini o'tagan. Mifologik tasavvurlar mohiyatini anglash va ularni ilmiy talqin qilishga bo'lgan ilk urinishlar antik davr olimlari tomonidan amalga oshirilgan. Xususan, Platon asotirlarni falsafiy-ramziy nuqtai nazardan talqin qilgan bo'lsa, yunon faylasufi Evgemer (miloddan avvalgi 3-asr) mifik obrazlarni o'tmishda yashab o'tgan real tarixiy shaxslarning timsoliy ifodasi deb bilgan. 19-asrning 1-yarmida Germaniyada "mifologik maktab" yuzaga kelgan. Mifologik maktabning nazariy asoslari nemis filologlari aka-uka Y.Grim va V. Grimmning "Nemis mifologiyasi" kitobida bayon qilingan. Ular xalq ertaklarini tahlil qilish jarayonida qadimiy mifologik tasavvurlarning epik syujetlar tarkibidagi qoldiqlarini aniqlashgan va hind-yevropa xalqlari mifologiyasi yagona negizga borib taqaladi, degan muhim ilmiy xulosaga kelishgan. Ana shu nazariyani rivojlantirgan A. Kun, V. Shvars, V. Mannhardt (Germaniya), M. Breal (Fransiya), M. Myuller (Angliya), F. I. Buslayev, A. N. Afanasyev, O. F. Myuller, A. A. Potebnya (Rossiya) kabi olimlar miflarni qiyosiy tadqiq etishgan. Keyinchalik jahon mifshunosligida ko'plab yangi ilmiy yo'nalishlar yuzaga kelgan. Xususan, ingliz qiyosiy etnografiyasining yutuqlari asosiga qurilgan "antropologik maktab" (E. Taylor, E. Lang, G. Spenser, J. Freyzer): mif va marosimlarni o'zaro uzviylikda tadqiq etgan Kembrijlik mifshunoslarning "ritualistik maktabi" (D. Harrison, F. M. Kornford, A. B. Kuk, G. Marri); ibtidoiy madaniyatning ruhiy asoslarini o'rgangan fransuz etnologlarining "ijtimoiy maktabi" (E. Dyurkgeym, L. Levi-Bryul); mifologik tafakkurning intellektual hodisa sifatidagi o'ziga xosligini yoritib bergan "simvolistik maktab" (E. Kassiyer, V. Vundt, K. G. Yung—Germaniya); "strukturual maktab" (K. Levi-Stross—Fransiya) vakillarining asarlarida miflar turli nuqtai nazardan tahlil qilingan. O'zbek mifologiyasi esa G'. Akramov, B. Sarimsoqov, T. Haydarov, T. Rahmonov (mif va epos), M. Jo'rayev, Sh. Turdimov (o'zbek mifologiyasining obrazlar silsilasi va genetik asoslari), Sh. Shomusarov (o'zbek va arab mifologiyasining qiyosiy tahlili) kabi olimlar tomonidan tadqiq etilgan.

Boshqacha aytganda, odamzot sirli va noma'lum dunyo bilan, sirli va vahimali bo'lishlik bilan yuzma-yuz turganda bu bo'shliqning na nomi, na tushunchasi bor edi. Bo'shliq- haos ichida qolgan odam qarshisidagi noma'lum voqelikni izohlashga, tushunishga harakat qildiradi.

V.N.Toporov ta'kidlagandek , “.....inson bo'shliqqa va o'zi uchun noma'lum bo'lgan tabiat kuchlariga qarshi o'zini safarbar qilishi kerak edi” [8,32] Safarbarlik uchun oldin ko'z oldidagi bo'shliqni ikkiga bo'lishi :yovuzlik-o'ziga qarshi, ezgulik-uni himoya qiladigan kuchlarni aniqlab olishi va bu kurashda barcha uchun tabular , me'yorlar , marosimlar joriy qilishi, ma'lum bir kuchlarni “mutlaqlashtirish” [4,96] ya'ni ilohiylashtirishga ehtiyoj sezdi.

Ta'bular, marosimlar, me'yorlar joriy qilish ommaviy ijodkorlikning Karl Yung ta'biri bilan aytganda , “ommaviy ongsizlikning” [9,102] maxsuli bo'ldi. Shu bois mifshunoslar “miflar ijodkori ommadir” degan xulosaga kelganlar.

Bizga ma'lumki, miflar qadimgi odamlarning borliq haqidagi ibtidoiy tasavvurlari majmui bo'lib, koinotning yaratilishi, inson, o'simliklar va hayvonot dunyosining vujudga kelishi, samoviy jismlarning paydo boiishi, tabiiy hodisalarning sabablari va mohiyati, afsonaviy qahramonlar, ma'budlar va ilohlar to'g'risidagi e'tiqodiy qarashlarni o'z ichiga olgan. Afsonalar va miflar dunyoda hech qachon mavjud bo'lmagan ko'p narsalarni tasvirlaydi. Ammo bugungi kunda odamlar o'zlarining haqiqatiga shubha qilmaydilar.

Barcha madaniyatlarda jamiyatning asosiy g'oyalarini qonuniylashtiradigan afsonalar va afsonaviy asarlar mavjud. Misol tariqasida “Iliada” va “Odisseya”dagi Gomer qaharamoni bizga insonlar tarixini – ular qanday rivojlanishini va qanday sarguzashtlari borligini aytib beradi. Rim jamiyatining militaristik qadriyatlari, jasorat, qadr-qimmat va boshqalar Aenid qahramonida taqdim etilgan. O'rta asrlarning diniy falsafasi, masalan, Foma Akvinskiy tomonidan ifodalangan. Zamonaviy tarix Uyg'onish davridan boshlanadi va Ma'rifat davri orqali yana har bir aniq shaxsga murojaat qilib, bizni kapitalizm, erkin tadbirkorlik afsonasiga olib boradi, uning natijasi, Adam Smitning fikriga ko'ra [11,146], har bir xalqning to'liq gullab-yashnashiga asos bo'ladigan afsonalari ya'ni afsonaviy boyligi bo'lishi kerak.

Bugun biz mifologiyani o'rganish orqali ajdodlarimiz haqida bilib olamiz. Biz ularni etimologik, xronik, tarixiy va psixologik miflar orqali kashf qilamiz. Atrofdagi afsonalar kategoriyalari kabi, ularning ramziy ma'nolari ham shunday.

Mifning eng muhim vazifasi - model, misol, namuna, invariant yaratishdir. Taqlid va takror ishlab chiqarish uchun modellarni qoldirib, afsonaviy vaqt va afsonaviy qahramonlar bir vaqtning o'zida tabiat va jamiyatda o'rnatilgan tartibni saqlab qolishda davom etadigan sehrli ruhiy kuchlarni chiqaradi. Bu tartibni saqlash ham afsonaning eng muhim vazifasidir.

Bundan tashqari mifologiya haqida gap borar ekan bunda muayyan bir xalq tomonidan yaratilgan mifologik tasavvurlarning izchil tartibga solingan tizimi, asotirlar majmuasi sifatida qaraladigan bir nechta mamlakatlar mifologiyalari masalan yunon mifologiyasi, hind mifologiyasi, o'zbek mifologiyasi insoniyat ma'naviy taraqqiyotining ilk bosqichi sifatida muhim ahamiyat kasb etgan hisoblanadi. Mifologiya ibtidoiy madaniyatning negizi, olamni idrok etishning asosiy vositasi hisoblanadi, badiiy tafakkurning ibtidosi bo'lib xizmat qiladi.

Mifologiyaning asosini qadimiy odamlarning koinot, tabiat, inson, samo jismlari, narsa va hodisalarning paydo bo'lishi haqidagi asotirlar tashkil etadi. Mifologiyaning arxaik qatlami quyosh, oy va yulduzlar to'g'risidagi shamsiy, qamariy va astral miflar, olamning paydo bo'lishi haqidagi samoviy miflar, odamzotning yaratilishi haqidagi antropogenik miflar, qadimiy e'tiqodiy qarashlarni o'zida ifoda etgan totemistik, animistik va kult miflaridan tashkil topgan. Dehqonchilik madaniyati yuksak darajada rivojlangan hududlarda esa tabiiy-iqlimiy o'zgarishlarning ramziy-metaforik talqinlari asosiga qurilgan taqvimiy (kalendar asosida) miflar va o'lib-tiriluvchi tabiat kultlari haqidagi miflar keng tarqalgan. Xususan, Osiris (Qad. Misr), Adonis (Finikiya), Dionis (Yunoniston), Siyovush (O'rta Osiyo) haqidagi mifologik syujetlar shu tariqa yuzaga kelgan. O'zining ilk taraqqiyot

bosqichida eng sodda ibtidoiy qarashlardangina iborat bo'lgan miflar insoniyat tafakkurining tadrijiy rivoji davomida olam, jamiyat va tabiat haqidagi asotiriy syujetlar, mifik obraz va tasavvurlar silsilasini o'z ichiga olgan mukammal tizimga aylangan. Ijtimoiy ongning animizm, totemizm, fetishizm kabi qadimiy shakllari mifologiya bilan chambarchas bog'liq bo'lgan ibtidoiy dunyoqarash tizimi sifatida shakllangan.

Mifshunos olimlar miflarni vazifasiga ko'ra , ikki xil turga bo'ladi [5,84],

1.O'tmish haqida hikoya qiluvchi-dioxronik miflar;

2.Bugun va kelajak haqida hikoya qiluvchi –sinxronik miflar.

Aynan shu xususiyatiga ko'ra , miflarda makon va zamon chegaralari buziladi: o'tmish, bugun va kelajak qorishiq holda keladi. Bu holat ijodkorlarga asari orqali aytmoqchi bo'lgan fikrlarini yoki hikmatlarini bayon qilish , singdirish yo'lini osonlashtiradi. Mifning poetik xususiyatlari aynan mana shu jihati bilan keng imkoniyatlar beradi. Qadim miflarda odamlarning ezgulik va yovuzlik kuchlariga bo'lgan munosabatlari va hayotiy tasavvurlari hosilasi sifatida o'sha davr ijtimoiy , botiniy va ma'naviy hayotini ma'lum ma'noda ramzlashtirgan.

Qadimgi davr mutafakkirlari Pifagor, Aristotel,Evgemer, Platon [4,173] asarlarida miflarga dastlabki ta'rif va tavsiflar berilgan. Miflar qanday va kim tomonidan yaratilgan degan savol qariyb yigirma asrdan buyon tadqiqotchilar va allomalar uchun munozara va muhokama mavzusi bo'lib kelmoqda. Qadimgi yunon donishmandlarining mifga yondashuvi bir xil emas albatta. Platon mifning “allegoriya g'ori”, “majozlar g'ori” deb aytadi, bu bilan inson tasavvurini “g'orga” o'xshatadi.[7,13] “Afsuski, inson o'z tasavvur “g'ori”ning abadiy quliga aylanganki , kim bu g'ordan o'z hissiyotlari , kechinmalarini xalos qilolsa, bandilikdan qutuladi” [7,15] deb fikr bildiradi. Bu bilan Platon insondagi g'ofilik , bid'at ommaviy ongsizlik holatini nazarda tutadi. Faylasuf bu g'ordan faqat inson o'z aql-u idroki bilan chiqib ketishi mumkin deb hisoblaydi. [7,19] Aristotel esa mifologik tafakkur tarzini ilmiy tafakkurga qarshi quygan holda munosabatda buladi [1,15]. Bu xil talqinni Aristotelning qadimgi yunon fojialari tahlilida yaqqol ko'ramiz. Poetikaning tur va xillariga to'xtalgan, adabiyot nazariyasiga insoniyat tarixida birinchilardan bo'lib mukammal va ilmiy javob topa olgan mutafakkir mifga poetikaning fabulasi,ya'ni voqelikning birlashtirib turuvchi, rivojlantiruvchi va yakunga eltuvchi bir vosita sifatida talqin qiladi.

Mahmud Qoshg'ariyning “Devonu lug'atit turk” asarida ham “sav” , ya'ni miflarni tahlil qilishga urinish bo'lgan.[5,11].Shu bilan Rabg'uziy o'zining “Qissasi Rabg'uziy” asarida ham garchi islomiy miflar haqida fikr-mulohaza bildirmagan bo'lsada, asotirlarni bir tizimga solishga harakat qilgan.

Fridrix Shlegel mifni insoniyatning dunyoni falsafiy anglashining boshlanishi sifatida tahlil qiladi. Uning fikriga ko'ra , mif orqali odam obyektiv hodisalarni o'zining subyektiv tasavvuridan kelib chiqib baholashga, ya'ni dunyoni, borliqni anglashga intilgan. Aynan shuning uchun ham miflarda juda ko'p falsafiy hikmatlar mavjud. Bu mutafakkir o'zining qarashlari bilan mifni adabiyotga, falsafaga, san'atga yaqinlashtirib berdi, miflarni faqat diniy-mistik qarashlar mujassammi, degan qarashni yo'qqa chiqardi. Adabiyot va san'atning mifologik usuldan foydalanishiga keng yo'l ochdi. Shuningdek, olim “yangi davr qadimgi miflardan foydalangan va quvvat olgan holda o'z miflarini yaratadi” [6,18], degan qarashni o'rtaga tashladi. Uyg'onish davrining mifshunoslari tadqiqotlari , xususan, F.Shellingning mifni “ilohiy anglash”ning asosi sifatidagi talqinni XX asrda “mifologik maktab”ning shakllanishiga turtki berdi.

F.Shelling esa mifologiyani har qanday san'atning asosi, degan qarashda to'xtaladi. Olimning fikricha, miflar inson ongining ko'p xudolikdan yagona xudogacha bosib o'tgan yo'lini ko'rsatib turuvchi ong faoliyatining so'z bilan ifoda etilgan ko'rinishdir.

Xulosa qilib shuni ayta olamizki miflar qadimgi odamlarning qarashlari negizida yaratilgan, buni tadqiq qilishdan maqsad qadimgi odamlarning borliq haqidagi ibtidoiy tasavvurlari haqida xabardor bo'lib, hozirgi dunyo bilan taqqoslash hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Aristotel “Поэтика” / Пер. М. Л. Гаспарова. — Аристотель. Сочинения: В 4-х т.. — М.: Мысль, 1983.
2. Jovliyev B.H “Badiiy asarda mifopoetik talqin va badiiy obraz” 10.00.08 PhD dissertatsiya
3. Losev A.F. “Диалектика мифа”. — М.: Правда, 1990
4. Losev A.F. “История античной эстетики”. М., 1969, с. 151 и сл., 6664 и сл. Библиография: с. 707 сл.
5. М. Jo'rayev. Folklorshunoslikka kirish. Т., 2006.
6. Meletenskiy E. “Поэтика мифа”. М. 1976 й. 18 бет.
7. Platon “Соб. соч. в 3-х тт. Т.3 (1). М., 1971г.
8. Тогоров V.N “Миф. Ритуал. Символ. Образ: Исследования в области мифопоэтического: Избранное «Прогресс» — «Культура», 1995.
9. Yung.K.G. “Об архетипах коллективного бессознательного” - Москва: Директ-Медиа, 2007
10. Yo'ldoshev S “Turkiy folklorda mifologik obrazlar” bitiruv malakaviy ish, 2016
11. O'zbekiston milliy ensiklopediyasi –O'zbekiston milliy ensiklopediyasi davlat ilmiy nashriyoti(2000-2005)
12. www.wikipedia.uz

ЎЗБЕК ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИДА ТАБИАТНИ РАМЗИЙ ОБРАЗЛАР ВОСИТАСИДА БАДИИЙ ИДРОК ЭТИШ

РУСЧА

ИНГЛИЗЧА

Ражабов Дилшод Зарипович

филология фанлари доктори, профессор

Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: қўшиқ, табиат тасвири, рамз, образ, мифологик қараш, мифологизация, жонлантириш, метаморфоза

Ключевые слова: песня, образ природы, символ, образ, мифологический взгляд, мифологизация, оживление, метаморфоза.

Key words: song, image of nature, symbol, image, mythological view, mythologization, revival, metamorphosis.

АННОТАЦИЯ

Мақолада ўзбек халқ қўшиқларида юртимиз табиатининг миллий поэтик қомуси ёки бадиий табиатномаси ҳақида фикрлар билдирилган. Уларда табиатни рамзий образлар воситасида бадиий идрок этишнинг ранг-баранг усуллари қўлланилган. Ўзбек халқ лирик қўшиқларида турли кўринишдаги табиат манзаралари қиёсий манба сифатида учрайди. Булардан энг кенг тарқалгани сувликлар, текисликлар, тоғликлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар каби умумлашма образлардан иборат. Табиатдан олинган туйғулар қўшиқ мисраларига кўчирилган. Қўшиқларда табиат манзаралари шунчаки тасвирламайди, балки у орқали қўшиқ қаҳрамонининг ички кечинмалари, руҳиятида кечаётган ўзгаришлар, эҳтирослар, ишқий тугёнлар юзага чиқарилади. Халқ қўшиқларида поэтик пейзажнинг асосий бадиий вазифаси аجدодларимизнинг фалсафий-эстетик қарашлари ва мулоҳазаларини баён қилиш, шунингдек, қўшиқнинг

ғоявий йўналишини теранлаштириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Ҳар қандай пейзаж замирида поэтик шаклга айланган эстетик кечинмалар мақолада аёнлашади.

АННОТАЦИЯ

В статье высказываются мнения о национальной поэтической энциклопедии или художественном естествознании природы нашей страны в узбекских народных песнях. Они использовали различные приемы художественного восприятия природы через символические образы. В узбекских народных лирических песнях в качестве сравнительного источника используются сцены природы в различных формах. Наиболее распространенными из них являются общие изображения, такие как водоемы, равнины, горы, растения и животные. Эмоции, взятые у природы, перенесены в куплеты песни. В песнях не только описываются природные сцены, но через них на поверхность выносятся внутренние переживания, изменения в психике героя песни, страсти, романтические события. Основной художественной задачей поэтического пейзажа в народных песнях является выражение философско-эстетических взглядов и мнений наших предков, а также углубление и углубление идейной направленности песни. В статье раскрывается, что в основе любого пейзажа лежат эстетические переживания, ставшие поэтическими формами.

ANNOTATION

The article expresses opinions about the national poetic encyclopedia or artistic natural science of the nature of our country in Uzbek folk songs. They used various methods of artistic perception of nature through symbolic images. In Uzbek folk lyric songs, nature scenes in various forms are used as a comparative source. The most common of these are general images such as bodies of water, plains, mountains, plants and animals. Emotions taken from nature are transferred to the verses of the song. The songs not only describe natural scenes, but through them inner experiences, changes in the psyche of the hero of the song, passions, romantic events are brought to the surface. The main artistic task of the poetic landscape in folk songs is the expression of the

philosophical and aesthetic views and opinions of our ancestors, as well as the deepening and deepening of the ideological orientation of the song. The article reveals that any landscape is based on aesthetic experiences that have become poetic forms.

Кириш. Табиат тасвири инсонларнинг дунёқараши ва тафаккур даражаси билан чамбарчас боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Аввало, у асар композициясида, албатта, аниқ ғоявий мақсадни ифодалайди: а) қаҳрамон ҳаракат қиладиган табиий муҳитни кўрсатади; б) қаҳрамон характерининг у ёки бу қирраларини очишга хизмат қилади; в) асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисага табиий тус беради.

Табиатга мурожаат орқали борлиққа муносабат акс этар экан, бунда инсоннинг борлиқни қандай идрок этгани аёнлашади. Маълумки, ибтидоий одамлар ўзларини табиатнинг бир бўлаги деб билишган, унга сиғинишган. Бундай мифологик қарашлар эса табиат ҳодисаларини жонлантиришга олиб келган, лекин асрлар ўтиб, инсон ўзини табиатнинг узвий бир қисми деб эмас, балки унинг эгаси сифатида ҳам ҳис қила бошладики, бунинг натижасида инсон ва табиат ўртасидаги кескинлашув пайдо бўлиб, хатарли экологик муаммолар юзага келди. Табиат мувозанати издан чиқа бошлади. Инсон учун табиат томонидан хавф янада орта борди.

Асосий қисм. Халқ табиатни жуда нозик англайди. У «...рамзлар тилига катта эътибор бериб, ўзи яшаётган муҳит, ўзи ҳис қиладиган ҳақиқатларга образли муносабат билдиришга, образли мушоҳада юритишга интилади». Табиат ҳодисалари ва манзаралари қўшиқларда инсон кечинмаларининг ифодачиси сифатида турли маъноларни, турли кайфиятларни ёритишга хизмат кўрсатади.

Табиат ва инсон бирлиги муаммоси ижтимоий аҳамиятга молик тушунча бўлиб, адабиёт ва санъат доимо даврнинг долзарб муаммолари ҳамда ижтимоий ҳаёт талаблари асосида изчил ривожланиб келган.

Табиат гўзалликларини куйлаш тажрибаси аслида фольклордан бошланган. Табиат бадиий адабиётга эстетик қиммат берувчи буюк куч сифатида

қадим замонлардан бери ижодкор инсон дунёқарашининг шаклланишида муҳим роль ўйнаб келди. Инсоннинг илк поэтик қарашларида борлиқ жонли мавжудотлар олами сифатида тасвирлангани кузатилади. Чунки бир замонлар одамзод табиатдан ажралмаган ҳолда, унинг бир бўлаги сифатида яшаган, атрофдаги барча ҳодисалару нарсаларни илоҳийлаштириб қабул қилган.

Қадимги инсонлар ўз атрофини ўраб олган оламни илоҳий, мифологик идрок этишган. Табиат ва жамиятга хос хусусиятлар билан ўз хусусиятларини қиёслаган. Уларнинг ўхшашлигини кўрганда эса ҳайратланган. Мана шу ҳайрат ҳисси кўшиқларда жило топган. Табиатдан олинган туйғулар кўшиқ мисраларига кўчирилган. Кўшиқларда табиат манзаралари шунчаки тасвирламайди, балки у орқали кўшиқ қаҳрамонининг ички кечинмалари, руҳиятида кечаётган ўзгаришлар, эҳтирослар, ишқий туғёнлар юзага чиқарилади. Ҳатто табиат тасвиридан фойдаланган ҳолда, давр ва инсон қисматига доир муаммолар ҳам ифода этилади.

Ўзбек халқ кўшиқларида табиатни поэтик талқин қилиш усуллари ҳам ранг-баранг бўлиб, у халқнинг фалсафий-эстетик қарашларига боғлиқ ҳолда қуйидагича намоён бўлади:

1. Мифологизация ёки табиат ҳодисаларини поэтик мифологемалар, хаёлий-фантастик образлар воситасида тасвирлаш. Бундай кўшиқларда заминдан ўзга маконларни, рух, арвоҳ, пари каби образларни кўрамиз. Негаки, қадимги инсонлар кўзга кўриниб турган оламдан ташқари ўзга олам борлигига катта ишонч билан қараганлар ҳамда унинг мавжудлигини тасдиқлаш учун турли хаёлий мифологик образлар (дев, пари, алвасти, ажина, жин каби) ҳақида фикр юритганлар. Шулардан бири пари образидир.

Биримда кўрдим бир пари,
Кокиллари дур ҳайдари.
Ўзи жононлар сарвари,
Жонон, хаёлинг кимдадур?
Ёр, бунча зор этдинг мани?

Ёки:

Аслинг сани арабмисан, тожикмисан?
 Манинг билан сирдошмисан, ётмисан?
 Кўзима кўринган паризодмисан?
 Йўқса, менга жавобимни бер энди.

Бу кўшиқларда пари образи орқали гўзал ёр, маъшуқа тимсоли бадиий ифода этилмоқда.

2. Жонлантириш ёки табиат ҳодисаларига инсонларга хос фазилатларни сингдириш, яъни табиатни инсонлаштириш усули. Бунга кўра, халқ кўшиқларида тасвирланаётган табиат тасвири замирида инсон руҳиятини оҳангдор, муסיқий мавжлари гавдаланганлигини, табиатнинг ранг-баранг бўёқларида лирик қаҳрамон ўй-хаёлларининг жонли оқими, инсоннинг табиий кечинмалари мужассамланганини кўриш мумкин. Масалан:

Боққа кирсам боғ шамоли,
 Кокилимни ёяди.

Бу кўшиқ мисраларида шамол тимсоли жонлантирилган бўлиб, қадимги инсонлар табиатдаги жамики жонли ва жонсиз нарсаларга руҳий қувват индириб, уларга инсонга хос хусусиятларни юклаганлар. Бу тажриба ҳанузгача сақланиб келаётир.

3. Метаморфоза ёки поэтик эврилиш усули. Бу усул кўпинча мотам маросими билан боғлиқ кўшиқларда учрайди. Чунки қадимги инсонлар ўлимни бир оламдан бошқа оламга кўчиш, бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилиш сифатида тушунишган. Шунинг учун мотам маросимига дахлдор Наврўз йўқловларида шундай мисраларга дуч келиш мумкин:

*Қабрингизда сиз ўрнизга,
 Қарши олди лолалар.
 Кўзгинамдан қуюлади,
 Ёмғир бўлиб жолалар.
 Бинафшалар, ҳой бинафшалар,
 Сабза уриб, қувнаб яшнанглар.*

Ташлаб кетган онажонимдан,
Менга хабар бериб туринглар.

Халқ орасида лола ва лолақизғалдоқ ўтган эски йилда ўлган мархумларнинг қонидан униб чиқади, деган тасаввурлар бор. Афсоналарга кўра, ер ўлганларнинг қонини ўзига сўриб олиб, кейин уларни баҳор гулларига берармиш. Шу тариқа мархумлар иккинчи – абадий ҳаётга эришармиш.

4. Табиат ҳодисаларини манзара лирикаси воситасида тасвирлаш усули. Манзара лирикасида ғоялар кучли эҳтирос билан очиб берилади. Тасвирланаётган поэтик манзара инсон кечинмаларининг бетиним ҳаракатини ўзида мужассамлаштириб, табиат ўзгаришларини инсон руҳиятидаги ички жараёнларга боғлаб ёритиш орқали поэтик фикрни ранго-ранг оҳанглар силсиласида ифодалаш имкониятини беради.

Дарёнинг бўйида толлар соядир,
Қалдирғоч қанотин сувга ёядир.
Кўнглинг бошқа бўлса, йўлингдан қолма,
Қорақўлнинг қизи санга зоядир.

Бу қўшиқнинг дастлабки икки мисраси табиат манзарасидан иборат. Уни тинглаган кишининг кўз ўнгида беихтиёр дарё бўйидаги сўлим ва салқин гўша, толлар соя солган оромбахш макон, сув узра қанот ёйиб учаётган қалдирғочлар парвози тасвири жонланади.

5. Табиатга мурожаат қилиш усули. Кишилар ўз поэтик фикрини баён қилишда бевосита табиат ёки табиат ҳодисаларига, жонзотларга мурожаат қилиш усулидан ҳам фойдаланади. Бунда куйловчи инсониятнинг буюк паноҳи табиатга мурожаат қилиб, ундан сингил, опа, ота ва она, ёр бўлиб, дилдошлик қилишини илтимос қилади. Табиатга мурожаат қилиш уни жонлантиришдан, олам билан одам бирлигининг буюк кудратини поэтик англашдан келиб чиқади.

Гулга кўнган, булбулим,
Сайрамасанг на бўлди?
Азалдан куйган жонни,
Куйдирмасанг на бўлди?

Ёки:

Гужмоқи буғдой,
Донгинанг тўқ-ай,
Тўп бўл ўрайик,
Хўпда кўрайик.

Бу кўшиқларнинг биринчисида булбулга, иккинчисида буғдой доналарига мурожаат қилинмоқда. Маълумки, булбул шеърятда куйган, ўртанган ошиқ тимсолини ифодалаб келади. Ушбу кўшиқда ҳам унинг шу анъанавий роли сақланган.

6. Табиат монологи ёки табиат тилидан сўзлаш. Кўшиқларда давр дардларини, инсон қалбининг кечинмаларини, ижтимоий-сиёсий қарашларини табиат ҳодисалари, нарса ва предметлар, ўсимлик ва жониворлар тили билан ифодалаш анъанаси ҳам мавжуд. Масалан, халқ орасида машҳур бўлган «Қорадарё» кўшиғида давр дардлари ўсимликлар тилидан қуйидагича баён қилинади:

Арпа айтар замон-замон,
Сувсизликдан бўлдим сомон.
Мен бўлмасам нон қайдадир,
Тўлмадингми, Қорадарё?

Буғдой айтар олишаман,
Тўйларга хўп ярашаман.
Ўқловларга ёвушаман,
Тўлмадингми, Қорадарё?

Хуллас, ўзбек халқ кўшиқларида юртимиз табиатининг миллий поэтик қомуси ёки бадий табиатномаси яратилган. Уларда табиатни рамзий образлар воситасида бадий идрок этишнинг ранг-баранг усуллари қўлланилган.

Табиат ҳодисаларини тўла идрок эта олмаган қадимги одамлар табиатнинг сиру синоатларини жонли мавжудот сифатида тасаввур қилишган. Бадий тафаккурнинг мана шундай дастлабки маҳсуллари аجدодларимизнинг табиат

культлари билан боғлиқ тасаввурларини келтириб чиқарган. Табиат культлари билан боғлиқ тасаввурлар эса бора-бора бадий тафаккур тадрижий тараққиётига ўз таъсирини ўтказиб, поэтик тасвирда табиат унсурларига мурожаат этиш ҳодисасини ҳосил қилган.

Халқ кўшиқларида поэтик пейзажнинг асосий бадий вазифаси аждодларимизнинг фалсафий-эстетик қарашлари ва мулоҳазаларини баён қилиш, шунингдек, кўшиқнинг ғоявий йўналишини теранлаштириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Ҳар қандай пейзаж замирида поэтик шаклга айланган эстетик кечинмалар ётиши аёнлашади.

Инсон ўзини ўраб олган табиат оламини, ундаги воқеа-ҳодисаларни, нарсаларни жамият тараққиётининг турли босқичларида турлича тафаккур даражаси билан тушуниб, бу борадаги билимларини ўз ижодида намоён қилиб келган. Ҳатто инсон ўз ҳаётига хос турли хил ижтимоий-руҳий қонуниятларни, ижтимоий ҳодисалар моҳиятини табиат оламига хос қонуниятлар билан чоғиштириб, улар ўзаро бир-бирига боғлиқ равишда юзага чиқади деб тушунган ҳолда ижтимоий-руҳий қонуниятларнинг воқеликка айланиш асосларини билишга интилган. Инсоннинг табиат ва жамият ҳақидаги дастлабки тушунчалари рамзий образлар замирида ҳалигача поэтик ижодда сақланиб келмоқда. Инсон руҳий оламига хос воқеа-ҳодисаларнинг табиат ҳодисалари ва манзаралари билан қиёсланиши халқ оғзаки ижодида ажойиб санъат – образли параллелизмнинг юзага келишига туртки бўлган.

Ўзбек халқ лирик кўшиқларида турли кўринишдаги табиат манзаралари қиёсий манба сифатида учрайди. Булардан энг кенг тарқалгани сувликлар, текисликлар, тоғликлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар каби умумлашма образлардан иборат.

Осмондаги ойга кўлим етмайди,
Шу дунёда куйган мендан ўтмайди.
Юрагимда фарзандсизлик доғи бор,
Қанча-қанча дори кўйсам битмайди.

Халқ орасида ой ҳақида жуда кўп афсоналар яратилган. «Ширин қиз», «Ой билан Ширин» каби афсоналар шулар жумласидандир. Уларда асосан, ойнанинг ўз ҳуснидан мақтаниши ва гўзал қиз Ширин билан ҳусн талашиб беллашиши ҳамда бунда мағлуб бўлиб қаттиқ хижолатга қолиши, сўнгра уятдан юзига доғ тушиши ва осмону фалакка қочиб кетиши ҳикоя қилинади. Ана шундан келиб чиқиб, юқоридаги қўшиқда юрагини фарзандсизлик доғи ўртаган инсоннинг қалб кечинмалари ойнанинг ҳолатидан ҳам оғирроқлиги баён этилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев О. Ўткир сўз қолмаса... // Жаҳон адабиёти. – 1997. – № 3. – Б. 98-104.
2. Алавия М. Ўзбек халқ қўшиқлари, 98-б.
3. Бухор элда гул сайли. Бухоро халқ қўшиқлари ва термалари. – Тошкент: Муҳаррир, 2010. – Б.119.
4. Бўзлардан учган ғазал-ай, 113-114-бетлар.
5. Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – Б.27.

МАТЕМАТИК ФОНОЛОГИЯ

Ўраева Дармоной Саидахмедовна
БухДУ профессори, ф.ф.д.

Ўзбек тилидаги ундош товушлар таснифотини ҳам математик усулда ўргатиш анча самарали кечади. Маълумки, ўзбек тилида 24 та ундош товуш бўлиб, ёзувда 23 та ҳарф, 3 та ҳарфий бирикма билан берилади. Улар беш томонлама тасниф қилинади. 1. Ҳосил бўлиш ўрнига кўра. 2. Айтилиш усулига кўра. 3. Овоз ва шовқин ёки товуш пайчаларининг иштирокига кўра. 4. Овознинг микдорига кўра. 5. Таркибига кўра.¹ Шу ички таснифланиш оқибатида 24 ундош турли позициялардан ўрин оладик, уларни ёдда сақлаш бирмунча қийинчилик туғдиради.

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра		Айтилиш усулига кўра	Ҳосил бўлиш ўрнига кўра						
			Лаб ундоши		Тил ундоши			Бўғиз	
			Лаб-лаб	Лаб-тиш	Тил олди	Тил ўрта	Тил орқа		
Шовинлилар	Жарангли	Портловчи	Б		Д		Г		
	Жарангсиз		П		Т		К	Қ	
	Жарангли	Сирғалувчи		В	З, Ж	Й			
	Жарангсиз			Ф	С,Ш			Х	Ҳ
	Жарангли	Қоришиқ (аффрикат)			Ж				
	Жарангсиз				Ч				
Сонор	Жарангли	Бурун портловчи	М		Н		Нг		
		Ён товуш			Л				

¹ Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б.55.

		Титроқ товуш			Р				
--	--	-----------------	--	--	---	--	--	--	--

Агар ана шу вазиятда уларнинг таснифи математик усулда инновацион тарзда ўрганилса, анча қулайликка эришилади. Бунинг учун $24 = (3+2) + 1 + (11+1+(3+3))$ тенгламасидан фойдаланса бўлади. Тенгликнинг ечими эса қуйидагичадир:

24 рақами ундош товушларнинг жами миқдорини англатади. Учта қавс ичида ўзаро қўшув ва айирув кўринишида берилган миқдорлар эса унинг ҳосил бўлиш ўрнига кўра 3 қисмга бўлиб ўрганилишини билдиради. Дарҳақиқат, ундошлар ҳосил бўлиш ўрнига кўра учга: лаб, бўғиз ва тил ундошларига бўлинади.

1. Лаб ундошлари 5 та. Улар лаблар иштирокида ҳосил бўлиши сабаб лаб ундошлари деб юритилади. Лаб ундошларидан 3 таси (б, п, м) лаб-лаб ундошлари ҳамда 2 таси (в, ф) лаб-тиш ундошлари бўлиб, қўшилма ҳолида 5 та лаб ундошини ҳосил қилгани учун масала усулида уларни $(3+2)$ йиғилмаси кўринишида тушунтириш мумкин.

Ундан сўнг биргина товушдан иборат бўлган бўғиз ундоши “х” ҳақида маълумот берилади. Бу ундош тилимизда битта бўлиб, бўғиз бўшлиғида ун пайчаларининг яқинлашувидан ҳосил бўлади. 1 ишораси унинг ёлғизлигини англатади.

$(11+1+(3+3))$ ишораларининг умумий ҳосиласи 18 га тенглашади. Бу ҳосила д, т, з, с, дж, ч, ж, ш, н, л, р, й, г, к, нг, қ, ғ, х каби тил ундошларининг миқдорини беради. Чунки тил танглайнинг қайси қисмига тегишига кўра тил ундошлари учга бўлинади. Қавснинг бошланишида турган 11 рақами жами 11 та бўлган *тил олди ундошларига* ишора қилади. *Улар:* д, т, з, с, дж, ч, ж, ш, н, л, р товушларидир. Бунда Жж ҳарфи сирғалувчи, жарангли “же” (аждар, журнал) ва қоришиқ, жарангли “дж” (жон, жаҳон) товушларини ифодалашини алоҳида таъкидлаш лозим.

2) *Тил ўрта* ундоши битта – й ундошидан иборат. 11 рақамга қўшилиб келаётган 1 рақами шу товушни ва унинг ёлғизлигини англатади. У тилнинг ўрта қисми танглайга яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади.

Учинчи қавсдаги 3+3 аломати натижаси жами 6 та (г, к, нг, қ, ғ, х) бўлган *тил орқа* ундошларига ишора қилади. Чунки улар учтадан иккита гуруҳни ҳосил қилади:

а) саёз ёки яқин тил орқа ундошлари: к, г, нг;

б) чуқур тил орқа ундошлари: қ, ғ, х. Шунинг учун уларни (3+3) ёки (3х2) аломати билан ифодалаш мумкин.

Демак, берилган $24 = (3+2) + (1-0) + (11+1+(3+3))$ тенгламаси соддалаштирилиши учун қавслар бирма-бир очиб чиқилса,

$$1\text{-усулда: } 24 = (5 + (1-0) + (11+1+(3+3)));$$

$$2\text{-усулда: } 24 = (5 + 1 + (11+1+(3+3)));$$

$$3\text{-усулда: } 24 = (5 + 1 + (11+1+6));$$

$$4\text{-усулда: } 24 = (5 + 1 + 18);$$

5-усулда: $24 = 24$ тенглиги юзага келиб, масала ечимга эришади.

Маълумки, ундош товушлар овоз ва шовқиннинг ёки товуш пайчаларининг иштирокига кўра жарангли ҳамда жарангсиз ундош товушларга бўлинади. Уларнинг ўзаро фарқи шундаки, жарангли ундошлар *ун (овоз) ва шовқиндан*, жарангсиз ундошлар эса *фақат шовқиндан иборат бўлади*. Ўзбек тилида 14 та жарангли ундош товуш (б, в, г, д, з, ж, ж, ғ, й, м, н, нг, л, р) мавжуд бўлиб, улардан 8 таси ўз жарангсиз жуфтига (п, т, к, ф, с, ш, х, қ, ч,) эга. Унинг тенгламаси:

$$14 = (8+6)$$

	1	2	3	4	5	6	7	8		9	10	11	12	13	14	
Жарангли	б	в	г	д	з	ж	ж	ғ		й	м	н	нг	л	р	
Жарангсиз	п	ф	к	т	с	ч	ч	х	қ							х

Умуман, жарангли ва жарангсиз товушлар тенгламасини қийидагича тузиш мумкин: $24 = (8+6) + 10$

Ундош товушларни талаффуз қилганда, айримлари икки нутқ аъзосининг бири иккинчисига урилиб, портлаш овозини бериши йўли билан ҳосил бўлса, айрими икки нутқ органи оралиғида қолган бўш жойдан сирғалиб чиқади. Шунга кўра улар портловчи ва сирғалувчи ундошларга ажратилади. Ўзбек тилида 9 та портловчи (б, п, д, т, г, к, қ, ч, дж) ундош товуш бор. Буларга 3 та (м, н, нг) бурун товушлари ҳам қўшилади. Сирғалувчи товушлар эса 10 та: в, ф, з, с, ж (аждар), ш, й, ғ, х, ҳ. Уларни тенглама кўринишига келтирилса, $19 = (9 + 3) + 10$ бўлади. Агар бу 1 та (л) ён товуш ҳамда 1 та (р) титроқ товуш билан қўшиб ҳисобланса, жами ундошлар миқдорига тенглашади:

$$24 = (9+3) + (10 + (1+1))$$

Овознинг миқдорига кўра ундошлар иккига бўлинади: 1) сонорлар; 2) шовқинлилар.

“Сонор” сўзи латинча “сонорус” сўзидан олинган бўлиб, “оҳанг”, “овоз” деган маънони ифодалайди. Улар овознинг миқдорига кўра унлиларга яқин туради. Чунки улар шовқинсиз, соф овоздан иборат бўлади. Бундай товушлар тилимизда 5 та: *м, н, нг, л, р*.

Сонорлардан бошқа товушларда овоз оз, шовқин кўп бўлади. Шу сабабли улар шовқинлилар дейилади. Улар 18 та.

Бу тенгламалаштирилса: $24 = 5 + 19$ кўринишини ифодалай олади.

Хуллас, ўзбек тилидаги ундошлар таснифини ўрганишда ушбу янги инновацион педагогик технологиядан фойдаланиш юқори самара бера олади. У фаол ва муаммоли ўқитиш усули сифатида ўқув машғулотининг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

УДК: 338.46:378(575.1)

БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ МОДЕЛЛАРИ

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович –
иқтисод фанлари доктори, профессор.
Бухоро давлат университети,
Маркетинг ва менежмент кафедраси профессори,
Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11.
<https://orcid.org/0000-0002-3870-8165>

Адизов Бахтиёр Исматович –
иқтисод фанлари бўйича PhD.
Бухоро давлат университети,
Маркетинг ва менежмент кафедраси ўқитувчиси,
Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11.
<https://orcid.org/0000-0002-7621-8095>

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим тизими юқори салоҳиятга эга бўлган ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. Бу мамлакатларнинг барқарор ўсиб бораётган иқтисодий ўсиш даражаси тайёрланаётган мутахассисларнинг сифати ва рақобатбардошлиги билан боғлиқлиги нуқтаи-назари илгари сурилган. Мақолада олий таълим муассасаларининг ривожланишида ўзининг катта таъсирини кўрсатаётган университетлар тизимининг ривожланиш эволюцияси, олий таълим муассасаларининг инсоният тараққиётининг ўтган даврларидаги ривожланиши давомидаги ўзгариш қонуниятларини ўрганган ҳолда олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделлари тавсифлаб берилган. “Тадбиркорлик университети” модели, уни жорий этиш ва ривожлантиришнинг аҳамияти, мақсадлари, ушбу моделнинг бошқа моделлардан фарқланувчи асосий хусусиятлари ва муҳим жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, жаҳоннинг айрим ривожланган мамлакатларида (АҚШ, Исроил, Европа иттифоқи (Испания) ва Россия Федерацияси) олий таълим муассасалари ҳамда битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш ва уни баҳолашга оид жиҳатлари келтирилган.

Калит сўзлар: Билимлар иқтисодиёти, рақобатбардошлик, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделлари, “университет” концепцияси, “Тадбиркорлик университетлари”, фандрейзинг, эндаумент, ARWU, QS ва THE рейтинг тизимлари.

ЗАРУБЕЖНЫЕ МОДЕЛИ ПОВЫШЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ВЫПУСКНИКОВ ВУЗОВ В ЭКОНОМИКЕ ЗНАНИЙ

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович –
доктор по экономическим наукам, профессор.
Бухарский государственный университет,
профессор кафедры маркетинга и
менеджмента,
г. Бухара, ул. М. Икбала, 11.
[https://orcid.org/0000-0002-3870-](https://orcid.org/0000-0002-3870-8165)

8165

Адизов Бахтиёр Исмаатович –
 PhD по экономическим наукам.
 Бухарский государственный университет,
 преподаватель кафедры маркетинга и
 менеджмента,
 г. Бухара, ул. М. Икбала, 11.
<https://orcid.org/0000-0002-7621-8095>

Аннотация. В данной статье рассматривается опыт развитых стран с потенциалом системы высшего образования. При этом выдвигается точка зрения о том, что неуклонно растущие темпы экономического роста этих стран связаны с качеством и конкурентоспособностью готовящихся специалистов. В статье описывается эволюция развития университетской системы, оказывающая большое влияние на развитие высших учебных заведений, закономерности изменения в развитии высших учебных заведений в прошлые периоды развития человечества, а также модели подготовки конкурентоспособных кадров. в системе высшего образования. Анализируется модель «Университет предпринимательства», значение ее внедрения и развития, ее цели, основные характеристики и важные аспекты этой модели, отличающие ее от других моделей. Также представлены аспекты, связанные с повышением конкурентоспособности высших учебных заведений и выпускников в некоторых развитых странах мира (США, Израиль, Европейский Союз (Испания) и Российская Федерация) и ее оценка.

Ключевые слова: экономика знаний, конкурентоспособность, модели подготовки конкурентоспособного персонала, концепция «университет», «Предпринимательские университеты», фандрайзинг, эндаумент, рейтинговые системы ARWU, QS и THE.

FOREIGN MODELS OF INCREASING THE COMPETITIVENESS OF UNIVERSITY GRADUATES IN THE KNOWLEDGE ECONOMY

Navruz-Zoda Bakhtiyor Negmatovich –
 doctor of economic sciences, professor.
 Bukhara State University,
 Professor of the Department of
 Marketing and Management,
 Bukhara, st. M. Iqbol, 11.
<https://orcid.org/0000-0002-3870->

8165

Adizov Bakhtiyor Ismatovich -
 PhD in Economic Sciences.
 Bukhara State University,
 Lecturer at the Department of Marketing
 and Management,
 Bukhara, st. M. Iqbol, 11.
<https://orcid.org/0000-0002-7621-8095>

Annotation. *This article examines the experience of developed countries with the potential of the higher education system. At the same time, the point of view is put forward that the steadily growing rates of economic growth in these countries are associated with the quality and competitiveness of trained specialists. The article describes the evolution of the development of the university system, which has a great influence on the development of higher educational institutions, the patterns of change in the development of higher educational institutions in past periods of human development, as well as models for training competitive personnel. in the system of higher education. The model "Entrepreneurship University" is analyzed, the significance of its implementation and development, its goals, main characteristics and important aspects of this model that distinguish it from other models. Also presented are aspects related to increasing the competitiveness of higher education institutions and graduates in some developed countries of the world (USA, Israel, the European Union (Spain) and the Russian Federation) and its assessment.*

Key words: *knowledge economy, competitiveness, models for training competitive personnel, the concept of "university", "Entrepreneurial universities", fundraising, endowment, rating systems ARWU, QS and THE.*

КИРИШ. Жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий тизимлар ва алоҳида мамлакатларнинг тараққиёти кўп жиҳатдан мавжуд ва самарали фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлашнинг сифати ҳамда тайёрланаётган кадрларнинг касбий малака даражаси, шу билан бирга уларнинг шахсий хусусиятларига боғлиқлиги жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан кўриниб турибди. Олий таълим муассасалари томонидан юқори малакали, билимдон, турли вазиятларда шароитида мустақил қарорлар қабул қилиш қобилиятига эга мутахассисларнинг тайёрланиши, бир томондан, битирувчилар фаолият кўрсатаётган соҳа ва тармоқларнинг динамик ривожланишини таъминласа, иккинчи томондан, мутахассислар тайёрланаётган олий таълим муассасаларининг халқаро ёки мамлакат даражасидаги нуфузини белгилаб беради.

Юқори малакали, соҳадаги сўнгги ўзгаришлар ва янгиликлар билан доимий танишиб, ўз фаолиятида самарали қўллай оладиган мутахассисларни тайёрлаш жараёни дунёда дастлабки олий таълим муассасалари шакллангандан бошлаб амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг ўтган даврида тараққиётнинг янги билимлар ва инновациялар асосида жадал тараққий этиши билан кадрлар буюртмачиларининг олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларга қўядиган талабларининг янгича, яъни инновацион асосда ўзгаришига олиб келди. Натижада олий таълим муассасалари фаолияти таянадиган “университет” концепциясининг мазмунида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Бугунги кунда жаҳондаги юқори нуфузга эга бўлган Гарвард университети, Массачусетс технологиялар университети, Оксфорд университети, Кембриж университети каби кўплаб олий таълим муассасалари ўз фаолиятини “Университет 3,0” концепциясидан “Университет 4,0” концепциясига ўтказиш бўйича фаолият олиб бормоқдалар. Бироқ бундай ўзгаришлар жаҳоннинг барча мамлакатлари учун хос бўлмай, кўпчилик ривожланаётган мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам, фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасалари “тадбиркорлик университети” концепцияси деб номланувчи “Университет 3,0” концепциясини ўз фаолиятига жорий этмаган. Ушбу замонавий концепцияларга таянувчи олий таълим муассасалари томонидан тайёрланаётган мутахассислар учун халқаро меҳнат бозорида бир қатор нисбий устунликлар мавжуд бўлиб, улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- битирувчиларнинг тор мутахассислик доирасида кадрлар буюртмачиларининг эҳтиёжи ҳамда бевосита иштирокида тайёрланиши;

- мутахассисларнинг таълим жараёни бевосита инновацион жараёнлар билан қўшилган ҳолда амалга оширилиши;
- мутахассисларнинг нафақат мамлакат ички бозори, балки халқаро меҳнат бозори учун тайёрланиши;
- мутахассислар тайёрлашни узвий кетма-кетликда бир неча олий таълим муассасаларида тайёрланиши;
- таълим жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган малакавий амалиётларнинг бевосита кадрларнинг буюртмачилари ҳисобланган корхона ва ташкилотларда ўтказилиши ва бошқалар.

МЕТОДЛАР. Тизимли таҳлил, таққослаш, статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

НАТИЖАЛАР. Жаҳондаги тараққиётнинг ҳар бир тўлқини олий таълим муассасаларининг ривожланишида ўзининг изини қолдираётганлигини университетлар тизимининг ривожланиш эволюцияси тарихидан яққол кузатиш мумкин. Дастлабки черков назоратида фаолият кўрсатувчи университетларнинг Уйғониш давридаги ўзгаришлар таъсирида ривожланиши [1][2], Германияда янги университет модели прототиби – Гумбольдт моделининг пайдо бўлиши [3], Франция инқилобидан кейинги даврда “политехник университет” моделининг шаклланиши [4] ва ўтган асрнинг бошларида олий таълим муассасаларининг билимлар иқтисодиётига асосланган “тадбиркорлик университетлари”га айланиши [5] билан боғлиқ ўзгаришлар юқоридаги фикрларнинг яққол далилидир.

Олий таълим муассасаларининг инсоният тараққиётининг ўтган давларидаги ривожланиши давомидаги ўзгариш қонуниятларини ўрганган ҳолда олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделларини қуйидаги моделларга ажратиш мақсадга мувофиқ (1-расм):

1. Немис классик университети (Гумбольдт) модели. Ушбу модель дастлабки Ўрта аср университетларидан бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан фарқланиб, XIX асрда илмий тадқиқот университетининг прототипига айланди.

Немис классик университети моделининг асосчиси Вильгелм фон Гумбольд (1767-1835 йй.) классик университетнинг дастлабки университетлардан фарқланувчи 4 та асосий функцияси – билимларни ишлаб чиқиш, тўплаш ва сақлаш, узатиш ва тарқатиш функцияларини асослаб берди ва ушбу модель негизида ташкил этилган университетлар фаолиятида кўрсатиб ўтилган функцияларнинг амал қилишини кўриш мумкин.

Гумбольдт университети моделининг тайёрланаётган мутахассисларнинг сифати ва рақобатбардошлик даражаси ҳам моделдаги асосий функциялардан келиб чиқиб, таълим хизматларини амалга ошириш жараёнида талабаларни замонавий янгиликларга йўналтириш билан илмий тадқиқот ва таълим жараёнларининг интеграциялашувига эришиш орқали таъминланиши назарда тутилади. Яъни талаба таълим олиш жараёнида ўз мутахассислиги доирасида илмий тадқиқотлар олиб боради, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этади ҳамда яратилган янгиликдан олинadиган даромад тақсимида иштирок этади.



1-расм. Университет моделларининг турлари ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш хусусиятлари¹

Бу тизим, бир томондан, таълим тизимига тадқиқот жараёнини самарали интеграциялаш орқали тайёрланаётган мутахассисларнинг касбий компетенцияларини инновацион асосга қўчириш орқали битирувчининг рақобатбардошлигини шакллантирса, иккинчи томондан, тайёрланаётган мутахассисларнинг салоҳиятини иш берувчилар орасида кўрсатиш билан университетнинг имижини оширади, учинчидан, таълим ва тадқиқот жараёнида яратилган янгиликларни тижоратлаштириш орқали тадқиқотчи ва университет учун даромадларни таъминлайди. Гумбольдт университети моделининг асосий элементлари бугунги кунда ҳам Германия ва Европанинг айрим университетлари фаолиятида яққол сезилиб туради. Ушбу модель асосида фаолият юритган университетларнинг аксарият салоҳиятли битирувчилари кадрлар буюртмачилари томонидан ҳали университетни битирмасдан туриб ишга олиниб, таълимни бевосита амалиёт билан бирга давом эттирганлиги Гумбольдт моделининг тайёрланаётган кадрлар рақобатбардошлиги борасида сезиларли устунликларга эга бўлганлигини кўрсатади.

2. Тадқиқот университетининг неоклассик “политехник” (француз) модели. Ушбу модель XIX асрнинг охирида университетларнинг таълим модели биринчи илмий инқилоб натижасида илм ва таълимни бирлаштирувчи тадқиқот университетларига трансформациялашуви жараёни натижасида Франция (Париж университети)да шаклланиб, университетларнинг мутахассислар тайёрлаш жараёнига классик ёндашувнинг бирмунча ўзгариши натижасида пайдо бўлди[6].

“Политехник” университет модели олий таълим муассасаларида мутахассисларни кўплаб йўналишларда тайёрланиши, университетларнинг фундаментал йўналишларда

¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

ихтисослашуви концепциясини инкор этиши билан классик университет моделидан фарқланади. Ушбу модель асосида фаолият кўрсатувчи олий таълим муассасаларида тор ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланиб, талабаларнинг инновацион фаолиятга жалб этилиши таълим жараёнидан алоҳида ҳолдаги лойиҳалардаги иштироки билан кузатилади. Университетнинг асосий фаолиятидаги таълим жараёнида мутахассислар стандарт талаблар доирасида тайёрланишини кўзда тутса, илмий тадқиқот жараёнига иқтидорли ва янгиликларга интилувчан сараланган талабаларнинг жалб этилиши билан амалга оширилади.

“Политехник” университет моделини бугунги кунда “Университет 2,0” концепцияси асосида фаолият олиб боровчи дунёнинг кўплаб университетларида амал қилаётганлиги кузатилади.

3. “Тадбиркорлик университети” модели. Ушбу модель XX асрнинг 40-йилларида олий таълим муассасаларининг таълим ва инновациялар бозорида эркин фаолиятга интилиши натижасида шаклланган бўлиб, унинг асосий хусусияти таълим, илмий ва инновацион-тадбиркорлик вазифаларини бир вақтнинг ўзида ҳал этишга қаратилганлигидир.

“Замонавий университет жамиятнинг фаол, серкирра ва самарали фаолият юритувчи институти бўлиб, бундай олий таълим муассасаларида академик таълим олиш билан бир қаторда битирувчиларнинг тадбиркорлик фаоллигини ҳам рағбатлантириш лозим, бу ўз навбатида университетнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази бўлишига имкон яратади”[7].

Тадбиркорлик университети тарихи Калифорнияда (XX асрнинг 40 йилларининг охири 50 йилларнинг бошларида) Кремний водийсининг яратилиши билан бошланади. Бунинг асосий мақсади Массачусетс технологиялар университети билан бизнес ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш бўлган. Европада тадбиркорлик шаклидаги биринчи университет 1994 йилдан Халмерс университети (Гётеборг) ҳисобланади.

Биринчи марта “тадбиркорлик университети (институт)” ибораси британиялик тадқиқотчи Бертон Кларкнинг “Тадбиркорлик институтларини яратиш масаласи Трансформациянинг ташкилий йўллари” номли китобида қўлланилган. “Тадбиркорлик университети” концепциясининг муаллифи бўлиб Стенфорд университети профессори Генри Ицковиц ҳисобланади[6].

“Тадбиркорлик университети” моделининг бошқа моделлардан фарқланувчи асосий жиҳатлари сифатида қуйидаги хусусиятларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Тадбиркорлик университетлари ижтимоий тадбиркорлик билан шуғуланадилар. Тадбиркорлик университетининг мазмун-моҳиятини ҳатто Й.Шумпетер (1883-1950 йй.) томонидан аниқланган қуйидаги 4 та жиҳат орқали ифодалаш мумкин:

- янгиликлар (инновациялар)га интилиш;
- таваккалчиликни билиш;
- ўз кучига ишониш;
- ўз мустақиллигини ҳис этиш.

2. Тадбиркорлик университети ўз фаолиятини молиялаштиришнинг қуйидаги манбалардан иборат кўпканалли тизимига эга:

- таълим хизматларини амалга ошириш билан бирга ўқув-услубий адабиётларни нашр этириш ва уларни сотиш;

- маблағларни бизнесдан қўшма тижорат лойиҳаларни жалб этиш ва амалга ошириш орқали топиш;

- минтакавий буюртмаларни бажаришдан тушумлар;

- давлат буюртмалари;

- битирувчилар;

- халқаро хайрия ташкилотлари (фандрейзинг, эндаумент ва бошқа шаклдаги хайрия ташкилотлари).

3. Тадбиркорлик университети доимий равишда янги фаолият турлари билан шуғулланиш борасидаги, яъни рақобатчиликни кучайтириш ва фаолиятни диверсификациялаш, маркетинг хизматини яхшилаш каби ташаббуслар билан чиқади. Шунингдек, мавжуд (назорат қилинадиган) ресурслар ва инновациялар доирасидаги имкониятларни излаш, технопаркли муҳит ва технопаркча тафаккур билан шуғулланадилар.

4. Тадбиркорлик университети ўзининг ички кучига (пермаментли) мос ҳолда чуқур трансформациясини амалга оширади. Инновацион ва лойиҳали йўналтирилганлик ҳам таълимни, ҳам илмий тадқиқотларни ўз ичига қамраб олади. Натижада, профессионализм тушунчасининг ўзгариши рўй беради. Фанлараро жамоавий ишлаш услуби шаклланади. Илмий тадқиқотларда асосий эътибор асосан амалий тадқиқотларга ва инновацияларни ишлаб чиқишга қаратилади.

5. Тадбиркорлик университети халқаро алоқаларни қўшган ҳолда ташқи муҳит билан ўзаро хатти-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқади. Тадбиркорлик университетининг ҳамкорлар билан кўп томонлама ўзаро хатти-ҳаракатларини Г.Ицковицнинг тадбиркорлик, ҳукумат ва университет ўртасидаги алоқаларни ифодаловчи “Уч спирал” тамойили орқали кўриб чиқиш мумкин.

Тадбиркорлик университети ролининг ортиши билимларни “генерациялаш” механизмни шакллантириш сифатида уларни амалиётда қўллашгача олиб боришга қодирлиги билан изоҳланади. Бунда акселерацион (кучайтирувчи) дастурлар, асосан ёшлардан иборат бўлган янги жамоалар муваффақиятли start-up – стартаплар (“жараённинг бошланиши”), spin-off - спинофлар (“реклама, хабар жўнатиш”, “ҳамкорликдаги натижа”) - тижорат мақсадидаги таклифлар учун шўъба компанияларни ажратиш йўли билан қайта ташкил этиш муҳим роль ўйнайди. Бугунги кунда тадбиркорлик университетлари глобал ахборот жамиятида ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашда, цивилизациялараро синергия сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида тараққиётнинг ушбу моделлари соф ҳолатда мавжуд бўлмай, ушбу моделларнинг устун томонларини ўзида жамлаган аралаш моделлардан фойдаланилса-да, устун даражада оммалашиб бораётган “Университет 3,0” концепцияси асосида ривожланиб бораётган “тадбиркорлик университети” модели аввал шаклланган моделларнинг афзалликларини таъминловчи хусусиятларини ўзида жамлаган ҳолда жаҳон миқёсида оммалашиб бормоқда.

Юқоридаги бўлимларда айтиб ўтилганидек, олий таълим муассасалари битирувчиларининг рақобатбардошлиги университетларнинг у ёки бу даражадаги рейтинги билан ўзаро тўлдирувчи алоқада бўлиб, рейтинги юқори бўлган университетларнинг битирувчилари меҳнат бозорида юқори даражадаги устунликка эга. Шу билан бир вақтнинг ўзида рақобатбардошлиги юқори мутахассисларни тайёрловчи олий таълим муассасалари

нуфузи жиҳатидан бошқа университетлардан юқори ўринни эгаллайди. Ушбу фикрдан келиб чиқиладиган бўлса, инновацион тараққиёт шароитида олий таълим муассасаси битирувчиларининг рақобатбардошлик даражасини асосан университетлар рейтингини белгиловчи асосий кўрсаткичлар билан баҳолаш мақсадга мувофиқ. Бироқ тайёрланаётган мутахассисларнинг рақобатбардошлик нуқтаи назаридан кучлидан заифга қараб улушларга ажратиш мумкинлиги ҳар қандай олий таълим муассасасида сарфланган моддий, меҳнат ва интеллектуал ресурслар энг юқори даражадаги самарани тўлақонли бера олмаслиги ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат ҳисобланади.

Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган олий таълим муассасаларининг ҳар бири таълим хизматлари бозорида ўз рейтинг даражаси ҳамда нуфузига эга. Олий таълим муассасасининг рейтинг даражаси унинг таълим хизматлари бозоридаги рақобатбардошлик даражасини ифодаласа, битирувчиларнинг касбий ва малакавий даражаси унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлик даражасини белгилайди. Айтиб ўтилганидек, ҳар икки рақобатбардошлик даражаси олий таълим муассасасининг минтақа ёки халқаро даражадаги нуфузини шакллантиради.

Бугунги кунда дунё миқёсида олий таълим муассасаларининг рейтингини юритувчи бир қатор халқаро рейтинг баҳолаш ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар ичида энг нуфузлилари Шаньхай рейтинг ташкилоти (ARWU), QS ва THE рейтинг тизимлари ҳисобланади. ARWU рейтинг ташкилотининг олий таълим муассасалари рейтингини белгилашдаги асосий мезони тўпланган рейтинг балларига Нобель мукофоти совриндори бўлган ОТМ профессор-ўқитувчилари сонининг мутаносиблиги ҳисобланади. QS ва THE рейтинг тизимларида эса субъектив баҳоловчи омиллар – экспертлар ҳулосалари ҳамда иш берувчиларнинг тескари алоқаси натижалари университетлар рейтингини белгилашда асосий мезонлардан ҳисобланади[8].

Университетлар рейтингини белгиловчи рейтинг тизимлари томонидан асосий назарда тутиладиган мезонлар умумий ҳолда қуйидагилардир:

1. Давлат имтиҳони натижаларининг ўртача даражаси (таълим фаолиятини баҳолаш).
2. Бир илмий-тадқиқот фаолиятига тўғри келувчи ўртача тушум ҳажми (илмий-тадқиқот фаолиятини баҳолаш).
3. Таълим хизматларидан фойдаланаётган хорижий талабалар сони (халқаро фаолиятни баҳолаш).
4. Университетнинг таълим ва илмий-тадқиқот фаолияти учун хорижий манбалардан олаётган даромади ҳажми (халқаро фаолиятни баҳолаш).
5. Университетдаги ўртача иш ҳақи даражасининг ҳудуд ёки минтақадаги ўртача иш ҳақи даражасига нисбати (молиявий-иқтисодий фаолиятни баҳолаш).
6. Бир талабага тўғри келувчи АКТ жиҳозлари сони (мавжуд инфратузилма ҳолатини баҳолаш).

Юқоридаги параметрлар бугунги кунда аксарият жаҳон мамлакатларида университетлар рейтингини аниқлашдаги муҳим мезонлар эканлигини ҳисобга олинса, ушбу мезонлар бир вақтнинг ўзида университетлар битирувчиларининг рақобатбардошлигини шакллантириши билан асосан параллел келиши кўринади.

Ушбу юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалар жаҳон миқёсидаги олий таълим муассасалари ва уларнинг битирувчилари рақобатбардошлигини умумий ва ўхшаш

жиҳатларини ўзида акс эттирган бўлса, қуйида жаҳоннинг айрим ривожланган мамлакатларида олий таълим муассасалари ҳамда битирувчилари рақобатбардошлигини баҳолашга оид жиҳатларини кўриб чиқамиз.

АҚШ университетлари тажрибаси таълим мураккаблиги даражаси ва университет фаолиятини баҳолаш жараёнига талабаларни жалб этиш ўртасидаги ўзаро боғлиқ муносабатларни кўрсатади. Таълим жараёнини эксперт баҳолаш учун университет битирувчиларига кросс-университет ва тармоқлараро лойиҳа моделлари таклиф этилади. Таълимнинг ушбу тури ижтимоий яратувчанлик сифатида амалга оширилади, бу ўқитувчи ва талабанинг мураккаб таълим жараёнларини ривожлантиришдаги ролини очиб беради. Университетларнинг ўқув фаолияти натижаларини баҳолаш тескари алоқа асосида кетма-кет бир неча босқичда амалга оширилади. Умуман, университетлар ва уларнинг битирувчилари рақобатбардошлигини тартибга солишнинг ушбу усулини қўллаш таълим натижаларини яхшилашга ёрдам беради[9].

Исроил университетлари тажрибаси эса университетлар ва уларнинг битирувчилари юқори рақобатбардошлигининг асосий омиллари таълимнинг икки ёқлама тизими (университет коллежлари тизими), янги таълим технологиялари ва ноанъанавий таълим бериш усулларида самарали фойдаланиш, кичик ёшдан касбий йўналишни белгиллаган ҳолда таълимни тизимли ташкил этиш, университетларга ходимларни қатъий тартиб асосида танлаб олиш, олий таълим тизимида давлат бюджети маблағлари сарфланишининг самарали тизимининг амал қилиши ва таълимнинг узлуксизлиги каби омиллар ҳисобланади[10].

Испанияда эса 2001 йилда қабул қилинган махсус қонун асосида профессор-ўқитувчиларни ташқи экспертлар воситасида аккредитациядан ўтказиш амалиёти жорий этилган. Испания қонунчилиги олий ўқув юртларини бошқаришда марказлашувнинг турли даражаларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олган бўлиб, унинг воситасида махсус идоралар томонидан таълим сифатини баҳолашнинг турли усуллари яратилди[11].

Россия Федерациясида эса 2015 йилдан бошлаб миллий ОТМлар ва уларнинг битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш йўналишидаги “5-100” дастури ишга туширилиб, ушбу дастур доирасида 2020 йилгача бўлган 5 йил давомида 10 га яқин миллий ОТМлар юқори нуфузга эга халқаро рейтингларга киритилди[12].

Инсон капиталига сарфланадиган инвестицияларни ривожлантириш ва самарали технологияларни жорий этиш натижасида ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг рақобатбардошлигини оширмоқда. Бунга мисол сифатида Финландия, Корея, Испания, Малайзия, Сингапур, Хитой, Чили, Ҳиндистон мамлакатларини кўрсатиш мумкин [13].


Россия Федерациясида олий таълим муассасалари битирувчилари рақобатбардошлиги даражаси бошқа кўпгина мамлакатлардаги сингари битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича дастлабки ва мунтазам ишга жойлашиши кўрсаткичи асосида баҳоланади. Ушбу кўрсаткични аниқлашда Россия Федерациясида фаолият кўрсатувчи барча олий таълим муассасалари битирувчилари бандлик ҳолатини мониторинг қилиш марказлашган ҳолда автоматлаштирилган тизим асосида амалга оширилади. Бунда, битирувчиларнинг бандлик ҳолати кўрсаткичлари 2 та алоҳида-алоҳида манбалардан олинган маълумотларни – Россия Федерациясининг пенсия жамғармаси ва Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг федерал реестри (ФРДО) маълумотларини қайта ишлаш йўли билан аниқланади.

Таълим тўғрисидаги ҳужжатларнинг федерал реестри – бу барча таълим муассасалари (жумладан, олий таълим муассасалари) томонидан битирувчиларга берилган таълим

олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари (диплом, сертификат) маълумотларини, уларни берилган вақтидан бошлаб 60 кун ичида таълим муассасаси томонидан киритилиши лозим бўлган ягона электрон реестр ҳисобланади[14].

Бу жараёнлар Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлигининг ташаббуси билан “Битирувчиларни бандлигини мониторинг қилиш” интернет-порталида ёритилиб борилади ва мониторинг натижаларини ҳам кузатиб бориш имконияти мавжуд. Портал маълумотлар базаси нафақат Россия Федерацияси, ҳудудлар (вилоятлар) ва олий таълим муассасалари, таълим йўналишлари (мутахассисликлар) бўйича барча статистик маълумотларни олишга, балки битирувчиларнинг Россия Федерацияси ичидаги миграциясини ҳам баҳолашга имконият яратади. Таъкидлаш жоизки, турли хилдаги миллий ва халқаро рейтингларни тузишда бандлик даражаси ёки бошқа шунга ўхшаш хусусиятлар таҳлил қилинади[15].

Бандлик мониторингини ўтказишнинг бош мақсади – бу битирувчиларнинг иш билан таъминланиши самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаб боришдан иборатдир (2-расм).



2-расм. Россия Федерациясида “Битирувчилар бандлигини мониторинг қилиш” портали индикаторлари²

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Россия тажрибаси - битирувчилар бандлик мониторингини кам харажат билан қисқа муддатларда ва йил давомида бир неча маротаба ўтказиш имкониятини берса-да, аммо айрим битирувчилар (жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва шунга ўхшаш органларда ишлаётган, декрет таътилида, муддатли ҳарбий хизматда бўлган, хорижда ишлаётган ёки ўқишини давом эттираётган битирувчилар) бўйича маълумот олишнинг имконияти яратилмаган.

Хулоса ва тавсиялар. Хорижий мамлакатларнинг олий таълим муассасалари ва уларнинг битирувчилари рақобатбардошлигини ошириш бўйича шаклланган тажрибалар ҳамда рақобатбардошликни ошириш моделларидан ҳудудий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда миллий олий таълим тизимини такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мамлакатимиз олий таълим муассасалари ва уларнинг рақобатбардошлигини яхшилаш борасидаги тадбирларнинг самарадорлигини оширишда фойдали бўлади.

² Россия Федерацияси таълим ва фан вазирлигининг “Битирувчиларни бандлигини мониторинг қилиш” интернет-портали маълумотлари (<http://vo.graduate.edu.ru>) асосида муаллиф ишланмаси

Жумладан, тадқиқотимиз якунида олинган хулоса ва тавсиялар сифатида қуйидагиларга алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз тордик:

- Юқори малакали, соҳадаги сўнгги ўзгаришлар ва янгиликлар билан доимий танишиб, ўз фаолиятида самарали қўллаш оладиган мутахассисларни тайёрлаш жараёни дунёда дастлабки олий таълим муассасалари шаклландан бошлаб амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг ўтган даврида тараққиётнинг янги билимлар ва инновациялар асосида жадал тараққий этиши билан кадрлар буюртмачиларининг олий таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларга қўядиган талабларининг янгича, яъни инновацион асосда ўзгаришига олиб келди. Натижада олий таълим муассасалари фаолияти таянадиган “университет” концепциясининг мазмунида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди.

- Олий таълим муассасаларининг инсоният тараққиётининг ўтган даврларидаги ривожланиши давомидаги ўзгариш қонуниятларини ўрганган ҳолда олий таълим тизимида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш моделларини немис классик университети (Гумбольт) модели, неоклассик “политехник” университет модели ва “Тадбиркорлик университети” моделларига ажратиш мақсадга мувофиқдир.

- Мамлакатимизда шаклландан олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган университетларда тайёрланаётган мутахассисларнинг рақобатбардошлигини оширишда дунёнинг олий таълим тизими ривожланган мамлакатлари ҳисобланган АҚШ, Исроил, Европа Иттифоқи (Испания) ҳамда Россия каби мамлакатларида шаклландан тажрибалар ва рақобатбардошликни ошириш моделларидан ҳудудий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш самарали натижа беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Суворов, Н. С. (2012). Средневековые университеты. М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 256 с.
2. Ruegg W. A. (2008). History of the University in Europe. European History Quarterly, №1. P. 185-187.
3. Дуда Г. (1998). Введение к меморандуму Вильгельма фон Гумбольтта «О внутренней и внешней организации высших научных заведений Берлине», Университетское управление: практика и анализ. №3. 24-27 с.
4. Виссема, Й. (2016). Университет третьего поколения. М.: Олимп-Бизнес, 480 с.
5. History. European higher education area. 2015. URL:<http://www.ehea.info/pid34248/history.html> (дата обращения: 02.10.2017).
6. Тазарбеков К.А. (2016). К разработке «Дорожной карты трансформации университета «Туран» в инновационно-предпринимательский университет». Тезисы. Алматы: Университет «Туран», 4-5 с.
7. Самойленко К.А. (2014). Перспективы развития инновационно-предпринимательских университетов:http://ir.znau.edu.ua/bitstream/123456789/1983/1/Nauk_chut_2014_3_177-182.pdf.
8. Повалко А. Программа повышения конкурентоспособности вузов // Образование: цели и перспективы. 2015. – С. 91.
9. Taylor S., Ryan M., Pearce J. (2015). Enhanced student learning in accounting utilising web-based technology, peer-review feedback and reflective practices: a learning community approach to assessment .Higher Education Research and Development. P. 1251-1269

10. Saiz-Alvarez J. M. (2014). Some keys for success in higher education: A case approach . Handbook of Research on Higher Education in the MENA Region: Policy and Practice.
11. Galán A., Ángeles González-Galán M., Rodríguez-Patrón P. (2014). Faculty evaluation in Spain. The national system and sub-national divergence. Revista de Educacion. P. 136-164
12. Коржавина Н.П., Леонгардт В.А., Чикова О.А. (2016). Конкурентоспособность ВУЗов на рынке образовательных услуг и рынке труда: взаимосвязь компонентов и показателей / Педагогическое образование в России. №8, 144-147 с.
13. <http://www.worldbank/org>
14. Булатова Г.А. (2017). Мониторинг и оценка трудоустройства выпускников вузов. Экономика Профессия Бизнес. №4. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/monitoring-i-otsenka-trudoustroystva-ypusknikov-vuzov>.
15. Пыхтин А.И., Овчинкин О.В., Широкова Л.В., Запольский А.Д. (2019) Система мониторинга трудоустройства выпускников как фактор повышения эффективности образовательной деятельности вуза. Современные наукоемкие технологии. №2. 133-137 с.

Дидактический материал для проведения занятия по теме «Нанотехнологии – третья научно-техническая революция»

Ажиева Мухаббат Бахтибаевна,

доцент кафедры «методики преподавания химии»

Артыков Максуд Бахадырович,

ассистент кафедры «методики преподавания химии»

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

Ключевые слова: Дидактика, наука, техника, компьютер, идея, научно-техническая революция, гемоглобина, миоглобина, парадигма, энергия, информация, нанотехнология, кристаллы, химия, физика, медицина, наночастицы, наноструктуры.

Аннотация - На материале этой работы вы получите возможность познания общую проблему во все времена взаимосвязи науки и техники, а также об основных достижениях первой и второй научно-технической революций и объективных причинах перехода к третьей научно-технической революции – эре нанотехнологий. Далее вы познакомитесь с основными понятиями нанотехнологий и историей их возникновения, с некоторыми практическими достижениями нанотехнологий в мире и о роли используемых материалов в культуре общества и удивительные свойства современных материалов, также о перспективах применения нанотехнологий в социально значимой сфере медицине. Данный дидактический материал подготовлен для магистрантов специальности «Естественные науки» - «Химия» по предмету «Теоритические основы органической химии». В данной работе даны проблемные вопросы в форме «мозгового штурма» по пройденной тематике.

Знание – сила.

(Ф.Бэкон)

Didactic material for conducting a lesson on the topic "Nanotechnology - the third scientific and technological revolution"

Ажиева Мухаббат Бахтибаевна,

Associate Professor of the department of "methods of teaching chemistry"

Artikov Maksud Bakhadirovich,

assistant of the department of "methods of teaching chemistry"

Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Key words: Didactics, science, technology, computer, idea, scientific and technological revolution, hemoglobin, myoglobin, paradigm, energy, information, nanotechnology, crystals, chemistry, physics, medicine, nanoparticles, nanostructures.

Annotation - Based on the material of this work, you will get the opportunity to know the common problem at all times of the relationship of science and technology, as well as the main achievements of the first and second scientific and technological revolutions and the objective reasons for the transition to the third scientific and technological revolution - the era of nanotechnology. Next, you will get acquainted with the basic concepts of nanotechnology and the history of their occurrence, with some of the practical achievements of nanotechnology in the world and the role of the materials used in the culture of society and the amazing properties of modern materials, as well as the prospects for the use of nanotechnology in the socially significant field of medicine. This didactic material was prepared for undergraduates of the specialty "Natural Sciences" - "Chemistry" in the subject "Theoretical Foundations of Organic Chemistry". In this paper, problematic questions are given in the form of a "brainstorming" on the topics covered.

Knowledge is power.

(F. Bacon)

Между наукой и техникой всегда существовала обратная связь. Техника и технология науки материально и тиражировано воплощала идеи и достижения науки в различных устройствах, приборах, материалах. В свою очередь, наука получала новые экспериментальные возможности, в последнее время – также новые вычислительные возможности. Современная наука немыслима без компьютеров, которые создает и продолжает усовершенствовать электронная техника. С их помощью и по специальным программам обрабатывают статистические материалы демографии, рассчитывают развитие ураганов, определяют результаты сложнейших экспериментов на ускорителях. Все современные приборы снабжены компьютерами, управляющими экспериментом и выдающими результаты в виде определенных таблиц, рисунков, диаграмм.

Первым возможности применения компьютеров в науке пропагандировал Джон фон Нейман.

Характерным примером необходимости компьютерной техники для современной науки является история расшифровки структуры гемоглобина и миоглобина.

Техника часто выдвигает конкретные проблемы, наука, решая их, обнаруживает новые явления и закономерности общего характера.

В настоящее время связь техники и науки стала особенно тесной. Развитие информационных технологий, биотехнологий, нанотехнологий привело, по мнению ряда зарубежных и российских ученых, к изменению парадигмы научных исследований.

Во все времена техническая культура общества определялась «тремя китами»: материалами, энергией и информацией.

Вместе с тем развитие техники всегда влияло на архитектуру, живопись, скульптуру, прикладное искусство.

Первая научно - техническая революция индустриальная или энергетическая, - условно отчитывается от получения Джеймсом Уаттом в 1769г. Патента на усовершенствованный паровой двигатель. До этого источником энергии была энергия ветра, падающей воды, мышечная сила животных и людей.

Первая научно-техническая революция резко увеличила физические возможности человека.

В 60-х годах XX века, с началом развития микроэлектроники, началась вторая (информационная) научно-техническая революция. В работах А.Тьюринга и Дж.фон Неймана были сформулированы основы компьютерной технологии.

Вторая научно-техническая революция, тоже, была вызвана объективными потребностями человечества. Итогом второй научно-технической революций стало создание нового информационного пространства. Вся Земля и околоземное пространство покрылось сетью различных информационных каналов: радио, телевидение, сотовая и спутниковая связь. Интернет сделал возможным объединение вокруг исследовательских проблем специалистов из разных стран и сообществ.

Достижение информационной революции фантастически увеличили ту способность человека, которая сделала его ведущим биологическим видом на Земле –способность к передаче информации.

Именно развитие микроэлектроники и появление нанотехнологии послужило одним из объективных факторов, вызвавших в конце XX века третью научно-техническую революцию.

Как и предыдущие научно-технические революции, нанотехнологии возникли в силу ряда объективных причин. Во-первых, развитие электроники позволило создать сканирующие микроскопы в которых можно было различить отдельные атомы и передвигать их. К этому времени объектами атомных размеров интересовались и физики, и химики, и биологи. Во-вторых, обострились экологические проблемы человечество в итоге бездумного развития технологий «замусорило» только воду, воздух и землю, но даже ближайший космос. Решение этих проблем во многом берут на себя нанотехнологии. В-третьих остро встали

энергетические проблемы. Наконец проблемы медицины могут решить только совместно био- и нанотехнологии.

Нанотехнологии имеют в принципе междисциплинарный характер, объединяя идеи и методы физики, химии, биологии, информатики.

Нанотехнологии рассматриваются во всех странах мира как основа инновационно-технологической цивилизации XXI века.

«Нано» означает «одна миллиардная», 10^{-9} . С греческого языка «нано» переводится как «карлик». Нанометр впервые ввел А.Эйнштейн при рассмотрении размеров молекулы сахара. В низкомолекулярных твердых телах (металлах, ковалентных кристаллах типа алмаза, ионных кристаллах) расстояние между атомами составляет десятые доли нанометра: на длине в 1 нм уложится несколько атомов. По принятому международному определению наноструктуры могут иметь наноразмеры от 1 нм до 100 нм хотя бы в одном направлении (сверхтонкие пленки и поверхности) или только в двух (нанонити, нанотрубки) или по всем трем направлениям (кластеры), и в целом содержать большое число атомов.

Нанотехнологии позволяют получать наноструктуры, устройства и материалы на их основе, изучать их свойства, проектировать возможности их рационального использования в технике, медицине, быту, военном деле и пр.

Сам термин «нанотехнологии» был введен в 1974 году японским исследователем Норио Танигуч применительно к процессам создания полупроводниковых структур.

Недавние исследования показали, что фактически человек давно использовал микро- и наноструктуры в технике, но чисто эмпирически. Поколения ремесленников оттачивали технологию, добиваясь желаемых результатов, но не зная их физико-химических свойств. Итальянские ученые выяснили, что знаменитая цветная глазурь на средневековой керамике из города Дерута содержит наночастицы металлов (серебра, меди). В учебнике для гончаров 16 века есть подробная эмпирически отработанная рецептура этих великолепных эмалей. Наночастицы металлов определили и красоту средневековых витражей. Знаменитые дамасские клинки как оказалось, своеобразные зазубрины.

С наночастицами давно дело имели и химики, занимавшиеся коллоидной химией. В 1914г. Вильгельм Оствальд издал учебник по коллоидной химии «Мир обойденных величин». Наночастицами являются мельчайшие частицы железа и углерода в стали, мелкие частицы в эмульсиях или в композиционных материалах.

Природные наночастицы, в частности, образуют разные по функции части живых организмов: ДНК, различные белки и пр.

Отцом нанотехнологии считают одного из самых знаменитых физиков нашего времени лауреата Нобелевской премии Ричарда Фейнмана. Фейнман впервые предложил возможность

микрозаписи с использованием ионных пучков шириной в несколько нанометров, создание из небольших скоплений атомов вычислительных систем, массовое производство на миллионах микроскопических фабрик микродеталей и т.п. В 1981г. Герд Биннинг и Генрих Ререр изобрели сканирующий туннельный микроскоп, а в 1986г. Герд Биннинг – атомносиловой микроскоп. С его помощью можно манипулировать отдельными атомами и «видеть» их.

Также областью применения нанотехнологии, позволяющая говорить о новой научно-технической революции, сформулирована в книге Эрика Дрекслера «Машины созидания», вышедшей в 1986г. Развивая идеи медицинского применения нанороботов, Э.Дрекслер провозгласил нанотехнологии как «путь к бессмертию и свободе».

Технически развитые страны во всем мире вкладывают средства в нанонауку и нанотехнологию.

Используемые материалы являются одним из основных показателей технической культуры общества. Это было отражено в названии веков «каменный век», «бронзовый век», «железный век», XXI век, вероятно назовут веком многофункциональных нано- и биоматериалов.

Макроскопические материалы можно отнести к наноматериалам, если элементами их структуры являются нанообъекты, наноразмерные элементы, что принципиально изменяет свойство материалов.

Материалы условно можно разделить на конструкционные и функциональные. Конструкционные материалы обеспечивают необходимые в эксплуатации механические свойства различных изделий и конструкций, от столовых приборов до ракет. Функциональные материалы, как это следует из названия, обеспечивают другие конкретные требования к изделиям и конструкциям: радиационную стойкость оболочек космических аппаратов, биологическую совместимость имплантов, определенные оптические, электрофизические, магнитные свойства и др.

С самого начала развития нанотехнологии медицина рассматривалась как одна из основных сфер их приложения. Причина в том, что основу биологических систем составляют структуры, имеющие наноразмеры.

Основные области применения нанотехнологии в медицине, разрабатываемые в настоящее время:

- биодатчики, в том числе в живом организме
- полноценные импланты
- инженерия тканей
- доставка лекарств в живой организм по «адресу»
- дистанционная хирургия

- новые наноматериалы и лекарства
- модернизация диагностических приборов и методов.

Многие из перечисленных применений нанотехнологии в области медицины пока не покинули стен лабораторий, внедрение некоторых из них сдерживает экономический фактор, но их будущее, по словам Эрика Дрекслера, это «ключ к бессмертию и свободе», возможность существенно продлить полноценную жизнь человека и даже усовершенствовать некоторые функции его тела и мозга.

Вместе с тем, как и всякая технология, нанотехнологии могут быть источниками различных проблем и опасностей. Прежде всего, это пока недостаточно изученное воздействие наночастиц на живой организм, как при производств нанопродуктов, так и при их применении и утилизации. По этой тематике во всех странах мира ведутся исследования. Во-вторых, развитие нанотехнологии приведет к новым проблемам в области социологии, экономики и в военном деле. Тем не менее, огромные преимущества от внедрения нанотехнологии перевешивают всегда имеющиеся риски. Ведь даже использование огня первобытным человеком было сопряжено с опасностью.

В заключении хотелось бы сказать, что, пожалуй самым важным достижением нанотехнологии в содружестве с биотехнологиями станет возможность поддерживать и усовершенствовать все функции организма человека, включая функции мозга.

«По многим прогнозам именно развитие нанотехнологии определит облик «XXI века, подобно тому, как открытие атомной энергии, изобретение лазера и транзистора определили облик XX столетия» (Лауреат Нобелевской премии, академик Ж.И.Алферов).


Вопросы для закрепление пройденного материала по теме: **«Нанотехнологии – третья научно-техническая революция»**

1. Приведите примеры взаимосвязи и взаимовлияния науки и техники.
2. Какими тремя факторами определяется развитие технической культуры общества?
3. Что дали человечеству первая и вторая научно-техническая революции?
4. Каковы объективные причины появления нанотехнологии?
5. Дайте определение наноструктуре, приведите примеры?
6. Кого считают «отцом» нанотехнологии?
7. Что такое конструкционные и функциональные материалы? Приведите примеры.
8. Почему медицина рассматривается как одна из основных сфер приложения нанотехнологии?

9. Как вы понимаете утверждение Э.Дрекслера, что нанотехнологии – это «ключ к бессмертию».
10. Напишите реферат на тему: «История развития нанотехнологии».

Использованная литература

- 1.Пурышева Н.С., Разумовская И.В., Пятунина С.К. Естествознание. МПГУ. «Национальный книжный центр». 2014г.
- 2.Роберт И. Современные информационные технологии в образовании: дидактические проблемы перспективы использования. –М: «Школа_Пресс», 1994г.
- 3.«Нанотехнология в ближайшем десятилетии» под ре. М.Роко. пер. с англ. под ред. Р.А.Андриевског - М: «Мир», 2003г.
- 4.Пул Ч., Оуэнс Ф. « Нанотехнологии». Пер. с англ. под ред. Ю.И.Головина - М: «Техносфера» 2004г.
5. A.K. Haghi modern Nanochemistry Nova Science Publishers.USA.2011



**РАЗВИТИЕ МЕЖПРЕДМЕТНОЙ ИНТЕГРАЦИИ В КАЧЕСТВЕ
ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ КАТЕГОРИИ
DEVELOPMENT OF INTERDISCIPLINARY INTEGRATION AS
PEDAGOGICAL CATEGORY
FANLARARO INTEGRATSIYANING PEDAGOGIK TOIFA SIFATIDA
RIVOJLANISHI**

Бекпулатов Хасан Олим угли
Докторант, Гулистанский государственный университет
Bekpulatov Khasan Olim ugli
Post doctorate, Gulistan State University
Bekpo'latov Hasan Olim o'g'li
Guliston davlat universiteti tayanch doktoranti
<https://orcid.org/0009-0001-4425-2627>

Аннотация: Данной статья освящает концепцию интеграции в системе образования, ее значение для повышения качества и эффективности образования, основанная на отзывах ведущих ученых. Кроме того, обоснованы взгляды на применение интеграционного процесса в образовании как глобальной тенденции.

Ключевые слова: интеграция, интегративные процессы, междисциплинарная интеграция, междисциплинарное пересечение, интегрирование, интегративные курсы.

Abstract: This article highlights the concept of integration in the education system, its importance for improving the quality and effectiveness of education, based on the reviews of leading scientists. In addition, the views on the application of the integration process in education as a global trend are substantiated.

Keywords: integration, integrative processes, interdisciplinary integration, interdisciplinary intersection, integration, integrated courses.

Annotatsiya: Mazkur maqolada ta'lim tizimidagi integratsiya tushunchasi, uning ta'lim sifati va samaradorligini oshirishdagi ahamiyati, yetuk olimlar fikr-mulohazalariga asoslangan holda yoritib berilgan. Bundan tashqari integratsiya jarayonining global tendentsiya sifatida ta'limda qo'llanilishiga doir qarashlar asoslab berilgan.

Kalit so'zlar: integratsiya, integrativ jarayonlar, fanlararo integratsiya, fanlararo kesishma, integratsiyalanish, integral kurslar.

KIRISH

Bugungi zamonaviy dunyoda integratsiya tushunchasi, uning ahamiyati jamiyat hayotidagi barcha sohalarda keng qo'llanilmoqda. O'z o'rnida pedagogik integratsiya g'oyalari so'nggi vaqtlarda turli pozitsiyalarda namoyon bo'lmoqda. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad ta'lim sifati va samaradorligini yanada oshirishdir. Integratsiya global tendentsiya sifatida qaralar ekan zamonaviy dunyoqarashga kiritilganligi, zamonamizning dolzarb muammolarini hal qilish yo'llariga ta'sir qilishi, asosan XXI asr ta'limiga xos bo'lgan mantiqiy, tanqidiy, tahliliy fikrlash uslublariga

alohida e'tibor qaratadi. So'nggi o'n yillikda jahon ta'limidagi integratsiya zamonaviy pedagogikaning asosiy toifalaridan biriga aylandi.

Biroq, pedagogika fanlarida kontseptsyani ko'rib chiqishda pedagogik integratsiya haqidagi ba'zi sinonimiya va g'oyalarning farqlanishi mavjud. Shu bilan birga, bir qator atamalar xam qo'llaniladi. Xususan, Rossiya ta'limida – fanlararo integratsiya, integratsiyalanish, integrativ, integral kurslar, integrallashgan va integrativ jarayonlar; Angliya, AQSh va boshqa ingliz tilida so'zlashuvchi mamlakatlar ta'limida – interdisciplinary (fanlararo), multidisciplinary (ko'p-fanli), integration (integratsiya), cross-disciplinary (fanlararo kesishma), trans-disciplinary (trans-fanlar), fusion (birlashgan), integrated (integrallashgan), integrative (integrativ), correlated (bir-biriga bog'liq), interconnected (o'zaro bog'langan) ligiga amin bo'lamiz.[1].

Shu tariqa, ushbu maqola doirasida kimyo fanining xorijiy tillarga integratsiyasining ahamiyatli jihatlarini ochib berishga harakat qilinadi.

Bunda kimyo bo'yicha o'quv ishlarini tashkil etishning an'anaviy metodikasi va modernizatsiya, integratsiya, gumanitarizatsiya va kommunikativ faoliyat, uzluksizlik g'oyalarini amalga oshiradigan o'quv ishlarining integratsiyalashgan uslubiy texnikasi va shakllarini kiritish zarurati.

Ilmiy mavzularda bir necha tillarda muloqot qilishga qodir bo'lgan kommunikatsion kompetentli shaxsga bo'lgan ijtimoiy shartli ehtiyoj va standart bilim va fan ko'nikmalarini o'zlashtiradigan zamonaviy maktab o'quvchilarida uni shakllantirish uchun yetarli metodologiya yaratish.

Jamiyat taraqqiyotida ushbu integratsiyalashuv tendentsiyalari o'rta ta'limda sodir bo'layotgan o'zgarishlarda aks etadi. Yevropa olimlari fikrlariga ko'ra, zamonaviy ta'limning asosiy ustuvor yo'nalishlari qatoriga o'quvchilarning umumiy ilmiy savodxonligini shakllantirish kiradi, bu birinchi navbatda ularning ilmiy ma'lumotlardan foydalanish bo'yicha kompetentligini, va barchani bir necha tillarda samarali muloqot qilishga tayyorlashni nazarda tutadi [2]. Bu esa fanlarning o'zaro integratsiyalashuv jarayonlarida olingan bilimlarni yanada mukammallashuviga olib keladi.

METODLAR.

Integratsiyaning yuqorida keltirib o'tilgan turlariga ko'ra terminologiyada ushbu xilma-xillikka asoslanib, biz o'z oldimizga turli atamalarning ma'nosini taqqoslash, aniqlashtirish va fanlararo integratsiya tushunchasida turli mamlakat o'qituvchilari va metodistlari tomonidan qanday ma'no ishlatishini aniqlab shu asosda ta'limdagi integratsiyani 3 guruhga bo'lib o'rganish mumkin.

1. Integratsiya tushunchasi so'nggi paytlarda uslubiy va didaktik tamoyil sifatida A.Ya.Danilyuk [3], K.Yu.Kolesina [3-4] va boshqa tadqiqotchilar ishida keng qo'llanilgan. Gruzdeva fikriga ko'ra, bu tamoyillar ushbu olamda o'z-o'zini anglashning turli shakllarining o'zaro pozitsiyalariga asoslanadi. Yuqorida sanab o'tilgan pedagoglar ta'limdagi integratsiyani umumiy uslubiy xususiyatga ega yangi tamoyil sifatida tushunadilar. Mavjud fanga asoslangan ta'lim tizimida ushbu tamoyil integratsiya mexanizmi sifatida qaraladigan fanlararo aloqalarni amalga oshirish orqali amalga oshiriladi.

2. Integratsiya tushunchasi o'quv jarayonini tashkil etish shakli va ta'lim mazmuni sifatida G.A.Monax [4] qarashlarida ifoda etiladi. U integratsiyani atrofdagi dunyo sub'ekti tomonidan idrok etishning yaxlitligi tabiat qonunlarining universalligi va birligi asosida ta'lim mazmunini tashkil etishning yetakchi shakli sifatida izohlaydi. Amerikalik bir qancha pedagoglarning nuqtai nazarlarini ham ushbu guruhga kiritish mumkin. Ular asosan ta'limdagi integratsiya - bu o'quvchilar maktabda olgan bilim va ko'nikmalarini real hayotiy vaziyatlarga o'tkazishlari mumkin bo'lgan bilish jarayonini tashkil etish (shakli), deya talqin qilishadi. Dj.Makdonald [5] fanlararo integratsiyani o'quv jarayonini tashkil etish shakli sifatida baholaydi.

3. Uchinchi guruhda ta'limdagi integratsiyaning muallif qarashlarini anglatuvchi turli talqinlarni birlashtirishga harakat qildik. I.A. Kolesnikova [4-5] noosfera doktrinasi doirasida fanlararo integratsiyani tadqiq etsa, M.N. Berulava integratsiyani pedagogik hodisa sifatida ta'kidlaydi. S. Mettison [5] nuqtai nazarida integratsiya - bu o'quvchi markazda bo'lgan o'quv dasturini tuzishdir. O'quv dasturi esa jismoniy, ijtimoiy, emotsional va idrokiy ehtiyojlar nuqtai nazaridan so'nggisini hisobga oladi.

NATIJALAR

Ta'limdagi integratsiya tushunchasiga yuqoridagi fikr-mulohazalarga asoslanib, keltirilgan ta'riflar olingan natijalarni belgilab beradi nazarimizda.

Integratsiya - ta'lim tizimini rivojlantirish omilidir, deydi V.N. Maksimova [5], Pedagogik bilim sintezi va ularning o'zaro ta'sirining eng yuqori darajasi sifatida talqin etadi M.I. Maxmutov [6], Pedagogik nazariya va amaliyot doirasida amalga oshiriladigan ilmiy integratsiyaning bir turi, ta'lim-tarbiya jarayonini tashkil etish maqsad, tamoyillari, mazmuni, shakllari birligini ifodalash shakli, deb ko'rsatadi V.S. Bezrukova [7], Yaxlitlikni shakllantirish jarayoni, zamonaviy olamda rivojlanish printsipini anglatadi deydi I.Yu. Aleksandrova, Ilgari ajratilgan bir va turli komponentlarning (maqsad, tarkib, usul, shakl, vosita, texnologiya, sharoitlar) yaxlit ta'limga birlashishi; qolgan qarama - qarshi differentsiatsiya jarayoni bilan dialektik birlik orqali namoyon bo'ladi deyiladi M.S. Pak qarashlarida [8].

Ta'lim maqsadi sifatida o'quvchining bilim, ko'nikma, malaka, tajriba va ba'zi shaxsiy fazilatlarini birlashtirish haqida ham gapirish mumkin. Hozirgi vaqtda integrativ xarakterdagi xususiyatlar bo'lgan o'quvchilar kompetentsiyalarini shakllantirishni ta'limning maqsadi sifatida ko'rib chiqish tendentsiyasi mavjud. V. Vorovshikov [1] ta'kidlashicha, "kompetentsiyani madaniyat va faoliyat turining ayrim sohalarida shaxsan va ijtimoiy ahamiyatga ega muammolarni samarali hal qilish uchun olingan ko'nikma, bilim, me'yoriy yaxlit munosabatlar to'plamini zanjirli amalga oshirish tajribasini birlashtirgan murakkab protseduraga ega bo'lish, deb tushunish mumkin."

Maktabning amaliy ishidagi pedagogik integratsiya haqida g'oyalar biroz chalkashdir, birinchi navbatda, "integratsiya", "fanlararo bog'liqliklar", "o'zaro bog'liqliklar" va "izchillik" kabi tushunchalar bilan hosil bo'lgan yagona leksik-semantik maydonning mavjudligini nazarda tutadi, F.B. Okolnikov ta'rifida. [1], A.I. Guraevaga fikriga ko'ra [1-2], fanlararo aloqalar atrofdagi olamni o'rganish darajasiga qarab didaktikada boshqacha maqomga ega bo'lgan umumdidaktik tushuncha hisoblanadi. Didaktik hodisa darajasida fanlararo aloqalar o'quv jarayonidagi ilmiy aloqalarning aksidir. Didaktik sharoitlar darajasida fanlararo aloqalar fan asoslarini

o'qitishning ilmiy darajasini oshirish, o'quvchilarning dialektik dunyoqarashini shakllantirish va ularning ijodiy qobiliyatlarini o'stirish maqsadida turli fanlar bo'yicha o'quv dasturlari va darsliklarning o'zaro izchilligini ta'minlash vositasi sanaladi. Didaktik tamoyil darajasida fanlararo aloqalar didaktik tamoyillar tizimidagi integratsion bo'g'in - ilmiylik, tizimlilik, yaxlitlik, uzluksizlik va boshqalar sanaladi. Chunki ular yuqoridagi barcha printsiplarning maqsadli yo'nalishini aniqlab beradilar.

XULOSA VA TAVSIYALAR.

Psixologik – pedagogik asosga ega bo'lgan va o'qitish tamoyillari, usullari va vositalarining yaxlit tuzilishini tavsiflovchi fanlararo bilimlar metodologiyasidan tashqarida bo'lgan darajada, uning yordamida bilimlarning yangi turi – “fanlararo bilimlar” shakllanadi, bu o'quvchilarga yaxlit bilim bilan ajralib turadigan, atrofidagi olamni ko'ra olish bilan bog'liq bo'lgan, fikrlashni rivojlantirishga imkon beradi.

Ba'zi tadqiqotchilar integratsiya va fanlararo aloqalarni bir-biridan sifat jihatidan farq qiluvchi hodisalar deb hisoblashadi. Bunday holda, integratsiya va muvofiqlashtirishni farqlash odatiy holga aylanadi. Muvofiqlashtirish deganda o'rganilayotgan tushuncha, hodisa, jarayonlar va ularni o'rganish vaqtini umumiy talqin qilish nuqtai-nazaridan tegishli fanlar bo'yicha o'quv dasturlarini muvofiqlashtirish tushuniladi, ya'ni integratsiyani ta'minlovchi o'quv fanlarining puxta ishlab chiqilgan o'zaro aloqasi uzluksizlikni ta'minlash bo'yicha funktsiyalarini bajarishga qodir, deb hisoblanadi. Uzluksizlik pedagogik jarayonning uzluksizligi va yaxlitligi zarurati xamda uning natijalari va o'rganishning diskretligi tabiati o'rtasidagi ziddiyatlarni hal qilish uchun mo'ljallangan.

Hozirgi vaqtda jahon hamjamiyati maktablari chet tilining kommunikativ muhiti orqali turli fanlarini o'qitishni muvaffaqiyatli yo'lga qo'ymoqdalar. Shunday qilib, “Content and Language Integrated Learning” – “Fan va chet tilini integrallashgan holda o'qitish” xalqaro loyihasi amalga oshirilmoqda. [1-5] Ayni paytda uning asosiy vazifasi o'quvchilarning nafaqat o'z ona tilida, balki ingliz tilida ham fanning keltirilgan mavzularidan bilim, ko'nikma va muloqot tajribasini shakllantirishdan iborat. Istiqbolli maqsad-umumiy ilmiy savodxonlikka ega bo'lgan ko'p tilli shaxsni shakllantirish.

Shu tariqa, zamonaviy o'quvchining shaxsiyati chet tilining kommunikativ imkoniyatlaridan foydalangan holda kimyoni o'rganishda integratsion omil sifatida qaralishi mumkin.

Zamonaviy maktab o'quvchisidagi o'zgarishlar, o'qituvchi tayyorgarligi va shaxsiyatining o'ziga xos xususiyatlari, shuningdek, axborot-kommunikatsiya texnologiyalarining jadal rivojlanishi va ta'lim sohasida xorijiy tajribadan foydalanish tufayli biz ilgari surayotgan g'oyalarni qabul qilishga tayyor. Biroq, bu sohada hali ham tadqiqotlar ko'p emas.

Fanlararo aloqalar va o'zaro bog'lanishlar odatda fanlar o'rtasidagi gorizontal munosabatlar bilan, uzluksizlik esa ta'lim darajalari o'rtasidagi vertikal aloqalar bilan cheklanadi. Biroq, pedagogik integratsiya chegaralari haqida gapirishning iloji yo'q. Integratsiya ta'lim jarayoni bo'lishi mumkin, shu jumladan ta'lim turlarining o'zi ham. Shuning uchun ham integratsiya ko'pincha maxsus dunyoqarash sifatida olib qaraladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.

1. Барунова Е.Б. Выпускной экзамен по химии в школах США// Химия по школьникам,-2010 №2 С27-31
2. Барунова Е.Б. Об организации контроля знаний, умений и навыков школьников по химии в странах Европейского Союза // Свиридовские чтения; сб.ст. Вып.4. / редкол.: Т.Н.Воробьева (отв.ред.) – Минск БГУ, 2008. –С.338-342
3. Барунова Е.Б. Химия на английском: не навреди. Журнал «Химия в школе»-2008г. №7, стр 35-36
4. Барунова Е.Б.,Перевозчикова Н.В. О реализации межпредметных связей химии с английским языком. Журнал «Химия в школе» -2010г.№1,стр 26-3
5. Салеева М.В. Развитие языковой личности в процессе межпредметной интеграции инязыка. «Развитие психологии личности и педагогических проблем социальной педагогики. Материалы РНТК. Минск. – 1998г.
6. Косилова М.Ф. Издержки экономной стратегии мозга. Журнал «Вопросы психологии» -1990г. №2, стр 110-116
7. Аршанский Е.А. Методика обучения химии в классах гуманитарного профиля. Москва. Вентана_Граф -2005г 226 стр.
8. Hasan Olim o'g'li Bekpo'latov // INGLIZ TILI BILAN INTEGRASIYA JARAYONIDA KIMYO FANI BO'YICHA O'QUV ISHLARINI TASHKIL ETISHNING ASOSIY TAMOYILLARI VA NAZARIY ASOSLARI// EDUCATIONAL RESEARCH IN UNIVERSAL SCIENCES VOLUME 1, ISSUE 5, OCTOBER, 2022 Educational Research in Universal Sciences, 1(5), 124–127. Retrieved from <http://erus.uz/index.php/er/article/view>

OLIV TA'LIM TEXNIKA IXTISOSLIKLARIDA RAQAMLI TA'LIM ASOSIDA BO'LAJAK MUXANDIS KADRLARNI TAYYORLASH MUAMMOSI

Ergashev Nuriddin G'ayratovich;

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti,

pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent.

<https://orcid.org/0000-0002-8274-6193>;

Annotatsiya. Ushbu maqolada, oliy ta'lim texnika ixtisosliklarida raqamli ta'lim asosida bo'lajak muxandis kadrlarni tayyorlash muammosi nazariy tahlil qilib o'tilgan. Bundan tashqari, raqamli ta'lim sharoitida bulutli texnologiyalar yordamida o'qituvchilar tarkibini kasbiy faoliyatga ko'p bosqichli tayyorlash xususiyatlari va amalga oshirishdagi muammolar hamda raqamli ta'lim o'qituvchisining funksional majburiyatlari keltirilgan.

Kalit so'zlar: raqamli ta'lim, bulutli texnologiyalar, kasbiy faoliyat, blended learning, aralash ta'lim, elektron ta'lim texnologiyasi, funksional majburiyatlar va boshqalar.

ПРОБЛЕМА ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ ИНЖЕНЕРНЫХ КАДРОВ НА ОСНОВЕ ЦИФРОВОГО ОБУЧЕНИЯ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ СПЕЦИАЛЬНОСТЯМ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ

Эргашев Нуриддин Гайратович;

Каршинский инженерно-экономический институт,

доктор философии (PhD) по педагогическим наукам, доцент.

<https://orcid.org/0000-0002-8274-6193>;

Аннотация. В данной статье дан теоретический анализ проблемы подготовки будущих инженерных кадров на основе цифрового обучения по техническим специальностям высшего образования. Кроме того, перечислены особенности и проблемы реализации многоуровневой подготовки педагогического состава к профессиональной деятельности с использованием облачных технологий в условиях цифрового образования, а также функциональные обязанности педагога цифрового образования.

Ключевые слова: цифровое обучение, облачные технологии, профессиональная деятельность, смешанное обучение, смешанное обучение, технология электронного обучения, функциональные обязанности и многое другое.

THE PROBLEM OF TRAINING FUTURE MUKHANDIS PERSONNEL ON THE BASIS OF DIGITAL EDUCATION IN TECHNICAL SPECIALTIES OF HIGHER EDUCATION

Ergashev Nuriddin Gayratovich;

Karshi Institute of engineering and economics,

doctor of philosophy in Pedagogical Sciences (PhD), docent.

<https://orcid.org/0000-0002-8274-6193>;

Annotation. In this article, a theoretical analysis of the problem of training future mukhandis personnel on the basis of digital education in technical specialties of higher education is carried out. In addition, the features and problems in the implementation of multi-level training of teaching staff for professional activities using cloud technologies in the conditions of digital education, as well as the functional responsibilities of the teacher of digital education, are presented.

Keywords: digital education, cloud technologies, professional activities, blended learning, mixed learning, e-learning technology, functional responsibilities, etc.

Kirish. Texnika oliy o'quv yurtlarida bulutli texnologiyalarni joriy qilinishidagi ta'limdagi o'zgarishlar, maxsus tashkil etilgan muhit, o'zaro ta'sir va uning darajalaridagi o'zgarishlar (talaba – o'qituvchi, talaba – talaba, talaba – o'qituvchi – talaba) pedagoglardan yangi o'ziga xos kompetentliklarni, shu jumladan raqamli texnologiyalar bilan bog'liq bo'lgan shakllantirishlarni talab qiladi.

Huquqiy meyoriy hujjatlarda ilgari surilgan talablar, zamonaviy talab va axborotlashgan jamiyat uchun zarur shart sharoitlarni amalga oshirishda bo'lajak muxandis kadrlarni davr talablari

darajasida tayyorlash muammosi o'tgan asrning oxiri va yigirma birinchi asrning boshlarida ilgari surilgan ushbu muammo dolzarb bo'lib qoldi.

Mamlakatimizda va jamiyatda sodir bo'layotgan tub o'zgarishlar o'tgan davr mobaynida axborotlashgan jamiyatda oliy texnika o'quv yurtlarida ta'lim oladigan bo'lajak muxandislarga qo'yiladigan zamonaviy talablarning paydo bo'lishiga yordam berdi hamda ularni o'z kasbiy faoliyatlarini qayta tashkil etishga, "faol" va faoliyat usullari va texnologiyalarini o'z ichiga olishi va boshqa vositalardan foydalanishni talab qiladi. Texnika oliy o'quv yurtlarida ta'lim jarayonini davr talablariga muvofiq ravishdagi zamonaviy ilm-fan yutuqlariga imkon qadar moslashtirishda bo'lajak muxandis kadrlar ta'lim innovatsiyalari, zamonaviy o'quv dasturlari, o'zaro hamkorlikni tashkil etishning yangi vositalari, ta'limni boshqarish tizimlari va boshqalarni kundalik turmushda amaliyotga joriy qilmasdan amalga oshirishning imkoniyati mavjud emas.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili.

Axborotlashgan jamiyatda texnika oliy o'quv yurtlari ta'lim jarayonining o'ziga xos xususiyatlari bo'lajak muxandis kadrlarga bo'lgan talablarning davr talablariga muvofiq ravishda o'zgarishi bilan u endi ta'lim doirasida asosiy shaxs hisoblanmaydi. Pedagogika fani va amaliyotida "noan'anaviy ta'lim", "noan'anaviy guruh" kabi noan'anaviy atamalar tobora ko'proq amaliyotda tatbiq etilmoqda.

Ushbu muammoning umumlashtirilgan ko'rinishida uni ijobiy yechimini topish bo'yicha quyidagi: Birinchisiga ko'ra, ularning tarafdorlari A.V.Darinskiy, V.P.Zinchenko, G.A.Yagodinlar ta'kidlaganidek, har qanday ta'lim o'z mohiyatiga ko'ra va amalda uzluksiz bo'lgan uchta asosiy nuqtai nazarni ajratib ko'rsatish mumkin.

A. P. Vladislavlev, V. P. Zinchenko, E. I. Ogarev pozitsiyalariga to'g'ri keladi. Ushbu pozitsiya quyidagi asoslarga asoslanadi: uzluksiz ta'lim g'oyasi fanda uzoq vaqt oldin paydo bo'lgan va haqiqatan ham uning aksini Platon va Konfutsiy asarlarida topish mumkin. Shu bilan birga, umrbod ta'lim amaliyot turi sifatida nisbatan yaqinda mavjud bo'lgan, shuning uchun ham umrbod ta'lim nazariyasi nisbatan yaqinda shakllana boshlagan.

Tadqiqot metodologiyasi.

Ta'kidlanishicha, ta'limni "noan'anaviy aylantirilishi" va bu "islohat" birinchi navbatda bo'lajak muxandis kadrning ongida, keyin esa uning faoliyatida sodir bo'lishi kerak. Bugungi kunda "noan'anaviy ta'lim" ta'limni tashkil etishning davr talablariga muvofiq ravishdagi zamonaviy modeli sifatida tushuniladi, unda talabalar nazariy materiallarni o'qituvchining tavsiyasi bilan asosan mustaqil ravishda o'rganadilar va auditoriyada (yoki internetda) o'rganilayotgan mavzu bilan bog'liq muammolar, vazifalar, loyihalar faol muhokama qilinadi.

O'qituvchining o'zi emas, balki bo'lajak muxandis kadr(talaba) o'z ta'lim jarayonini faol ravishda tashkil etishi kerakligini tushunishi (va qabul qilishi) muhim ahamiyatga ega bo'lib, o'qituvchining o'zi ko'proq talabaning bilim faoliyati va o'rganishni boshqaradigan shaxsga aylanadi [3].

Natijada, axborotlashgan jamiyatda texnika oliy o'quv yurtlari professor o'qituvchilari raqamli texnologiyalardan foydalana olishi va internet imkoniyatlaridan foydalanishda malakali bo'lishi kerak, degan fikrni aytish mumkin. Darhaqiqat, bulutli texnologiyalar bilan ishlash (raqamli ta'lim) muhitida bo'lajak muxandis kadrlardan quyidagi: internetda ishlash hamda bulutli texnologiyalarga (raqamli ta'limga) xos bo'lgan ta'lim jarayonini tashkil etishning turli shakllarini amaliyotga qo'llash; AKT sohasida o'z malakalarini oshirishga tayyor bo'lishlari (o'quv materialini taqdim etish usullari, o'zaro hamkorlikni tashkil etish, bilimlarni nazorat qilish va baholash va boshqalar); interfaol o'quv kurslari va dasturlarini ishlab chiqish va yaratishning o'z usullari; (raqamli ta'lim)ning o'ziga xos xususiyatlarini bilish va ishlab chiqish faoliyati amaliyoti bilan bog'lash; ta'lim jarayonini tashkil etish va bilimlarni nazorat qilishda bulutli texnologiyalar asosida (raqamli) o'qitish tamoyillarini e'tiborga olish; bulutli texnologiyalarni ta'lim jarayoniga (raqamli ta'limda) joriy etishda maksimal ishlab chiqarishda(pedagogik) muvafaqiyatli natijalarga erishish uchun texnologik, tashkiliy, ijtimoiy iqtisodiy, psixologik, axborot va kommunikatsiya imkoniyatlaridan davr talablariga muvofiq ravishda foydalanish kabi ko'nikmalar talab qilinadi.

Raqamli ta'lim va bulutli texnologiyalarga nisbatan texnika oliy o'quv yurtlarida pedagogik faoliyatning mazmuni bir qator o'zgarishlarga ega. Birinchidan, o'quv kurslarini ishlab chiqish faoliyati ancha murakkablashadi, chunki uning texnologik asoslari jadal ravishda rivojlanadi. Ushbu holat bo'lajak muxandis kadrlardan davr talablariga muvofiq ravishda zamonaviy sharoitda ishlash uchun maxsus ko'nikmalarga ega bo'lishini talab qilinadi, chunki kunduzgi ta'lim o'quv materiallarini kompyuter shakliga o'tkazish orqali elektron kurs yaratishning imkoniyati bo'lmaydi. Ikkinchidan, bo'lajak muxandis kadrlar markaziy shaxs bo'lgan va shunday bo'lib qoladigan ta'limning klassik modelidan farqli o'laroq, zamonaviy axborot texnologiyalari va bulutli texnologiyalar (raqamli ta'lim) dan foydalanishda tortishish markazi asta-sekin masofaviy texnologiyalardan foydalangan holda o'z ta'lim jarayonini faol tashkil qilishni talab qiladi. Texnika oliy o'quv yurtlari professor o'qituvchilarning asosiy vazifasi bo'lajak muxandis kadrlarni ularning kelgusidagi faoliyatida qo'llab quvvatlashdir: ya'ni, o'quv materiallarining cheksiz oqimida ushbu materialning muvaffaqiyatli o'zlashtirishi, ushbu ma'lumotlarni o'zlashtirishda mavjud bo'lgan muammolarni hal qilishga yordam berishi kerak. Zamonaviy axborot texnologiyalari bo'lajak muxandis kadrlarning o'ziga xos xususiyatlarini faollashtirishga yordam beradi, ammo ushbu juda ko'p vaqt talab qiladi hamda bo'lajak muxandis kadrlardan qo'shimcha va alohida harakatlarni talab qiladi.

Tahlil va natijalar.

Bulutli texnologiya - bu elektron (raqamli) o'quv kursining aniq dasturi doirasida bo'lajak muxandis kadrlarga uslubiy va tashkiliy yordam ko'rsatadigan, masofaviy ta'limning o'ziga xos xususiyatlari bilan o'zaro munosabatlarning psixologik xususiyatlarini e'tiborga olgan holda axborot texnologiyalari sohasida bilimga ega bo'lishi tushuniladi. Bu an'anaviy ta'lim texnologiyasiga ega bo'lgan va undan masofadan turib foydalana oladigan mutaxassis hisoblanadi.

Bo'lajak muxandis kadrlarning ta'lim tizimidagi mavqei ham sifat jihatidan davr talablariga muvofiq ravishda o'zgarib bormoqda, bu esa bulutli texnologiyalar asosida (raqamli) o'qitish talablari va muammolari bilan belgilanadi. Axborotlashgan jamiyatning jadal ravishda rivojlanishi va bulutli texnologiyalar na texnika oliy o'quv yurtlari professorlari, na ushbu ta'lim muassalarida ta'lim oladigan bo'lajak muxandis kadrlar bilimining "eng yuqori bo'lmagan chizig'i" bo'lmagan vaziyatni keltirib chiqardi. Har qanday ilmiy va ta'lim (afsuski, nafaqat ishonchli) ma'lumotni global tarmoqda osongina topish mumkin va agar xohlasangiz, mustaqil ravishda o'rganiladi. Jamiyatda aldamchi vaziyat paydo bo'ldi - ko'pchilik allaqachon bo'lajak muxandis kadrlar axborotlashgan jamiyat talablariga javob bera olmaydi deb o'ylaydi, ammo siz hamma narsani o'zingiz mustaqil ravishda o'rganishingiz mumkin. Ammo ushbu oson ma'lumotni o'zlashtirishning soddaligi ortida o'quv materiallarini optimallashtirish va to'g'ri tanlash, ularni o'zlashtirish uchun samarali mashqlar tizimini yaratish pedagogik muammosi yanada aniq va keskinroq paydo bo'ladi. O'qituvchining ko'rsatmasi, uning yo'nalishi va ko'magisiz bo'lajak muxandis kadrlar biron bir mavzuni o'zlashtirishi deyarli imkoniyati mavjud emas.

Internet orqali onlayn ta'limni tashkillashtirish uchun bugungi kunda bir qator texnologiyalardan foydalaniladi. Bulutli hisoblash texnologiyasi internet orqali ta'lim tizimini tashkillashtirishning eng samarali usuli hisoblanadi. Bulutli texnologiya taqsimlangan ma'lumotlarni saqlash va qayta ishlash tizimlaridan tashkil topib, bir vaqtda juda ko'plab o'quv materiallaridan tashkil topgan onlayn ma'sofaviy ta'lim tizimini tashkillashtirish, butun ta'lim faoliyatini yagona platformada tashkillashtirish imkonini beradi.

Bulutli ta'lim xizmatlarini tashkillashtirish boshqa usullarga nisbatan quyidagi ustunliklarga ega: ulanishning qulayligi va amalga oshirilishi soddaliligi; platforma narxining arzonligi va universalligi; xavfsizlikning yuqoriligi; ishonchliligi; tizimning tarmoq platformasiga oson moslashuvchanligi.

Hozirgi kunda "blended learning" (aralash ta'lim, ananviy va elektron ta'lim) texnologiyasi rivojlanmoqda, natijada o'quv materialining bir qismi elektron kurs shaklida, qolgani esa, auditoriyadagi mashg'ulot shaklida amalga oshirilishi mumkin. Bunday ta'lim talabalardan o'z o'quv jarayonini boshqarishni, yuqori darajada tashkilotchilikni, ma'lum qobiliyatlarni, uquvlarni, ta'lim olish jarayoni natijalarini baholashni talab etadi. Bundan tashqari, talaba o'quv materialini

o'zlashtirish uchun uni mustaqil ravishda umumlashtirishi, bajarilgan o'quv ishlari va topshiriqlarni bajarishdagi faoliyatini tahlil qilishi va baholashi kerak.

Shunday qilib, shuni ta'kidlash kerakki, raqamli ta'lim o'qituvchisi, "an'anaviy" ta'lim pedagogi faoliyatidan quyidagilar bo'yicha: funksional majburiyatlar o'qituvchi va talabalar o'rtasida turlicha taqsimlanadi, talabalar "qabul qilish" pozitsiyasida qola olmaydilar, bilimlarning yangi "asosiy qismi", AKT darajasi o'qituvchining kasbiy faoliyatining muhim tarkibiy qismiga aylanadi, innovatsion pedagogik jarayonni tashkil etish AKT, elektron ta'lim resurslaridan foydalanish, Internet muhitining imkoniyatlarini o'z ichiga olgan holda raqamli ta'limning o'ziga xos talablari hisobiga o'zgarib boradi.

Ta'limda psixologik qulaylik. Ta'limda o'rganishga ichki to'siq bo'lib xizmat qiladigan psixologik to'siqlar mavjud: boshqalardan zaifroq ko'rinishdan qo'rqish, masofadan turib muvaffaqiyatli o'rganishingiz mumkin bo'lgan noaniqlik va boshqalar. Gumanistik yondashuv doirasida, xayrixoh hissiyot orqali yaratilishi mumkin bo'lgan psixologik qulay o'quv muhiti. fon, ozodlik vositasiga aylanishi kerak.

Elektron ta'lim o'qituvchisi ishining yuqorida aytib o'tilgan xususiyatlari uning faoliyatining mazmunini belgilaydi: rollar, funksiyalar, talablar. Elektron ta'lim doirasida talabaning intensiv mustaqil ishi muhim ahamiyatga ega. U nafaqat o'qituvchi tomonidan taqdim yetilgan tayyor ma'lumotlarni tayinlaydi, balki uni izlashda faol ishtirok yetadi, u bilan ishlaydi, bilim faoliyati usullarini yegallaydi.

Shunga ko'ra, o'qituvchining roli nafaqat ma'lumotni uzatishda, balki bilim faoliyatini professional boshqarish va o'quvchining ijodiy faoliyatini rag'batlantirishda hamdir.

Raqamli ta'lim o'qituvchisi bir vaqtning o'zida professional rollarni bajaradi: o'qituvchi (bilim, ko'nikma va kasbiy tajriba manbai bo'lib xizmat qiladi); maslahatchi (kurs bo'yicha talabalarning savollariga javob beradi, topshiriqlarni bajarish bo'yicha tavsiyalar beradi, Internet-axborot resurslarini o'zlashtirishga yordam beradi va hokazo); o'quv jarayonining tashkilotchisi (boshqaruvchisi) (talabalarning birgalikdagi faoliyatini tashkil qiladi, mashg'ulotlar davomida ularning o'zaro munosabatlarini boshqaradi, ayrim tashkiliy va ma'muriy masalalarni hal qiladi); fasilitator (o'rganish uchun qulay sharoit yaratadi); ilhomlantiruvchi (ijodiy faoliyatni rag'batlantiradi, o'quvchilarni mustaqil ravishda bilim izlashga undaydi va ilhomlantiradi); dizayner-muhandis (o'rganilayotgan kursning maqsadlari va mazmuniga eng mos keladigan o'quv jarayoni va faoliyatni tashkil etish shakllarini loyihalashtiradi va ishlab chiqadi, ko'pincha o'ziga xosdir).

Raqamli ta'lim o'qituvchisi ma'lum funksional majburiyatlarga ega. Biz u uchun ayniqsa ahamiyatli bo'lgan funksiyalarni sanab o'tamiz:

- Maqsad belgilash funksiyasi. O'z oldiga maqsad qo'yish va o'quvchi oldiga maqsad qo'yishni tashkil etish o'quv faoliyatining boshlang'ich nuqtalari hisoblanadi. Raqamli ta'limda o'qituvchi va o'quvchining o'quv maqsadlarini moslashtirish tavsiya etiladi. Maqsad qo'yishda o'qituvchining keyingi shakllar, usullar va o'quv vositalarini tanlash uchun natijani bashorat qilishga intilishi muhimdir.

- Diagnostika funktsiyasi. Bu o'quvchilarning bilim, ko'nikma va ko'nikmalarini, motivatsion asoslarini va raqamli ta'limning barcha bosqichlarida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan muammolarni doimiy monitoring qilishdan iborat. Diagnostika natijalari talabalar bilan samarali hamkorlik qilishga yordam beradi, maqsadlarga mos keladigan masofaviy ta'lim texnologiyalari, usullari va usullarini tanlash imkonini beradi.

- Motivatsion funktsiya. O'qituvchi o'rganilayotgan materialni real hayot va mavjud amaliyot bilan bog'lab berishi, har bir o'quvchi olingan bilim maqsadini aniq tushunib olishi muhim ahamiyatga ega.

- Ta'lim jarayonini loyihalash va qurish funksiyasi. Raqamli ta'limning har bir bosqichida maqsadlarni qo'yishning natijalarni mohirona bashorat qilish bilan uyg'unligi o'qituvchiga elektron ta'lim resurslarini (EYER) professional tarzda loyihalash, o'z harakatlari va talabalar harakatlarining tartibini aniqlash, ta'lim strategiyasi va taktikasini shakllantirish imkonini beradi. faoliyat, maqsad va vazifalarga mos keladigan ta'lim texnologiyalarini tanlash.

– Tashkiliy funksiya. O‘qituvchi uchun bu funksiya ta’lim maydonini malakali, puxta o‘ylangan tashkil etishdan (o‘quv jadvallarini, eslatmalarni, ko‘rsatmalarni tuzish va boshqalarni tuzishdan), raqamli ta’lim jarayonida talabalarni doimiy ilmiy va uslubiy qo‘llab-quvvatlashdan iborat.

– Maslahat va yordamchi funksiya. Ushbu funksiya talabalarga ta’lim masalalari bo‘yicha, o‘z-o‘zini tarbiyalash va o‘z-o‘zini o‘qitishni tashkil etish masalalari bo‘yicha maslahat berishni, shuningdek, o‘quv dasturini amalga oshirishda yordam va individual yordam ko‘rsatishni nazarda tutadi.

– Refleksiv funksiya. O‘qituvchi nafaqat talabalarni ularning faoliyatiga bergan bahosi haqida ma’lumot berishga, balki ularda introspeksiya ko‘nikmalarini rivojlantirishga, ular bilan birgalikda ularni yanada rivojlantirish bo‘yicha tavsiyalar ishlab chiqishga, shu jumladan bu maqsadda Internet resurslaridan foydalanishga majburdir.

– Aloqa funksiyasi. Ushbu funksiyani bajarish talabalar va o‘qituvchi o‘rtasida va ular o‘rtasida ishbilarmonlik, sheriklik va do‘stona munosabatlarni o‘rnatishga yordam beradi, bu esa o‘quv maqsadlariga samarali erishishga yordam beradi.

– Boshqarish funksiyasi. Ushbu funksiya butun o‘quv jarayoni davomida o‘quvchilarning yangi bilimlari, ko‘nikmalari va qobiliyatlari sifatini tekshirish va baholashni o‘z ichiga oladi.

Xulosa va takliflar.

Tadqiqot shuni ko‘rsatdiki, raqamli ta’lim sharoitida o‘quv jarayoni ishtirokchilari o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarni tashkil etishning muhim xususiyatlaridan kelib chiqqan holda, o‘qituvchi kasbiy faoliyatning yangi turini o‘zlashtirishi, maxsus kompetensiyalarni shakllantirishi, o‘quv jarayonini qurishga yondashuvlarni o‘zgartirishi kerak. raqamli vositalar, tarkibni an’anaviylardan farq qiladigan turli formatlarda taqdim etishni o‘rganish, ta’limni boshqarish tizimi uchun tarkibni ishlab chiqishga tayyor bo‘lish va o‘quvchilarning individual xususiyatlari va ehtiyojlarini hisobga olgan holda ta’limni tashkil etishning moslashuvchan modellarini loyihalash, boshqarish (oldini olmaslik) kasbiy faoliyatdagi yangi xavflar.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Бабаева, Ю.Д., Войскунский, А.Е. Психологические последствия информатизации: постановка проблемы / Ю.Д. Бабаева, А.Е. Войскунский // Учёный совет. – 2005. – № 8. – С. 83–91.
2. Бабанский, Ю.К. Методы обучения в современной общеобразовательной школе / Ю.К. Бабанский. – М.: Просвещение, 1985. – 207 с.
3. Балашов, М.М., Лукьянова, М.И. Личностно ориентированный подход к образованию: обоснование и сущность / М.М. Балашов, М.И. Лукьянова. – Ульяновск: ИПК ПРО, 1999. – 27 с.
4. Бахтизин Р.Н., Шамшович В.Ф., Вайндорф-Сысоева М.Е., Фаткуллин Н.Ю. Ассоциация образовательных организаций в области электронного обучения: организационно-педагогические основы деятельности (на примере Республики Башкортостан)». – Уфа: ФГБОУ ВО «Уфимский государственный нефтяной технический университет», 2017. – 160 с. 9,6 п.л. (авторство не разделено).
5. Бендова, Л.В. Педагогическая деятельность тьютора в сети открытого дистанционного профессионального образования : автореф. дис. ... канд. пед. наук / Л.В. Бендова. – М., 2006. – 23 с.
6. Ergashev Nuriddin G‘ayratovich “Methods of teaching parallel programming methods in higher education”. Actual problems of modern science, education and training. Khorezm, October, 2021-10/1. ISSN 2181-9750; 99-103 p. <http://khorezmscience.uz>.
7. Ergashev Nuriddin G‘ayratovich. “Texnika ixtisosliklari mutaxassislik masalalarini yechishda C++ visual dasturlash tilida klasslardan foydalanish tahlili”. O‘zbekiston milliy universiteti xabarleri. Toshkent 2021, [1/6/2] ISSN 2181-7324 – B.208-210. <http://science.nuuuz.uznm>.

8. Ergashev Nuriddin G'ayratovich. "Bulutli texnologiyalarda mavjud tahdidlar, ularga qarshi kurashish mexanizmlari va metodlari". O'zbekiston milliy universiteti xabarleri. Toshkent 2022, [1/9/2] ISSN 2181-7324 – B.195-199. <http://science.nuuuz/uznm>.
9. Ergashev Nuriddin G'ayratovich. "It is a modern educational model based on the integration of knowledge". Eurasian Scientific Herald. Volume 5| February, 2022 ISSN: 2795-7365. 48-51- p www.geniusjournals.org.
10. Ergashev Nuriddin G'ayratovich. "The Theory of the Use of Cloud Technologies in the Implementation of Hierarchical Preparation of Engineers". Eurasian Research Bulletin, Volume 7. April, 2022 ISSN: 2795-7365. 18-21-p www.geniusjournals.org.
11. Ergashev Nuriddin G'ayratovich. "The problem of training future engineer personnel on the basis of cloud technology in technical specialties of higher education". Eurasian Scientific Herald. Volume 13 | October, 2022 ISSN: 2795-7365. 1-4-p. www.geniusjournals.org.
12. Ergashev Nuriddin G'ayratovich. Bulutli texnologiyalar sharoitida muxandislarni kasbiy faoliyatga tayyorlash muammosining amaldagi holati. Journal of integrated education and research. ISSN 2181-3558, Volume 1, Issue 2, July 2022, 49-53 b. www.rnasav.com.
13. Ergashev Nuriddin G'ayratovich. Uzluksiz ta'lim sharoitida muxandislar malakasini oshirishni rivojlantirishning metodik shartlari. Journal of integrated education and research. ISSN 2181-3558, Volume 1, Issue 2, July 2022, 54-59 b. www.rnasav.com.
14. Ergashev Nuriddin G'ayratovich. Theoretical staff training using cloud technology in continuing education. In International Conference on Problems of Improving Education and Science. Qarshi 2022 yil 17-18 may (Vol. 1, No. 02).
15. Ergashev Nuriddin G'ayratovich. Problems of using digital education in pedagogical theory and practice. In International Conference on Problems of Improving Education and Science. Qarshi 2022 yil 17-18 may (Vol. 1, No. 02).

КАСР ВА ИРРАЦИОНАЛ ТЕНГСИЗЛИКЛАРНИ ЕЧИШДА АЛГОРИТМИК МЕТОД ТАДБИҚИ

Ходжиев Сафар

<https://orcid.org/0000-0003-2878-7733>

Бухоро давлат университети Математик анализ кафедраси доценти

Убайдуллаев Алишер Нейматуллоевич

Бухоро давлат университети Математик анализ кафедраси ўқитувчиси

Жўраева Наргиза Олтинбоевна

<https://orcid.org/0000-0002-3139-2217>

Бухоро давлат университети Математик анализ кафедраси таянч докторанти

Аннотация: тенгсизликларни айниқса каср ва иррационал кўринишидаги тенгсизликларни ечиш ўқувчиларда қийинчилик туғдиради. Қийинчиликлардан бири тенгсизликларни аниқланиш соҳаси билан боғлиқ бўлса, иккинчидан тенгсизликлар системаси умумий ечимини олиш билан боғлиқ. Иррационал тенгсизликларни ечиш эса тенгсизликлар системасини ечиш билан топилади.

Ушбу мақолада каср ва иррационал тенгсизликларни алгоритмик методни қўллаб ечиш кўрсатилган. Яъни, тенгсизликларни ечиш қадамлари бирин-кетин кўрсатилганки, ўқувчи

$\sqrt{f(x)} \geq \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} > \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} \leq \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} < \varphi(x)$, $\frac{\sqrt{f(x)}}{\varphi(x)}$, $\frac{f(x)}{\varphi(x)}$ кўринишида

тенгсизликларни қийналмасдан ечишлари ва тўғри ечимни танлай билишни ўзлаштиришлари мумкин.

Мақолада келтирилган тенгсизликлар методик кўрсатма ва маслаҳатлар билан ечиб кўрсатилган.

Калит сўзлар: тенгсизлик, система, ечим, иррационал тенгсизлик, алгоритм, метод.

Алгоритмический метод решения дробно-рациональных и иррациональных неравенство

Ходжиев Сафар

Доцент кафедры математического анализа

Бухарского государственного университета

<https://orcid.org/0000-0003-2878-7733>

Убайдуллаев Алишер Нейматуллоевич

Преподаватель кафедры Математического анализа

Бухарского государственного университета

Жўраева Наргиза Олтинбоевна

Базовый докторант Бухарского государственного университета

<https://orcid.org/0000-0002-3139-2217>

Аннотация: При решении дробных и иррациональных неравенств у учеников появляются заметные недоразумения, т.е. трудности. Это связано с одной стороны определением области допустимых значений выражения в неравенстве, во вторых с обобщением решения системы неравенства.

Так, как решения дробных и иррациональных неравенств непосредственно связаны с решением системы неравенств.

В данной работе показан алгоритмический метод решения дробных и иррациональных неравенств.

Каждый шаг решения неравенства вида $\sqrt{f(x)} \geq \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} > \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} \leq \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} < \varphi(x)$, $\frac{\sqrt{f(x)}}{\varphi(x)}$, $\frac{f(x)}{\varphi(x)}$ решены методическими указаниями и советами.

Приведенные примеры с решением помогут ученикам самостоятельно решать подобные задачи.

Ключевые слова: неравенство, система, решения, дробь, иррациональные, алгоритм, метод.

Algorithmic method for solving fractional-rational and irrational inequalities

Safar Khodjiyev,

Associate Professor of the Department of Mathematical Analysis
of Bukhara State University

<https://orcid.org/0000-0003-2878-7733>

Ubaydullayev Alisher Nematulloyevich

Lecturer of the Department of Mathematical Analysis
Bukhara State University

Nargiza Jurayeva Oltinbayevna

Doctoral student of Bukhara State University

<https://orcid.org/0000-0002-3139-2217>

Annotation: When solving fractional and irrational inequalities, students have noticeable misunderstandings, i.e. difficulties. This is due on the one hand to the definition of the range of acceptable values of the expression in the inequality, and secondly to the generalization of the solution of the inequality system.

Since the solutions of fractional and irrational inequalities are directly related to the solution of the system of inequalities.

This paper shows an algorithmic method for solving fractional and irrational inequalities.

Each step of solving the inequality of the form $\sqrt{f(x)} \geq \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} > \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} \leq \varphi(x)$, $\sqrt{f(x)} < \varphi(x)$, $\frac{\sqrt{f(x)}}{\varphi(x)}$, $\frac{f(x)}{\varphi(x)}$ is solved by methodical instructions and tips.

The given sketches with the solution will help students to solve such problems independently.

Keywords: inequality, system, solutions, fraction, irrationality, algorithm, method

Кириш.

Ҳар бир математика фани ўқитувчиси бирор тайин мавзуни ўргатишда ёки масалани ечишда ҳар хил методик усулларни қўллаиди. Унинг асосий мақсади, ўқувчига назарий билимни етказиш, уни амалда тадбиқ қилишни ўргатишдан иборат. Айрим ҳолларда бу иш осон кечмайди. Бу ҳолда ўқитувчи ўргатишни индуктив усулдан фойдаланишга тўғри келади.

Ўқитувчи ўқувчига масалани еча олиш учун унинг бирин-кетин бажарадиган қадамларини кўрсата олиш ва тасаввур қила олишни ўргатиши керак бўлади. Шу ҳолдагина ўқувчи масалани мустақил ечиш кўникмасини эгаллаши мумкин бўлади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Биз ёшлардан бирор ишни бажаришда уни амалга оширишда бирор қонуният ёки тартибдан фойдаланамиз. Бундай қонуният ахборот технологиясида масала ечишнинг асосий қадамларидан бўлиб-**алгоритм** дейилади.

Алгоритм сўзи шарқнинг етук олими, ватандошимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (Хоразмлик Мусо ўғли Муҳаммад, 787-850 йилларда яшаб ижод қилган) номининг лотинча талаффуз қилинишидан (algoritmi) олинган.

Алгоритм-бу қўйилган масалаларни ечиш учун аниқ баён қилинган бажарилиши мумкин бўлган чекли сондаги кўрсатмалар кетма-кетлигидир.

Демак масала ечишнинг алгоритмик усули бу ўзи бажаришдаги ҳаракатлар кетма-кетлигини билишни ва амалга ошириш йўллари татбиқ қила олишни тақозо қилади.

Ҳар бир ўқитувчи ўқувчи масала ечаётганда ҳар бир ёзаётган ёзувини тушунтириб гапириб беришни хоҳлайди. Бунинг учун эса, ўқитувчи олдин масала ечиш намунасини бериши керак бўлади. Ҳар бир ўқувчи машқни мустақил бажариши учун, ўқитувчи дарсда ўқувчиларга уни аниқ ва чекли қадамларда ечиш қонуниятини кўрсатиб бериши зарур. Ўқувчи уни ўзлаштириб, бир вақтда машқни бажаради. Бундай усулда мавзунини ўзлаштириш (масалани ечиш) алгоритмик усул дейилади.

Албатта, алгоритмик метод ёрдамида машқларни бажариш ютуқлари бир қанча шартларга боғлиқ бўлади. Алгоритм иложи борича қисқа бўлиши мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Чунки у ўқувчилар машқни бажариши учун ҳозиргина тингланган ва уларнинг хотирасида ҳали тўла ўзлаштирилмаган режа, схема ёки омил сифатида намоён бўлади. Қисқа кўрсатмалар-алгоритм, осон ва тез эсда сақланади. Бир нечта масала ечгандан сўнг алгоритмни ўқишга ёки унга қарашга ҳожат қолмайди.

Машқни бажариш алгоритми ўқувчи ёрдамида тўлиқ бажарилмаса ёки унга ривоя қилинмаса ва алгоритм салмоқли бўлса, бу мавзуга доир машқларни бажариш фақат секинлашишига олиб келади холос. Ўқитувчи масала ечиш алгоритминини ёзишда (баён қилишда) ўқувчи ёрдамида бажарилиши керак бўлган кўрсатмаларни буйруқ ёрдамида эмас, балким мойиллик сифатида баён қилиши мақсадга мувофиқдир.

1. Каср рационал тенгсизликларни ечиш.

1-мисол: Ушбу

$$\frac{x(3x+1)}{(x-2)(1-2x)} > 0$$

тенгсизликни интерваллар усули ёрдамида ечиш алгоритминини тузамиз.

Ўқувчи бундай тенгсизликларни ечишда интерваллар усулини ва тенгсизликлар системасини ечиш билан таниш бўлгани маъқул. Бундай кўринишдаги тенгсизликларни интерваллар усулида ечиш мумкин.

1-усул. Тенгсизликни унга эквивалент бўлган

$$\begin{cases} x(3x+1)(x-2)(1-2x) > 0 \\ (x-2)(1-2x) \neq 0 \end{cases}$$

системага келтириб ечиш.

2-усул. Интерваллар усулини қўллаб ечиш. Бу усулда $x=2$ ва $x=0,5$ нуқталарда ечимдан чиқариб ташлашни унутмаслик керак.

1-усул учун тенгсизликни ечиш алгоритминини қуйидагича тузиш мумкин:

1-қадам. $(x-2)(1-2x) \neq 0$ тенгсизликни ечиб, $x \neq 2$ ва $x \neq 0,5$ илдизларга эга бўламиз (каср ифоданинг махражи нолга тенг бўлмаслик шarti).

2-қадам. Тенгсизликнинг ўнг томонини чизикли кўпайтувчилар кўринишида ёзиб, унинг ишорасини сақлаб қоламиз (чунки тенгсизлик ишораси бажарилса етарли)

$$x(3x+1)(x-2)(1-2x) > 0.$$


3-қадам. Тенгсизликдаги чизикли кўпайтувчилардаги x ўзгарувчи олдидаги коэффициентларни $+1$ қилиш учун ундан фарқли коэффициентларни қавсдан ташқарига чиқарамиз

$$3(-2)x(x+\frac{1}{3})(x-2)(x-\frac{1}{2}) > 0 \text{ ёки } -6x(x+\frac{1}{3})(x-2)(x-\frac{1}{2}) > 0.$$

4-қадам. Тенгсизликни иккала томонини -6 га бўламиз (манфий сонга бўлганда тенгсизликлар ишораси қарама-қаршисига алмашади)

$$x(x+\frac{1}{3})(x-2)(x-\frac{1}{2}) < 0.$$

5-қадам. Сонлар ўқида тенгсизликнинг чап томонидаги чизикли кўпайтувчилар нолга тенг бўладиган ўзгарувчининг қийматларини белгилаймиз (тенгсизлик қатъий бўлгани учун бу нуқталар бўш айлана билан белгиланади, ноқатъий бўлган тенгсизлик маънога эга бўладиган нуқталар бўлган айланалар билан белгиланади)(1-расм).



1-расм

6-қадам. Сонлар ўқи йўналишининг юқори ўнг қисми бирор жойидан бошлаб ҳар бир берилган нуқтадан ўтувчи (1-расмда кўрсатилгандек кириб-чиқувчи) чизик ўтказамиз. Сонлар ўқининг остки қисми белгиланган соҳаларда тенгсизликдаги чап томондаги ифода қиймати манфий, юқори қисми эса мусбат эканлигини билдиради (керакли соҳани штрихлаб оламиз).

7-қадам. Жавобни ёзамиз. $x \in (\frac{1}{3}; 0) \cup (\frac{1}{2}; 2)$.

Яна бир тенгсизликни алгоритмик усулда ечиш кўрсатамиз.

2-мисол: Ушбу $\frac{(x-2)^2(x-3)^3}{x^2-25} \leq 0$ тенгсизликни ечинг.

Ечиш. Бу тенгсизликни ечишда ҳам интерваллар усулидан фойдаланамиз. Ечиш алгоритмининг қуйидагича ифодалаш мумкин.


1-қадам. $(x-2)^2 \geq 0$ бўлгани учун ва $x=2$ тенгсизликнинг ечими эканлигини эътиборга олиб уни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз $\frac{(x-3)^3}{x^2-25} \leq 0$.

2-қадам. Ифода қиймати тоқ даражага кўтарилганда ишора сақланишини эътиборга олиб, охириги тенгсизликни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз $\frac{x-3}{x^2-25} \leq 0$.

3-қадам. Мажраж нолга тенг бўлмаслик шартига кўра. $x^2-25 \neq 0$ тенгсизликдан $x \neq 5$ ва $x \neq -5$ эканлигини топамиз.

4-қадам. 2-қадамдаги тенгсизликни ўнг томонини чизикли кўпайтувчилар кўринишида ёзамиз $(x-3)(x-5)(x+5) \leq 0$.

5-қадам. Сонлар ўқида тенгсизликнинг чап томонидаги чизикли кўпайтувчилар нолга тенг бўладиган ўзгарувчининг қийматларини белгилаймиз (2-расм).



2-расм

Берилган тенгсизликдаги ифода маънога эга бўлмайдиган ўзгарувчиларнинг қийматлари ($x=-5$, $x=5$) бўш айланалар билан белгиланган.

6-қадам. Ўнг томондан бошлаб ($x=5$, $x=3$, $x=-5$) нуқталардан ўтувчи чизик орқали тенгсизлик бажариладиган (бажарилмайдиган соҳаларни белгилаймиз).

7-қадам. Жавобни 2-расмга қараб $x \in (-\infty; -5) \cup [3; 5)$ деб ёзамиз. Бу тўлиқ жавоб эмас.

1) қадамда $x=2$ тенгсизлик ечими бўлиши таъкидланган эди. Демак, $x \in (-\infty; -5) \cup \{2\} \cup [3; 5)$.

II. Иррационал тенгсизликларни ечиш. Иррационал тенгсизликларни ечишда ўқувчига олдин иррационал сўзини таъкидлаб ўтгандан сўнг иррационал тенгсизлик ҳақида тушунчаларни бериш керак. Илдиз остида номаълум қатнашган тенгсизликларга иррационал тенгсизликлар дейилади.

Умумий ҳолда иррационал тенгсизликлар $\sqrt[n]{f(x)} > g(x)$, $\sqrt[n]{f(x)} < g(x)$, $\sqrt[n]{f(x)} \geq g(x)$, $\sqrt[n]{g(x)} \leq g(x)$ ($\sqrt[n]{f(x)} > \sqrt[m]{g(x)}$, $\sqrt[n]{f(x)} < \sqrt[m]{g(x)}$) кўринишларда бўлиши мумкин.

Биз бу ерда $n=2$ бўлган ҳол учун ҳар хил иррационал тенгсизликларни алгоритмик усулда ечишни мисолларда таҳлил билан келтираемиз.

1. $\sqrt{f(x)} < g(x)$ кўринишдаги тенгсизликларни ечиш. Ушбу тенгсизлик қуйидаги тенгсизликлар системасига тенг kuchли

$$\begin{cases} f(x) \geq 0, \\ g(x) \geq 0, \\ f(x) < g^2(x). \end{cases} \quad (1)$$

3-мисол. Ушбу $\sqrt{x^2 - 5x} > x - 4$ тенгсизликни ечинг. Бунда $f(x)=x^2-5x$, $g(x)=x-4$

Ечиш: Бизнинг мисолимизда (1) система (ёки тенгсизлик қуйидаги тенгсизликлар системасига эквивалент) бўлади


$$\begin{cases} x^2 - 5x \geq 0 \\ x - 4 \geq 0 \\ x^2 - 5x < (x - 4)^2 \end{cases}$$

1-қадам. Квадрат илдиз остидаги ифода манфий бўлмаслиги керак. Шундан $x^2 - 5x \geq 0$ тенгсизликни ечиш керак. Тенгсизликни ечишда интерваллар ёки тенгсизликлар системасини ечиш усулларида фойдаланиш мумкин. Тенгсизликлар системасига келтириш учун квадрат учҳадни кўпайтувчиларга ажратамиз $x(x-5) \geq 0$ бу тенгсизлик ўринли бўлади қачонки, ушбу системалар бажарилса:

$$\begin{cases} x \geq 0, \\ x - 5 \geq 0. \end{cases} \text{ ёки } \begin{cases} x \leq 0, \\ x - 5 \leq 0. \end{cases}$$

Биринчи системадаги $\begin{cases} x \geq 0 \\ x \leq 5 \end{cases}$ бундан $x \geq 5$, иккинчидан $\begin{cases} x \leq 0 \\ x \leq 5 \end{cases}$ бундан $x \leq 0$ келиб чиқади. Демак, ечимлар бирлашмаси $x \leq 0$ ва $x \geq 5$.

Бу ечимни сонлар ўқида тасвирлаймиз (3-расм).



3-расм

3-қадам. Иккинчи шартни ечимини топамиз, яъни $x-4 \geq 0$ тенгсизликни ечамиз. Бундан $x \geq 4$ ечимга эга бўламиз.

4-қадам. Ечимни сонлар ўқида белгилаймиз (олдинги расмга қўшимча қиламиз 4-расм).



4-расм

Бундан, ечим икки система учун $x \geq 5$ ларда ўринли (икки марта белгиланган оралик).


5-қадам. Системалардан учинчи, асосий тенгсизлик $x^2 - 5x < (x - 4)^2$ ни ечамиз.

Охирги тенгсизликни қуйидаги кўринишга келтираемиз,

$$x^2 - 5x < x^2 - 8x + 16, \rightarrow 3x < 16 \text{ ва } x < \frac{16}{3} = 5\frac{1}{3}$$

ечимга эга бўламиз.

6-қадам. Охирги ечимни топиш учун тўртинчи қадамдаги расмга $x < 5\frac{1}{3}$ ни белгилаймиз (4-расмга кўра).



5-расм

7-қадам. Уч марта белгиланган умумий соҳа

$$5 \leq x < 5\frac{1}{3} \quad (x \in [5; 5\frac{1}{3}))$$

берилган тенгсизликнинг ечими бўлади.

2. $\sqrt{f(x)} \leq g(x)$ кўринишдаги тенгсизликларни ечиш.

Ушбу кўринишдаги тенгсизлик қуйидаги тенгсизликлар системасига тенг кучли:

$$\begin{cases} f(x) \geq 0, \\ g(x) \geq 0, \\ f(x) \leq g^2(x). \end{cases} \quad (2)$$

4-мисол. Ушбу тенгсизликни ечинг.

$$\sqrt{x^2 - 5x} \leq x - 4.$$

Ечиш. Бу мисолнинг 3-мисолдан фарқи (2) система учинчи тенгсизлигида “ $\leq$ ” тенглик белгиси билан фарқ қилади. Шу сабабли ечим қадамлари қуйидагича:

1. 3-мисолдаги 1-5 қадамлар бир хил бўлади. 4-6 қадамда иккинчи системадаги шартни бажарувчи

$$x^2 - 5x \leq (x - 4)^2$$

тенгсизлик ечилади. Яъни

$$x^2 - 5x \leq x^2 - 8x + 16, \quad 3x \leq 16, \quad x \leq 5\frac{1}{3}$$

ечим топилади.

7. Юқоридаги қадамлар ечими ва $x \leq 5\frac{1}{3}$ ечим геометрик тасвири (6-расмда келтирилган). Жавоб. $[5\frac{1}{3}; +\infty]$



6-расм

2. $\sqrt{f(x)} > g(x)$ кўринишдаги тенгсизликлар. Ушбу кўринишдаги тенгсизликлар ечими қуйидаги иккита тенгсизликлар системаси бирлашмасига тенг кучли.

$$\begin{cases} f(x) \geq 0, \\ g(x) < 0. \end{cases} \quad \text{ва} \quad \begin{cases} f(x) \geq 0, \\ g(x) \geq 0, \\ f(x) > g^2(x). \end{cases} \quad (3)$$

5-мисол. Ушбу $\sqrt{2x^2 + x} > 1 + 2x$ тенгсизликни ечинг.

Бизнинг тенгсизликда $f(x) = 2x^2 + x$, $g(x) = 1 + 2x$ бўлиб, у қуйидаги тенгсизликлар системага тенг кучли бўлади

$$\begin{cases} 2x^2 + x \geq 0, \\ 1 + 2x < 0. \end{cases} \text{ ва } \begin{cases} 2x^2 + x \geq 0, \\ 1 + 2x \geq 0, \\ 2x^2 + x > (1 + x)^2 \end{cases} \quad (4)$$


(4) система биринчисини ечамиз, яъни

$$\begin{cases} 2x^2 + x \geq 0, \\ 1 + 2x < 0. \end{cases} \quad (5)$$

1-кадам. (5) системадаги $2x^2 + x \geq 0$ тенгсизликни ечамиз. Интерваллар усулидан фойдаланамиз. Бунинг учун уни қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз.

$$x(x + \frac{1}{2}) \geq 0$$

ва бунинг геометрик тасвири (7-расм) қуйидагича бўлиб,



7-расм

ечим $x \in (-\infty; -\frac{1}{2}] \cup [0; +\infty)$ иборат бўлади.

2-кадам (5) системадаги иккинчи тенгсизлик $1 + 2x < 0$ ни ечамиз. Бундан $x < -\frac{1}{2}$, ечимга эга бўламиз.

3-кадам. 7-расмга қўшимча $x < -\frac{1}{2}$ ечимни белгилаймиз (8-расм).



8-расм

ва бундан умумий ечим $x < -\frac{1}{2}$ эга буламиз. Демак, (5) система ечими $x < -\frac{1}{2}$ бўлади.

4-кадам. Энди (4) формуладаги

$$\begin{cases} 2x^2 + x \geq 0, \\ 1 + 2x \geq 0, \\ 2x^2 + x > (1 + x)^2 \end{cases} \quad (6)$$


тенгсизликлар системани ечамиз. $2x^2 + x \geq 0$ бу тенгсизлик ечими биринчи кадамда ечилган бўлиб, у $(-\infty; -\frac{1}{2}] \cup [0; +\infty)$ соҳадан иборат эди.

5-кадам. (6) системадаги иккинчи $1 + 2x \geq 0$ тенгсизликни ечамиз. Бунинг ечими

$$x \geq -\frac{1}{2}$$

дан иборат бўлади.

6-кадам. 4-5 кадамлар ечимини умумийлаштирамиз. (9-расмга қаранг),




9-расм

ечим $x \geq 0$ дан иборат бўлади.

7-қадам. Энди (6) системадаги $2x^2 + x > (1 + 2x)^2$ тенгсизликни ечамиз. Уни соддалаштириб $2x^2 + 3x + 1 < 0$ тенгсизликка эга бўламиз. $2x^2 + 3x + 1$ квадрат учхаднинг ноллари $x = -1$ ва $x = -\frac{1}{2}$ бўлгани учун тенгсизликни $(x+1)(x+\frac{1}{2}) < 0$ кўринишда ёзиб, интерваллар усулидан унинг ечими $(-1; -\frac{1}{2})$ ораликдан иборат эканлигини топамиз.

8-қадам. Иккинчи система умумий ечимини ёзамиз. Бунинг учун 6-қадамдаги ечим (9-расм) ва 7-қадам ечимларни умумийлаштирамиз (10-расм).



10-расм

10-расмдан кўрииб турибдики умумий соҳа йўқ. Демак, (6) система ечимга эга эмас.

9-қадам. (4) формулалардаги биринчи ва иккинчи тенгламалар системасини ечимларини умумийлаштириб ечимни оламиз, яъни (5) ва (6) системалар ечимини умумийлаштирамиз.

Айрим ҳолларда ўқувчилар барча қадамларни бажариб, умумий ечимни танлашда хатоликларга йўл қўяди.

Ечимни танлаш қулай бўлиши учун уларни геометрик тасвирларини кетма-кет қўйиб танлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, бизнинг мисолларимизда биринчи (5) система ечими $x < \frac{1}{2}$ иборат бўлиб, иккинчи система (6) ечимга эга эмас бўлади. Савол туғилади, ечим деб қайси соҳани олишимиз керак? (4) формулада ситемалар орасида “ва” турибди, демак берилган тенгламалар системаси ечими $(-\infty; -\frac{1}{2})$ бўлади

Жавоб: $(-\infty; -\frac{1}{2})$

3. $\sqrt{f(x)} \geq g(x)$ кўринишдаги тенгсизликлар қуйидаги кўринишдаги тенгсизликлар бирлашмасига тенг кучли

$$\begin{cases} f(x) \geq 0, \\ g(x) < 0. \end{cases} \cup \begin{cases} f(x) \geq 0, \\ g(x) \geq 0, \\ f(x) \geq g^2(x). \end{cases}$$

6-мисол. Ушбу $\sqrt{2x^2 + x} \geq 1 + 2x$ тенгсизликни ечинг. Худди 5-мисолдагидек ечилади. Фарқи $x = -\frac{1}{2}$ бу тенгсизликни қаноатлантиради. Демак ечим $x \leq -\frac{1}{2}$ ораликдан иборат бўлади.


7-мисол. $\frac{\sqrt{4x+2}}{2x^2-x-1} \geq 0$ тенгсизликни ечинг.

Ечиш. Бундай тенгсизликларни ечишга қандай мулоҳазаларга эътибор бериш керак? Биринчидан, иррационал тенгсизликда жуфт даражали илдиз бор. Квадрат илдиз каср суратида бўлгани учун, ундаги ифода номанфий бўлиши керак. Тенгсизликда каср бўлгани учун махраж нолга тенг бўлмаслиги керак. Каср мусбат бўлиши учун каср сурати ва махражи бир хил ишорали бўлиши керак. Квадрат илдиз доимо номанфий бўлишини эътиборга олсак, махраж мусбат бўлиши керак. Бундан берилган тенгсизликни қуйидагича ечиш мумкин.

1-қадам. Тенгсизликни унга эквивалент системага айлантирамиз, яъни

$$\begin{cases} 4x + 2 \geq 0, \\ 2x^2 - x > 0. \end{cases}$$

2-қадам. Охирги системаданги тенгсизликларни ечамиз. Биринчи $4x+2 \geq 0$ тенгсизликнинг ечими $x \geq -\frac{1}{2}$ дан иборат (11-расм).




11-расм

3-қадам. $2x^2 - x - 1 > 0$ тенгсизликни ечамиз. Ўнг томондаги квадрат учхад нолларини топиб уни қуйидаги кўринишда ёзамиз. $(x-1)(x+\frac{1}{2}) > 0$ ва интерваллар усулини қўллаб, ечим


$$(-\infty; -\frac{1}{2}) \cup (1; +\infty)$$

(12-расм) эканлигини топамиз.



12-расм

4-қадам. 11-расмдаги $x \geq -\frac{1}{2}$ ва 3-чи вадамдаги $(-\infty; -\frac{1}{2}) \cup (1; +\infty)$ ечимларни умумлаштирамиз (13-расм).



13-расм

Бу ҳолда ечим умумийси бўлиши керак, шу сабабли ечим $x > 1$ дан иборат бўлади.

Жавоб: $(1; +\infty)$.


ХУЛОСА:

Ушбу мақолада келтирилган мулоҳазалар умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида математикадан тўғараклар ва синфдан ташқари машғулотларда фойдаланишда муҳим аҳамият касб этади ва бу каби мавзуларни ўрганишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин Бундан ташқари, амалиётда муҳим тадбиқларга эга бўлган бир қанча мисол ва масалалар намуна сифатида келтириб ўтилганлиги ўқувчини шу мавзуларни мустақил ўрганишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Манова.А.Н. Математика. Экспресс-репетитор для подготовки к ЕГЭ: Учебное пособие А.Н.Манова.-Ростов.Н.Д: Феникс, 2012.-54/с.
2. Алимов Ш.А., Холмухамедов О.Р., Мирзаахмедов М. Алгебра. Умумий ўрта таълим мактаблари 7-9-синфлари учун дарслик.—Т.: «Ўқитувчи», 2014 й.

3. Дыбов П.Т., Забоев А.И. и др. Сборник задач по математике для поступающих в вузы. Под ред. А. И. Прилепко.-2-е изд.-М.: Высш. Шк., 1989. -271стр.
4. Вавилов В.В. и др. Задачи по математике. Алгебра. –М.: Наука-Гл. ред. Физ-мат. лит., 1987. с 432
5. Jo'rayeva N.O., Hamrayeva F.X. Bir noma'lumli birinchi darajali tenglamalarni yechish. ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ. №26 (том 6). -620 стр
6. Jo'rayeva N.O., Baxshulloyeva D. Masalalarni tenglamalar sistemasi yordamida yechish metodikasi. «ОБРАЗОВАНИЕ И НАУКА В XXI ВЕКЕ. №26 (том 6) -561 стр
- 7.



ДАРСДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси

Касимов Асрор Абдуллоевич

Аннотация: Ушбу мақолада барча болаларнинг ижодий фаолияти ҳар томонлама ривожланишини таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, муайян соҳаларда чуқур қизиқишларини, интилиши ва қобилиятини намоён қилаётган ўқувчиларни аниқлаш, ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришга доир инновацион фаолиятга тайёрлаш, ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатида ҳамкорлик фаолиятини вужудга келтириш, ижодий фаолиятни ривожлантиришда билишга доир инновацион технологиялардан фойдаланишга оид фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Калит сўзлар: ижодий фаолият, инновацион фаолият, ҳамкорлик фаолият, ижодкор шахс, ижодий ёндашув, ижодий қобилият, ривожланиш даражаси, диагностика.

Кириш.


Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар шу жамиятда яшаётган ҳар бир инсонни ўз имкониятларини рўёбга чиқара оладиган эркин, ижодкор шахс сифатида тарбиялашга йўналтирилган

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини шакллантириш самарадорлиги ошириш, бошланғич синф ўқувчиларида ижодкорлик фаолиятини ривожлантириш уларнинг мамлака ижтимоий муаммоларини тўғри баҳолай олишлари билимларни чуқур ва мустаҳкам ўзлаштиришлари, эркин ва мустақил ижодий фикр юритишларига йўллади. Тадқиқотларимиз мобайнида ўқувчиларда ижодкорлик фаолиятининг юқори даражаси уни мунтазам равишда мустақил фаолиятга жалб қилиш орқали ривожлантирилди. Бу ўқувчи томонидан махсус турдаги ўқув топшириқлари-мустақил ишларни бажариш, шу жумладан компьютерли ишбоп ўйинлари, дарсликлар ва бошқа адабиётлар натижасида амалга ошди. Бошланғич синф ўқувчиларини таълим жараёнида ижодий фикрлашга ўргатиш масалалари бўйича республикаимиз олимлари Н.Г.Аловутдинова, А.Я.Бобомуродова, Т.У.Зиядова, Р.Ибрагимов, Н.А.Қосимова, У.А.Машарипова, Ш.У.Нуруллаева, А.Қ.Нисанбаева, О.Охунжонова, А.Тешабоев, А.Р.Ҳамроев, Н.А.Хамедова, М.З.Ҳамдамова кабиларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган. Шу билан биргаликда тадқиқ қилинаётган масала доирасида инновацион усуллар тавсифи, бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос

хусусиятлари ва имкониятлари, ҳозирги пайтда фойдаланилаётган дастур ва дарсликларнинг таҳлилий натижалари, ҳамда унинг амалиётдаги мактаблар аҳволи, илғор педагогик тажрибаларнинг ўрганилиши масалалари кўриб чиқилди. Бу эса мактаб ўқувчиларида ижодий фаолиятни ривожлантиришда махсус педагогик тизим яратилишини илмий методик жиҳатдан асослашга имконият берди.

Асосий қисм.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ҳамда мазмунини бойитиш глобаллашув жараёнида авлоддан ижодкорлик қобилиятини камол топтириш билан алоқада амалга оширилади.



Мактаб таълимида бундай ривожланиши ўқувчиларга бериладиган қадриятлар, билим, фаолият усуллари ёки ички манбалар улар томонидан эришилган самарадорлик даражасига эга бўлади. Биринчи ҳолатда таълим инсоният тажрибасини ўзи тиклашини, маданий-тарихий анъаналардан фойдаланиш ва асрашни таъминлайди. Иккинчи ҳолатда эса ўқувчининг унинг маҳсулдор ижодий фаолиятини орқали шахсий имкониятларини ривожлаштиришга туртки бўлади. Шунингдек, таълим стандартлари икки компонентга бўлинади; ташқи ва ички, лекин улар ўртаси ўзаро алоқа мавжуд бўлади.

Масаланинг бундай қўйилиши таълим-тарбия мақсадлари, мазмуни, услублари, шунингдек воситаларини аниқлашда ҳал қилувчи мезон. Бундай ёндашув таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар муносабатларининг ўзгаришига-ўқувчиларнинг фаоллиги ортиб ва мустақиллигининг кучайишига, таълим жараёнининг такомиллашиб боришини тақозо этади. Бунда ўқувчи таълим-

тарбия объекти сифатида ўз-ўзини кашф этишнинг субъекти ҳам бўлиб майдонга чиқади. Бундай ёндашув мактаб таълимини бола шахси, унинг ички дунёсига - ҳали очилмаган қобилиятлари ва имкониятларига эркинлик бериб, таълим-тарбиянинг ахлоқий негизларини шакллантиришга йўналтиради. Мактаб таълимининг мақсади ҳам ички куч ва имкониятларини уйғотиш, шахснинг эркин ижодий ривожланиши учун улардан тўғри, унумли фойдаланиш кабилардан иборатдир.

Бошланғич таълимда ижодий салоҳият ва унинг ижодий фаолият билан ўзаро алоқада тузилма таркибини қуйидагиларга ажратиш мумкин.

1. Мотивли-мақсадли ўқувчи фаолиятига шахс сифатида муносабатда бўлиши. Унинг қизиқишлари, мақсадлари, интилиш эҳтиёжларини ҳисобга олиш.
2. Мазмунига кўра – олган билимлари, малака ва кўникмалари ҳамда интеграцион билимларни ҳисобга олиш.
3. Билим, кўникма малакаларни эгаллашда ташкилий-методик фаолиятни амалга ошириш.
4. Ўз фаолиятини баҳолаш-ўз тасвурида ўз-ўзини, ўз ижодий фаолияти ва унинг натижаларини баҳолаш орқали ўз имкониятларини, ўз меъёри, қондаси ва меъзонлари асосида фаолият ташкил этилади.

Ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда тузилиш асоси (мақсад, тамойил, мазмун ва ҳоказолар)да ўқувчига “билим бериш” даги ҳар қандай таълим тури тизими билан ўхшашдир. Бироқ ўқувчиларнинг ижодкорлик хусусиятига эга бўлган қисми таълим стандартида белгиланган билмлар ҳажмидан ўзиб кетиши мумкин. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборатдир; а) ижодий ёндашув қобилиятли болаларга стандартда бериладиган ва текширадиган билимга нисбатан кўпроқ натижаларга эришиш имконини беради;

б) ўқувчиларнинг шахсий мақсад- мўлжали ҳамда индивидуал таълим дастури энг истеъдодли болаларни қўшимча машғулотлар, жумладан танлаган машғулотлари билан таъминлаш имконини беради;

в) ўқитувчилар томонидан ўқув фани бўйича дастури тузиш ўз дастурига стандартлардан ўзиб кетиш учун саволлар ва мавзулар киритиш имконини беради.

Ўқувчиларда ижодкор фаолиятини ривожлантириш ҳамда улар томонидан анъанавий таълим меъёрларини ўзлаштиришига ёрдам берадиган қондалар қуйидагилардир:

1. Ўқувчининг мақсадга қаратилган қобилиятининг ривожланиш даражаси назорат ва баҳолашга дахлдор бўлган мажбурий стандартларга киритилди. Ўқувчиларнинг индивидуал мақсадга йўналтирилганлиги ҳамда ўрганилаётган соҳадаги уларнинг тегишли фаолияти умумий ҳажмнинг 20 % дан ортигини ташкил этди.

2. Ўқувчининг ўқитувчи томонидан режалаштириладиган ва назорат қилинадиган фаолиятининг мажбурий турига: ўқувчилар томонидан фаолиятнинг ижодий маҳсулдорлигини яратишга шарт-шароитини таъминлайдиган-ижодкорлик билиш жараёнини жараёнини таъминлайдиганбилишга доир; ўқувчининг олдинги иккита ижодий фаолиятни ташкил этишга имкон берадиган илмий- ташкилий турлари киради.

3. Ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолияти ва унга қўйиладиган мақбул талаблар қуйидагилар ҳисобланади:

а) фундаментал таълимий объектлар ўқувчи ижодий фаолиятининг объекти бўлди;

б) ўқувчининг шахсий ижодининг ҳажми умумий ўқув жараёнида 20-25 фоизни ташкил этди.

в) Умумтаълим жараёнидаги маҳсулдор ва репродуктив фаолият нисбати ўқувчининг ривожланиш даражасига, ўқитувчи ва мактабнинг стратегияси ва таълим мақсадларига қараб белгиланади, бироқ ўқувчи маҳсулотининг ҳажми унинг индивидуал дастури бўйича таълим фаолияти ҳажми кам бўлмаслиги керак. Ўқув жараёнининг тузилиши қандай натижалар ва қандай шаклда назорат қилинишига боғлиқ. Маълумки ижодий фаолиятнинг натижалари икки томонлама характерга эга ташқи ва ички шунинг учун ҳам ўқитувчиларнинг таълимда эришган ютуқлари ҳамда уларнинг ичик сифати назорат предмети ҳисобланади. Таълим шахснинг асосий хусусияти сифати биринчи навбатда унинг ичик ривожланиш натижаси билан аниқланади. Кўпинча ижодий фаолият диагностикаси учун турли хил тестлар қўлланилади. Бироқ, вазиятли ёндашув яъни ўқувчиларни махсус ташкил этилган ёки табиий таълим вазиятларидан фойдаланиш ёрдамида диагностика қилиш самаралироқдир. Бундай ҳолларда ташхис қилувчилар ролини тақлиф этилган мутахассис экспертлар қанчалик бажарса, амалиётчи педагоглар ҳам шунчалик бажарадилар, чунки улар субъектив тажрибаларига таянадилар. Таълим натижаларининг диагностикаси, жумладан, ўқувчи қобилиятининг ривожланиш даражасини аниқлаш ўқитувчининг ўқувчида ҳосил бўлаётган субъектив “ҳис этиши” йўли билан аниқланди.

Ўқувчиларнинг ижодий қобилиятини ривожланиш даражасининг диагностика қилишда таълим субъекти иштирок этадиган диагностик таълим жараёнлари учун шароит ҳамда ўқувчиларнинг ички ва ташқи оламидаги таълимий ўзгаришлар, қўйилган мақсадларнинг режалаштирилган даврда олинган натижалар билан ўзаро нисбатини аниқлаш орқали мақсадга эришилади. Ўқувчиларнинг таълим маҳсулдорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари уларнинг ижодкорлик фаолиятини назорат қилиш методи бўлади. Мазкур маҳсулотнинг тури ва характери, шунингдек педагогнинг мақсадли таълимий кўрсатмалари бундай таҳлил элементларини аниқлашга ёрдам беради. Масалан, ўқувчилар ижодкорлигини ривожлантириш зарурати улар ишининг таҳлил этишнинг қуйидаги йўналишларини яратишга олиб келади: Ижод соҳаси, ижод

даражаси, мустақиллик даражаси, бошқа ўқувчиларнинг ишларидан фарқланиш даражаси олдинги ишларидан фарқланиш даражасига боғлиқ. Ўқувчи таълим маҳсулдорлигининг ҳар бир элементини сон ёки сифат, жиҳатдан балл билан ёки оғзаки баҳолаши мумкин. Ўқувчилар билими сифати қуйидаги усуллар билан баҳоланади;

- а) жавобдаги ижод элементларининг сони бўйича;
- б) жавоб элементларининг фарқи бўйича ;
- в) жавобнинг ўқувчининг ўзи ёки синфдошининг ишига нисбатан янгилиги бўйича;
- г) яратилган образ, рамз ёки ифоданинг лўнда ва ихчамлиги бўйича; жавоб учун фойдаланилган имкониятларнинг кўпқирралиги бўйича;
- е) олинган натижаларнинг амалий аҳамияти фойдаланиши бўйича;



Хулоса

Ҳар қандай фаолият, мақсад, услуб, натижа ва жараёнлардан иборат бўлади. У бир томондан жисмоний ҳаракатларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ақлий ҳаракат воситасида онгда содир бўлади. Меҳнат, ўйин, ўқиш инсон фаолиятининг асосий турлари саналади.

Инсон фаолияти – унинг ривожланиши учун зарур шароит, ана шу шароит жараёнида ҳаётий тажрибага эга бўлади, атроф-оламни идрок этади, билимларни ўзлаштиради, малака ва кўникмалар ҳосил қилади. Ана шулар ёрдамида фаолият ривожланади. Ижодкорлик эса сифат жиҳатдан янги, моддий ва маънавий бойликлар яратувчи инсон фаолияти жараёни бўлиб, у ўзида инсоннинг меҳнатда намоён бўлган қобилиятини ифодалайди.

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг вазифаларидан бири ҳам ўқишга бўлган ижодий муносабатни тарбиялашдир.

Билимлар тизими, кўникма ва малакалар, мустақил фикрлаш ҳамда ушбу билимларни амалиётда қўллай олинган шароитда бундай фаолият ижодий фаолият касб этади. Бу жараён маълум шарт-шароитларда, инновацион технологияларни жорий этиш, ўқувчиларни билишга доир ижодий фаолиятини диагностика қилиш асосида ўқувчининг ижобий “Мен”ини шакллантиришга йўналтирилади. Назарий ғоялар бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантириш моделини яратишга ёрдам бери.

Бошланғич таълимда ўқувчилар ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар асосан таълимда муаммоли вазиятлар яратиш билан боғлиқдир:

1) бу борада интеграциялашган таълим, ижодкорлик ўйинлари, ўқув тўғараклари каби асосида мақсадли йўналиш, таълим мазмуни орқали ташкилий методик ёндошув асосида ўқувчи ўз фаолиятини баҳолаш билан ижодий салоҳият ривожлана бориб, фаолиятга айланади. Шунинг учун ҳам таълим стандартлари, дастурларда таълимнинг фаол, амалиётдаги мазмуни фаолиятининг аниқ воситаларига реал ҳаётий вазиятларда қўлланиладиган билим, малака ва кўникмаларга алоҳида эътибор берилади;

2) бошланғич таълимнинг ўзига хос хусусияти ҳам болаларнинг мактабга тайёргарлик даражаси, ижтимоий тажрибаси, психофизиологик ривожланиши бир хил эмаслигидандир. Шунга кўра бошланғич таълим ўқув фанлари дастурларидаги топшириқларда ўқувчиларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга эътибор берилган бўлса-да, аммо ўқувчиларда ижодий фаолиятни ривожлантириш нуқтаи-назаридан уларни такомиллаштириш зарурлиги аён бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Casestudy” услуби: назария, амалиёт, тажриба. – Т.: “Tafakkur qanoti” нашриёти, 2012.
2. Абдуллаева Х.А. Машғулотларда фаол таълим усулларида фойдаланиш / – Фарғона: ФарДУ, 2008.
3. Авлиякулов Н.Х., Мусаева Н.Н. Педагогик технологиялар / – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2008.
4. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат / Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси” нашриёти. 2006.
5. Зуннунов А. ва бошқалар. Педагогика тарихи / – Т.: Шарқ, 2000.
6. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика / Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2004.
7. Ибрагимов Х.И., Абдуллаева Ш.А. Педагогика / Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2004.
8. Ишмухамедов Р., Абдукародиров А., Пардаев А. Тарбияда

инновацион технологиялар / Таълим муассасалари ўқитувчи ўқитувчилари учун амалий тавсиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009.

9. Мухина С.А., Соловьёва А.А. Современные инновационные технологии обучения / – М.: “ГЭОТАР-Медия”, 2008.

10. Омонов Н.Т. Pedagogik texnologiyalar va pedagogik mahorat / – Т.: “Iqtisod–moliya”. 2009.

11. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари / - Т.: 200

12. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Мет.қўлл. – Т.: Низомий номли ДТПУ, 2013.

13. Султонова Г.А. Педагогик маҳорат / –Т.: ТДПУ, 2005.

MASALALAR YECHISH JARAYONIDA TABAQALASHTIRILGAN TA'LIMDAN FOYDALANISH USULLARI

Kasimov Fayzullo Muxammadovich

BuxDPI dotsenti, p.f.n.

Annotasiya: Ushbu maqolada boshlang'ich sinflarda matnli masalalar ustida ishlashning asosiy bosqichlari-masala matnini o'zlashtirish, masala qisqa shartini tasvirlash, masalani muhokama qilish, masala yechimini yozish, yechilgan masala ustida ishlash to'g'risida fikr bildirilgan. Shuningdek, masala yechish jarayonida tabaqalashtirilgan ta'limdan foydalanish imkoniyatlari haqida mulohazalar beriladi.

Kalit so'zlar: Masala, matnli masala, masala qisqa sharti, masala muhokamasi, analiz, sintez, tabaqalashtirilgan ta'lim, topshiriq, ijodiy topshiriq, tabaqalashtirilgan topshiriq.

Аннотация: В данной статье дается мнение об основных этапах работы над текстовыми задачами в младших классах - усвоение текста задачи, описание краткого условия задачи, обсуждение задачи, написание решения задачи, работа над решенным задачам. Также, решая задачу в процессе, даются мнения о возможностях использования дифференцированного обучения.

Ключевые слова: Задача, текстовая задача, краткое условие задачи, обсуждение задачи, анализ, синтез, дифференцированное обучение, задание, творческое задание, дифференцированное задание.

Annotation: This article gives an opinion on the main stages of work on text problems in elementary grades - assimilation of the text of the problem, description of the brief condition of the problem, discussion of the problem, writing a solution to the problem, work on the solved problems. Also, while solving the problem in the process, opinions are given on the possibilities of using differentiated learning.

Key words: Task, text task, brief condition of the task, discussion of the task, analysis, synthesis, differentiated learning, task, creative task, differentiated task.

Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish jarayonida matnli masalalar ustida ishlash o'quvchilarda matematik bilim va ko'nikmalar hosil qilinishida muhim ahamiyat kasb etdi. Har bir matematik tushuncha, xossa yoki biror xulosalar bevosita o'quvchilarga masalalar yechish jarayonida shakllanib boradi. Masala bu o'quvchi o'quv faoliyati, biluv faoliyati hamda ijodiy faoliyatini shakllantiruvchi vositadir. 1-sinfda o'quvchi "masala", "masala sharti", "masala savoli", "masala

matni”, “berilganlar”, “izlanayotganlar” kabi masala tarkibini xarakterlovchi tushunchalarni o’rganib oladilar. Dastlab to’la ko’rsatmalilikka asoslangan, keyinchalik shartni ko’rsatmalilikka asoslangan, so’ngra noto’la matnli masalalar va nihoyat to’la matnli masalalar bilan o’quvchilar tanishib boradilar.

O’quvchilarni masalalar yechishga o’rgatish natijasida ularning o’quv-biluv faoliyatlari shakllanishi bilan birga ularni hayotiy masalalarni yechishga qolaversa, umuminsoniy fazilatlarini shakllanishi, va tafakkur, qobiliyat, idrok, xotira, tasavvur kabi aqliy jihatlari rivojlanishiga katta yordam beriladi. Masalalar ustida ishlash jarayonida o’qituvchi asosan quyidagi bosqichlarga rioya etmog’i zarur:

- 1° Masala matnini o’zlashtirish bosqichi.
- 2° Masala qisqa shartini tasvirlash bosqichi.
- 3° Masalani muhokama qilish bosqichi.
- 4° Masalani yechishni tasvirlash bosqichi.
- 5° Yechilgan masala ustida ishlash bosqichi.

Endi bu bosqichlarda qilinadigan ishlar to’g’risida to’xtalib o’tamiz.

Birinchi bosqichda masala matni o’qiladi yoki o’qitiladi. 1 sinfning birinchi yarim yilligi davrida masala matni o’quvchi tomonidan o’qiladi, chunki bu davrda o’quvchilarda o’qish malakasi deyarli shakllanmagan bo’ladi. Birinchi sinfning 2-yarim yilligidan o’quvchilar tomonidan masalalarni mustaqil o’qitish mumkin bo’ladi. Masala o’qilgach masalada nima haqida gap borishi, masalada nimalar berilgan, nimalarni topish talab qilinishi aniqlanadi.

Ikkinchi bosqichda masala qisqa sharti tuziladi. Ya’ni berilganlar va izlanadigan miqdorlar orasidagi bog’lanish “modeli” tuziladi. Qisqa shart, qisqa yozuv ko’rinishida jadval ko’rinishida, diagramma ko’rinishida, sxema shaklida, chizma yoki rasm orqali berilishi mumkin. Masala matni mohiyatidan kelib chiqib qisqa shart tuziladi. Qisqa shart bir nechta didaktik talablarga bo’ysunishi lozim. Qisqa shart masala matnini qisqa tushunarli shakli bo’lib o’quvchi uchun tushunarli bo’lishi kerak.

Uchinchi bosqichda masala analitik yoki sintetik, yoki analitik-sintetik tarzida muhokama qilinishi zarur. Agar masala muhokamasida savoldan berilganlar tomon savol-javob olib borilsa, masala tahlili-“analiz” amalida oshirilgan bo’ladi. Agar muhokama masala berilganlaridan savoliga qarab amalga oshsa bu “sintez” tarzida masala muhokama qilinadi deb aytamiz. Ko’pincha masala muhokamasida analitik-sintetik usulidan foydalaniladi. Masala analiz qilina turib, ham sintez qilinadi. Masala muhokama qilinib, yechish rejasi tuziladi. Masala nechta amalida yechilishi aniqlanadi.

To’rtinchi bosqichda masala yechimini yozish tarzida tasvirlanadi. Har bir masalani 3 usulda: arifmetik usulda, ifoda tuzib, hamda tenglama tuzib yechiladi. Har bir yechimning o’ziga xos jihatlari tanlanadi. Har bir yechim usuliga mos keluvchi masala yechimini yozish shakli o’quvchilarga tushuntiriladi. Bu yerda shu narsani ta’kidlash joizki, masala yechimini yozish jarayonida soddadan murakkabga, osondan qiyinga borishi tamoyiliga asoslanmog’i zarur. Masalani ifoda shaklida yechish usuli bilan tanishtirish davrida dastlabki birin- ketin ifoda tuzib, yechimga sharh bermasdan

yo'zish shaklini va nihoyat, to'g'ridan to'g'ri ifoda tuzib, yechimni yo'zish shaklidan foydalanishni o'rganib olishadi.

Beshinchi bosqichda masala yechimi to'g'riligini tekshirib ko'riladi. Masala ustida ishlashning bir necha ko'rinishlari mavjud:

Masala javobini o'rniga qo'yib, yechilgan masalaning to'g'riligini tekshirib borish, masala yechimi chegaralarini aniqlab tekshirish. Masalani boshqa usulda yechib tekshirish. Masalani grafik usulda yechib tekshirish. Masalani yechish jarayonida har bir bajariladigan amalni "nima uchun bu amalni tanladim" degan savolga javob izlab yechim to'g'riligini tekshirib borish.

Quyidagi masala yordamida yuqorida keltirilgan masala ustida ishlash bosqichlarini tekshirib chiqamiz:

Masala: Birinchi kitob javonida 8 ta kitob bor. Ikkinchi javonda birinchiga qaraganda 2 ta ko'p kitob bor. Ikkala kitob javonlarida nechta kitob bor?

Ushbu masala birinchi sinf o'quvchilari bilan quyidagicha muhokama qilinib yechiladi.

Masala matni 2-3 o'quvchi tomonidan o'qilgach barcha sinf o'quvchilari diqqatini jalb qilgan holda yana bir marotaba o'qituvchi tomonidan o'qiladi va quyidagicha yo'naltiruvchi savollar berilib, ularga javob olinadi.

- Masalada nima haqida gap boradi?
 - Masalada kitoblar haqida gap boradi.
 - Kitoblar qayerda saqlanadi?
 - Kitob javonida
 - Kitoblarni har qayerda tashlashimiz mumkinmi?
 - yo'q
 - Nima uchun?
 - Kitob bizning do'stimiz. Uni avaylab asrashimiz lozim
 - Ha, o'quvchilar kitobni ko'z qorachig'imizdek avaylab asrashimiz kerak. Uni yirtmasligimiz, buklamasligimiz kerak. U bizlarga bilim beradi.
 - Masalada nechta kitob javonida kitoblar qo'yilgan ekan?
 - Ikkita kitob javonida kitoblar qo'yiladi.
 - Birinchi kitob javonidagi kitoblar soni masalada berilganmi?
 - Ha ,8 ta
 - Ikkinchi kitob javonida kitoblar soni ma'lummi?
 - Yo'q.
 - Ular haqida nima deyilgan?
 - Birinchi javondagidan 2 ta ko'p deb aytilgan.
 - Masala savoli bizdan nimani topishni talab qiladi?
 - Ikkita kitob javonidagi kitoblar sonini.
- Yo'naltiruvchi savol-javoblardan so'ng masalaning qisqa sharti tuziladi.

I – 8 ta kitob

? ta kitob

II - ?, 2 ta ko'p

Masalaning bu qisqa shartini dastlab o'qituvchi doskada yozib ko'rsatadi. Asta-sekinlik bilan o'quvchilarni mustaqil masala shartini tuzishga o'rgatib boradi.

Tuzilgan qisqa shartga qarab masala muhokama qilinadi.

- Masala savoliga darhol javob topsa bo'ladimi?
- Yo'q
- Nima uchun?
- Chunki ikkala kitob javonidagi kitoblar soni noma'lum
- Uni topsa bo'ladimi?
- Ha
- Qanday qilib?
- Birinci va ikkinchi kitob javonidagi kitoblar sonini qo'shib topamiz.
- Demak, masala necha amal bilan bajariladi?
- Ikki amal bilan. Birinchi qo'shish va ikkinchi ham yana qo'shish.

Masala yechimini tasvirlash bilan tanishamiz. Biz yuqoridagi masala yechimini tasvirlashning 3 ta usulini ko'rdik. Berilgan masalalarni 3 usulda yechish va yechimini yozish shakllarini keltiramiz:

1-usul. Ifoda tuzib yechish usuli.

a) Birin-ketin ifoda tuzib, uni sharhlash.

1) $(8+2)$ ta kitob-ikkinchi javondagi kitoblar

2) $8+(8+2)$ ta kitob-ikkala javondagi kitoblar.

Yechim: $8+(8+2)=8+10=18$ (ta)

b) Birin – ketin ifoda tuzib, izoh bermasdan yechimni yozish shakli.

1) $(8+2)$ ta kitob

2) $8+(8+2)$ ta kitob

Yechish: $8+(8+2)=8+10=18$ (ta) kitob

Javob: Ikkala javonda 18 ta kitob bor.

v) To'g'ridan-tog'ri ifoda tuzib yechimni yozish shakli.

$8+(8+2)=8+10=18$ (ta) kitob

Javob: Ikkala javonda 18 ta kitob bor.

2-usul. Birin-ketin amal bajarib yechish usuli.

a) Birin-ketin amal bajarib, izohlab yechimini yozish shakli.

1) $8+2=10$ (ta kitob)-ikkinchi javondagi kitoblar soni

2) $8+10=18$ (ta kitob)-ikkala tokchadagi kitoblar soni

Javob: 18 ta kitob

b) Birin-ketin amal bajarib izoh bermasdan yechish usuli.

1) $8+2=10$ (ta kitob)

2) $8+10=18$ (ta kitob)

Javob: Ikkala javonda 18 ta kitob bor

v) Savol qo'yib, unga javob qaytarish bilan berilgan yechim.

1) Ikkinchi javonda nechta kitob bor?

$8+2=10$ (ta kitob)

3) Ikkala javonda nechta kitob bor?

$8+10=18$ (ta kitob)

Javob: 18 ta kitob

3-usul. Tenglama tuzib yechish usuli bo'lib, u murakkab (ikki amalli) tenglama bo'lgani uchun bunday tenglamalar bilan o'quvchilar 3-4-sinflarda tanishadilar.

Endi yechilgan masalaning to'g'riligini tekshirib ko'ramiz:

- O'quvchilar 8 ga 2 ni qo'shib nimani topdilar?
- Ikkinchi javondagi kitoblar sonini topdik.
- 8 ga ($8+2$) ni qo'shib nimani topdingiz?
- Ikkala javondagi kitoblar sonini topdik.
- Demak, amallar to'g'ri tanlangan va yechim to'g'ri.

Masalalar yechish jarayonida sinf o'quvchilarining o'zlashtirishlari, bilim saviyalari, individual xususiyatlarini e'tiborga olish maqsadga muvofiqdir. Sinf o'quvchilari orasida masalani tez fahmlaydigan va tez yechadigan o'quvchilar bor. Ammo masala matnini tez o'zlashtirmaydigan, masalani yechishga qiynaladigan o'quvchilar ham deyarli har bir sinfda uchraydi. Shu sababli sinf o'quvchilarini shartli ravishda 3 ta guruhga ajratib, (bu guruh o'zgaruvchan bo'ladi) har bir guruh o'quvchilar bilim darajalarini mos masalalar ustida ishlash bo'yicha o'quv topshiriqlarini tuzish o'qituvchidan chuqur bilim, yuksak mahoratni talab qiladi. Birinchi guruhga shunday o'quvchilar birlashadiki, ularning o'zlashtirishi yuqori. Bunday guruh o'quvchilariga berilgan masalani yechish bilan birga uni tekshirish va berilganlarni o'zgartirib masala yechimini topish kabi topshiriqlarni berish maqsadga muvofiq bo'ladi.

Ikkinchi guruhga shunday o'quvchilarni kiritish mumkinliklari ularning o'zlashtirish darajalarini o'rtacha. Bunday guruh o'quvchilariga masalani muhokama qilib yechish bilan birga yechilgan masalalarni to'g'riligini ham tekshirish topshirilishi mumkin.

Uchinchi guruhga o'zlashtirishi sust (past) bo'lgan o'quvchilarni kiritish mumkin. Bunday o'quvchilar masalani o'zlari yoki o'qituvchi yordamida yechadilar.

Quyida masalalar yechish jarayonida tabaqalashtirilgan ta'limdan foydalanish borasida ayrim jihatlariga e'tiborni qaratamiz:

Birinchi sinfda ikki amalli masalalar bilan o'quvchilar tanishgach, bunday masalalarni yechish yuzasidan ayrim tavsiyalarni beramiz.

Quyidagi masalani sinf o'quvchilari muhokama qilib, bajarar ekan, sinf o'quvchilarini nisbatan 3 ta guruhga (Masalan, A, B, va C guruhga) ajratib o'quv topshirig'ini tabaqalangan holda bajarishlari so'raladi.

Masala: Jahongir 8 ta partani, Jasur esa undan 2 ta ortiq partani bo'yadi. Jahongir bilan Jasur birgalikda nechta partani bo'yashgan?

Masala ustida ishlashdan oldin sinf o'quvchilarining 1-guruhi (A guruhi bu guruh o'quvchilar "a'lo" va "yaxshi" baholarda o'qishadi) ga quyidagi topshiriqlarni berish mumkin.

- 1) masalani qunt bilan o'qi.
- 2) masaladagi berilgan va izlanganlarni aniqla.
- 3) masalaning qisqa shartini tuz.
- 4) masala yechimini yozishning turli ko'rinishlarini keltiri.
- 5) Yechilgan masalani tekshirib ko'r.
- 6) Yechilgan masalaga o'xshash masala tuz.

Ikkinchi guruhga esa shu masala yuzasidan quyidagi topshiriqlarni berish mumkin;

- 1) Masalani qunt bilan o'qi.
- 2) Masala qisqa shartini tuz;
- 3) Masalani ifoda tuzib yech.
- 4) Masalani to'g'ri yechdingmi? Tekshirib ko'r.
- 5) Masala shartini o'zgartir. Qanaqa masalani hosil qilding.

Past o'zlashtiruvchi o'quvchilarga esa quyidagi topshiriq ko'rinishlaridagini keltirishimiz mumkin:

- 1) Masalani diqqat bilan o'qi.
- 2° Masalada nimalar berilgan?
- 3° Nimani topish talab qilinadi?
- 4° Masalaga qisqa shart tuz.
- 5° Masalani arifmetik usulda yech.
- 6° Javobini tekshirib ko'r.

Bu yerda shuni aytish joizki, o'quvchilarning har uchala guruhi uchun umumiy bo'lgan o'quv topshiriqlari bo'ladi, ularni umumsinf ishi tarzida bajaradilar. O'z o'rnida har bir guruh o'ziga tegishli o'quv topshiriqlarini mustaqil bajarishadi. Yuqorida keltirilgan masala uchun "masalani o'qish", "masaladagi berilganlar" va izlanadiganlarni topish, "masala qisqa shartini tuzish" "masalani yechish" kabi umumsinf hajmida ishlar amalga oshirishi bilan "masalani turli usulda yechish" "masalaning shartini o'zgartirish" kabi o'quv topshiriqlar har bir guruh uchun o'ziga xos tarzida amalga oshadi.

Albatta 1-sinfda turli mazmundagi 2 amalni masalalar bajariladi. Asosan songa yig'indini qo'shishga doir, yig'indini sonni qo'shishga doir, sondan yig'indini ayirishga doir, yig'indidan sonni ayirishga doir masalalarni o'quv yilining 2-yarim yilligida 3-chorak oxiri, 4-chorak boshlarida qarab

chiqish mumkin. Bunday masalalar keyingi 2-sinfda ham davom etiladi. O'quvchilar arifmetik amal xossalariga doir masalalarni ma'lum guruhlarga ajralgan hamda o'qituvchining ko'rsatmasini asoslanib masalalar ustida mustaqil ish olib borishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Jumayeva M.E. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. Toshkent. "BAYOZ" 2022.-272bet
2. Касимов Ф. Теория и методика решение типовых арифметических задач. Монография. ЛАМБЕРТ 2022.-112с.
3. Matematika 1-sinf darsligi./L.O'rinbayeva va boshqalar. Toshkent:Respublika ta'lim markazi.-2021-160b.
4. Matematika (1-sinf) o'qituvchilar uchun metodik qo'llanma./ L.O'rinbayeva va boshqalar. Toshkent:Respublika ta'lim markazi.-2021-260b.
5. Abdullayeva B., Saidova M., Dilova N. Matematika o'qitish metodikasi. Darslik. Durdona nashriyoti. Buxoro-2021.304b.

MASOFAVIY TA'LIM SHAROITIDA TALABALARNING O'QISHINI TASHKIL ETISH

F. F. Kosimov BuxDU tayanch doktoranti

Kalit so'zlar: Masofaviy ta'lim, innovatsion texnologiyalar, masofaviy o'qitish, masofaviy ta'limni tashkil qilish usullari, masofaviy o'qitish tizimi, o'quv muassasasida masofaviy ta'lim (MT). Masofaviy ta'lim modellari

Ключевые слова: Дистанционное обучение, инновационные технологии, методы организации дистанционного обучения, система дистанционного обучения, дистанционное обучение в образовательном учреждении (МО). Модели дистанционного обучения

Keywords: Distance learning, innovative technologies, distance learning, methods of organizing distance learning, distance learning system, distance learning in an educational institution (MO). Distance learning models

Jahonda Oliy ta'lim tizimini rivojlantirish, bo'lajak mutaxassislarning raqobatbardoshligini ta'minlash, ta'limda ilg'or texnologiya, didaktik vositalar va uskunalaridan keng foydalanish, o'qitishning zamonaviy usullarini integratsiyalash masalalari dolzarb vazifalardan biri sifatida e'tirof etilmoqda. Dunyoda ta'limning barqaror taraqqiyotini ta'minlovchi bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy rivojlantirish metodikalarini ishlab chiqish yuzasidan ilmiy izlanishlar olib borilib ta'lim dasturlarini UNESCO tomonidan qabul qilingan "ta'limning xalqaro standart tasniflagichi" (MSKO) darajalari bilan uyg'unlashtirish o'quv jarayoniga milliy kvalifikatsiya tizimini to'laqonli joriy etish, ta'lim tizimi va mazmunini innovatsion loyihalash ta'limning innovatsion metodik modellarini yaratish va ularni muayyan ta'lim amaliyotiga joriy etilmoqda.

Mamlakatimizda Oliy malakali mutaxassis kadrlarni tayyorlash mexanizmini xalqaro ta'lim standartlari asosida tayyorlashning zarur shart sharoitlarini yaratishni, masofaviy ta'lim sharoitida talabalarga bilim berishning yangicha usul vositalarni qo'llash metodikasini takomillashtirish asosiy vazifa sifatida belgilanmoqda. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son Farmoni bilan tasdiqlangan 2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasini "Inson qadrini ulug'lash va faol mahalla yili"da amalga oshirishga oid [davlat dasturida](#) belgilangan vazifalar ijrosini ta'minlash maqsadida Vazirlar Mahkamasining "Oliy ta'lim tashkilotlarida masofaviy ta'lim shaklini joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori tasdiqlandi. Unda masofaviy ta'limni tashkil etish yuzasidan Nizom tasdiqlangan. Masofaviy ta'lim to'g'risida berilgan nizomda quyidagicha ta'rif berilgan: masofaviy ta'lim — talaba va ta'lim beruvchining axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanishiga, interaktiv audio va videokonferensiyalar orqali ma'lum vaqt orasida o'zaro muloqotda bo'lishiga, elektron pochta orqali

to'g'ri va teskari aloqa o'rnatishiga, jumladan xabarlarni yuborishi va qabul qilishiga mo'ljallangan, bilim va ko'nikmalarni, o'quv dasturlarini masofadan turib o'zlashtirishga yo'naltirilgan ta'lim shakli.

Masofaviy ta'limda talaba va o'qituvchi fazoviy bir-biridan ajralgan holda o'zaro maxsus yaratilgan o'quv kurslari, nazorat shakllari, elektron aloqa va Internetning boshqa texnologiyalari yordamida doimiy muloqotda bo'ladilar. Internet texnologiyasini qo'llashga asoslangan masofaviy o'qitish jahon axborot ta'lim tarmog'iga kirish imkonini beradi, integratsiya va o'zaro aloqa tamoyiliga ega bo'lgan muhim bir turkum yangi funktsiyalarni bajaradi.

Masofaviy o'qitishda turli xil axborot va kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalaniladi, ya'ni har bir texnologiya maqsad va masala mohiyatiga bog'liq. Masalan, an'anaviy bosma usuliga asoslangan o'qitish vositalari (o'quv qo'llanma, darsliklar) talabalarni yangi material bilan tanishtirishga asoslansa, interaktiv audio va video konferentsiyalar ma'lum vaqt orasida o'zaro muloqotda bo'lishga, elektron pochta to'g'ri va teskari aloqa o'rnatishga, ya'ni xabarlarni jo'natish va qabul qilishga mo'ljallangan. Oldindan tasmaga muhrlangan videoma'ruzalar talabalarga ma'ruzalarni tinglash va ko'rish imkonini bersa, faksimal aloqa, xabarlar, topshiriqlarni tarmoq orqali tezkor almashinish talabalarga o'zaro teskari aloqa orqali o'qitish imkonini beradi.

Masofaviy ta'limning maqsadi: axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan foydalanish asosida talabaning turar joyidan qat'i nazar, unga ta'lim dasturlarini o'zlashtirish uchun imkoniyat taqdim etish, talabalarning qiziqishlari, iqtidori va ehtiyojlariga muvofiq kasbiy salohiyatini rivojlantirishdan iborat.

Masofaviy ta'lim quyidagi tamoyillar asosida tashkil etiladi: ishtirokchilarning interfaolligi, talabalarning identifikatsiya qilinishi, yangi axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini qo'llashning pedagogik maqsadga muvofiqligi, ta'lim berishning ochiqligi va moslashuvchanligi.

Masofaviy ta'limni tashkil etishning asosiy vazifalari sifatida quyidagilarni belgilash mumkin: talabalarning masofadan turib ta'lim olish va intellektual qobiliyatlarini rivojlantirishga bo'lgan ehtiyojini qondirish, o'quv jarayonini tashkil etishning umumiy, guruh va individual shakllarining uyg'unligi, kadrlarning kasbiy darajasini oshirish va ularning mustaqil bilim olishiga ko'maklashish, talabalarga mamlakatning har qaysi hududida va uning tashqarisida ta'lim olishning teng imkoniyatlarini taqdim etish, ta'lim xizmatlari eksportini kengaytirish orqali ta'lim tizimining jozibadorligini oshirish.

Masofaviy o'qitish – eng yaxshi an'anaviy va innovatsion metodlar, o'qitish vositalari va shakllarini o'z ichiga olgan sirtqi va kunduzgi ta'lim singari axborot va telekommunikatsiya texnologiyalariga asoslangan ta'lim shaklidir.

Masofaviy o'qitish – bu yangi axborot texnologiyalari, telekommunikatsiya texnologiyalari va texnik vositalariga asoslangan ta'lim tizimidir. U ta'lim oluvchiga ma'lum standartlar va ta'lim qonun-qoidalariga asosida o'quv shartsharoitlari va o'qituvchi bilan muloqotni ta'minlab berib, o'quvchidan ko'proq mustaqil ravishda shug'ullanishni talab qiluvchi tizimdir. Bunda o'qitish jarayoni ta'lim oluvchini qaysi vaqtda va qaysi joyda bo'lishiga bog'liq emas.

Masofaviy o'qitish tizimi – masofaviy o'qitish shartlari asosida tashkil etiladigan o'qitish tizimi. barcha ta'lim tizimlari singari masofaviy o'qitish tizimi o'zining tarkibiy maqsadi, mazmuni, usullari, vositalari va tashkiliy shakllariga ega.

Masofaviy ta'limning imkoniyatlari quyidagilardan iborat:

- Ta'lim olishda yangi imkoniyatlar (ta'lim olishning arzonligi, vaqt va joyga bog'liqligini va boshqalar).

- Masofaviy ta'lim shakli asosida kadrlar tayyorlashda bir bakalavriat ta'lim yo'nalishiga qabul parametrlari 300 nafar talabadan, bir magistratura mutaxassisligiga 30 nafar talabadan ortiq bo'lmashligi.

- Ta'lim olishni xohlovchilar sonining oshishi.

- Sifatli axborot texnologiyalarining paydo bo'lishi va rivojlanishi.

- Xalqaro integratsiyaning kuchayishi.

Masofaviy o'qitishning ta'lim tizimida bir-biridan farqlanuvchi model va shakllari mavjud bo'lib, ular quyidagi qo'llanish shartlari bilan farqlanadi:

- geografik shartlar (masalan, mamlakat territoriyasi, markazdan uzoqlikda joylashuvi, iqlimi);

- mamlakatning axborotlashuvi va kompyuterlashtirish umumiy darajasi;

- ta'lim jarayonida axborot va kommunikatsiya texnologiyalari vositalarining qo'llanish darajasi;

- ta'limda qo'llaniladigan an'analari;

- masofaviy o'qitish tizimi uchun ilmiy pedagog kadrlar mavjudligi va ularning salohiyati va boshqalar.

Umuman olganda masofaviy ta'lim oluvchilar uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Masofaviy ta'lim sharoitida talabalar bilim olishi oldida quyidagi maqsadlar amalga oshiriladi:

- Respublikamiz hududidagi va chet eldagi barcha talabalar, ta'lim olishni xohlovchilarga birdek bilim olish imkoniyatini yaratib berish.

- Yetuk mutaxassis olimlar, tajribali metodistlar, axborot kommunikatsion texnologiyalardan foydalangan holda ta'lim berishning sifat darajasini oshirish.
- Asosiy ta'lim va asosiy ish faoliyati bilan parallel ravishda qo'shimcha ta'lim olish imkoniyatini yaratib berish.
- Ta'lim oluvchi talabalarni bilim olishga bo'lgan ehtiyojini qondirish va ta'lim muhitini kengaytirish.
- Uzlaksiz ta'lim imkoniyatlarini yaratish.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Adizova, Nodira. "Nominal description of the bukhara." Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2.11 (2021): 330-335.
2. Adizova, Nodira. "BOSHLANG 'ICH SINF ONA TILI DARSLARIDA O 'QUVCHILAR NUTQINI O 'STIRISH OMILLARI: XORAZM MA'MUN AKADEMIYASI AX OROTNOMASI." Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali 2.2 (2022).
3. ADIZOVA, Nodira. "TOPONIMLAR TARKIBIDA TOPOASOS, TOPOFORMANT HAMDA INDIKATOR TUSHUNCHALARI (BUXORO TUMANI MISOLIDA)." EDAGOGIK AHORAT: 47.
4. Baxtiyrovna, Adizova Nodira, and Jamolova Lubat Ilhomovna. "FAOL TA'LIM ASOSIDA DARSLARN TASHKIL QILISH-TA'LIM SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILI SIFATIDA." PEDAGOGS jurnali 1.1 (2022): 52-53.
5. Adizova N. B. The Role Of Ethnotoponyms In The Bukhara District Microtopony //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – T. 4. – №. 2. – C. 131-134.
6. Adizova N. B. THE ROLE OF ETHNOTOPONYM IN THE TOPONYM OF BUKHARA DISTRICT //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – C. 414-416.
7. Адизова Н. Микропонимлар таснифи (Бухоро вилояти мисолида) //Общество и инновации. – 2022. – Т. 3. – №. 3/С. – С. 128-132.
8. Qosimov F. M., Qosimova M. M. MATEMATIKADAN IJODIY O 'QUV TOPSHIRIQLARINING METODIK XUSUSIYATLARI //BOSHQARUV VA ETIKA QOIDALARI ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – T. 2. – №. 2. – C. 206-211.
9. Qosimov M. F., Kasimov F. F. Methods of teaching to solve non-standard problems //Middle European Scientific Bulletin. – 2021. – T. 11.
10. Касимов Ф. М., Касимова М. М., Хасимова М. Х. Специфические принципы построения системы учебных задач //Психология и педагогика: методика и проблемы практического применения. – 2016. – №. 50-2. – С. 58-62.

11. Касимов Ф. М., Касимова М. М., Умарова Г. У. Учебные задачи как средство активизации учебной деятельности учащихся на уроках математики //Обучение и воспитание: методики и практика. – 2015. – №. 19. – С. 54-60.
12. Rayxonov S., Qosimov F., Qosimova M. Boshlang'ich sinflarda tipik arifmetik masalalar yechishga o'rgatish. – 2017.
13. Muhammedovich Q. F., Muhammedovna Q. M. BOSHLANG'ICH SINFLARDA ORTA ARIFMETIK SONNI TOPISHGA DOIR MASALALAR YECHISHGA O'RGATISH METODIKASI //BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI. – 2022. – T. 2. – №. 4. – С. 358-362.
14. Mukhammedovich K. F. Development Students' Thrift Skills in Solving of Tasks. – 2021.
15. QOSIMOV F. BOSHLANG 'ICH SINF O 'QUVCHILARINI SODDA MASALALAR BILAN TANISHTIRISH METODIKASI //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – T. 1. – №. 1.
16. Fayzullayevich F. K. Modern Methods and Approches of Assessing Knowledge and Skills in Information Technology Classes //JournalNX. – T. 6. – №. 06. – С. 107-111.
17. Muxammedovich Q. F., Muxammedovna Q. M. Technology of work on comparison tasks //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2019. – T. 2019.
18. QOSIMOVA M. TO DEVELOP STUDENTS' SKILLS OF NATURE CONSERVATION AND RESPECT FOR HUMAN LABOR BY TEACHING THEM TO SOLVE ENVIRONMENTAL PROBLEMS //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2020. – T. 2. – №. 2.
19. Saidova M. J. DIRECTIONS AND CONTENT OF THE ORGANIZATION OF DISTANCE LEARNING //Conference Zone. – 2022. – С. 7-15.
20. Jonpo'latovna S. M. et al. 2-SINF MATEMATIKA DARSLARIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISHNING O 'QUVCHILARDA AXBOROT KOMPETENTLIGINI SHAKLLANTIRISHDAGI AHAMIYATI //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – T. 1. – №. 1. – С. 63-65.
21. Saidova M. J. MASOFAVIY TA'LIM VOSITASIDA BO 'LAJAK BOSHLANG 'ICH SINF O 'QITUVCHILARINING METODIK TAYYORGARLIGINI TAKOMILLASHTIRISH MAZMUNI //PEDAGOGS jurnali. – 2022. – T. 1. – №. 1. – С. 43-46.

UMUMKASBIY FANLARNI RAQAMLI TA'LIM TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANIB O'QITISH METODIKASI

Qurbonov G'ulomjon G'afurovich
Buxoro davlat universiteti tayanch doktoranti
<https://orcid.org/0000-0002-9508-5056>

Annotatsiya. Mazkur ishda oliy ta'lim muassasalarining Axborot tizimlar va texnologiyalari ta'lim yo'nalishi talabalarining dars mashg'ulotlarda innovatsion ta'lim metodlaridan foydalanish va ta'lim jarayonida umumkasbiy fanlarni mukammal darajada o'zlashtirish uchun raqamli texnologiyalardan foydalanish, o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi o'qitish jarayonlarini belgilangan ta'lim maqsadlariga erishish yo'lidagi muhim vosita sifatida qaralib tahlil etilgan. Bunda o'qituvchi va talabalar o'rtasidagi pedagogik munosabat asosan raqamli texnologiyalar orqali amalga oshirilishida raqamli texnologiyalar yordamida o'quv jarayonining borishini, pedagogik (o'qituvchi va talaba) nuqtai nazardan munosabatini texnik-dasturiy vositalar yordamida mukammallashtiradi va talabalarning ta'limiy mustaqilligini ta'minlaydi. Bu esa, o'z navbatida, ta'lim sifatini tubdan yaxshilashga, belgilangan o'quv dasturlarining talabalar tomonidan to'la bajarilishiga, talabalarning shaxsiy qiziqishlarini ortirishiga xizmat qiladi. Raqamli texnologiyalar talabalarning ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda ta'lim jarayonini tashkil etishga zamin yaratadi va ularning bilimlarini xolisona baholash jarayonida o'zgacha yondashuv kabi muhim ta'limiy ishlarni nuqsonlarsiz amalga oshirish bo'yicha mulohazalar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: raqamli texnologiya, raqamli ta'lim, raqamlashtirish, dasturiy ta'lim vositalar, elektron axborot resurs, kvalimetrik parametr, problematic education, Panel discussion.

МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМ НАУКАМ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ЦИФРОВЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Курбонов Гуломжон Гафурович
Докторант Бухарского государственного университета
<https://orcid.org/0000-0002-9508-5056>

Аннотация. В данной работе как важный инструмент для достижения образовательных целей были проанализированы использование цифровых технологий для использования инновационных методов обучения на занятиях и усвоения общепрофессиональных предметов в учебном процессе студентов информационных систем и технологий высших учебных заведений, преподавателя и студентов учебных процессов между студентами. При этом педагогические отношения между учителем и учениками осуществляются преимущественно посредством цифровых технологий, с помощью цифровых технологий совершенствуется ход образовательного процесса, взаимоотношения с педагогической (учителя и ученика) точки зрения с помощью технических и программных средств, а также повышается учебная самостоятельность учащихся. Это, в свою очередь, служит коренному повышению качества образования, полноценной реализации обучающимися заданных образовательных программ, повышению личной заинтересованности обучающихся. Цифровые технологии создают основу для организации образовательного процесса исходя из потребностей обучающихся, а в процессе объективной оценки их знаний, как особый подход, излагаются соображения о выполнении важной учебной работы без изъяснов.

Ключевые слова: цифровые технологии, цифровое образование, цифровизация, программные средства обучения, электронный информационный ресурс, качественный параметр.

METHODOLOGY OF TEACHING GENERAL SCIENCES USING DIGITAL EDUCATIONAL TECHNOLOGIES

Qurbonov G'ulomjon G'afurovich
Doctoral student of Bukhara State University

Annotation. In this paper, as an important tool for achieving educational goals, the use of digital technologies for the use of innovative teaching methods in the classroom and the assimilation of general professional subjects in the educational process of students of information systems and technologies of higher educational institutions, the teacher and students of educational processes between students were analyzed. At the same time, pedagogical relations between the teacher and students are carried out mainly through digital technologies, with the help of digital technologies the course of the educational process is improved, the relationship from the pedagogical (teacher and student) point of view with the help of technical and software tools, and the educational independence of students is also increased. This, in turn, serves to radically improve the quality of education, the full implementation of the given educational programs by students, and the increase in the personal interest of students. Digital technologies create the basis for organizing the educational process based on the needs of students, and in the process of an objective assessment of their knowledge, as a special approach, considerations are set out to carry out important educational work without flaws.

Key words: digital technologies, digital education, digitalization, training software, electronic information resource, quality parameter, problematic education, Panel discussion.

Kirish.

Respublikamizda axborotli ta'lim bo'yicha "ta'lim tizimining barcha bosqichlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish va zamonaviy iqtisodiyot uchun zarur bo'lgan raqamli bilimlarning darajasini oshirish, ta'lim infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, "Besh tashabbus" loyihasini amalga oshirish doirasida 2022 yilga qadar respublikaning barcha hududlarida raqamli bilimlarga o'qitish markazlarini ochish" [1] haqida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori qabul qilindi [2]. Bu qaror ijrosini ta'minlash maqsadida yurtimiz viloyat va tumanlarida IT - parklar, informatika va axborot texnologiyalariga ixtisoslashgan maktablar tashkil etish ishlari amalga oshirilmoqda. Ta'lim tizimida raqamli texnologiyalardan foydalanish va o'quv jarayonida interfaol texnologiyalarni tatbiq etish, bugungi kun yoshlaridan yuqori malakali kadr bo'lib yetishish uchun intellektual salohiyatli, ilm-fanning zamonaviy yutuqlari asosida mustaqil fikr va mushohada yurita oladigan shaxs bo'lishini talab etadi. Hozirgi kunda ta'limning taraqqiy etishida dasturiy hamda raqamli ta'lim texnologiyalarining keng joriy etilishi, turli ta'lim va fan yo'nalishlarida bilimlarning jadal yangilab borilishi, ta'lim oluvchi talabalarning mustaqil ravishda o'z aqliy qobiliyatlari hamda bilim va ko'nikmalarini rivojlantirish kabi vazifalarini talab etmoqda.

Ta'lim tizimiga qo'yilgan asosiy maqsadlarimizga erishish yo'lida o'quv-uslubiy ta'minot, pedagoglarning o'z mutaxassisligi bo'yicha yetarli bilimga ega bo'lishi talab etiladi. O'qituvchidan dunyo ilm-fan rivoji bilan hamohang tarzda bo'lishi hamda o'z kasbiy faoliyatida zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalana bilish qobiliyati talab etiladi. Pedagogik kompetensiyaning yuqori darajada bo'lishi ilm-fan, ta'limning rivojlanish yo'lida raqamli texnologiyalardan foydalana olishi zarurdir. Shu bilan bir qatorda tayyorlanadigan kadrlarning kasbiy ko'nikmalarini zamon talabiga mos darajasida bo'lishining kafolati bo'lib hisoblanadi.

Raqamli texnologiyalar bilan o'zaro munosabatda pedagogik- psixologik asoslarning professiogramмага integrativ ta'sirlari ijobiy va albatta salbiy holatlarga olib kelishi mumkin bo'ladi. Ijobiy holatlar yuqorida keltirilgan ta'limiy tarbiyaviy, psixologik asoslarning qay darajada(a'lo, yaxshi, o'rta, qoniqarli va qoniqarsiz) ekanligi bilan bog'liq.

Bugungi kunda sifatli ta'limni tashkil etish hamda uni amalga oshirish, ta'lim oluvchilar bilim darajasini oshirish faoliyatini ta'minlashning asosiy omili bo'lib, yuqori darajadagi metodik ta'minotga ega bo'lgan pedagogik jarayon hisoblanadi [3].

Raqamli texnologiyalar asosida "Sonli usullar" fanini o'qitishni pedagogik asoslashning yana bir rad etib bo'lmaz jihati shundaki – bu davr va zamon bilan hamnafas rivojlanayotgan va raqamlashayotgan jamiyat bo'lib hisoblanadi.

Raqamlashayotgan jamiyatda axborot oqimining psixologik ta'siri juda katta ahamiyatga ega bo'lib, u hayotiy faoliyatda shaxs idrok va tafakkuri shakllanishi qay darajada bo'lishini belgilab berish xususiyatiga ham egaligini hisobga olgan holda, ta'lim jarayonida ham raqamlashtirish jaryonini zamon talabidan kelib chiqqan holda tezlashtirish yoki moslashtirish zarur. Hozirgi kunda

“raqamli ta’lim” deb nomlanuvchi va uzluksiz ta’limda AKTdan foydalanish kundan-kunga rivojlanib bormoqda va ba’zida insoniyat bunga majburligidan ko’nikishi lozimligini pandemiya davrida ham guvohi bo’ldik.

Jamiyat va uning tarkibidagi raqamli texnologiyaning mohiyati va xususiyatlarini tushunish, ularni amalda qo’llash orqali bilimlarni o’zlashtirish jarayonlari turlicha bo’lgani kabi, ta’limni raqamlashtirish tushunchasi mohiyatini to’la tushunish yoki tushuntirish unchalik murakkab jarayon emas. Raqamli ta’lim - fanlarni axborot kommunikatsiya texnologiyalari asosida o’qitish bo’lib, o’quv jarayonini tashkil etish va boshqarish inson omilisiz amalga oshiradi. Ta’lim jarayonda pedagogik jihatdan yondashuv raqamli ta’limning samarali bo’lishini ta’minlovchi omillardan biri sifatida qaraladi [3].

Bugungi kunda dasturiy ta’lim vositalarining fiziologik va psixologik jihatdan samaradorligi o’z navbatda quyidagilarni o’z ichiga oladi:


- ushbu jarayon professor-o’qituvchining faoliyati bilan izchil bog’liq bo’lib, pedagogik texnologiya va ta’lim vositalaridan foydalanish ko’rsatkichlari hamda uning mehnat faoliyatiga nisbatan motivatsiyasi, ish qobiliyati bilan belgilanadi;
- dasturiy ta’lim vositalarini ishlab chiqishda qo’llaniladigan AKT ining o’zaro bog’liq bo’lishi uchun dasturlashtirilgan ta’minotga ega bo’lishi zarur [4].

Bo’lajak mutaxassislarni raqamli texnologiyani rivojlantirishdagi bilimlar nazariy mashg’ulotlarda, ko’nikmalar amaliy mashg’ulotlarda, malakalarni esa mustaqil ta’lim jarayoni va amaliy faoliyat jarayonida egallanadi. Shu sababli raqamli texnologiyani rivojlantirishda amaliy mashg’ulotlar va mustaqil ta’lim olish alohida ahamiyatga ega hisoblanadi. Amaliy mashg’ulotlar ta’lim jarayonining muhim dars shakllaridan hisoblanib, talabalar o’quv topshiriqlari jamlanmasini o’qituvchi boshchiligidagi bajaradilar.

Talabalar o’quv mashg’ulotining ilmiy va texnik asoslarini amaliy jarayonda o’zlashtirishi orqali amaliy mashg’ulot o’tkazilishini maqsadiga erishiladi. Amaliy ishlarni bajarishda bilim, ko’nikma va malakalarga ega bo’ladilar hamda raqamli ta’lim texnologiyalari yordamida zamonaviy metodlar orqali amaliy ishlarni bajaradilar va natija oladilar. O’qituvchi nazariy tushunchalarni berishda avvalambor kirish yo’riqnomasida faqatgina topshiriq maqsadini aytib o’tadi, keyinchalik bosqichma-bosqich uni bajarishga qo’yilgan talablarni tushuntirib o’tadi. Talabalar topshiriqlarni bajarishdagi ketma-ketlik va uni amalga oshirish metodlarini amaliy ko’rsatmalar asosida mustaqil o’rganishlari mumkin. Bu orqali ishning to’g’ri bajarilayotganini, talabalarning qanchalik tushunganliklari natijasida kuzatishimiz mumkin.

Metodlar. “Axborot tizimlarining matematik va dasturiy ta’minoti” ta’lim yo’nalishi talabalarining zamonaviy ta’lim texnologiyalari asosida rejalashtirilgan ta’lim metodlaridan samarali foydalanish imkoniyatlarni maqsadli amalga oshirilishini mumkin: A problematic situation, Panel discussion, Klassik juftliklar, Shkalalashtirish, Tushunchalar tahlili va Eng so’ngi fikrlar. Yuqoridagi keltirilgan innovatsion ta’lim metodlari talabalarda malaka va jamoaviy faol ishlashni tashkil etish ko’nikmalarini hosil qilishda muhim ahamiyat kasb etadi.

Muammoli ta’lim (problematic education) talabalarda ilmiy va ijodiy izlanish, kichik tadqiqotlarni amalga oshirish, muayyan bir xil ilmiy qarashlarni ilgari surish, olingan natijalarni asoslash orqali bilim, ko’nikma va malakalarni shakllantirishga yo’naltirilgan ta’lim oluvchilarning intellektual salohiyatlarini oshirishga xizmat qiladi (1-rasmga qarang).




1-rasm. Muammoli taʼlimning asosiy toʻrt turi

Talaba muammoning mohiyatiga koʻra uni keltirib chiqargan sabablarni oʻrganish, yuzaga kelgan muammoni mustaqil hal etishda samarali boʻlgan yoʻl, usul va vositalarni izlaydi, ularning samarali ekanligini asoslovchi dalil va natijalarni toʻplash orqali dalillarni yangicha talqinda izohlash asosida muammoni hal etadi.

Muammoni qoʻyish darajalari quyidagi uch bosqichda amalga oshiriladi:


- professor-oʻqituvchi muammoni qoʻyadi va talabalarni uni hal qilishga yoʻnaltiradi;
- professor-oʻqituvchi muammoli vaziyatni bayon etadi va taʼlim oluvchilarning oʻzlari individual ravishda muammoni shakllantiradi;
- talabalar yaratilgan muammoni anglagan holda uni oʻzlari shakllantirgan holda uni yechish usullarini tahlil qiladi.

Ushbu jarayonda masalani qoʻyishda mavjud shart-sharoitlarni aniqlashda muammo fundamental asos sifatida namoyon boʻladi. Yangi mavzu materiallari mazmunini oʻzlashtirishda muammoning qoʻyilishi va hal etilishi quyidagi bosqichlarda amalga oshiriladi (2-rasmga qarang).



2-rasm. Muammoni yaratish va uni hal etish bosqichlari

Dars jarayonda talaba “muammo”ga emas, balki muammoli vaziyatga roʻpara qilinadi. Muammoli vaziyatda talabalar maʼlum topshiriqlarni bajarish (savolga javob topish, masalani yechish) jarayonida yuzaga kelgan ziddiyatni anglashi bilan bogʻliq ruhiy holati boʻlib, u hal etilayotgan masala bilan bogʻliq yangi bilimlarni izlashni taqozo etadi (3-rasmga qarang).



3-rasm. Muammoni ta'limning asosiy bosqichlari

Ta'lim mazmuni va jarayoni: "Sonli usullar" fani doirasida o'quv materialini raqamli ta'lim texnologiyalari asosida mustaqil o'rganish jarayoni pedagog tomonidan maqsadli tashkil etiladi va amalga oshirilishi uning nazorati ostida bo'ladi.

Yuqorida keltirilgan asosida "Axborot tizimlarining matematik va dasturiy ta'minoti" yo'nalishida o'quv mashg'ulotlarni tashkil etishda, virtual o'qitish metodlarni qo'llash yuqori samara berishi ilmiy tadqiqotlarda o'z aksini topgan bo'lib, ayniqsa virtual tarzda namoyish qilish natijasida bo'lajak kadrlarning kasbiy bilim, ko'nikma va malakalarining shakllanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi.

Raqamli ta'lim texnologiyalari muhiti sharoitida Axborot tizimlarining matematik va dasturiy ta'minoti mutaxassislarni bilim va ko'nikmalarini takomillashtirishga imkon beruvchi ta'lim vositalari tarkibiga mobil darslik va elektron-o'quv qo'llanmalar, audio o'quv-axborot materiallari, video-axborot materiallari, virtual laboratoriya o'quv ishlari, ma'lumotlar va bilimlar bazasi, elektron axborot resurs markazlar, ekspert o'rgatuvchi tizimlar asosidagi o'qitish vositalari, virtual reallik asosidagi o'qitish vositalaridan tashkil topgan.


O'quv jarayonida virtual stendlardan foydalangan holda ta'lim tizimini rivojlanishning aniq bosqichi bo'lib, bunda bo'r va auditoriya doskasidan kompyuter o'rgatuvchi multimediali hamda animatsiyali dasturlarga, odatdagi elektron axborot resurs markazlariga, kichik o'quv guruhlaridan istalgan hajmdagi virtual auditoriyalarga tashkillashtiriladi.

Dasturlardan foydalanishning qulay jihatlaridan biri didaktik vositaning optimalligidir. Bunda ma'lumotlarning elektron shaklini yarata olishi, bo'lajak mutaxassislarda ko'proq ijodiy ko'nikmalar hosil qiladi.

Ular asosida elektron majmualar, elektron dars ishlanmalar ishlab chiqilib, amaliyotga joriy etilsa, talabalar bunday imkoniyatdan yetarlicha malakalarga, hamda mustaqil ishlash qobiliyatiga ega bo'lib, ta'lim jarayonining sub'ektiga aylanadilar. Mazkur tadqiqot ishida yuqorida keltirilgan zamonaviy ta'lim texnologiyalarining didaktik metod, usul shakllaridan, hamda didaktik dasturiy ta'lim vositalaridan samarali foydalanilgan [5].

"A problematic situation" (muammoli vaziyat) metodi "Sonli usullar" fanining ma'ruza va amaliy mashg'ulot darslarida qo'llanilgan. Yuqoridagi metod talabalarni muammoli vaziyatlarga tushishini ta'minlash asosida muammoli vaziyatning kelib chiqish oqibatlarini tahlil etish, ularning yechimini qidirish bo'yicha bilim va ko'nikmalarni shakllantirish hamda ularning bilish faoliyatini rivojlantirgan holda rivojlantirishga asoslanadigan yo'llardan biridir.

Metodning mohiyati shundan iboratki, aniq vaziyatni tahlil qilish, baholash va uning yechimi yuzasidan qaror qabul qilishdan iboratdir. Ushbu metod qo'llanilganda talabalarining faoliyati quyidagi tizim bo'yicha tashkil etiladi (4-rasmga qarang).



4-rasm. Muammoni vaziyat metodiga asoslangan talabalarning faoliyat tizimi

Dars jarayoniga qo'yilgan muammoli vaziyatni yechishda quyidagi usullar qo'llanildi:

- muammoni turli ko'rinishlarda o'rganish va tahlil etish;
- mavjud olingan natijalarni dalillar asosida solishtirish va uni umumlashtirish;
- qo'shimcha dalillarni aniqlash va ularni o'zaro taqqoslash;
- muammoli vaziyat bilan bog'liq bo'lgan xulosalarni tahlil qilish;
- ta'lim oluvchilarning yakka tartibda muammoni qo'ya olishlari.

Muammoli vaziyat metodining qulayliklari quyidagilardan iborat:

- ta'lim oluvchilarda mustaqil fikrlash qobiliyatlari rivojlantiradi;
- ta'lim oluvchilar muammoning sabab, oqibat va yechimlarini topishni mustaqil o'rganadi;
- ta'lim oluvchilarning bilim va qobiliyatlarini xolis baholash uchun qulay imkoniyatlar yaratiladi;

- talabalar turli xildagi fikrlar va natijalarni tahlil qilishni o'rganadi.

"Panel discussion" (panelli munozara) metodi tahliliy fikrlash yondashuvshanlik imkoniyatini beradi. O'tilgan mavzular yuzasidan bilimlarni qayta tiklash, yangi mavzudan olgan bilimlarning qanchalik darajada o'zlashtirilganligini aniqlashda yetarlicha dalillarning keltirilgani bilan izohlanadi, chunki faqat dalillar asosida auditoriya e'tibori chalg'ib qolmaydi. Ushbu metodni aniq fanlar darslarida 5-10 daqiqa qo'llash kifoya etadi.

Metodning afzalliklari esa, ta'lim oluvchilarga berilgan muammo bo'yicha fikr almashish va muammoni hal etish uchun o'z fikrlarini bayon etish imkonini beradi. Natijada talabalarning tahliliy fikrlash qobiliyatini shakllantiriladi.

Yuqorida keltirilgan metodlarning barchasi amaliy faoliyatga yo'naltirilgan bo'lib, talabalarda muammolarni mustaqil hal etish, yaratuvchanlik, rivojlantiruvchanlik kompetensiyalari rivojlantiriladi.

Natija. Raqamlashayotgan jamiyatda axborot oqimining psixologik ta'siri juda katta ahamiyatga ega bo'lib, u hayotiy faoliyatda shaxs idrok va tafakkuri shakllanishi qay darajada bo'lishini belgilab berish xususiyatiga ham egaligini hisobga olgan holda, ta'lim jarayonida ham raqamlashtirish jaryonini zamon talabiga qarab tezlashtirgan holda moslashtiriladi. Dars va darsdan tashqari ta'lim jarayonida foydalanuvchi interfeysini yaratuvchi kvalimetrik parametrlarning prognostik xususiyatlarini raqamli texnologiyalariga ustuvorlik berish orqali pedagogik faoliyat modeli innovatsion ta'lim metodlarining pozitsion imkoniyatlari va dinamik harakatlar tizimi asosida mazmunan takomillashtirildi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati.


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-4699-сонли Қарори (Манба: <https://lex.uz/docs/4800657>).

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

3. Шаронин Ю.В. (2019). Цифровые технологии в высшем и профессиональном образовании: от личноcтно ориентированной smart-дидактики к блокчейну в целевой подготовке специалистов. Современные проблемы науки и образования. ISSN: 2070-7428, 91-94 с. <https://elibrary.ru/item.asp?id=37031954>.

4. Norton P. (1983). Computer Potential and Computer Educators: a Proactive View of Computer Education. Educational Technology. Vol. 23. –№10. pp. 25-28.

5. Kurbonov G.G. (2022). Didactic possibilities of teaching general subjects on the basis of digital educational technologies Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities. Vol. 2, Issue 1.5, pp. 451-456.



FANLARNI O'QITISHDA STEAM TA'LIM YONDASHUVI ASOSIDA MAVZULARNING INTEGRATSIYASI

YO'LDOSHEV JAHONGIR TILAKMURODOVICH

Qarshi DU, Pedagogika fanlari falsafa doktori

Anotatsiya: STEAM ta'lim texnologiyasi maktab o'quvchilarini yangicha o'qitish metodikasi bo'lib, an'anaviy o'qitish metodikasidan farqli metodika hisoblanadi. U o'quvchilarni bir vaqtning o'zida beshta fan – tabiiy fan (Science), texnologiya (Technology), muhandislik, (Engineering), tasviriy san'at (Art), matematika (Math) bo'yicha o'qitishga mo'ljallangan. STEAM ta'limi fanlar bo'yicha emas, balki mavzular bo'yicha integratsiyalashgan o'qitish tizimidir.

Аннотация: Образовательная технология STEAM – это новый метод обучения школьников, который отличается от традиционных методов обучения. Он предназначен для обучения школьников одновременно пяти предметам – естественным наукам, технологиям, технике, искусству, математике. STEAM-образование — это интегрированная система обучения по предметам, а не по предметам.

Annotation: STEAM educational technology is a new method of teaching schoolchildren, which is different from traditional teaching methods. It is designed to teach students simultaneously in five subjects - science, technology, engineering, art, mathematics. STEAM education is an integrated system of learning by subjects rather than subjects.

Kalit so'zlar: o'qitish usuli, fikrlash tarzi, innovatsion taraqqiyot, xalqaro mezon, o'qish savodxonlogi, xorijiy tajribalar, ta'lim sifatini baholash, pedagogik kuzatuv, falsafaviy qarashlar, g'oyalar, ilovalar.

Ключевые слова: метод обучения, образ мышления, инновационное развитие, международные критерии, читательская грамотность, зарубежный опыт, оценка качества образования, педагогическое наблюдение, философские взгляды, идеи, приложения.

Keywords: teaching method, way of thinking, innovative development, international criteria, reading literacy, foreign experiences, evaluation of the quality of education, pedagogical observation, philosophical views, ideas, applications.

Respublikamizda xalq ta'limi tizimida ta'lim sifatini baholash sohasidagi xalqaro tadqiqotlarni tashkil etish, xalqaro aloqalarni o'rnatish, o'quvchi-yoshlarning ilmiy-tadqiqot va innovatsiya faoliyatini, eng avvalo, yosh avlodning ijodiy g'oyalari va ijodkorligiga b'og'liq.

STEAM texnologiyasi ta'limdan farqli ravishda bilimlarni alohida emas, o'zaro mutanosib holda olib borishni ta'minlab beradi. O'quvchi o'zida nostandart fikrlash, muammoga bir nechta yechim topish va ijodkorlik ko'nikmalarini shakllantiradi va bu uning kelajakdagi faoliyatida juda qo'l keladi.

STEAM ta'lim tizimi o'zi nima? – degan savolga to'xtalamiz. Agar ushbu qisqartmani yoysak, quyidagilarni olamiz:

STEAM bu –

S – *science*,

T – *technology*,

E – *engineering*,

A – *art* va

M – *math*.

Ingliz tilidan o'zbekchaga tarjima qilsak bu shunday bo'ladi: tabiiy fanlar, texnologiya, muhandislik, san'at va matematika.

Ushbu yo'nalishlar zamonaviy dunyoda eng mashhur bo'lib kelayotganini unutmang. Shuning uchun bugungi kunda STEAM tizimi asosiy tendentsiyalardan biri sifatida rivojlanmoqda. STEAM ta'limi yo'nalishi va amaliy yondashuvni qo'llash, shuningdek, barcha beshta sohani yagona ta'lim tizimiga integratsiyalashuviga asoslangan. Shuning uchun bugungi kunda STEAM tizimi asosiy tendentsiyalardan biri sifatida rivojlanmoqda. STEAM ta'limi yo'nalishi va amaliy yondashuvni qo'llash, shuningdek, barcha beshta sohani yagona ta'lim tizimiga integratsiyalashuviga asoslangan.

STEAM yondashuvi o'quv samaradorligiga qanday ta'sir qiladi?

Uning asosiy g'oyasi shundan iboratki, amaliyot nazariy bilimlar singari muhimdir. Ya'ni, o'rganish paytida biz nafaqat miyamiz bilan, balki qo'limiz bilan ham ishlashimiz kerak. Faqat sinf devorlarida o'rganish tez o'zgaruvchan dunyo bilan hamqadam emas. STEAM yondashuvining asosiy farqi shundaki, bolalar turli xil mavzularni muvaffaqiyatli o'rganish uchun ham miyani, ham qo'llarini ishlatadilar. Ular olgan bilimlarni o'zlari "uqib oladilar". STEAM ta'limi nafaqat o'qitish usuli, balki fikrlash tarzidir.

STEAM ta'lim muhitida bolalar bilimga ega bo'ladilar va darhol undan foydalanishni o'rganadilar.

Shuning uchun, ular o'sib ulg'ayganlarida va hayotiy muammolarga duch kelganda, atrof muhitning ifloslanishi yoki global iqlim o'zgarishi bo'ladimi, bunday murakkab masalalarni faqat turli sohalaridagi bilimlarga tayanib va birgalikda ishlash orqali hal qilish mumkinligini tushunadilar. Bu erda faqat bitta mavzu bo'yicha bilimga tayanish etarli emas.

STEAM yondashuvi bizning ta'lim va ta'limga bo'lgan qarashimizni o'zgartirmoqda. Amaliy qobiliyatga e'tibor berib, talabalar o'zlarining irodasini, ijodkorligini, moslashuvchanligini rivojlantiradi va boshqalar bilan hamkorlik qilishni o'rganadi. Ushbu ko'nikmalar va bilimlar asosiy ta'lim vazifasini tashkil etadi, ya'ni. bu butun ta'lim tizimi nimaga intilishini. Ta'limga ushbu yangi yondashuv qanday paydo bo'ldi? Bu nazariya va amaliyotni birlashtirishning mantiqiy natijasidir.

STEAM Amerikada ishlab chiqilgan. Ba'zi maktablar bitiruvchilarning martabalarini e'tiborga olishdi va fan, texnologiya, muhandislik va matematika kabi fanlarni birlashtirishga qaror qilishdi va STEM tizimi shu tarzda shakllandi. (Fan, texnika, muhandislik va matematika). Keyinchalik bu erda Art qo'shildi va endi STEAM oxirigacha shakllandi. O'qituvchilar ushbu mavzular, aniqrog'i ushbu fanlardan bilimlar kelajakda talabalarning yuqori malakali mutaxassis bo'lib etishishiga yordam beradi, deb hisoblashadi.

Oxir oqibat, bolalar yaxshi bilim olishga intilishadi va uni darhol amalda qo'llashadi. Dunyo o'zgarib bormoqda, hatto ta'lim bir joyda turmasa ham. So'nggi o'n yilliklardagi o'zgarishlar yoqimli, ammo shu bilan birga bizni havotirlantiradi. Ushbu yangi narsalarning ixtiro qilinishi bilan odamlar ilgari duch kelmagan ko'plab yangi muammolar mavjud. Har kuni yangi ish turlari va hattoki butun kasbiy sohalar paydo bo'ladi, shuning uchun zamonaviy o'qituvchilar o'qitadigan bilimlari va mahoratlari vaqt talablariga javob beradimi yoki yo'qmi deb o'ylashlari kerak. O'zingizning g'oyangizni topishga bilim yordam beradi, ammo haqiqiy ish bu g'oyani haqiqatga aylantiradi. Agar biz an'anaviy ta'limning asosiy maqsadi bilimlarni o'rgatish va bu bilimlardan fikrlash va ijod qilish uchun foydalanish deb aytsak, STEAM yondashuvi bizni olgan bilimlarni haqiqiy ko'nikmalar bilan birlashtirishga o'rgatadi. Bu maktab o'quvchilariga nafaqat ba'zi bir g'oyalarga ega bo'lish, balki ularni amalda qo'llash va amalga oshirish imkoniyatini beradi. O'sha. haqiqatda ishlatilishi mumkin bo'lgan bilimgina haqiqatan ham qadrlidir. STEAM yondashuvining eng mashhur namunasi – Massachusetts Texnologiya Instituti (MIT).

Ushbu dunyo universitetining shiori "Mens et Manus" (Aql va qo'l). Massachusetts Texnologiya Instituti bolalarga STEAM tushunchasini oldindan o'rganish va tanishish imkoniyatini berish uchun STEAM kurslarini ishlab chiqdi va hattoki ba'zi ta'lim muassasalarida STEAM o'quv markazlarini yaratdi. Statistika ko'ra, 2011 yildan buyon STEAM – kasblarga bo'lgan talab darajasi 17% ga oshdi, oddiy kasblarga bo'lgan talab esa faqat 9,8% ga oshdi, bu esa butun dunyo bo'ylab ushbu ta'lim tizimiga katta talabni ko'rsatadi. Lekin bunday yuqori talab nima bilan bog'liq? Ko'pgina mamlakatlarda STEAM- ta'lim ba'zi sabablarga ko'ra ustuvor ahamiyatga ega: Yaqin kelajakda dunyoda va O'zbekistonda muhandislarga, yuqori texnologiyali ishlab chiqarish mutaxassislariga talab juda yuqori bo'ladi. Uzoq kelajakda biz tabiiy fanlar bilan birgalikda texnologiya va yuqori texnologiyali ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan kasblarga ega bo'lamiz, ayniqsa bio va nanotexnologiya mutaxassislariga katta talab bo'ladi. Mutaxassislar texnologiya, tabiiy fanlar va muhandislikning turli sohalaridan keng qamrovli ta'lim va tajribaga muhtoj bo'ladi. Integratsiyalashgan ta'lim xo'sh, bu ta'lim tizimi va fanlarni o'qitishning an'anaviy usuli o'rtasidagi farq nima? STEAM-ta'lim o'quvchilar ilmiy usullarni amalda qanday qo'llashni tushunishga kirishadigan aralash muhitni nazarda tutadi. Ushbu dastur bo'yicha talabalar, matematika va fizika bilan bir qatorda, o'z robotlarini ishlab chiqadigan va ishlab qaradigan robotlarni o'rganadilar.

Darslarda maxsus texnologik uskunalar ishlatiladi. 2014-yilda Quddusda bo'lib o'tgan "STEAM forward" xalqaro konferensiyasida quyidagi bayonotlar bildirildi:

- ✓ bolalarni STEAMga jalb qilish. Ushbu ta'lim maktabgacha yoshdan boshlab boshlanishi kerak, shuning uchun dasturlarni bolalar bog'chalariga kiritish kerak.
- ✓ fan tili ingliz tilidir. Agar ilm-fanni o'rganish va olim bo'lishni istasangiz, bu tilni bilishingiz kerak.
- ✓ qizlar uchun Steam-ta'lim dasturlari kerak. Ilm-fan sohasidagi qizlar, ularning tartiblilik tufayli, o'g'il bolalar qila olmaydigan narsalarni qilishlari mumkin.
- ✓ ilm-fan quvnoq bo'lishi kerak, u o'quvchilar uchun qiziqarli va o'ziga jalb qiluvchi bo'lishi kerak.

STEAM texnologiyasi ta'limdan farqli ravishda bilimlarni alohida emas, o'zaro mutanosib holda olib borishni ta'minlab beradi. O'quvchi o'zida nostandart fikrlash, muammoga bir nechta yechim topish va ijodkorlik ko'nikmalarini shakllantiradi va bu uning kelajakdagi faoliyatida juda qo'l keladi.

Masalan: Texnologiyalar rivojlangan hozirgi davrda robototexnika istiqbolli sohalardan biri hisoblanadi.

STEAM va robototexnika darslari o'zaro uyg'unlikda olib borilganda o'quvchilar quyidagi bilim va ko'nikmalarga ega bo'ladilar:

- C dasturlash tili,
- elektronika asoslari,
- sodda va murakkab sxemalar yasash,
- 3D dizayn va 3D modellashtirish,
- 3D printerdan 3D modellarni chiqarish,
- arduino dasturlash,
- tranzistor va mikrochiplar bilan ishlash,
- qo'shimcha modul va sensorlar bilan ishlash (RGB, WiFi, PIR, LCD display, RFID),
- mustaqil ravishda turli xildagi Arduino proyektlar yasash.

Mamlakatimizda Prezident maktablarida "STEAM" dasturi bo'yicha ta'lim beriladi. Umumta'lim muassasalarining 4-sinf bitiruvchilari mantiqiy fikrlash testlari, yozma imtihon va suhbatlar natijalariga ko'ra kira oladilar. Baholash Xalq ta'limi vazirligi tomonidan belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

Ta'lim jarayoni xorijiy ta'lim muassasalari bilan hamkorlikda ishlab chiqilgan o'quv rejalari va dasturlari bo'yicha ingliz tilida amalga oshiriladi. 9-11-sinflarda o'qitish o'quvchilarning qiziqishlari va xususiyatlarini inobatga olgan holda, ayrim fanlar va ularni o'rganish darajasini tanlab olish orqali o'quv jarayonini individuallashtirishni ko'zda tutadi. Maktablarda "STEAM – ta'lim"

(Science – tabiiy fanlar, Technology – texnologiyalar, Engineering – texnik ijodkorlik, Art – san’at, Mathematics – matematika) dasturi joriy etiladi. O‘quvchilarning qiziqishlaridan kelib chiqqan holda sinfdan tashqari amaliy mashg‘ulotlar o‘tkazish nazarda tutiladi.

Bitiruvchilarga belgilangan tartibda davlat tomonidan tasdiqlangan ma’lumot to’g’risidagi hujjat (shahodatnoma, attestat) bilan bir qatorda xalqaro darajadagi tegishli dastur diplomi (International Baccalaureate, Advanced Placement yoki International Advanced Levels) beriladi. Bunday diplom bilan xorijiy mamlakatlarning yetakchi oliy ta’lim muassasalariga kirish mumkin bo’ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Preschool educational practice. Guidelines for preschool teachers. State of israel ministry of education preschool education division. 2010.
2. The Whole-Brain Child: 12 Revolutionary Strategies to Nurture Your Child’s Developing Mind by Daniel J. Siegel and Tina Payne Bryson. 2011.
3. Yo‘ldoshev J.T. Masalalar yechish bo‘yicha praktikum (Masalalar orqali divergent tafakkurni rivojlantirish usullari). O‘quv qo‘llanma. Qarshi davlat universiteti, “Fan va ta’lim” nashriyoti. 2021.–116 b.
4. Yo‘ldoshev J.T. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari divergent tafakkurini rivojlantirish metodikasini takomillashtirish. Ped.fan.fal.dok. ... diss. Qarshi, 2022. – 162 b.
5. Shodiyev R.D., Xudoynazarov E.M., Yo‘ldoshev J.T. Matematika darslarida sinfdan tashqari ishlar. O‘quv qo‘llanma. Qarshi davlat universiteti, “Fan va ta’lim” nashriyoti. 2023.–172 b.

MATEMATIKA DARSLARIDA TARIXIY MASALALARNI YECHISHNI O'RGANISH METODLARI

МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ РЕШЕНИЮ ИСТОРИЧЕСКИХ ЗАДАЧ НА УРОКАХ МАТЕМАТИКИ

TEACHING METHODS FOR SOLVING HISTORICAL PROBLEMS IN MATHEMATICS LESSONS

Berdiyev Bahodir Ravshanovich
Qarshi DU "Boshlang'ich ta'lim" kafedrası dotsenti

Бердыев Бахадыр Равшанович
Карши ГУ – доцент кафедры «Начальное образование»

Berdyev Bakhadyr Ravshanovich
Karshi is an associate professor at the Department of Primary Education, DU.

E-mail: berdiyevbahodir36@gmail.com Phone number: +99897 222 14 72

Annatatsiya: Boshlang'ich ta'limda matematika fanining maqsadi va vazifalari, boshlang'ich maktabda matematika ta'limi o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirishga o'z fikrlarini mustaqil bayon qila olish, egallagan bilimlarini ijtimoiy faoliyatlarida qo'llash hamda ta'limning ikkinchi bosqichida o'qishni davom ettirish uchun matematik tayyorgarlikni ta'minlashga xizmat qiladi.

Аннотация: Целью и задачами математики в начальных классах, математического образования в начальных классах является формирование и развитие способностей логического мышления учащихся, уметь самостоятельно излагать свои мысли, применять полученные знания в своей общественной деятельности и обучении. Он служит для математической подготовки к продолжению обучения на второй ступени лим.

Abstract: The goal and objectives of mathematics in primary school, mathematical education in primary school is the formation and development of the abilities of students' logical thinking, to be able to express their thoughts independently, to apply the acquired knowledge in their social activities and education. It serves as a mathematical preparation for continuing education at the second level of lim.

Kalit so'zlar: mantiqiy fikrlash, qobiliyat, matematik masalalar, tarixiy materiallar, matematik bilim, tasavvur, chuqurlashtirish, soddadan murakkabga.


Ключевые слова: логическое мышление, способность, математические задачи, исторические материалы, математические знания, воображение, углубление, от простого к сложному.

Keywords: logical thinking, ability, mathematical problems, historical materials, mathematical knowledge, imagination, deepening, from simple to complex.

Jamiyatimizda bugungi kunda ta'lim sohasida olib borilayotgan islohotlarga dunyo hamjamiyati tan bermoqda. Muhtaram Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev ta'lim-tarbiyaga uzluksiz jonli ijodiy jarayon, murakkab hodisa sifatida yondashmoqdalar. Shu bois ham ta'lim sohasi respublikamizda ravnaq topayotgan yo'nalishlardan biri hisoblanadi. Boshlang'ich ta'limda

matematika fanining maqsadi va vazifalari, boshlang'ich maktabda matematika ta'limi o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirishga o'z fikrlarini mustaqil bayon qila olish, egallagan bilimlarini ijtimoiy faoliyatlarida qo'llash hamda ta'limning ikkinchi bosqichida o'qishni davom ettirish uchun matematik tayyorgarlikni ta'minlashga xizmat qiladi. Bunda boshlang'ich sinfda matematik masalalarning ahamiyati katta. Ayniqsa, masalalarni kiritish orqali tarixiy materiallarga urg'u berib, matematika ta'limi jarayonida matematikaning qiziqarli tomonini oshirish uchun 1-4-sinflardagi masalalarda ta'riflanayotgan atama, termin va nomlarning ma'no-mazmuni va kelib chiqishini bishga intilish, buni imkoni boricha o'qituvchi o'quvchiga yetkazish muhim ahamiyat kasb etadi.

Chunki, boshlang'ich sinf matematika darslarida tarixiy materiallardan foydalanishdan maqsad, o'quvchilarda matematikaga doir dastlabki tushunchalarni hosil qilish, mavzuning xarakteriga ko'ra tarixiy materiallarning uzviyligini ta'minlash uchun dastlabki pedagogik shart-sharoitlar yaratishdir. Matematika darslari samaradorligini oshirishda tarixiy materiallardan foydalanishda quyidagi maqsadlar ko'zda tutiladi 1) O'quvchilarning matematik bilim va tasavvurlarini chuqurlashtirish; 2) Darsda beriladigan tarixiy tushunchalarga qiziqish va ehtiyoj uyg'otish; 3) Avlod –ajdodlarimiz merosiga chuqur hurmat va muhabbat bilan qarash. Ushbu vazifani amalga oshirishda bir nechta ditaktik talablar mavjud. Matematika o'qitish jarayonida izchillik prinsipining amalga oshirilishida mavjud ditaktik sharoit asosan quyidagilardan iborat: a) ayrim ditaktik jarayonlarni soddadan murakkabga borishga moslash; b) o'quv materialini bayon qilishda zaruriy metodlarni qo'llash; d) o'quv materialini bayon qilishda nazariya va amaliyot birligi muhim bo'lgan komponentlar bilan bog'lash; e) o'quv materialini puxta o'zlashtirishni ta'minlash va kelgusidagi o'quv materialiga bog'lanishini oldindan ovoza qilish; f) shu sharoitda izchillik prinsipidan o'z ishlarimizda foydalanish Masalan, Pifagorchilarning ta'kidlashicha, mistik 1 raqami tabiatdagi hammma narsa hodisalarning asosi, baxt-saodat va saxiylik keltiruvchi son sifatida talqin qilinadi. Rim raqami esa mukammal, ya'ni to'la ma'noli son deb ataladi va o'zidan oldingi natural sonlar yig'indisiga teng bo'lgan yagona son sifatida unga alohida ixlos bilan qaraladi. Ikkimining yil ichida Arximedning ko'p asarlari yo'q bo'lib ketgan, albatta, lekin qolgan asarlari ham uning buyuk olim ekanligiga guvohlik bera oladi. Bunga misol qilib :



Matematika darslarida tarixiy masalalarni yechishni o'rganishda foydalanilgan metodlarnig turlari va ularni amalda qo'llash usullaru mavzusida amallar bilan ishlash.

1.Yig'indini eng qulay usul bilan hisoblang



$$87+45+13=(87+13)+45=145$$

$$163+73+7=(163+7)+73=243$$

$$39+24+17+44+56+83+76+61=39+61+24+56+17+83+44+76=$$

$$100+80+100+120=100+100+80+120=400$$

2.6 ta taqsimchaning birinchisida 1 ta konfet, ikkinchisida 3ta va undan keyingilariga qaraganda 2 tadan ortiq konfet solingan bo'lsa, 6-taqsimchadagi konfetlar soni nechta?

		<u>Konfetlar soni</u>
1- <u>taqsimcha</u>		
2 - <u>taqsimcha</u>		
3-taqsimcha		
4-taqsimcha		

Bundan tashqari, matematika darsliklarida tezlikka oid masalalarda viloyat, shahar va qishloqlar nomi berilgan bo'ladi. Masalani yechish davomida o'quvchilarda joy nomlariga nisbatan qiziqish va savollar uyg'onishi mumkin. Avvalo o'z o'lkasining, qolaversa, faqat darslarda emas har kuni ommaviy axborot vositalarida eshitiladigan geografik nomlarning ma'nosini va atalish sababini bilish bugungi axborot tezkorligi davrining talabi hamdir. Tarxiy masalalarni o'rganish o'quvchilarning kompetensiyasini shakllanishiga va avtomatik rivojlanishiga yordam beradi. Ayni vaqtda o'zi yashab turgan o'lka, o'zi mansub bo'lgan xalq o'tmishi va qadriyatlarini hurmat qilish, ajdodlarining orzu-umidlari mujassam bo'lgan nomlar, vatan tarixining bir bo'laki bo'lganidan xalqning topqirligi va donishmandligini ko'rsatadigan geografik nomlar Vatanga iftixor tuyg'ularini tarbiyalaydi. Bunday qiziqarli va qadimiy masalalarga quyidagilarni misol qilishimiz mumkin;

1. Yosh yigit Samarqanddan Toshkentga qarab yo'lga chiqdi. U har kuni 40 chaqirimdan yo'l bosdi (1chaqirim 1,067 km). Undan bir kun keyin ikkinchi yosh yigit kuniga 45 chaqirimdan yo'l bosdi. Necha kundan keyin ikkinchi yosh yigit birinchisiga yetib oladi?

Yechish: 1) $45-40=5$ 2) $40:5=8$

Javob: 8 kundan keyin yetib oladi.

2. Samarqand shahridan Buxoro shahri tomon bir paytning o'zida ikki poyezd yo'lga chiqdi. Birinchisi soatiga 39 chaqirim yo'l bosib, ikkinchisiga qaraganda ikki soat oldin Buxoroga yetib keldi. Ikkinchi poyezd soatiga 26 chaqirimdan yo'l bosgan bo'lsa Samarqanddan Buxorogacha bo'lgan masofa necha chaqirim?

Yechish: 1) $39 \cdot v = 26 \cdot (v+2)$ 2) $39v = 26v + 52$ 3) $39v - 26v = 52$

4) $13v = 52$ 5) $v = 52 : 13 = 4$ $V = 4$ soat $39 \cdot 4 = 156$ $26 \cdot (4+2) = 156$

Javob: 156 chaqirim

3. It o'zidan 150 fut (1fut-30,48 sm) uzoqlikdagi quyon ketidan quvlamoqda. Itning har bir sakrashi 9 fut, quyonning har bir sakrashi esa 7 fut. It quyonga yetib olishi uchun necha marta sakrashi kerak?

Yechish: 1) $150 + 7 \cdot x = 9x$ 2) $9x - 7x = 150$ 3) $2x = 150$ 4) $x = 150 : 2 = 75$

Javob: It quyonga 75 marta sakrasa yetib oladi

4. Bo'ri 150 sajen (1sajen – 2,134 m) masofada quyonni ko'rib qoldi. 2 minutda 500 sajen, bo'ri esa 5 minutda 1300 sajen masofani bosib o'tadi. Qancha vaqtdan keyin bo'ri quyonga yetib oladi?

Yechish: $2 \text{ min} = 500 \text{ sajen}$ $1 \text{ min} = 500 : 2$ $1 \text{ min} = 250 \text{ sajen}$ $5 \text{ min} = 1300 \text{ sajen}$ $1 \text{ min} = 1300 : 5$ $1 \text{ min} = 260 \text{ sajen}$

$$250 \cdot x + 150 = 260 \cdot x$$

$$260x - 250x = 150$$

$$10x = 150$$


$$x = 150 : 10$$

$$x = 15$$


Javob: 15 minutda keyin bo'ri quyonga yetib oladi.

Bu masalalarni ishlashda o'qituvchi, o'quvchilar bilan faqat masalaning yechimini izlash bilan emas, balki ularning ma'nolari va kelib chiqish sabablarini dars boshida tarixiy ma'lumot sifatida aytib o'tsa o'quvchilarning tayanch kompetensiyalari oshishiga xizmat qiladi.

O'quvchilar 1-4 sinflarda har qanday tarixiy masalalarni o'ziga singdira oladi, qachonki uning ongiga va qalbiga mos yo'lni topa olsak va tarix uning uchun mavhum bo'lgan bir paytda, unga oson va sodda yo'llar hamda maqbul usullarni tanlash har bir o'qituvchi uchun o'rindir. O'qituvchi shundagina o'quvchilarda kelajak va tarix tushunchasi o'rtasidagi bog'liqlikni yanada mustahkamlab, fanga oid va tayanch kompetensiyalari rivojlanishiga yanada ko'proq hissa qo'shadi.



Natural sonlarni o'rganish usullari



Narsalarni sanashda ishlatiladigan sonlar-natural sonlar deb ataladi


Matematika qiziqarli fanlardan biri bo'lib, u o'zining raqamlari va masalalari bilan hammani o'ziga jalb etadi. Matematikadagi har bir raqam o'ziga xos xususiyatlarga ega. Uning kelib chiqishi olis o'tmishga bog'liq. Raqamlar- matematikaning asosi. Ilk bor raqamlar o'zining burchagiga qarab aniqlangan. Masalan, 1 da bitta burchak, 2 da ikkita burchak bo'lgan. Ilk raqamlar mana shunday ko'rinishda bo'lgan. Burchagiga qarab raqam kashf qilingan va ular 9 ta, ya'ni 1,2,3,4,5,6,7,8,9 dan iborat bo'lgan

Har qanday natural son o'nta **1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 0** raqamlar bilan ifodalanadi. Sonlarni bunday yozish usuli o'nlik sanoq sistemasi deb yuritiladi. 1 dan boshlab barcha natural sonlarni ketma-ket yozib chiqsak **1,2,3,4,5,6,7,8,9,10,11,12,13,14,15,16,17....** Ko'rinishidagi natural sonlar qatori hosil qilamiz.

Natural sonlar qatorida **1** eng kichik natural sonidir. Natural sonlar qatori cheksizdir, unda eng katta son yo'q. **0** natural son emas


Natural son va nolni nomerlash, ular ustida arifmetik amallar bajarish boshlang'ich matematika kursini asosini tashkil qiladi. Unga qo'shib algebra va geometriya elementlari o'qitiladi. Dasturda natural sonlar va nol haqidagi ma'lumotlarni asta-sekin o'nlik, yuzlik, minglik va ko'p xonali sonlar konsentrlari kiritish nazarda tutiladi. Bu o'nlik sanoq sistemasining xususiyatlari bilan og'zaki va yozma nomerlashni takror-takror qo'llash orqali beriladi.

1-sinfga kelgan bolalar turli joylardan va turlicha matematik tayyorgarlikka ega bo'ladi. Bolalar bog'chasi yoki ba'zi oilalarda tayyorgarligi bor bolalar 1-10 gasonlarni o'qish, sanash, yozish malakalariga ega bo'ladilar



Ba'zan, umuman tayyorgarlikka ega bo'lmagan bolalar keladilar. Shuning uchun o'qituvchining vazifasi 1-sinfga kelgan bolalarning tayyorgarligini individual aniqlashdir. Bu ish o'qishboshlaguncha yoki birinchi haftadayoq amalga oshirilishi kerak. Aniqlashda bir qancha taxminiy savollar bo'lishi mumkun:

1. Sanashni bilasizmi? Sanang-chi
2. Qaysi biri bitta ?



Shu kabi savollarni berib har bir o'quvchining bilim darajasini hisobga olish maqsadida o'qituvchi quyidagi jadval bilan qaydnoma tuzadi:

№	Vaq-ti	Familiyasi Ismi	...gacha sanay oladi	Predmet sanog'i	Qancha balsa shuncha	Ko'zda jamalab sanash	Qayta sanash	Taqqoslash	O'ngdanchapga sanash	Yuqoriga	Pastga sanash
1	4.09	Sattorova Madina	10	+	+		+	+	-	+	+
2	4.09	Xakimova Sevara	17	+	+	+	+	+	+	-	-
3	4.09	Rustamova Shahnoza	15	-	+	+	+	+	+	+	+
4	4.09	Yomg'irova Jumagul	12	+	+	+	+	+	+	+	+

Tayyorgarlik davrining asosiy vazifasi raqamlashni o'rganishga o'tish uchun zarur bo'ladigan bilim, ko'nikma va malakalarni aniqlashdir. Bularni aniqlash uchun o'qituvchilarda ushbu mavzu bo'yicha bilim ko'nikmalarga qo'yiladigan talablar quyidagilar:

konsentrlar bo'yicha "raqamlash" mavzusini mazmuni va vazifalarni bilishi;

o'quvchilarni o'zlashtirishni takomillashtiradigan mashqalar tizimini ishlash jarayonini bilishi;

- fanlararo aloqadorlik va sonlarni xonalar bo'yicha o'zaro uzviyligiga bog'liq metodlar;
- natural sonlar qatorining hosil qilish tamoyillari;
- sonning o'nli tarkibi to'g'risida;
- konsentrlar bo'yicha sonlarning o'qilishi va joylashuvi;
- yangi sanoq birligining hosil qilinishi;
- konsentrlar bo'yicha sonlarning joylashuv tarkibi;
- xona birliklari bo'yicha munosabat;
- sonlar tarkibining o'qilishi va yozilishini bilishi kerak.

Mavzuni o'rgatish jaryonida ko'rgazmalilikdan foydalanishni bilishi kerak;

mavzu bo'yicha dastur talablari asosida sonlarni xona qo'shiluvchilari yig'indisi shaklida tasvirlash;

darslik bo'yicha ko'rgazmalar asosida suhbat olib boorish;

o'quv materialini o'zlashtirishini mustahkamlashga va kuchaytirishga oud didaktik o'yinlarni tanlash;

bilim, k'nikma va malakalarni hosil bo'lishi bo'yicha turli metodlar va mashqlar, mustaqil ishlarni tuza olishi:

turli xil ko'rinishdagi ko'rgazmali vositalar asosida yangi mavzuni va o'tilgan mavzularni mustahkamlash va bayon qila olish. Eng kichik natural son 1 bo'lganligi uchun qolgan sonlar uni bir birlik orttirish orqali hosil qilinadi. Bu orqali bolalar 1g 1ni qo'shish orqali 2 hosil bo'lishini o'rganadilar

3

1

1

1


2

1

3 sonini hosil qilish uchun uchta birning yig'indisi yoki 2ga birni qo'shish orqali amalga oshirilishni bolalar anglay boshlaydilar.



4 soniga kelganda esa bolalar uni hosil qilishning bir necha xil usullari bilan tanishadilar. Sonlar haqidagi, ularni hosil qilish to'g'risidagi tasavvurlari kengaya boshlaydi. Qolgan sonlarni hosil qilishda ham shu qoidalarga rioya qiladilar va



Xulosa va tavsiyalar:

Xulosa sifatida shuni takidlashimiz lizimki matematikani o'qitishning zamonaviy metodologiyasida o'quvchilar faoliyatining bunday turlari alohida e'tiborga olinishi kerak, ular maktab o'quvchilari orasida, birinchi navbatda, matematik tarkibning o'ziga xos xususiyati bilan kognitiv bilimlarni shakllantirishga qaratilgan.

Shuning uchun maktab matematika kursining matematik tarkibini meta-mavzu mazmuniga bog'lash uchun "Matematikani o'qitish metodikasi" fanining tarkibiga vaziyatli vazifalarni kiritish kerak deb hisoblaymiz; mumkin bo'lgan maqsadlar doirasidan xabardor bo'lish va matematik tarkib bilan ishlash uchun maqsadlarni to'g'ri tanlashni asoslash to'g'risida; aniq maqsadga erishish yo'lini tanlash; o'quv va kasbiy faoliyat natijalarini matematik tarkibning tarkibiy qismlari bilan mustaqil baholash usullarini o'zlashtirishdan iborat. Xulosa qilib shuni aytish lozimki, matematika darslari metodik ta'minotida shu shakldagi tarixiy materiallardan ifodalar hayotga bog'lab tushuntirilsa, o'quvchilar ongida tez, oson saqlanib qoladi. Dars mashg'uloti o'quvchida qanchalik kuchli taassurot uyg'otsa, uning tarbiyaviy samarasi ham shunchalik ko'p bo'ladi. Buning uchun o'quvchilardan sabr, chidam, bilim, hiyoat, fidoiylik, ma'suliyat talab qilinadi. Shundagina boshlang'ich sinf o'quvchilarining bilimlarida sifat-samaradorligi seziladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Jumayev M.E. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasidan praktikum. (OO'Y uchun o'quv qo'llanma) Toshkent. "O'qituvchi", 2004 yil.
2. Berdiyev B. R. "Teaching numbering within a hundred in elementary math classes (based on independent study)". Eura Afro Studies International Journal, ISSN: 2707-8965(Online) & 2708-3772(Print). SPECIAL ISSUE at Vol.:2, Issue:2. Lisbon, Portugal.- 2020. 61-67 p.
3. Berdiyev B. R., Shodiyev R.D., "Interactive methods of assessment of knowledge on the basis of digital education on the subject "Information technology in education"". "International Journal Papier Public Review". Volume-1, Issue-2. Austria. 2020 114-118 p

4. Бердиев Б. Р. “Олий таълим муассасалари талабалари мустақил таълимини бошқаришнинг назарияси ва методикаси. Монография “Фан ва таълим“ Қарши – 2022 й 33-41 б.
5. Бердиев Б. Р. “Математика ўқитиш методикаси” Ўқув қўлланма “Фан ва таълим“ Қарши – 2022 й 77-81 б.
6. Matematika soxasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy-tadqiqotlarni rivojlantirish chora tabirlari to'g'risida. O'zbekiston Respublikasi prezidentining PK-4708-son 07.05.2020 Qarori.
7. Yo'ldoshev J.T. Masalalar yechish bo'yicha praktikum (Masalalar orqali divergent tafakkurni rivojlantirish usullari). O'quv qo'llanma. Qarshi davlat universiteti, “Fan va ta'lim” nashriyoti. 2021.–116 b.
8. Yo'ldoshev J.T. Boshlang'ich sinf matematika fanida foydalaniladigan asosiy qoidalar. Uslubiy qo'llanma. Qarshi davlat universiteti, Fan va ta'lim nashriyoti. 2020. 01. 21.
9. Yo'ldoshev J.T. Kombinatorik masalalarni bir necha xil usullarda yechishni o'rgatish metodlari. Mug'allim hem uzliksiz bilimlendirio'. Ilimiy metodikaliq jurnal. Nekis. 2. 2021 jil.
10. Yo'ldoshev J.T. Matematika ta'limida nostandart usullardan foydalanishning o'ziga xosligi. Fan, taraqqiyot va yoshlar mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Qarshi davlat universiteti, 2019 yil.
11. Yo'ldoshev J.T. Boshlang'ich sinflarda matematika fanidan sinfdan tashqari ishlarni tashkil etish. Fan, taraqqiyot va yoshlar mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. Qarshi davlat universiteti, 2019 yil.
12. Yo'ldoshev J.T. Matematika darslarida divergent tafakkurni shakllantirish yo'llari. Tahlilning dolzarb muammolari va tadbirlari mavzusidagi Respublika ilmiy konferensiya. Qarshi davlat universiteti, 2019 yil, 4-5 oktabr.

**MINTAQAMIZDA TAJRIBA STANSIYASI VA TAJRIBA MAYDONLARINING
VUJUDGA KELISHI TARIXI
ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ ОПЫТНЫХ СТАНЦИЙ И ОПЫТНЫХ ПОЛЕЙ В
НАШЕЙ ОБЛАСТИ
HISTORY OF THE ESTABLISHMENT OF EXPERIMENTAL STATIONS AND
EXPERIMENTAL FIELDS IN OUR REGION**

Hayitov Jahongir Shodmonovich

tarix fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dosent Buxoro davlat universiteti

Хайтов Жахонгир Шодмонович

доктор философских наук (PhD) по истории, доцент Бухарского государственного университета

Khaitov Jahangir Shodmonovich

Doctor of Philosophy (PhD) in History, Associate Professor, Bukhara State University

<https://orcid.org/0000-0002-6433-7986>

Annotasiya Ushbu maqolada yangi ekin navlarini joriy etish uchun O'zbekistonda tajriba stansiyasi va tajriba maydonlarining tashkil qilinishi hamda ularning faoliyati manbalar asosida tahlil qilingan. Rossiya imperiyasi o'lkamizni istelo qilgandan so'ng va Turkiston general-gubernatorlik boshqaruvi hukm surgan yillarda (1867 – 1917 yy) mintaqada yuritilgan iqtisodiy siyosat zaminida ko'proq foyda olish, o'lka iqlimiy imkoniyatlaridan kelib chiqib, boy xom ashiyo zahiralari yaratish maqsadlari ko'zlangandi. Turkistondagi qulay iqlim, boy flora va fauna, unumdor tuproq, fasllar almashunuvidagi barqarorlik, suv zahiralari va mirishkor dehqon aholi, ananaviy sun'iy sug'orishga asoslangan dehqonchilik, paxtachilik, mevachilik, donchilik, uzumchilik, tamakichilik chorvachilik kabi sohalarni rivojlantirishning bazaviy asoslari mavjudligini ko'rgan mustamlaka hukumati intellektual salohiyatli kishilarni o'lkaga safarbar qildi.

Аннотация В данной статье на основе источников проанализировано создание в Узбекистане опытных станций и опытных полей по интродукции новых сортов сельскохозяйственных культур и их деятельность. После завоевания нашей страны Российской империей и в годы правления Туркестанского генерал-губернаторства (1867 - 1917 гг.) целями экономической политики в регионе стали получение большей прибыли, исходя из климатического потенциала страны, создание богатые сырьевые азиатские запасы. Колониальное правительство, видя, что в Туркестане благоприятный климат, богатая флора и фауна, плодородная почва, устойчивость к смене времен года, запасы воды и зажиточное крестьянское население, основные основы развития таких отраслей, как земледелие на основе традиционного искусственного орошения, хлопководство, плодоводство, зерноводство, виноградарство, табаководство и животноводство, обладали интеллектуальным потенциалом, мобилизовали людей в страну.

Abstract In this article, the establishment of experimental stations and experimental fields in Uzbekistan for the introduction of new crop varieties and their activities are analyzed based on sources. After the conquest of our country by the Russian Empire and in the years of Turkestan general-governor rule (1867 - 1917), the goals of the economic policy in the region were to get more profit, based on the country's climatic potential, to create rich raw Asian reserves. The colonial government, seeing that Turkestan's favorable climate, rich flora and fauna, fertile soil, stability in changing seasons, water reserves and a prosperous peasant population, the basic foundations for the development of fields such as agriculture based on traditional artificial irrigation, cotton growing, fruit growing, grain growing, viticulture, tobacco and livestock breeding, have intellectual potential mobilized people to the country.

Tayanch atamalar: tajriba stansiyasi, tajriba maydoni uchastka, tajribali bog'bon, mevali ko'chat, butasimon ekin, paxta, urug'chilik, fenologiya, xomashyo, tadqiqot, texnika, yangi nav.

Ключевые слова: опытная станция, испытательный полигон, участок, садовник-испытатель, плодовой куст, семеноводство, хлопок, кустарник, фенология, сырье, исследование, техника, новый сорт.

Key words: *experiment field, experiment station, skilled gardener, fruit young tree, bush crop, cotton, seed breeding, phennology, raw material, research, technigke, new crop.*

KIRISH. O‘zbekistonda iqtisodiy islohotlarni jadallashtirish, qishloq xo‘jaligini intensiv asosda yo‘lga qo‘yish, paxtachilik, donchilik, mevachilik, polizchilik va sabzavotchilikda innovasiyalarni qo‘llash davr talabi bo‘lib qolmoqda. Yurtimizdagi iqlimiy imkoniyatlar va geografik muhit dehqonchilik va bog‘dorchilik uchun qulayligi isbot talab qilmaydi. Hozirda ekologik ta’sirlarga bardoshtalab yangi ekin navlari va turlarini yaratish, chidamli o‘simliklarni tanlash o‘ta dolzarblik kasb etmoqda.

“2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi”da: “2016-2020 yillar davomida boshqoli don yetishtirish hajmi 1.195,0 ming, kartoshka 931,0 ming, sabzavotlar 3.002,2 ming, mevalar 648,6 ming va uzum 273,9 ming tonnaga ko‘payadi va bu mamlakatimiz oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashga zamin yaratadi... ilg‘or agrotexnologiya, texnika, mashinalar va sug‘orishning zamonaviy usullarini qo‘llash natijasida ekinlar hosildorligini oshirish ko‘zda tutilgan.”[13.130.]

Mazkur ezgu maqsadlarni amalga oshirishda Respublikada bir qator ilmiy markaz va maxsus institutlar, urug‘chilik va mevachilik tajriba stansiyalari faoliyat yuritmoqda.

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. O‘zbekiston mintaqasi qadimdan o‘zining dehqonchilik madaniyati bilan mashhur bo‘lib, sug‘orma dehqonchilik, irrigasiya tizimlaridan foydalanish masalasi azaldan dolzarb bo‘lib kelgan. Bular haqida avvalo birlamchi manbalarda qimmatli ma‘lumotlar keltiriladi. Mazkur maqolada, O‘zbekiston Milliy arxivi fondlarida saqlanayotgan materiallar, ushbu fondlarda o‘lkada dehqonchilik xo‘jaligini yo‘lga qo‘yilishi xususida qimmatli ma‘lumotlar mavjud. Ayniqsa, “Turkiston to‘plami” sahifalarida XX asr dastlabki o‘n yilliklarida o‘lkaga ko‘chirilgan rusiyzabon aholi bilan birga yangi ekin navlari, xususan manzarali daraxt yangi navlari kirib kelishi haqida boy ma‘lumotlar keltiriladi. Shuningdek, davriy matbuot va geografiya fani tadqiqotchilari tomonidan yaratilgan kitob va risolalarni ham keltirib o‘tish mumkin.

METODLAR. Rossiya imperiyasi o‘lkamizni istelo qilgandan so‘ng va Turkiston general-gubernatorlik boshqaruvi hukm surgan yillarda (1867 – 1917 yy) mintaqada yuritilgan iqtisodiy siyosat zaminida ko‘proq foyda olish, o‘lka iqlimiy imkoniyatlaridan kelib chiqib, boy xom ashiyo zahiralarni yaratish maqsadlari ko‘zlangandi. Maqolani yoritishda ob‘yektivlik, tarixiy, qiyosiy-tarixiy va tarixiy-tahlil usullardan foydalanilgan. Tadqiqotda analiz va sintez, milliy tafakkur me‘yorlari hisobga olingan.

NATIJALAR. Mulohaza. Turkistondagi qulay iqlim, boy flora va fauna, unumdor tuproq, fasllar almashunuvidagi barqarorlik, suv zahiralari va mirishkor dehqon aholi, ananaviy sun‘iy sug‘orishga asoslangan dehqonchilik, paxtachilik, mevachilik, donchilik, uzumchilik, tamakichilik chorvachilik kabi sohalarni rivojlantirishning bazaviy asoslari mavjudligini ko‘rgan mustamlaka hukumati intellektual salohiyatli kishilarni o‘lkaga safarbar qildi. Xorijdan import qilinadigan oziq-ovqat mahsulotlari uchun ketadigan xarajatlar Turkiston hisobidan qisqartirilishi ko‘zda tutilgan edi. O‘lkada sug‘oriladigan yer fondlarini kengaytirish, yangi yerlar hisobidan davlat xazina yer mulklarini vujudga keltirish, gidrotexnika ishlarini kengaytirish asosida kanallar qazilib, qo‘riq yerlarga suv chiqarish, tog‘ va tog‘ oldi hududlarida lalmikor dehqonchilikni takominlashtirish ko‘chmanchi aholini o‘troqlashtirish orqali yangi yaylov va yer fondlarini yaratish va musodara qilish, o‘rmon, cho‘llar ustidan nazorat o‘rnatish, ko‘chkindilarga yangi ekinlarning urug‘lari, mevali daraxtlar ko‘chatlari, uzum navdalarini tarqatish, ularni mahalliy dehqonchilik madaniyati bilan tanishtirish, sun‘iy sug‘orish xo‘jaligi tajribasini o‘rgatish bilan bog‘liq ko‘pdan-ko‘p chora-tadbirlar ko‘rildi. Imperiya hukumatining siyosati talovchilik, zo‘rovonlik, aholini ruslashtirish, o‘lkani xom ashiyo bazasiga va sanoat mollari sotadigan bozorga mumkin qadar tezroq aylantirish kabilarga yo‘naltirilgan bo‘lsa-da, o‘sha davrda dehqonchilik va qishloq xo‘jaligi sohasidagi tajriba va bilimlarga ega bo‘lgan ma‘mur va amaldorlar, tabiatshunos olimlar va agronomlar safarbar qilindi. Qishloq xo‘jaligi sohasi mutaxasislari mahalliy aholiga (ruslarda mahalliy aholi kamsitib tuzemes) nisbatan qanday munosabatda bo‘lishidan qat‘iy-nazar o‘lka tabiati va ob-havosini o‘rganishda, tuproqlar tarkibi va yer unumdorligini oshirishda, yangi ekin navlarini iqlimlashtirishda, o‘g‘itlarni qo‘llash, zamonaviy texnikani xo‘jalik tarmog‘iga olib kirishda, qishloq xo‘jaligi sohasini ilmiy asosda yo‘lga

qo'yish, yangi tarmoqlarni shakllantirish kabilarda samarali ishlarni bajardilar. Turkiston Rossiya markazidan kelgan olimlarga "ochilmagan qo'riq" – dek tadqiqotlar va tajriba maydoniga aylandi. Imperiya Davlat Kengashi va Dehqonchilik vazirligi Turkiston tajriba qishloq xo'jalik stansiyasini qurish takliflarni tasdiqlar ekan, 1896 yil 26 fevralda bu borada qaror qabul qildi. Aslida tajriba stansiyasi barpo etish imkoniyatlarni o'rganish maqsadida 1895 yilda mintaqaga maxsus topshiriq bilan qishloq xo'jaligi fanlari nomzodi, agronom A.I.Shaxnazarov yuborilgandi. Uning zimmasiga tajriba stansiyasi qurishni loyihalashtirish, uning joyini aniqlash, istiqbolda stansiyaga rahbarlik qilish ma'suliyati kabilar yuklandi. Qurilajak tajriba stansiyasi Turkistonda qishloq xo'jalik sanoatini tashkillashtirish markazi bo'lishi kerak edi. [2.29–30.] Tajriba stansiyasi tuzilmasi, unda faoliyat ko'rsatadigan xodimlar, ishchi o'rinlar, ketadigan xarajatlar va maoshlar smetasi kabi masalalarni hal qilishda general – leytenant N.I.Korolkov, agronom A.Shaxnazarov, Turkiston general – gubernatori vazifasini bajarib turgan graf Rostovsev, ma'murlardan V.Yesakov, A.I.Nikolayenko kabilardan iborat maxsus gurux tuzilgandi. [2.90.]

Turkiston tajriba stansiyasini qurish uchun AQSH tajribasi o'rganildi. AQSHda har bir shtatda 4–5 tajriba stansiyalari faoliyat ko'rsatib, dehqonchilik sohasidagi yangiliklar, ekinlarning yangi navlari ushbu stansiyalardan fermer xo'jaliklariga tarqatilganligi, texnika sohasidagi kashfiyotlar ham tezkorlik bilan xo'jalik hayotiga joriy etilganligi, ularda 10/9 qism ishlar texnikada, (Rossiyada 10/1 qism) bajarilayotganligi mamlakat iqtisodiy yuksalayotganligi bilan bog'liq fikrlar matbuotda keng targ'ib qilingandi. [2.30–31]

1895 – 1897 yillar davomida olib borilgan ishlar natijasi sifatida, 1897 yilning kuzida Turkiston general – gubernatorligi markazi Toshkent shahridan 12 chaqirim uzoqlikda Toshkent – Chimkent yo'li yoqasida Turkiston tajriba qishloq xo'jaligi stansiyasi (bundan buyon stansiya) ochildi. Dastlab uni qurilishiga Dehqonchilik vazirligi 3500 rubl ajratdi, keyinchalik binolar barpo etish, yer sotib olish uchun 20.000 rubl mablag' berildi. Tajriba stansiyasi pomeschchik Malkinga tegishli bo'lgan xususiy yer fondlari o'rnida bo'lib, bu yerlar sotib olindi. 66 desyatina yerga ega bo'lgan stansiyaning birinchi boshqaruvchiligiga professor Garnik–Garniskiy tayinlanib, stansiya binosini qurish va anjomlar bilan ta'minlash ishlariga rahbarlik qildi. 1898 yil bahoridan stansiya binosini qurish ishlari boshlandi va 1899 yildan bino foydalanishga topshirildi. [8.450.] Stansiya a'zolari binoga ko'chib o'tgandan so'ng, uning faoliyatida samaradorlik kuchaydi. Ayrim manbalarda 1902 yildan, ayrim manbalarda 1903 yildan boshlab stansiyaga R.R.Shreder rahbarlik qilgan. U Moskva Dehqonchilik instituti assisenti lavozimidan stansiyaga rahbarlikka o'tkazilgan. [8.450; 10.116.] R.R.Shreder o'z maqolalaridan birida: "men stansiyaga 1902 yil dekabrda kelib, 6 yil faoliyat ko'rsatdim" – deb yozgandi. [9.122.] Stansiya asosan uch yo'nalishda faoliyat yuritib: a) dala, b) mevalilik va uzumchilik masalalari ustida shug'ullanish, v) laboratoriya kuzatuvlari olib borib, o'simliklar vegetasiya davrini o'rganish. R.R.Shreder stansiya boshlig'i bo'lib, u bilan birga bog'bon Dilevskiy va ximik V.Negodnovlar; ya'ni uch nafar xodim tajriba ishlarini olib borishgan. Tajriba stansiyasi oldiga quyidagilar qo'yilgan.

- Mintaqada yangi ekin navlarini iqlimlashtirish va joriylashtirish.
- Har bir hududda ekinlarni almashlab ekish samaradorlik darajasini aniqlab, tavsiyalar ishlab chiqish.
- Har bir ekin turini yetishtirishga ketadigan suv sarfini aniqlash.
- Tuproq va tuproq osti jinslari tarkibini o'rganish, tuproqning sun'iy sug'orishga moslashuvchanligini aniqlash.
- Tuproqqa ishlov berish tajriba – sinovlarini o'tkazib, tegishli tavsiyalar ishlab chiqish.
- O'g'itlar tarkibi, ularni har bir ekin naviga qo'llashni tajribadan o'tkazish.
- O'simliklarni almashlab ekish samaradorligi darajasi (asosan paxta)ni aniqlash.
- O'lka ob – havosini o'rganish, doimiy ilmiy – metrologik kuzatuvlar olib borish.
- Fenologik kuzatuvlar olib borish orqali yangi ekinlarni iqlimlashtirish va moslashuvchanligini aniqlash, tajribadan o'tkazish.
- O'lka qishloq xo'jaligiga yangi texnika va mashinalarni, mehnat qurollarni joriy etish.
- Ekinlardagi kasalliklar sabablarini aniqlash, ularni kasalliklardan asrash, davolashning muhim asoslarini yaratish va tajriba – sinovdan o'tkazish.

– Bog’dorchilik va uzumchilik bilan bog’liq tajribalar olib borish.

Tajriba stansiyasi zimmasiga asosan paxta yangi navlarini yaratish, paxtaning Amerika va Misr navlarini iqlimlashtirish orqali, ko’p foizda sifatli tola beradigan, uzun tolali, chanog’idan oson ajraladigan, chanog’idan paxta hajmi og’ir bo’lgan, bir oilali navga kiradigan sifati baland, oq – momiq, iqlimga tez moslashuvchan, Rossiya sanoatida mashina va tikuv dastgohlarida ishlanadigan kabi jihatlar hisobga olinishi kerak edi. Tajriba stansiyasiga dehqonchilik departamenti kuzatuvlar olib borish uchun har yili 4200 rubl mablag’ ajratgan. Stansiya yer maydonidan olingan qishloq xo’jaligi mahsulotlarini sotishdan bir yillik daromad 5000 – 6000 rubl bergan. Stansiyaning bir yillik mablag’lari 9,5 – 10 ming rubl atrofida bo’lgan.[5.48–49.] tajriba stansiyasi atrofi sim to’siqlar bilan o’ralgan bo’lib, ma’muriy bino, laboratoriya xonasi, meneral o’g’itlar saqlanadigan ombor, mashina traktor stansiyasi, meva-sabzavotlar omborxonasi, kutibxona kabilardan iborat bo’lgan. Tajriba stansiyasidagi laboratoriya bo’limid alohida xonada kutubxona bo’lib, unda ming nusxadan ortiq qishloq xo’jaligi sohasiga oid adabiyotlar, laboratoriya ishlariga oid fotografiyalar joylashgan.

Tajriba stansiyasida Novo-Aleksandrovskiy qishloq xo’jaligini tugatgan Ippolit Karpovich Negodnov labarant va R.Shreder yordamchi sifatida ishlarni olib borgan. Laboratoriyada chorvaga ozuqabop ekinlardan shabdar (fors bedasi), rus qizil kleveri (rus bedasi) tajriba – sinovdan o’tkazilgan. [6.139.] Shuningdek, paxtaning yangi navlari, urug’larni tanlash, almashlab ekish tajribasi, smorodina va malinaning 14 turi va krijovnik o’simligining 3 turi olma va nokning 300 turi sinovdan o’tkazilgan. [5.51–52; 7.453; 9.123.]

Kuzatish va tajribalar asosida paxtani beda bilan almashlab ekish yaxshi natijalar berishi, bedaga superfosfat mineral o’g’itini qo’llash hosildorlikni oshirishi, gurunchga mahalliy go’ng berish yaxshi natijalarga erishish mumkinligi isbotlandi. Makkajo’xorining sorgo navi, iqlimlashtirildi. Intensiv bog’lar (karlik) yaratish tajribasida ham R.Shreder bir qancha yutuqlarga erishdi.

Tajriba stansiyasida zamonaviy dehqonchilik qurollari va mashinalari bo’limi mavjud edi. Ushbu bo’limda “Rossiya” markasi ostida Erlyanski zavodida zavodida ishlab chiqarilgan seyalka, yerni yumshatadigan diskli kultivator, otga qo’shiladigan, yerni chuqur, tuproqni chappa qilib haydaydigan plug, kosilka, veyalka, har xil turdagi molotilka, barana kabilar ikkita katta texnika saroylarida saqlangan. Tajriba stansiyasi yer maydonlarida yuqoridagi texnikalar asosida ishlov berish mehnat unumdorligini oshirib, ish sifatini ko’tarib, yerga qilinadigan xarajatlarni pasaytirib, rentabellik va sof foydani ko’paytirishga ijobiy ta’sir ko’rsatganligi tajribadan o’tkazilgan. Tajriba stansiyasi yangi texnikani “havaskor bog’bonlar, havaskor paxtakorlar”ga targ’ib qilish yetkazish markazi sifatida muhim rol o’ynagan. Rus va mahalliy dehqonlar o’z yerlarida azot, ammiak, fosfat, superfosfat, yashil o’simlik o’g’itlari qo’llash orqali yuqori hosildorlikka erishganlari manbalarda qayd etilgan. Tajriba stansiyasida meva va sabzavotlarni, paxtani kasallikdan saqlash (qurt, vint, barg qurishi, garmsel urishi va hokazo) uchun dori – darmonlar ustida ham tajriba – sinov ishlari olib borilgan. Mevali daraxtlarga tushadigan 12 turdagi kasalliklar va ularning sabablari aniqlanib, kasalliklar oldini olish ustida samarali tajribalar o’tkazilgan. [2.93; 5.51; 8.451.] Ayniqsa, amerikacha paxta navini iqlimlashtirish, unga meneral o’g’itlar qo’llash bo’yicha ko’p tajribalar o’tkazilganligi duragay paxta navlarini yaratishga e’tibor qaratilganligini ta’kidlash mumkin. Biroq, Rossiya imperiyasida tajriba stansiyalari faoliyati yetarlicha yo’lga qo’yilmaganligi, ular moddiy – texnika bazasi o’jizligi, davlat tomonidan ajratilayotgan mablag’ va e’tibor pastligi, xodimlar maoshi quyiligi, ajratilgan yer maydonlari ozligi haqida R.R.Shreder o’z maqolalarida tanqidiy fikrlar bildirib o’tadi. Jumladan, AQSHda 1905 yilda 56 ta tajriba stansiyasi faoliyat yuritib, ularda jahonshumul tajriba – laboratoriya ishlari olib borilgan. Turkistonga bir necha bor tashrif buyurgan, yangi ekin urug’lari va mevali daraxt ko’chatlarini AQSHga olib ketgan, Shrederning do’sti amerikalik olim professor Ganzen ma’lumoticha u rahbarlik qilgan Dakota shtatidagi Buriklin tajriba stansiyasiga har yili 50.000 dollar mablag’ ajratilgan, stansiya 600 akr yerini ijaraga berib qo’shimcha daromad olgan. Bunday moddiy imkoniyat bilan intensev natijalarga erishish mumkinligi qayd etiladi. [9.125.] Turkistonda qishloq xo’jaligi sohasida tajriba ishlarini keng miqiyosda yo’lga qo’yish uchun (ayniqsa lalmikor, qoqlama dehqonchilik) tajriba stansiyasi bilan birga tajriba maydonlari va tajriba – sinov uchastkalari tashkil etish choralari ko’rildi. 1906 – 1908 yillarda bir qator tajriba maydonlari va tajriba – sinov uchastkalari qurildi. Jumladan, Dasht cho’l va Andijon tajriba maydonlari tashkil etilib, ularga yer

maydonlari ajratildi. Dasht cho'l tajriba maydoniga 200 desyatina, Andijon tajriba maydoniga 27 desyatina yer berilgan. Kushka, Ashxobod, Jizzax, O'ratepa, Juvali, Ko'gart, Kopal kabi tajriba maydonlari tashkil etilib, ular Kaspiyorti, Yettisuv, Samarqand, Farg'ona, Sirdaryo viloyatlarida dehqonchilik sohasini rivojlantirishga yo'naltirildi. Har bir viloyatda bittadan tajriba stansiyasi va uchastkasi (5 ta tajriba maydoni va 5 ta tajriba uchastkasi) tashkil etilib, ularga 5 tadan ishchi o'rni ajratildi. Ushbu muassalarni shakllantirish uchun 93.900 rubl mablag' ajratildi, beriladigan bir yillik mablag' o'rtacha 41.700 rubl miqdorida belgilandi. Zemstvo kassalaridan namunali uchastkalarga taqdim etiladigan mablag' 15.000 rubl qilib belgilab qo'yildi. [10.232–233.]

1907 yilning 12 – 13 dekabr kunlari Toshkentda Turkiston agronomlari s'zdi (qurultoyi) bo'lib, uning ishida Turkiston tajriba qishloq xo'jalik stansiyasi boshlig'i R.R.Shreder, Turkiston Dehqonchilik bo'limi boshqaruvi chinovniklari S.N.Ponyatovskiy, N.N.Aleksandrov, Andijon tajriba maydoni boshqaruvchisi M.M.Bushev, "havoskor bog'bonlar" tajriba xo'jaliklari egalari bo'lgan Plesnevich, S.Y.Berdinlar qatnashgan.

Agronomlar s'yezdida tajriba stansiyasida iqlimlashtirilgan meva va sabzavotlarning yangi navlari, chorvaga ozuqabop yangi ekin turlari, texnika vositalari, paxtaning tajribadan o'tkazilgan "King", "Toshkent uplanda" navlari haqida hisobotlar berildi. Dasht cho'l tajriba maydoni boshlig'i M.M.Bushev nutq so'zlab, paxta yerlarini 2 –3 yilda beda va sholi bilan almashlab ekish tajribasi, yerni o'g'itlashda 2 – 3 yilda yangi o'g'itlar bilan almashlab turish kutilgan natijani berishi haqida fikr bildirdi. Shuningdek, Dasht cho'l tajriba maydonida ko'k chigit, malla chigit, qora chigit va King paxta urug'lari tajribadan o'tkazilganligi qayd etib o'tdi. Andijon paxta tajriba maydoni V.I.Shaxnazarov "King", "Onc Boll" (chet el navlari), ko'k chigit, qora chigit, malla chigit sinovdan o'tkazilganligi, yangi paxta navlarini 7 – 8 yil davomida uzluksiz qayta – qayta tajriba – sinovdan o'tkazish kerakligi haqida ma'lumot berdi. R.R.Shreder raisligida o'tgan ushbu qurultoyda N.K.Negodnov Onc Boll, Allenlog, Starie, Mamont, Texass, Burr va Criffin kabi AQSH va Kanada paxta navlarini tajriba stansiya va maydonlarida sinab ko'rish taklifini kiritdi. [1.136–141.]

Turkiston mintaqasida tajriba stansiyasi, tajriba maydonlari va tajriba uchastkalaridan tashqari "Turkiston qishloq xo'jaligi sanoat harakati birodarligi" (1898 yilda tashkil topgan) tashkiloti (TSQXHB), "Rossiya imperiyasi mevalilik jamiyati Turkiston bo'limi", "Tabiatshunoslar jamiyati", "Havaskor meva sanoatchilari uyushmasi", bir qator to'garak, yacheyka, "Koperativ birodarlik", "Meva ishlab chiqaruvchilar manfaatini himoya qilish", ko'ngilli jamiyatlari "Dehqonchilik kulublari" faoliyat yuritgan. Toshkentdagi qishloq xo'jaligi gidrotexniklar maktabi, qishloq xo'jalik bilim yurtlari faoliyati ham tajriba stansiyasi bilan bog'liq edi. [13.15.]

TSQXHB uyushmasi ixtiyorida 129 desyatina yer maydoni bo'lib, ularga asosan mevali va manzarali daraxtlarning yuz minglab ko'chatlari o'tqazilgan. Uyushma bog'bon agronomlaridan biri V.I.Turbachyovni Kaliforniya (AQSH) ga tajriba o'rganish, yangi meva ko'chatlari va urug'larini olib kelish uchun yubordi. Bu tashkilot mutaxassis G.Lobteni meva yetishtirish, meva savdosi va eksporti sohasida tajriba o'rganish, maslahatlari berish, yarmarkalar uchun bozorbop yangi meva navlarini tanlash, sotish uchun qadoqlash sohasida tavsiyalar berish maqsadida Turkistonga taklif etdi. "Havaskor bog'bon"lardan Plesnevich 26 desyatina xususiy yer maydonida 160 nav olma va nok ko'chatini mahalliy iqlim sharoitida sinovdan o'tkazdi. S.Y.Berdin ham V.A.Plesnevich va Pobelyanskiylar bilan birga Sank-Peterburkdagi 1907 yil 29 sentyabr – 7 oktyabrda bo'lib o'tgan III vystavka yarmarkasida o'z bog'ida iqlimlashtirilgan yangi mevali ko'chatlarni namoyish etdi. [6.212–213.]

Shuningdek, yangi ekin navlarini yaratish bo'yicha maxsus fermer xo'jaliklari ham tashkil etildi. Ularda asosan paxta yangi navlarini joriy etish, mineral o'g'itlar qo'llash bo'yicha turli usullar ishlab chiqildi. Toshkent yaqinidagi va Andijon paxta fermer xo'jaliklarida yangi paxta navlari sinovdan o'tdi. 1890 yillarda Toshkentdagi tajriba markaziga aylangan fermada N.Rayevskiy (1812 yil Napoleon urushidagi qahramon general Rayevskining naberasi) paxtachilik bo'yicha tadqiqotlar olib bordi. [11.89.] Yoxud 1870 – 1917 yillarda Farg'onada G.B.Ottendorf maxsus ko'chatxona (pitomnik) tashkil etdi. Ushbu ko'chatxonada yuzlab ekinlarning yangi navlari iqlimlashtirildi.

Xulosa va tavsiyalar. XIX asr oxiri – XX asr boshlarida Turkiston tajrida qishloq xo'jaligi stansiyasi Dasht cho'l va Andijon tajriba maydonlari, boshqa o'nlab tajriba maydonlari va uchastkalari,

xususiy ferma va uyushmalar faoliyati o'lkada dehqonchilik madaniyati rivojida muhim rol o'ynadilar. Biroq, qishloq xo'jaligi yo'nalishida ish olib borgan davlat ixtiyoridagi stansiya, maydon, uchastkalar bilan xususiy jamiyatlar va jamoatchilik asosidagi tashkilotlar faoliyatini muvofiqlashtirishga erishib bo'lmadi. Shuningdek, amalga oshirilgan ishlar, qo'lga kiritilgan natijalar zaminida mustamlakachilik siyosatini mustahkamlash o'lkadagi xom-ashiyo zahiralari va boyliklarini metropoliya manfaatiga bo'ysindirish bo'lgandi.

Faydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Агрономический съезд в Ташкенте//Туркестанский сборник. Том 500. – С.136–141.
2. Местное обизрение (проект сельско – хозяйственной станции в г. Ташкенте)//Туркестанский сборник. Том 522. – С.29–34; 89–98.
3. М.А. Сельско – хозяйственно – гидротехническая школа в Ташкенте//Туркестанский сборник. Том 507. – С.14–15.
4. Постановления комиссий по вопросам сухого земледелия// Туркестанский сборник. Том 536. – С.231–236.
5. Прошины Л. Тимаев К. Экскурсия на сельско – хозяйственную опытную станции//Туркестанский сборник. Том 506. – С.46–53.
6. Пашкевич В. Туркестанские плоды на Санкт–Петербургской выставке – ярмарке//Туркестанский сборник. Том 500. – С.212–218.
7. Шахназаров А.И. 1908. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – С. – Петербург.– 512стр.
8. Шахназаров А.И. 1898. Очерк сельского хозяйства Туркестанского края. – С.Петербург. – 152 стр.
9. Шредер Р. Туркестанская сельскохозяйственная опытная станция//Туркестанский сборник. Том 495. – С.122–125.
10. Гафуров Ш. 2006. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари). Т.: Fan; - 223 bet.
11. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Том 10. – С.116.
12. P-2284-fond – R.R.Shrederning shaxsiy fondi.
13. 2017. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича махсус илмий-услубий рисола. –Т.: Ma'naviyat; – 244 bet.

**XX АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА МАҲАЛЛИЙ ЗИЁЛИЛАРНИНГ МИЛЛИЙ
МАОРИФНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИ
(ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АРХИВИ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)**

**ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕСТНОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ В ОБЛАСТИ ПОВЫШЕНИЯ
НАЦИОНАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ И ДУХОВНОСТИ В ТУРКЕСТАНЕ В НАЧАЛЕ
XX ВЕКА (ПО МАТЕРИАЛАМ НАЦИОНАЛЬНОГО АРХИВА УЗБЕКИСТАНА)
ACTIVITIES OF LOCAL INTELLECTUALS IN THE FIELD OF RAISING NATIONAL
EDUCATION AND SPIRITUALITY IN TURKESTAN AT THE BEGINNING OF THE
20TH CENTURY (BASED ON THE MATERIALS OF THE NATIONAL ARCHIVES OF
UZBEKISTAN)**

Ҳайитов Шодмон Аҳмадович

Тарих фанлари доктори, профессор Бухоро давлат университети

Хаитов Шодмон Ахмадович

доктор исторических наук, профессор, Бухарский государственный университет

Hayitov Shodmon Ahmadovich

Doctor of History, Professor, Bukhara State University

<https://orcid.org/0000-0003-0547-9455>

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Миллий Архиви маълумотлари асосида Туркистонда XX аср бошларида маҳаллий зиёлиларнинг миллий маорифни юксалтириши ва маънавият соҳасидаги фаолиятлари илмий асосда талқин этилган. XX аср бошларида Туркистонда маҳаллий зиёлиларнинг миллий маорифни юксалтириши ва маънавият соҳасидаги фаолияти масаласи доимо долзарб бўлиб келган. Бу ҳақида аввало бирламчи манбаларда қимматли маълумотлар келтирилади. Хусусан мазкур мақолада, Ўзбекистон Миллий архиви фондларида сақланаётган материаллар, ушбу фондларда ўлкада XX аср бошларида амалга оширилган маориф ислохотлари, маънавиятни тўғри йўлга қўйилиши хусусида қимматли маълумотлар мавжуд. Шунингдек, Даврий матбуот саҳифаларида XX аср дастлабки ўн йилликларида ўлкадаги маънавий ўзгаришлар ҳақида бой маълумотлар келтирилади.

Аннотация

В данной статье на основе сведений Национального архива Узбекистана на научной основе осмысливается деятельность местной интеллигенции в области поднятия национального образования и духовности в Туркестане в начале XX века. В начале XX века в Туркестане всегда был актуален вопрос о деятельности местной интеллигенции в сфере повышения национальной образованности и духовности. Ценные сведения об этом даются сначала в первоисточниках. В частности, в данной статье содержатся ценные сведения о материалах, хранящихся в фондах Национального архива Узбекистана, реформах образования, осуществленных в стране в начале XX века, правильном осуществлении духовности. Также страницы периодической печати содержат богатую информацию о духовных изменениях в стране в первые десятилетия XX века.

Abstract

In this article, based on the information of the National Archives of Uzbekistan, the activities of local intellectuals in the field of raising national education and spirituality in Turkestan at the beginning of the 20th century are interpreted on a scientific basis. At the beginning of the 20th century in Turkestan, the issue of the activities of local intellectuals in the field of raising national education and spirituality has always been relevant. Valuable information about this is given first in primary sources. In particular, this article contains valuable information about the materials stored in the funds of the National Archives of Uzbekistan, the educational reforms implemented in the country at the beginning of the 20th century, and the correct implementation of spirituality. Also, the pages of the periodical press contain rich information about the spiritual changes in the country in the first decades of the 20th century.

Таянч атамалар: *Маориф, мактаб, Кўмак, Умид, газета, тарғибот, янги усул, пантуркист, панисломист, мадраса, дума, мударрис, мактабдор, уюшма, ўқув қўлланма, нашр, муаллим, мусулмон.*

Ключевые слова: *Просвещение, школа, Помощь, Надежда, газета, пропаганда, новый метод, пантуркистский, панисламистский, медресе, дума, мударрис, школьный учитель, объединение, учебное пособие, издание, учитель, мусульманин.*

Key words: *Education, school, Help, Hope, newspaper, propaganda, new method, pan-Turkist, pan-Islamist, madrasa, дума, mudarris, schoolmaster, association, study guide, publication, teacher, Muslim.*

КИРИШ. Маълумки, XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон ўлкасида жадид мунавварлари ва тараққийпарварлар аҳолининг миллий онгини уйғотиш, халқни саводини чиқариш, китобхонликка даъват этиш, ўлка ва дунё ҳақида кишиларимизда тасаввурларни кенгайтириш борасида кўп куч сарфлаганлар. Ўзбекистон Миллий Архиви фондларида ушбу хайрли ишлар ҳақида маълумот берувчи бир қатор ҳужжатлар сақланган. Айниқса, Мунавварқори Абдурашидхонов (1878-1931) ва унинг маслақдошлари ва сафдошлари фаолиятдан архив манбалари орқали бой маълумотлар олиш мумкин.

МЕТОДЛАР. Мазкур мақолани расмийлаштиришда тарихийлик тамоили, қиёсий ва тизимли таҳлил методидан фойдаланилган бўлиб, мақоланинг манбавий асосини архив материаллари ташкил этади. Тадқиқотда анализ ва синтез, миллий тафаккур меъёрлари ҳисобга олинган.

НАТИЖАЛАР. Мулоҳаза. Мунавварқори Абдурашидхонов ва унинг “Кўмак” ташкилоти (1909-1923) ҳақида Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторлигига тегишли архив фондида кўпгина маълумотлар сақланган. Шундай маълумотлардан бирида: “Мунавварқори Абдурашидхонов Тошкентнинг Эски шаҳар қисмига қарашли Дархон маҳалласида истиқомат қилади. У 1904 йилда “Умид” (“Надежда”) тўғараги раҳбари бўлган ва ўз атрофига миллатчи ёшларни тўплаган. Маҳаллий халқ болаларига билим бериш мақсадида 11 та янги усул мактаблари очди. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида, аҳоли орасида маърифатга чорловчи тарғиботлар олиб борди. 1907 йилда Қўқонда босилган “Хуршид” газетасига муҳаррирлик қилган” [1.] – деб қайд этилган. Бу ўринда Мунавварқорининг маорифчилик ва журналистик фаолияти XX аср бошларида авж олганлиги, бу эса Россия империяси ҳукумати ташвишга солганлигидан воқиф бўламиз. Рус маъмурлари Мунавварқорининг “Умид биродарлиги” ва “Кўмак” ташкилотлари орқали ёшларни Туркия (Усманийлар салтанати) пойтахти Константинополь (Истанбул)га ўқиш учун юборганлиги, улар хориждан “панисломист”, “пантуркист” бўлиб қайтаётганлиги ҳақида ташвиш билан бир-бирларига мактублар, махфий билдиришлар йўллаганлар. Улар 1910 йиллардаёқ Мунавварқорини “хавфли кишилар” ва “қора рўйхат”га киритганликлари аён бўлади. Юқоридаги фикрни 1912 йил 22 майда Мунавварқори Абдурашидхонов Сирдарё ҳарбий губернаторига ўз илтимосномасини ёзиб, унда: “Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида ўз номи билан китоб савдоси уюшмаси очиш, шу асосда китоб магазини ташкил этиб, мусулмон ва рус-тузем мактаблари ўқувчилари учун ўқув қўлланма ва дарсликлар сотишга рухсат беришни сўраган. Мазкур магазинда таъқиқланган китоблар сотилмаслиги, магазин очиш учун 1,5 рубль герб солиғини тўлашга тайёрлигини билдирган. Ушбу илтимоснома ҳукумрон доиралар ўртасида узоқ муҳокама қилинган, Мунавварқорининг қайта-қайта қилган бу борадаги хатлари ва мурожаатлари жавобсиз қолдирилган. [2.] Ниҳоят, 1912 йилнинг охирида Тошкент Эски шаҳар (туземецлар қисми) қисми полицмейстри ўз хатида Мунавварқорига ҳарбий губернатор китоб магазини очишга рухсат бермаганлигини расман маълум қилган. [3.]

Айнан, 1912-1915 йилларда маҳаллий ва Европа миллати вакиллари рус маъмуриятидан китоб магазинларини очиш учун кўп бор мурожаат қилганликлари билан боғлиқ фуқароларнинг хатлари ва мурожаатлари сақланган. Жумладан, рус миллати вакили Георгий Каробковга 1912 йил 25 мартда Тошкентнинг янги шаҳрида китоб савдоси магазини очишга рухсат берилган. 1913 йил 12 апрелда Тошкент шаҳар Шайхонтохур қисми Зангинлик маҳалласида яшовчи Муҳаммадхон Пошшоҳўжаевга “Мактаб” китоб фирмаси базасида

мусулмон ва рус китоблари сотиш, канцелария буюмлари сотадиган магазин очишга рухсат берилган. [4.] Ушбу магазинлар империя маъмурларининг қатъий цензура назорати остида бўлган. Қаттиқ назорат ва кузатувга қарамай Туркистон ўлкасининг турли шаҳарларида фаолият юритган китоб тарқатиш уюшмалари ва магазинлари яширин равишда аҳолига миллий туйғу ва миллий ўзликни англашга хизмат қиладиган, хориждан келтирилган китоб ҳамда газеталарни сотишганди. 1910 йилларда Қўқоннинг Эски шаҳар қисмида жойлашган Исҳоқ Шарипов китоб магазини ва уни Янги Қўқондаги китоб киоскасида Константинополь (Истанбул)дан ҳафталик газета “Истанбул янгиликлари” (турк тилида) яширин ҳолда келиб турган. Шу сабабли “Туркистон район қўриқлаш бўлими” (Охранка) идораси айғоқчиларидан бири Исҳоқ Шарипов магазини ва киоскаси ишончсиз” – деб маълумот берганди. [5.] Шунингдек, 1910 йилда бир гуруҳ миллий зиёлилар Тошкент шаҳрида “Саодат” номи билан китоб нашриёти бўлимини очишган. Унда бир қатор прогрессив фикрли ёшлар бирлашиб, улар ўз ташкилотини “Умид” деб номлашганди. “Умид” аъзолари нашриётда миллий ўзликни англаш тарғиботида Туркия ва Туркистон шаҳарларида босилган китобларни аҳоли орасида тарқатиш каби вазифалар билан шуғулланишган. Тошкент шаҳрида “Умид”нинг бир қатор магазинлари, китоб сақлаш омбори ҳам бўлган. Нашриёт филиаллари Оренбург губерниясига қарашли Троицк шаҳрида ва Сибирнинг Тюмень шаҳрида ҳам бўлган. [6.] 1910-1914 йилларда Туркистонда тараққийпарварлар маорифчилик, мактабчилик ҳаракатида фаол бўлганлиги архив ҳужжатларидан ўрин олган. Айниқса, “Кўмак” жамияти аъзолари бу йўналишда олдинги сафларда бўлишгани аён бўлади. “Кўмак” жамиятининг аъзоси, асли Сибирь губерниясидан бўлган Мулло Ҳошим 1909 йилда дўсти Мулла Олим Қосимов билан янги усул мактаби очган. Улар бир йил ўтиб, Макка ва Мадина ҳажига жўнашган, бироқ Туркистонга қайтишмаган” – деб маълумот берилади архив ҳужжатида. Иккинчи бир манбада эса, “Кўмак” жамияти хазиначиси, янги усул мактабларидан бирининг таъсисчиси Аҳмаджон Бектемиров “Шухрат” ва “Осиё” газеталари таъсисчиларидан бири ҳам ҳисобланади” [7.] деб қайд этилган.

Туркистон махфий хизмати (Охранка) маълумотида, Туркистондаги мактабчилик ва маорифчилик ҳаракати Усмонийлар салтанати (Туркия)даги “Иттиҳод ва Тараққий” (“Бирлик ва Тараққиёт”) ташкилоти ва татар маърифатпарвари И.Ғаспирали (1851-1914) фаолияти билан боғлиқ. Россиядаги татар муаллимлари Туркистонда асосий ўрин ва мавқега эга бўлишган. Татар муаллими А.Мақсудов 1910-1911 йилларда Бухоро шаҳрида бўлиб, бу шаҳарда 16 та нўғай (татар) мактаби борлигини қайд этган. У Бухородан Қўқон шаҳрига ўтиб, бу шаҳарда 60 нафар миллатпарвар ёшлар ҳатто, ягона мактаб ёхуд бирор бир уюшмага ҳам бирлашмаганликлари афсус билдирган. [8.]

Тошкентдаги “Кўмак” уюшмаси аъзоси Тўлаган қори Каттабоев (Шайхонтоҳур даҳаси Дархон маҳалласидан) Ҳасхон мадрасасида 70-80 нафар илму-толибларга таҳсил берган. Мударрис Тўлаган қори ҳамкасби Абдувоҳит Қориев билан Макка ва Мадинага ҳаж сафарида бўлиб, ватанга қайтишда Истанбул (Туркия) ва Қоҳира (Миср) дан илму-толибларга дарслик ва ўқув қўлланмалар, газета ва журналлар олиб келишган. [9.] Ушбу китоб ва матбуот органлари мадраса талабалари миллий онгини ўсишига хизмат қилган. Туркистондаги миллий уюшмаларнинг аъзолари тараққийпарварлар Россия империясидаги мусулмон жамоаларига ҳам ўқув қўлланма ҳамда миллий тилдаги матбуот намуналари етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатганлар. 1910 йил 3 февралда рус айғоқчилиги махфий маълумотида: “Тошкент масчитларидан бирининг имоми Маҳмуд Мулла Ахтамов ва илғор фикрли савдогар Тожи Исамуҳамедовлар Санкт-Петербургда мусулмон жамоалари учун ўқув қўлланмалари, газеталар билан амалий ёрдам бериш учун жўнаб кетганликлари Петербург полиция департаментига хабар қилинади. [10.]

Туркистонда татарлар томонидан мактаблар, маориф муассасалари очишга алоҳида эътибор қаратилгани ҳужжатлардан намоён бўлади. 1910 йил 14 октябрда Тошкентда мусулмонларнинг 50 кишидан ортиқ вакиллари қатнашган махсус йиғилиш бўлган. Мажлисида мусулмонлар орасида халқ таълими, мусулмонлар дам олиши ва байрамлари комиссияси тузилиб, унга Али Асқар Ҳусайнович Сутюшев раис қилиб сайланган. Домулла Мавдуд

Ахтамов мусулмон болаларига диний, дунёвий билимлар бериш ва таълимни ўз она тилларида бўлиши қарорини қабул қилинишига эришган. [11.]

Бухоро амирлигида янги усул мактабларидаги таълим- тарбия амирликда XIX аср охирида вужудга келган. Янги мактабларга усули –савтия, тадрижия (ривожланувчи товуш усули) деб ном берилган. Исмоилбек Ғаспирали (1851-1914) таклиф қилган усулда мактаб ташкил этган ва газета нашр қилган ёшлар "жадидлар" деб атала бошланган. Бошқача айтганда, мусулмонлар жамиятини замонавий алоқа воситалари ва мулоқотнинг янги шаклларида фойдаланиш орқали ислох қилишга уринувчи шахслар "жадидлар" деб аталган. Аммо, улар ўзларини жадид - деб атамас эдилар. Кўпинча улар ўзларини тараққийпарварлар, мунавварлар ва кейинчалик ёшлар деб аташган. "Жадид" атамаси арабчадан олинган бўлиб, "янги", янгилик тарафдори-деган маънони билдиради. Улар томонидан ташкил этилган мактаблар ҳам янги усул ёки жадид (усули жадида) мактаблари деб ном олган.

Анъанавий мактабдаги ўқитиш усули ёд олиш, яъни ҳарфлар ва матнларни ўқитувчидан олиб олиб қайта такрорлаш усулига асосланган бўлиб, унда савод чиқариш қийин кечарди.

И.Ғаспирали илгари сурган савтия, янги усул, яъни товуш усули ҳарфларни товуш чиқариб ўқиш тартиби эса осон ва тез савод чиқариш имконини берар эди. Шу сабабли бу янги таълим тизими усули савтия (товуш усули), усули жадид (янги усул) номларини олган эди. Янги усулда ўқиш ва ёзиш баробар ўргатилганлиги, айниқса, муҳим эди.

Исмоилбек Ғаспирали Туркистонда янги усул мактаблари ташкил қилиниши, янги усул афзалликлари ҳақида Туркистон генерал-губернатори Н.О.Розенбахга (1884-1889) йилларда Туркистон генерал-губернатори мансабида жўнатган мактубида рад жавобини олади. Шундан кейин у Бухоро амири Абдулахадхонга мурожаат этиб, янги усулдаги мактаблар очишга изн сўрайди. Амир Абдулахадхон (хукмронлик даври: 1885-1910) 1893 йилнинг бошида Боғчасаройда И.Ғаспирали билан танишиб ўзаро узоқ мулоқотдан сўнг уни Бухорога таклиф этади. 1893 йил май ойида И.Ғаспирали Бухорога ташриф буюради. 1883 йил 12 октябрда И.Ғаспирали "Таржумон" газетасига асос солган. Амир Абдулахад унинг ўқувчиларидан ва обуначиларидан бири эди. 1884 йилдан газетанинг Туркистонда 320 та обуначиси бўлган.[10.]

Амирнинг Шахрисабздаги ёзги қароргоҳида бўлиб ўтган суҳбат чоғида (1894) И.Ғаспирали фикрларига кескин қаршилик билдирилмаса-да, уларни амалга татбиқ этиш осон кечмади. Бунинг асосий сабаби Бухоро амири Россия империяси ҳукуматидан изн олмай туриб, бирор масалани шахсан ҳал этиш эркидан маҳрум эди.

Бухорода илк бор янги усул мактабларининг ташкил этилиши тахминан 1900-1903 йиллар оралиғига тўғри келади. Айнан шу йилларда татар ўқитувчилари томонидан илк янги усул мактаблари очилганди. 1900 йилида Бухорода Пирмаст туманидаги Пўстиндўзон қишлоғидан бўлган Мулла Жўрабой томонидан амир Абдулахадхон рухсати билан янги усул мактаблари очилади, аммо орадан уч ой ўтгач, унинг фаолияти тўхтатилиб, муаллимлари қувғинга учрайди. Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухорода бу пайтда мавжуд бўлган янги усулдаги татар мактаби татар тилида бўлганлигидан Бухоролик болалар катнаши оғир эди. Шу сабабли маҳаллий тараққийпарварлар ўзлари янги усул мактаби очиш ҳаракатга тушдилар. Бу мактабларда миллий жадидлар билан биргаликда татар миллатига мансуб муаллимлар ҳам дарс берардилар.

Янги Бухоро (Когон)да-ҳам янги усул мактаби татар муаллимлари томонидан очилиб, унга жойни амир ҳукуматининг ўзи кўрсатиб берган эди. Дастлаб унда татар муаллимлар, кейинчалик эса маҳаллий муаллимлар дарс беради. Бу мактаб учун ҳукумат 20 минг рубль (сум) инъом этади. У бир неча бор ёпилиб, яна фаолият курсатган.

Бухорода илк маҳаллий янги усул мактаблари 1903-1904 йиллардан очила бошланган. 1903 йилга келиб Бухорода 6 та янги усул мактаби ташкил этилган эди.

1908 йилда Бухоро амирлигига И.Ғаспиринский мактаб ислохоти масалалари юзасидан ташриф буюради. Бухорода у илғор фикрли татар зиёлиларидан Собитов билан учрашган. И.Ғаспирали муаллим Низом Собитовга янги усул мактаблари учун ўзи ёзган (кейинчалик 27 марта қайта-қайта нашр этилган) "Хўжаи Сибиён" ("Болалар муаллими") номли биринчи дарслик асосида иш бошлашни тавсия этади. Ушбу дарсликда фойдали маслаҳатлар, ҳикоялар

берилган эди. Собитов татар болаларини ёш хусусиятларига қараб синфларга бўлади. Ўртача бир кунда 5 соат дарс, ҳар бир дарсдан сўнг 10 дақида танаффус жорий қилинади. Биринчи босқичда ўқувчиларга ҳарфлар ўргатилади, ўқувчи бир дарсни ўзлаштирмаса, иккинчисига ўтолмасди. Болаларни ёруғ хоналарда, кўргазмали куруллар, глобус ва хариталар орқали ўқитиш йўлга қўйилган. Бу мактаб анъанавий усулдаги мактаблардан нафақат шарт-шароитлари, балки ўқувчилар тезда саводини чиқариши билан ҳам афзал эди. Уларга 10 ойлик тахсилдан сўнг таътил берилган, ҳафта мобайнида жума ва байрам кунлари дам олиш кунлари ҳисобланган.[9.]

Бухородаги Н.Собитовнинг татар мактабини нафақат татар болалари, балки Бухороликларнинг болалари учун ҳам расмийлаштирмокчи бўладилар. Мактабни И.Ғаспиринский шарафига Исмоилия деб номлашга қарор қилинади. Аммо И.Ғаспиринский бунга рози бўлмайди ва мактабни марҳум амир Музаффархон номига бағишлаб Музаффария деб аташни таклиф этади. И.Ғаспиринский амир Абдулахадхон билан учрашиб, мактаб очиш, унинг биноси ва бошқа ташкилий ишлар тўғрисида гаплашиб олади. Бирок Бухоролик мутаассиб уламолар қаршилиги туфайли ушбу мактабни расмийлаштириш иши тўхтаб қолади. Собитовнинг бухоролик болалар ҳам ўқиб турган татар мактаби Ҳомид Бурнашевнинг ҳовлисига кўчирилади ва бир йилга яқин шу тахлитда фаолият курсатади.

Архив ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, рус махфий хизмати миллатпарвар ва маърифатпарвар шахслар ҳатти-ҳаракатидан имкон қадар хабардор бўлиш, уларга тўсқинлик қилиш, зарур бўлганда жазога тортиш чораларини кўришган. Ўнлаб маърифатпарвар шахсларнинг “хавфли” ҳаракати ҳақида хат ва билдиришларда маълумотлар келтирилади. Биргина Мунавварқори Абдурашидхонов ҳақида: “Ушбу шахс айрим инқилобий рус матбуоти билан бирга мусулмон газеталари ва Константинополь (Истанбул) матбуоти билан мунтазам танишиб боради... У маслакдоши Самиғ Қори билан 4 та газета чиқариб, улар орқали аҳолини миллий қўзғалишга даъват этди. У ўз миллий ғояларини турли газеталарда тарғиб қилмоқда. Мунаввар Қорининг бир қатор маслакдошлари Туркияга бориб келди, ўзига ҳам бу мамлакатдан таклифнома келган. Шайхонтоҳур масчити муллasi Абдул Воҳит ҳибсга олинди. Бу мулла ҳибсга олинган мактабдор, “панисломист” ва Мунаввар Қори ҳақида салбий фикр билдирмади”[12.] – деб келтирилади архив ҳужжатида.

Бу каби салбий маълумотлар 1907 йилда яширин типография очиб, ўқув қўлланмалар босган қўқонлик Оға Ризоҳон Қулиҳон хожи Али Асқархонов ҳақида, Қўқон мусулмон кутубхонаси эгаси Оға Муҳаммад тўғрисида 1910 йил 4 сентябрь ва 1910 йил 9 сентябрдаги билдиришномаларда атрофлича баён этилган. [13.]


Россия империяси Давлат думасида Туркистон фракцияси (жаъми: 13 та депутат, 6 та маҳаллий миллат вакиллари, 7 та Европа миллати вакиллари сайланган – Ш.Ҳ.) ўлка халқлари маданий-маърифий ҳуқуқлари учун қатъий кураш олиб бормаган бўлсада, уларнинг айрим вакиллари Туркистон шаҳарларида бўлиб ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлишган. Бирок III, IV-давлат думаларида Туркистон фракцияси аъзоларининг таклифлари деярли инobatга олинмаган. 1910 йил сентябрда Давлат думаси аъзоси, татар миллати вакили Садри Низомович Мақсутов Оренбург, Ашхабод, Бухоро, Самарқанд, Қўқон ва Тошкент шаҳарларида бўлди. У ўлка аҳолисининг иқтисодий ҳолати, маънавий, ижтимоий-психологик ҳолатидан хабардор бўлди. С.Мақсутов маҳаллий аҳоли тилида сўзлашиб “чой устида суҳбат”, рўза-рамазон “ифторлари” да қатнашиб, бозорларда бўлиб мавжуд вазиятдан тўла хабардор бўлди. [14.] С.Н. Мақсутов туркистонликларда миллий онг ва миллий ўзликни англаш туйғулари ўсиб бораётганлигини шахсан эътироф этди.

Хулоса ва тавсиялар. Ўзбекистон Миллий Архивининг бир қатор фондарида XX аср бошларида Туркистонда мактабчилик ва маорифчилик ҳаракати, маънавий юксалишда муҳим босқич юз берганлигини исботлашга хизмат қиладиган бой манбавий маълумотлар мавжуд.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-17-фонд, 1-рўйхат, 16998-йиғма жилд, 149-варақ.
2. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-17-фонд, 1-рўйхат, 16698-йиғма жилд, 150,151,152,153,154,155,156-варақлар.

3. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-17-фонд, 1-рўйхат, 16698-йиғма жилд, 158-варақ.
4. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-17-фонд, 1-рўйхат, 16698-йиғма жилд, 54,70-варақлар.
5. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-йиғма жилд, 36-варақ.
6. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 942-йиғма жилд, 41-варақ, 41-варақнинг орқа томони.
7. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-йиғма жилд, 4,5-варақлар.
8. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-йиғма жилд, 11,39-варақлар.
9. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-йиғма жилд, 13,14-варақлар.
10. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 942-йиғма жилд, 5-варақ.
11. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-йиғма жилд, 46,47,48-варақлар.
12. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-йиғма жилд, 20,21,22,23-варақлар.
13. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-йиғма жилд, 15,16-варақлар.
14. Ўзбекистон Миллий Архиви, И-461-фонд, 1-рўйхат, 948-йиғма жилд, 35-варақ.



ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ДАВЛАТ ИДОРЛАРИНИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ СИЁСАТИ: НАТИЖА ВА МУАММОЛАР

Рашидов Ойбек Расулович
Бухоро давлат университети
Жаҳон тарихи кафедраси
профессори, т.ф.д (DSc)

Аннотация. Маҳаллийлаштириш сиёсатининг янги босқичида уч йиллик режа асосида иш олиб борилиб, соҳада баъзи ижобий ўзгаришлар кузатилди. Совет миллий сиёсатида барча миллатларни “бир-бирига яқинлаштириш ва қўшиб юбориш” режаси асосида давлат идораларини маҳаллийлаштириш ишларининг тўхтатилганлиги таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: мустамлака, депортация, урбанизация, саноатлаштириш, менталитет, тенденция, миллий сиёсат, миллатчи, тоталитар, демография, статистика, миграция.

ПОЛИТИКА КОРЕНИЗАЦИИ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ В УЗБЕКСКОЙ ССР: ИТОГИ И ПРОБЛЕМЫ

Аннотация. На новом этапе проведения политики коренизации работа велась на основе трёхлетнего плана и в этой сфере наблюдались некоторые позитивные преобразования. Был проведён анализ прекращения работ по коренизации государственных учреждений на основе плана советской национальной политики по “сближению и объединению” всех наций.

Ключевые слова: колония, депортация, урбанизация, индустриализация, менталитет, тенденция, национальная политика, националист, тоталитар, демография, статистика, миграция.

THE POLICY OF KORENIZATION OF STATE INSTITUTIONS IN THE UZBEK SSR: RESULTS AND PROBLEMS

Annotation. At the new stage of the implementation of the korenization policy, work was carried out on the basis of a three-year plan and some positive transformations were observed in this area. An analysis was carried out of the termination of work on the korenization of state institutions on the basis of the plan of the Soviet national policy for the “rapprochement and unification” of all nations.

Key words: colony, deportation, urbanization, industrialization, mentality, tendency, national policy, nationalist, totalitar, demography, statistics, migration.

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йилларда ҳукумат олдида маҳаллийлаштириш борасида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш ҳамда мазкур соҳани ижобий томонга йўналтириш каби муҳим вазифалар турар эди. Даставвал давлат идораларида иш юритишни маҳаллий тилларда олиб бориш борасида қатор тадбирлар амалга ошириш лозимлиги белгиланиб олинди. Жумладан, 1926 йил 2 ноябрда Ўзбекистон МИК Президиуми котибияти 60-рақамли буйруғининг 4-моддасида қуйидагича келтирилади: “Иш юргизишни ерлилаштириш, яъни русча ва ўзбекча тилда қўйиш хусусидаги бир неча маротаба такрорланган қарорлар ва текширишларни ташкил этиб, Ўзбекистон ССР МИК бутун шуъбаларга ҳамда марказий ижроия қўмитаси ҳузуридаги комиссиянинг масъул котиблари ушбу кундан эътиборан Марказий ижроия қўмитасидан ўзбекча таржима қилинмаган рус тилидаги ёзишмаларнинг бирор донаси чиқмаслиги таъминлансин. Марказий ижроқўм умумий шуъбасининг дафтари (регистрация)га тегишли бўлган почталар таржима қилинмаган ҳолда маълум қилинмасин”[1]. Мазкур тадбир давлат идораларини маҳаллийлаштириш тизимида фақат иш юритиш билан белгиланиб, бошқарувда маҳаллий ходимларнинг салмоғи масаласи эътибордан четда қолганлигини кўрсатади.

1927 йилда Давлат аппаратини маҳаллийлаштириш комиссияси қайта тузилиб, Сафоев раҳбарлигида “Ўзбеклаштириш марказий комиссияси”га айлантирилди [2]. Давлат идораларини маҳаллийлаштириш масаласи большевиклар миллий сиёсати тарғиботчиси саналган коммунистик партия съездларида ҳам кун тартибига қўйилган. 1927 йил 16-24 ноябрда Самарқандда бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партиясининг III съездида маҳаллийлаштириш масаласи кенг муҳокама қилинган ҳамда “Давлат аппаратини миллийлаштириш ва ерли миллат ишчиларини ишлаб чиқаришга жалб қилиш тўғрисида”ги қарор [3] қабул қилинган. Ўзбекистон ССР Маориф халқ нозирлигининг 1927 йил якунлари ҳисоботида келтирилишича, марказий идораларда иш юритиш асосан рус тилида, камдан-кам икки тилда параллел равишда олиб борилганини кўриш мумкин. Шунингдек, марказий муассаса

девонида икки тилда ёзишмалар техник ёрдамчиларсиз (котиблар) ва таржимонларсиз олиб борилмаганлиги қайд этилган. Бундан ташқари ушбу ҳисоботда муассасанинг марказий бошқармасида ўзбек тилида иш юритиш 10 фоиз, округ бошқармаларида 30 фоиз ва районларга юборилган топшириқлар, қарорлар, буйруқлар, фармойишлар, қўлланма ва бошқа бошқарув характерида оид материаллар ҳаммаси 100 фоиз ўзбек тилида олиб борилаётганлиги келтирилган [4]. 1928 йил 1 январь ҳолатига кўра Ўзбекистон ССР Маориф халқ нозирлиги марказий аппаратида барча ходимлар сони 64 нафар, ундан 18 нафари ўзбек бўлган. Мутахассислар 6 нафар, ундан 1 нафари ўзбек, техник ходимлар сони 27 нафар, ундан ўзбеклар 7 нафар, бошқа хизматчи ходимлар эса 12 нафар ва шундан 1 нафари ўзбек ишчиси бўлганлиги қайд этилган [5].

Ўзбекистон ССР Маориф халқ нозирлиги марказий аппаратидаги юқорида келтирилган ушбу ўзгаришлар ходимларнинг ишдан бўшатилиши ва янги қабул қилиниши билан боғлиқ эди. Масалан, 1927 йил якунига кўра ушбу муассасада европа миллатига мансуб 9 нафар ходим бўшатилиб, уларнинг ўрнига 13 нафари қабул қилинган. Шунингдек, ўзбеклардан 13 нафари бўшатилиб, 15 нафар янги ходим ишга олинган [6].

Муассасаларда амалиёт ўтаб, штатга лойиқ деб топилган тажрибачилар рўйхати ҳақида “Ўзбеклаштириш комиссияси”га мунтазам ҳисобот тақдим этиб борилган. Маориф халқ нозирлигида эса 1927 йилда 1 нафар тажрибачи бўлганлиги ва у штатга лойиқ топилгани келтирилган.

Иш юритишда ўзбек тилининг ўрни белгиланган бўлса-да, таълим ва маориф тизимида сезиларли ўзгариш қилинмади. Бу борада маҳаллий миллат вакилларида бири шундай дейди: “Бизнинг кутубхонамизда ўзбек тилида китоблар йўқ. Биз фақат “Қизил Ўзбекистон” газетасини биламиз. Рус тилида нашр этилган адабиётларни кўпчилик ўзбеклар тушунмайди” [7].

1928 йили Бутуниттифоқ КП МИК вакиллари томонидан амалга оширилган Ўрта Осиёда иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказиш ва муассаса ҳамда ташкилотларни маҳаллийлаштиришни текшириш натижалари тўғрисидаги маърузада Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети

маҳаллийлаштиришда ёмон ибрат бўлаётганлиги келтирилиб, унинг округ ижрокўми билан алоқаларини 90 фоизга (ортиқ даражада) рус тилида олиб бораётганлиги танқид қилинган[8]. Мазкур маърузада Ўзкоммуналбанк, Ўздавлатқурилиш 1927 йилдан параллел иш юритишни амалга оширган бўлса-да 1928 йилда у бекор қилинганлиги, Ўздавлатрежалаштириш, Ўрта Осиё тижорат банки, Автосаноатсавдо (Автопромторг), Кредитбюро ва бошқалар иш юритишни параллел равишда олиб боришни (тўртинчи йил) хаёлига ҳам келтирмаётганлиги таъкидланган. Шунингдек, қатор муассасалар (Ўздавлат наشريёти (УзГИЗ), Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги, Марказий статистика бошқаруви (ЦСУ), Ўзбек давлат савдо, Қишлоқ хўжалик банки) штатида таржимон, ўзбекча машинкалар ва машинисткаларга эга бўла туриб, иш юритишни 90 фоизга рус тилида олиб бораётганлиги келтирилган [9].

Маҳаллийлаштириш комиссиясининг 1928 йил 7 январдаги 1- рақамли мажлис қарорида вилоятлардаги масъул шахсларнинг номлари келтириб ўтилган:

1. Самарқандда –Аҳмадбеков;
2. Тошкентда –Алексеев;
3. Хўжандда –Тўрабеков;
4. Андижонда –Ҳасанов;
5. Фарғонада –Ниёзов;
6. Қашқадарёда –Саламатов;
7. Сирдарёда –Хўжаёров;
8. Бухорода –Мукамилов;
9. Зарафшонда –Эшонов;

Хоразмда –Эшмухаммедов. Улар маҳаллийлаштириш комиссиясининг ҳудудий бўлимлари бошлиқлари ҳисобланган [10].

Давлат идораларини маҳаллийлаштириш сиёсатинингбиринчи босқичи 1923 – 1927 йилларни ўз ичига олиб, бунда асосан иш юритишни маҳаллий тилларга ўтказишга ҳаракат қилиш билан тавсифланади. Бошқарувда миллий кадрлар тайёрлаш ва уларни турли муассасаларга муносиб тарзда жойлаштириш

этибордан четда қолдирилди. 1928 йил бошларида Ўзбекистон ССРда маҳаллийлаштириш ишларини янги босқичга кўтариш масаласи кун тартибига қўйилди.

1928 йил 21 январь куни Ўзбекистон ССР МИК Президиуми Ўзбеклаштириш бўйича комиссиянинг маърузасини тинглаб, қатор муассасаларда ва биринчи навбатда кенг омма билан бевосита боғлиқ муассасалар (округ ижроқўми, туман ижроқўми)да иш юритишни ўзбек тилига тўлиқ ўтказишни ниҳоятда муҳим деб эътироф этди[11]. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қишлоқ советлари ва туман ижроқўмларида иш юритишни ўзбек тилига тўлиқ ўтказиш, аралаш туманларда параллел тарзда олиб борилишини таъминлаш кўрсатилган. Шунингдек, қарорда аҳоли орасида тожиклар кўп бўлган туманларда давлат аппаратини тожиклаштириш талаби ҳам илгари сурилган [12].

1928 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитети ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг “Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида”ги 20-рақамли қўшма қарори қабул қилинди[13]. Ушбу қарор 10 та банддан иборат бўлиб, бунда давлат бошқарувининг барча жабҳаларида иш юритишни ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларда олиб бориш, европа миллатига мансуб ходимларнинг ўзбек тилини ўрганиши учун тўғарақлар очиш ва маҳаллий аҳолидан ишчи кадрларни тайёрлаш каби муҳим масалалар киритилди [14].

Қарорда ходимлар малакасининг етарли эмаслиги, европаликларни мажбурий равишда ўзбек тилига ўргатиш ва уни ўрганишни рағбатлантирувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи илк бор қўйилди. Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексига идораларни маҳаллийлаштириш тўғрисидаги қарорларни бажармаганларни жазоловчи модда киритиш тўғрисида низом илгари сурилди [15]. Мазкур қўшма қарорнинг қабул қилиниши давлат идораларини маҳаллийлаштириш ишини янги босқичга олиб чиқди. Шундан сўнг Ўзбекистон ССРдаги барча нозирликлар ва муассасаларда иш юритишни ўзбек тилида олиб бориш ҳамда маҳаллий миллат вакиллари босқарувга кенг жалб қилиш

борасида маълум ишлар амалга оширилди. Бу борада Ўзбеклаштириш комиссиясининг Самарқанд бўлимидамомонидан 20-рақамли қарор ижроси юзасидан берилган ҳисоботда қуйидагилар келтирилади: “Ўзбеклаштириш тўғрисида ҳукуматнинг 1928 йил февраль ойида чиқарилган қатъий қароридан кейин округ ўзбеклаштириш комиссияси ўзининг режасини ўзгартириб идора ва ишчиларни тўғридан-тўғри туб миллатдан чиққан ишчилар билан тўлдиришга киришди. 3 мартдан 30 апрелгача округ миқёсида идораларга туб миллат халқидан 94 ишчи жойлаштирилди. Бундан ташқари мазкур муддат ичида меҳнат биржаси орқали турли ишларга 117 киши юборилди. Ишга қўйилган 200 дан ортиқ ишчининг ҳаммаси ёшлар ва касаба аъзолари ҳисобланади”[16].

Ўзбекистон ССР МИКнинг 1928 йил февралдаги қарори билан ЎзССР Жиноят кодексининг 155 моддасини қуйидаги қисм билан тўлдириш белгиланди: “Давлат аппарати ва саноатни ўзбеклаштириш масаласида мансабдор шахсларга қонуний жиҳатдан юклатилган вазифаларни бажармаслик, шунингдек, бу вазифаларни бажаришга эътиборсизлик, совуққон ва виждонсизларча муносабатда бўлиш ёки сунъий равишда бундай ҳолатларни юзага келтириш, белгиланган чораларни четлаб ўтиш ҳамда ушбу тадбирларни амалга оширишга тўсқинлик қиладиган турли ҳаракатларга жазо чоралари кўрилади”[17]. Шу тарзда ўзбеклаштириш ишларини самарали ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси ҳам мустаҳкамланиб борилди.

Давлат идораларини маҳаллийлаштириш соҳасида қабул қилинган 20-рақамли қарорнинг бошқа қарорлардан яна бир фарқи шундаки, унинг «г»бандидааҳоли орасида тожиклар кўп бўлган туманларда давлат идораларини тожиклаштириш талаби илк бор илгари сурилди [18]. Хусусан, Ўзбекистон ССРнинг Хўжанд округидаги давлат идораларида иш юритиш 3 та – рус, ўзбек ва тожик тилларида олиб борилиши жорий қилинди [19].

Ўзбекистон ССР МИКнинг 1928 йил 3 апрелдаги мажлиси 32/10-баённомасининг кўчирмасида келтирилишича, икки ҳафта муддатда кўмита марказий аппаратида ўзбек тилини биладиган ходимлар билан тўлдириши лозимлиги белгиланган. Европа миллатига мансуб ходимлар 7 ой давомида ўзбек

тилини ўрганишга мажбур қилиниши ва ундан бош тортганлар ишдан бўшатилиши ҳақида огоҳлантирилган [20].

1928 йил 17 майда бўлиб ўтган ўзбеклаштириш бўйича Марказий комиссия мажлисида Ўзбекистон ССР МИКнинг ҳисоботи эшитилади. Бунда давлат идораларини ўзбеклаштириш ва иш юритишни ўзбек тилига ўтказиш тўғрисидаги 20- рақамли қарор асосида МИКда амалга оширилган ишлар хусусида қуйидагилар таъкидланган: Мазкур қарор қабул қилинишидан олдин Ўзбекистон ССР МИК аппаратида 76 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, ушбу миқдор сақланиб қолган. Миллий таркиб бўйича ўзбеклардан 25 ходим ўрни 30 нафарга етган. Европалик ходимлар 51 нафардан 46 нафарга қисқарган. Ушбу марказий идорада маҳаллий кадрлар салмоғи қарийб 40 фоизга етгани қайд этилган [21].

Ўзбекистон ССР ташкил топган дастлабки йилларда МИК марказий аппаратида ўзбек тилида иш юритиш 15 фоизни ташкил қилган, параллелиш юритиш 45 фоизни ва фақат рус тилида иш юритиш 40 фоизни ташкил қилган. 1928 йил май ҳолатидаги ҳисоботда эса ўзбек тилида иш юритиш 65 фоизни, параллелиш юритиш 35 фоизни ташкил этганлиги қелтирилган [22].

1928 йилнинг 21 майида Ўзбекистон ССР Давлат идораларини ўзбеклаштириш марказий комиссиясининг 74-сонли низоми эълон қилинди[23]. Бу низом маҳаллийлаштириш комиссиясига давлат аппарати ва саноатни ўзбеклаштириш ишини аниқ ва режали бошқариш имконини берди. Комиссия томонидан амалга оширилган амалий иш сифатида МИК ва ХКС топшириқларини ҳақиқатан аниқ ва етарли даражада чуқур бажараётганлигини кўрсатди. Ўзбекистон ССР ташкил этилган дастлабки йилларда давлат идораларида тажрибачи сифатида амалиёт ўтаётган ходимлар европа миллатига мансуб раҳбарлар қаршилигига учрар, ҳуқуқлари поймол бўлар ва уларга маош тўланмасдан камситилар ҳамда штатга лойиқ топилмасдан орқага қайтарилиб юборилар эди. Маҳаллийлаштириш сиёсатининг янги босқичи белгилангандан сўнг бундай ишлар нисбатан тартибга солина бошланди. Жумладан, тажрибачиларга хизмат ҳақи тўлаш хусусидаги маблағни тартибга солиш

масаласи билан Ўзбекистон ССР Меҳнат халқ комиссарлигининг 1928 йил 13 апрелидаги 3/11 қарори қабул қилинди[24]. Қарорга биноан Ўзбекистон жумҳурияти доирасида бўлган бутун давлат кооператив ва бошқа идоралар 1928 йил 1 майдан эътиборан амалиёт ўтаётган тажрибачиларига бериладиган хизмат ҳақиниянги тартиб бўйича тўлашга мажбур қилинганлар. Хизмат ҳақини давлат нормаси бўйича ўтказадиган идора ва муассасаларда ерлик аҳолидан бўлган тажрибачиларга хизмат ҳақи ишни ўргатиш баробарида штат юзасидаги ходимларнинг вазифаларига белгиланган нархдан 20 фоиз кам бериладиган бўлди[25]. Илгари тажрибачиларнинг меҳнати ҳисобга олинмас ва уларга маош тўлаш пайсалга солинарди. Мазкур қарор кучга киргач, тажрибачилар муассасаларда фаолият юритаётган европа ва маҳаллий миллат ишчилари маошидан бироз камроқ маош олиб, иш ўрганиши ҳамда амалиёт ўташи лозим бўлди.

1928 йилнинг декабрида республикадаги барча муассасаларда параллел иш юритишга ўтиш 34 фоизда, марказий аппаратда 19 фоизда ифодаланди. Афсуски, бу пайтда маҳаллийлаштиришдан узоқ бўлган банкларда иш 100 фоиз рус тилида олиб борилди[26]. Қайд этилган санадаги маълумотларга кўра, Ўзбекистон ССРда мавжуд бўлган банкларда маҳаллий кадрларнинг салмоғи қуйидагича бўлган: Осиё банкида 34 нафар ходимдан 2 нафари маҳаллий, Коммунал банкда 51 нафардан 5 нафари маҳаллий, Марказий банкда 22 нафардан 4 нафари ерлик, Давлат банкида 59 нафардан 4 нафари маҳаллий, Қишлоқ хўжалиги банкида 92 ходимдан 17 нафари ерлик, Курилиш банкида 31 ходимдан 2 нафари ерлик, Ўрта Осиё банкида 35 нафар ходимдан 2 нафари маҳаллий кадрлар бўлган [27].

Европа миллатига мансуб ходимларнинг ўзбек тилини ўрганиши учун уларнинг маошига устамалар тўлаш жорий қилинган эди. Бироқ европа миллатига мансуб ходимлар маҳаллий тилларни ўрганишни эътиборсиз қолдирганлар. 1929 йил 10 январда Ўрта Осиё Давлат университети европа миллатига мансуб ходимларининг ўзбек тилини ўрганиш даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбир натижалари қуйидагича эди: рўйхатда биринчи

ўринда Марковин – миллати рус, даражаси профессор, иккинчи ўринда Ильин – миллати рус, катта ўқитувчи, учинчи ўринда Елкин – миллати рус, ассистент лавозимида фаолият юритаётган ходимлар ўзбек тилида гаплашишни, ўқишни, ёзишни ҳамда янги лотин алифбосини билиши сўралганда мутлақо йўқ деб жавоб қайтарган[28]. Русийзабон аҳоли, айниқса, мактаб ўқитувчилари ва талабаларнинг ўзлари яшаб турган республика тилини ўрганишлари расман шарт қилиб қўйилган бўлса-да, лекин бунга амал қилинмади.

Маҳаллийлаштириш сиёсатининг янги босқичида араб имлоси ўрнини лотин ёзуви эгаллади. 1926 йилда Ўзбекистон ССР Советлари Марказий Ижроия Комитетининг IV сессиясида биринчи марта янги ўзбек (лотин) алфавити масаласи муҳокама қилинган эди[29]. Ушбу сессияда лотин алфавити Марказий Комитетини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу комитетнинг ишига ЎзССР Советлари Марказий Ижроия Комитети раиси Й. Охунбобоев раҳбарлик қилди. Айни вақтда маҳаллий ижроия комитетлари ҳузурида ҳам ана шундай комитетлар тузилди. 1927 йилда янги алфавит Бутуниттифоқ Марказий Комитети ҳам ташкил этилди. Янги ўзбек (лотин) алифбоси 1927 йил 28-29 майда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек, қozoқ ва қирғиз жумҳуриятлари вакиллариининг кенгашида қабул қилинган [30].

Янги алфавитни тез фурсатда жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР ҳукумати лотин алифбосини амалга ошириш режасини [31] ишлаб чиқди. Унга биноан мактабларда янги алифбо асосида дарс ўтиш, саводсизликни битириш, ўқитувчиларни тайёрлаш, майда миллатлар орасида ушбу алифбода ишчиларни тайёрлаш, тўғараклар ташкил этиш ва идора ишчиларини ҳозирлаш масалалари белгиланди. Шунингдек, маориф муассасаларида, нотариал ишларда, даврий матбуотда, ноширлик ишларида ҳам лотин имлосининг ўрни белгиланиб, адабиётлар, дарсликлар ва қўлланмалар ушбу ёзувда чиқарилиши қайд этилган [32].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ССР ташкил этилган дастлабки йиларда ҳукумат олдида давлат идораларини ўзбеклаштириш борасида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этиш вазифаси кўндаланг бўлиб турган. Давлат

идораларини маҳаллийлаштириш сиёсатининг янги босқичи европа миллатига мансуб ходимлар учун тўғараклар ва курслар ташкил этилганлиги ва маҳаллий кадрларни тайёрлашда 3 ва 6 ойлик ўқув курслари тизимли ташкил этилганлиги ҳамда баъзи муаммолар бартараф этилганлиги билан характерланди. Шунингдек, муассасаларда амалиёт ўтаётган тажрибачиларга муносабат ижобий томонга ўзгарди. Улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимининг жорий этилиши ҳамда ҳар қандай камситилишларга қонуний жазонинг муқаррарлиги таъминланди. Русийзабон ходимлар учун ўзбек тилини ўрганиши белгиланишига қарамай бу амалда ўзини оқламади. Янги босқичда ҳам молия, банк иши, темирўл ва давлат назорат органларида маҳаллий кадрлар салмоғи илгариги ҳолатни қайд этди. Қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, енгил саноат каби баъзи соҳаларда маҳаллий ходимлар тайёрланди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Миллий архиви (Ўз МА) , Р-86-фонд, 1-рўйхат, 3654-иш, 4-варақ.
2. Норжигитова Н. XX асрнинг 20 – 30 йилларида Ўзбекистонда сиёсий элитанинг миллий таркиби. “Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарих ва ҳозирги замон” мавзусидаги илмий – амалий анжуман материаллари.– Т., 2003. – Б.127.
3. Ўзбекистонда XX асрнинг 20-30 йилларидаги сиёсий ва ижтимоий жараёнлар (Архив ҳужжатлари ва бошқа материаллар асосида). Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи:Қ.К.Ражабов. – Т.:Navro'z, 2014.– Б. 224-238.
4. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5167-иш, 8-варақ.
5. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5167-иш, 9-варақ.
6. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5167-иш, 10-варақ.
7. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5182-иш, 14-варақ.
8. Ўзбекистон Республикаси Президент Администратсияси архиви (ЎзР ПАА), 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш, 7-варақ.
9. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш, 8-варақ.
10. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5144-иш, 1-варақ.
11. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш, 4-варақ.
12. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш, 5-варақ.
13. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5194-иш, 19-варақ; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги

даврдан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Т.: О'zbekiston, 2015.– Б.198.

14. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5194-иш, 19-20-варақлар.
15. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш, 5-варақ.
16. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5182-иш, 13-варақ; Ўзбеклаштириш ишлари // “Қизил Ўзбекистон”. 1928 йил 11 май, 105-сон.
17. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5164-иш, 46-варақ; ЎзР ПАА, 58-фонд, 4-рўйхат, 492-иш, 230- варақ.
18. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш,4-варақ.
19. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш,8-варақ.
20. ЎзР ПАА, 58-фонд, 4-рўйхат, 494-иш, 50-51-варақлар.
21. ЎзР ПАА, 58-фонд, 4-рўйхат, 493-иш,5-варақ.
22. ЎзР ПАА, 58-фонд, 4-рўйхат, 493-иш, 6-7-варақлар.
23. ЎзР ПАА, 58-фонд, 5-рўйхат, 174-иш, 5-варақ.
24. ЎзР ПАА, 58-фонд, 4-рўйхат, 592-иш, 87-варақ.
25. ЎзР ПАА, 58-фонд, 4-рўйхат, 592-иш, 87-варақ.
26. Рахмонкулова А.Х., Бурхонов Б.М. XX асрнинг 20 – йилларида Ўзбекистонда давлат тили сиёсати тўғрисида. Мустақил Ўзбекистон ва миллатлараро муносабатлардаги барқарорлик мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. – Т.,1995.– Б.68.
27. ЎзР ПАА, 58-фонд, 4-рўйхат, 592-иш, 148-варақнинг орқаси.
28. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 5150-иш, 69-варақ.
29. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4488-иш, 1-варақ.
30. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4497-иш, 2-варақ.
31. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4486-иш, 14-29-варақлар.
32. Ўз МА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 4486-иш, 14-29-варақлар.

ZIYORAT VA DINIY TURIZM: TAFOVUT, O'XSHASHLIKLARNING ILMIY-NAZARIY TAHLILI

NUTFILLO SALIMOVICH IBRAGIMOV

Buxoro Davlat Universiteti, i.f.d., dotsent

<https://orcid.org/0000-0003-0937-2356>

BEKZOD SHERZODOVICH SHARIPOV

Buxoro Davlat Universiteti, Turizm (ziyorat turizmi) mutaxassisligi magistranti

ПАЛОМНИЧЕСТВО И РЕЛИГИОЗНЫЙ ТУРИЗМ: НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ РАЗЛИЧИЙ И СХОДСТВ

ИБРАГИМОВ НУТФИЛЛО САЛИМОВИЧ

Бухарский государственный университет, д.э.н.

<https://orcid.org/0000-0003-0937-2356>

БЕКЗОД ШЕРЗОДОВИЧ ШАРИПОВ

Бухарский государственный университет, магистрант

PILGRIMAGE AND RELIGIOUS TOURISM: SCIENTIFIC THEORETICAL ANALYSIS OF DIFFERENCES AND SIMILARITIES

NUTFILLO SALIMOVICH IBRAGIMOV

Bukhara State University, Dsc.

<https://orcid.org/0000-0003-0937-2356>

BEKZOD SHERZODOVICH SHARIPOV

Bukhara State University, Masters student

Annotatsiya

Ushbu ilmiy maqolada ziyorat hamda diniy turizmning bir-biridan farqli va o'xshash jihatlari borasida dunyo olimlari olib borgan tadqiqotlar xususida so'z yuritilib, ziyorat turizmining konseptual o'zgarishga uchrashi natijasida zamonaviy ziyorat turizmi shakllarining paydo bo'lganligi, din va ziyoratning tarkibiy qismi sifatida tahlil qilinadi. Shuningdek, ziyorat turizm hamda diniy turizmning shakllanish jarayoni, ular o'rtasidagi bog'liqliklar, nomuvofiqlarning paydo bo'lishi, yondashuvlardagi farqli jihatlari tahlil qilinib, mualliflarning o'z yondashuvlari va bu boradagi aniq ilmiy pozitsiyalari asoslangan. Taraqqiyot natijasida ehtiyojlarning ko'payib borishi ziyorat turizmining turli-tuman, yangi shakllarining vujudga kelishiga sabab bo'lgani atroflicha o'rganilib, diniy turizm va ziyorat turizmi o'rtasidagi bahslarga sabab bo'ladigan muammoli jihatlarni hal qilish maqsadida yangi terminologik yondashuvni qo'llash taklif etilgan. Tadqiqotlar va o'rganishlar natijasida chiqarilgan ilmiy xulosalarga asoslangan holda aniq takliflar o'rta tashlangan.

Kalit so'zlar

Ziyorat, din, diniy turizm, ziyorat turizmi, qora turizm, drakula turizmi, chegara turizmi, ko'ngilli turizm.

Аннотация

В данной научной статье рассказывается об исследованиях, проводимых мировыми учеными о различных и схожих аспектах паломнического и религиозного туризма, о появлении современных форм паломнического туризма в результате его концептуального изменения анализируются составляющие религии и паломничества. Также анализируется процесс становления паломнического туризма и религиозного туризма, их связи,

возникновение несоответствий, разные аспекты подходов, а также обосновываются собственные подходы авторов и конкретные научные позиции в этом отношении. В результате развития рост потребностей привел к возникновению различных, новых форм паломнического туризма, а также к применению нового терминологического подхода с целью решения проблемных моментов, вызывающих споры между религиозным туризмом и паломническим туризмом. На основании научных выводов, сделанных в результате исследований разработаны конкретные предложения развития паломнического туризма.

Ключевые слова

Паломничество, религия, религиозный туризм, паломнический туризм, черный туризм, дракула-туризм, пограничный туризм, волонтерский туризм.

Abstract

This scientific article describes the research conducted by world scientists on various and similar aspects of pilgrimage and religious tourism, the emergence of modern forms of pilgrimage tourism as a result of its conceptual change, the components of religion and pilgrimage are analyzed. It also analyzes the process of formation of pilgrimage and religious tourism, their connections, the emergence of inconsistencies, different aspects of approaches, as well as substantiates the authors' own approaches and specific scientific positions in this regard. As a result of development, the growth of needs has led to the emergence of various, new forms of pilgrimage tourism, as well as to the application of a new terminological approach in order to solve problematic issues that cause disputes between religious tourism and pilgrimage. Based on the scientific conclusions made as a result of the research, specific proposals for the development of pilgrimage tourism have been developed.

Keywords.

Pilgrimage, religion, religious tourism, pilgrimage tourism, black tourism, dracula tourism, frontier tourism, volunteer tourism.

Kirish

Turizمنىڭ jadal rivojlanib borishi sharoitida, sohaning raqobatbardosh bozor muhitida mustahkam o'ringa ega bo'lishi har jihatdan samarali bo'lgan yuqori klassdagi servis, mahsulot va xizmat turlarining diversifikatsiyasi bilan bevosita bog'liq. Xususan, kishilar e'tiqodi asnosida vujudga keladigan sayohat motivlarini inobatga olib, diniy resurslarning har jihatdan qulay shakldagi xizmatlarni taklif etishda zamonaviy talab darajasida bo'lishi maqsadga muvofiq bo'ladi.

Insoniyat tamadduni rivojida dinning muhim ahamiyatga ega ekanligini inobatga olib, milliardlab insonlar u yoki bu dinga e'tiqod qilishlari hamda bu maqsadda ichki va xalqaro miqyosda sayohatga chiqishlari turizm sanoati oldiga qulay infratuzilmani yaratish, servis darajasini maksimal darajada oshirishni talab etadi. Eng avvalo din va turizm tushunchalarini chuqurroq o'rganish, ziyorat turizmi va diniy turizm o'rtasidagi bog'liqlikni tahlil qilish, aniq farqlarni belgilash va shu asosda ilmiy izlanishlar yo'nalishini yanada aniqlashtirib olish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili

Mădălina Giușcă ziyorat va diniy turizmni mazmunini aniqlashtirish uchun ularni ikki xil konsept sifatida ko'rib chiqqan.

Noga Collins-Kreiner ziyorat fenomenining so'nggi o'n yilliklardagi rivojlanishini tahlil qilgan.

Z.G.Oblitsova ziyorat hamda diniy turizمنىڭ o'xshashlik va tafovutlarini shuningdek, ziyorat hamda diniy turizمنىڭ paydo bo'lish, rivojlanish bosqichlarini o'rgangan.

Antoni Jakowski ziyorat terminologiyasini chuqur tahlil qilgan va islom dinining 5 ta farz amalidan biri hisoblanuvchi haj ziyorati misolida „ziyosatni turizm sayohati deb qabul qilish mumkinmi?“ degan savolni o'rta tashlagan¹.

Tadqiqot metodologiyasi

¹ Jackowski A. Religious tourism: problems with terminology // Peregrinus Cracoviensis. – 2000. – №. 10.

Ushbu ilmiy maqolada ziyorat, din, ziyorat turizmi va diniy turizm borasidagi dunyo olimlarining yondashuvlari analiz va sintez qilingan. Ziyorat va diniy turizm bo'yicha qiyosiy tahlillar qilinib, ziyorat turizmi hamda diniy turizm tushunchalari bo'yicha muallif tomonidan aniq ta'riflar berilgan va farqli jihatlar aniqlashtirilgan.

Bundan tashqari, ziyorat turizmining zamonaviy yondashuvlar asosidagi yangicha shakllarini inobatga olgan holda, an'anaviy ziyorat bilan bog'liq qarashlarda diniy turizm va ziyorat turizmi o'rtasidagi murakkabliklar, tushunmovchiliklarni bartaraf etish maqsadida muallif tomonidan ziyorat turizmining „Mehribonlik turizmi“ (Kindness tourism) deb nomlangan yangi shakli ilgari surilib, uning yuzaga kelish zarurati ilmiy asoslab berilgan.

Tahlil va natijalar

Din hamda turizm atamalari o'rtasidagi munosabat turli nuqtai nazardan kelib chiqib o'rganilgan. E'tiqod insoniyat tamadduni rivojlanishida o'ziga xos o'ringa ega bo'lib, ilmiy munozaralar turizm va din tutashadigan nuqtalarda murakkablik kasb etadi.

Diniy maqsadlarda sayohat qilish yangi hodisa emas va u turizmning eng qadimgi turi hisoblanadi². Kishilar o'z e'tiqodi va ishonchiga suyanib, ruhiy-ma'naviy xotirjamlikka erishish maqsadida, azaldan diniy maqsadlarda safarlarga chiqib ma'lum bir amallarni ado etib kelishgan.

Diniy turizm faqatgina kuchli yoki aniq yo'naltirilgan diniy ziyorat motivatsiyasi emas balki ziyorat bilan bog'liq bo'lmagan, diniy nuqtalarga rekreatsiya yoki diqqatga sazovor joylarni ko'rish maqsadida sayohat qilish hamdir³. Demak, diniy safarlarning maqsadi faqatgina e'tiqodga bog'liq bo'lib qolmasdan, turli xil sabablar bilan ham xarakterlanishi mumkin va bu endigina vujudga kelgan jarayon emas.

Diniy turizm turistik harakat shakllaridan biri bo'lib, uning ortida turgan motivatsiya, uning maqsadlari va destinatsiyalari (muqaddas joylar) bilan xarakterlanadi⁴. Motivatsiyaning ma'lum bir dinga e'tiqod qiluvchi insonni harakatlanishga undashi aniq maqsadga erishish hamda belgilangan destinatsiyalarda amalga oshiriladigan diniy amallarni bajarishda muhim ekanligi o'z-o'zidan tushunarli.

Muqaddas joylarga ziyorat qilish turizmning eng qadimgi turi hisoblanadi. Din aniq bir maqsadda amalga oshiriladigan ziyorat safarining yo'naltiruvchi kuchidir. Ziyorat - bu ziyoratlarning geografik makonida yuzaga keladigan diniy va tabiiy omillarning o'zaro ta'siridan iborat murakkab va o'zgaruvchan hodisa. Bu degani ziyoratni oddiy tushuncha sifatida qabul qilish to'g'ri emas va shuning barobarida o'zgarishlarga uchrash hodisasi bu jarayonda kuzatilishi tabiiy bir holat. Faqat bunda qat'iy diniy maqsaddagi safarlarni o'zida jamlagan, jarayonning qay tartibda amalga oshishi deyarli kishilar ongiga singib, aytish mumkin bo'lsa aksioma darajasidagi qonun qoidalar shakllangan ayrim mustasno holatlari mavjud.

Ziyorat konsepsiyasi zamonaviy dunyoda turizmning ko'plab segmentlarida kuzatilayotgan bo'lib, insonlar chuqur va mustahkam transformatsiya elementlarini izlash maqsadida ma'lum bir joyga yo'l oladilar. Ilgari surilgan va ilgari surilayotgan diversifikatsiyalangan ziyorat konsepsiyalari: ma'naviy-ruhiy turizm (spiritual tourism), qora turizm (dark tourism), cherkov turizmi (church tourism), chegara turizmi (frontier tourism), ryukzak turizmi (backpacking tourism), drakula turizmi (dracula tourism), ko'ngilli turizm (volunteer tourism) ziyorat shakllari sifatida olimlar tomonidan qayd etilgan. Biroq, Collins-Kreiner bu yoshartirish ziyoratning diniy elementini yo'qotib, boshqa

² T.Hassan, M.Carvache-Franco, W.Carvache-Franco, and O.Carvache-Franco. Segmentation of Religious Tourism by Motivations: A Study of the Pilgrimage to the City of Mecca. Sustainability 2022, 14, 7861. – 1p. <https://doi.org/10.3390/su14137861>.

³ Z.Mu, H.Li, W.Jiang-Hong, L.Ji, J.Yan-Geng and L.Xiting. Religious tourism and cultural pilgrimage: a Chinese perspective. Religious tourism and pilgrimage festivals management : an international perspective / [edited by] Razaq Raj and Nigel D. Morpeth.2007. – 99 b.

⁴ C.Fernandes, E.Pimenta, F.Gonçalves and S.Rachão. A new research approach for religious tourism: the case study of the Portuguese route to Santiago. Int. J. Tourism Policy, Vol. 4, No. 2, 2012. – 84 p. Liszewski, S. (2000) 'Pilgrimages or religious tourism', Peregrinus Cracoviensis, No. 10, pp.47–51.

sayohat turlaridan ajralib turadigan noyob o'ziga xosligidan ajralishiga sabab bo'lganini ta'kidlaydi⁵. Tushunarliki turizmning rivojlanib borishi, kishilar dunyoqarashining o'zgarishi, yangicha xizmatlar va ehtiyojlarning vujudga kelishi jarayonida ziyoratning tub mohiyatini saqlab qolish qolish, shu bilan bir qatorda zamonaviy yondashuvlarni to'g'ri qabul qilish va klassifikatsiyalash muhim.

Ziyorat insoniyatning qadimiy faoliyati ko'rinishi bo'lib, universal va etnik xususiyatga ega dinlar - buddizm, nasroniylik, islom, iudaizm va hinduizm turli yo'nalishlarga ega bo'lgan, murakkab ziyorat madaniyatini, destinatsiyalar va noyob rituallarni rivojlantirdilar⁶. Ziyoratga borish milliy yoki diniy maqsadlar bilangina chegaralanib qolmaydi⁷. Maqsadlarning turlicha bo'lishi ziyoratning muqaddas diniy e'tiqodga bog'liq asl mazmun-mohiyatini yo'qotishiga sabab bo'lmasligi lozim.

E'tiqod qiluvchilar qalbida ziyorat alohida o'rin tutadi va bu yangilik emas⁸.

Ziyorat bo'yicha tadqiqotlarda uning tabiatini ichki, ruhiy yoki hissiy sayohatlarni osonlashtiradigan jismoniy faoliyat sifatida tobora ko'proq o'rganilmoqda⁹. Kompleks yondashuv umumiy xulosalar chiqarishda to'g'ri bo'lishi ehtimol, ammo bu elementar yo'nalishlarda olib borilayotgan ilmiy izlanishlarning nafliligini kamaytirib qo'ymaydi.

Ayrim olimlar fikricha, ziyorat diniy sabablarga ko'ra amalga oshiriladi. Turizm hamda ziyorat o'rtasida diniy nuqtai nazardan ma'lum bir bo'shliqlar mavjud. Ziyoratchi va turist masalasi ikki darajada ko'rib chiqilishi lozim: birinchidan, diniy tashkilotlar va sayohatchilarning o'z nuqtai nazaridan va ikkinchidan, sanoat nuqtai nazaridan¹⁰. E'tiqod vakillari ilmiy yondashuvlarni rad etishlari ehtimolini inobatga olgan holda har ikki yo'nalishdagi qarashlarni inobatga olib, maqbul variantlarni yechim sifatida tanlash maqsadga muvofiq hisoblanadi.

Brendon ziyoratga uchta omilni kiritadi: 1)muqaddas joy, 2)individual kishi yoki jamoa uchun jozibadorlik, 3)muayyan maqsad, ma'naviy yoki moddiy naf¹¹.

Diniy turizm va ziyoratning o'xshash hamda farqli jihatlarni chuqurroq tahlil qilishdan oldin ziyoratchi hamda turist tushunchalari o'rtasidagi qiziq jihatga e'tibor qaratish lozim bo'ladi. Ziyoratchi hamda turistni ajratish omili sifatida ziyoratchining o'zgarish xohishi hamda imon e'tiqodni ziyorat qilinadigan maskandan topish istagida deb qarash mumkin. Diniy turizm sig'iniladigan, e'tiqod qilinadigan diqqatga sazovor joylarga tashrif buyurishni o'z ichiga oluvchi turizm shakli. Shu bilan bir qatorda turizm ziyorati kabi aralash/muqobil shakllar ham rivojlanib borgan¹².

Xalqaro adabiyotlarda turizm hamda ziyorat o'rtasidagi tafovut keng miqyosda o'rganilgan bo'lib, turlicha mazmundagi yo'nalishlar juda ko'plab yondashuvlarni paydo qildi¹³(1-jadvalga qarang).

1-jadval

Din va ziyorat turizmi borasidagi olimlar fikrlari

Krzysztof Rejman, Piotr Maziarz, Cezary Andrzej Kwiatkowski, Małgorzata Haliniarz.	Ziyorat turizmi diniy turizmning bir qismidir ¹⁴ .
D.L.Gladstone; Yogesh Hole, E.B.Khedkar, Snehal Pawar.	Ziyorat turizmi sayyohlarning imon va e'tiqodida muhim bo'lgan joylar ibodatxona, ziyoratgo yoki boshqa joylarga sayohat qilishdir. U diniy turizm bilan ham bog'lanishi mumkin
Z.G.Oblitsova	Diniy turizm ziyoratga juda ham yaqin turadi.
E.E.Konovalova, A.A.Zavoyskaya	Ziyorat diniy turizmning o'ziga xos ko'rinishi ¹⁵
	Diniy turizm hamda ziyorat tushunchalarini aralashtirib yuborish mumkin emas. Ularning

V.N.Yakunin	asosiy farqi diniy turizm yangi bilimlar olish maqsadiga ega, ziyorat esa sof diniy xarakterga ega ¹⁶ .
Cohen, Collins-Kreiner	Turizm va ziyorat turli xil ijtimoiy hodisalardir

Dinga ilohiyot nuqtai nazaridan yondashuv dinni uning ichidan o'rganishdir, chunki ilohiyot vakillari dinni faqat xudoga ishongan kishi tushunishi mumkin deb hisoblaydilar. Dinni o'rganishda ilohiy yo'nalish bilan birga falsafiy va ilmiy yo'nalishlar ham mavjud. Falsafiy va ilmiy yo'nalishlar dinni tafakkur, mantiqiy-nazariy, empirik-ilmiy nazariyalarga tayanib o'rganadi¹⁷.

Din tushunchasi turlicha izohlansa-da, umumiy nuqtayi nazardan qaraganda u ishonmoq tuyg'usidir. Ishonmoq tuyg'usi insoniyatning eng teran ruhiy-ma'naviy ehtiyojlaridan sanaladi. Sotsiologik nuqtayi nazardan qaralganda din jamiyat uchun zaruriy narsa, ijtimoiy hayotning ajralmas qismi. U ijtimoiy munosabatlarni yuzaga keltiruvchi va amalga oshiruvchi omil sifatida namoyon bo'ladi. Din ma'naviy-ruhiy ehtiyojni qondiruvchi, tasalli beruvchilik vazifasini bajargan va hali hamon bajarmoqda¹⁸.

⁵ R. Polus, N. Carr, T. Walters. Conceptualizing the Changing Faces of Pilgrimage Through Contemporary Tourism. *International Journal of the Sociology of Leisure* (2022) 5:321–335 <https://doi.org/10.1007/s41978-022-00109-7>.

⁶ Coleman, S. and Elsner, J. 1995. *Pilgrimage: Past and Present in the World Religions*. Cambridge, MA: Harvard University Press.

⁷ Lam, Kai Shun, A Rationalized Visit to Holy Land - Israel (June 1, 2021). – 35 p. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3857345> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3857345>

⁸ M. Simona. Pilgrimage phenomenon in the new context of post-communist Romanian media. *APOSTOLESSACHESS. Journal for Communication Studies*, vol. 4, no. 2(8) / 2011. – 129 p.

⁹ A. Maddrell, R. Scriven. Celtic pilgrimage, past and present: from historical geography to contemporary embodied practices. *Social & Cultural Geography*, 2016 Vol. 17, No. 2, 300–321, <http://dx.doi.org/10.1080/14649365.2015.1066840>.

¹⁰ M. Pourtaheri, K. Rahmani, H. Ahmadi. Impacts of Religious and Pilgrimage Tourism in Rural Areas: The Case of Iran. *Journal of Geography and Geology*; Vol. 4, No. 3; 2012. 122–129 p; Collins-Kreiner, N. (2010). The geography of pilgrimage and tourism: Transformations and implications for applied geography. *Applied Geography*, 30, 153–164. <http://dx.doi.org/10.1016/j.apgeog.2009.02.001>.

¹¹ E. Rot, K. Mikinac, and S. Bogdan. 2014. General characteristics of religious tourism in Croatia. *UTMS Journal of Economics* 5 (1): 79–87.

¹² M. Giușcă. Religious tourism and pilgrimage at Prislop Monastery, Romania: motivations, faith and perceptions. 149–167 p.

¹³ V. Pușcașu. *European Journal of Science and Theology*, June 2015, Vol.11, No.3, 131–142. Religious tourism or pilgrimage?; E. Cohen, *Pilgrimage and tourism: Convergence and divergence*, in *Sacred Journeys*, A. Morinis (ed.), Greenwood Press, Westport, 1992, 47–61; V. Turner, *Hist. Religions*, 12(3) (1973) 191–230.

¹⁴ Rejman, K., Maziarz, P., Kwiatkowski, C. A., & Haliniarz, M. (2016). Religious tourism as a tourism product. *World Scientific News*, (57), 562–575.

¹⁵ Коновалова Е. Е., Завойская А. А. Организация и развитие паломнического туризма в Кировской области // *Современные тенденции в экономике и управлении: новый взгляд*. 2010. №5–2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsiya-i-razvitie-palomnicheskogo-turizma-v-kirovskoy-oblasti> (дата обращения: 24.12.2022).

¹⁶ Якунин Вадим Николаевич Религиозный туризм и паломничество: особенности организации, проблемы и перспективы развития // *Культурное наследие России*. 2017. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/religioznyy-turizm-i-palomничество-osobennosti-organizatsii-problemy-i-perspektivy-razvitiya> (дата обращения: 25.12.2022).

¹⁷ A.V. Narbekov. *Dinshunoslik asoslari: O'quv qo'llanmasi*. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2007. – 10 b.

¹⁸ Z. Islomov, N. Muhamedov, F. Sindarova. *Dinshunoslik: akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma*. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. – T.: «Niso Poligraf», 2016. – 7 b; D. Raximjanov, O. Ernazarov. *Dinshunoslikka kirish [Matn]*; o'quv qo'llanma. — Toshkent; «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti, 2018. — 50 b.

Bir tomondan ziyoratni statik ritualizmlı normativ ziyorat ko‘rinishi sifatida ko‘rish mumkin, biroq, boshqa tomondan, turli madaniyat vakillari tomonidan turlicha yo‘llar bilan muqaddas joylarga tashrif buyurish ziyoratning muqobil shakli hisoblanadi¹⁹.

Xristian ziyorati poklanish, tavba qilish maqsadida amalga oshirib kelingan, ammo hattoki ziyorat sof diniy ko‘rinishga ega bo‘lgan davrda ham ziyoratchilarni sargardonlik, o‘yin-kulgi, o‘rganish va qiziquvchanlik kabi dunyoviy istaklar ham ziyoratga undagani ma‘lum²⁰ „Muqaddas yer“ xristian ziyoratchilarining paradigmatic manzildir²¹.

"Muqaddas joylar" ziyoratlari - bu qadimgi Misr davridan beri ma‘lum bo‘lgan turizmning eng qadimiy shaklidir. Diniy motivatsiya allaqachon o‘sha paytdagi "turistlar oqimi" ga sezilarli ta‘sir ko‘rsatgan. Shuning uchun ham diniy turizm tarixi asrlarga borib taqaladi²².

T.E.Stenyakova fikricha, diniy turizm durli konfessiyadagi insonlarning ehtiyojlariga asoslanadigan turizm. Ziyorat yoki diniy maqsadlardagi sayohat esa chuqur qadimiy ildizlarga ega tarixiy turizm shaklidir²³. Bilamizki, ehtiyoj insonning yashashi, rivojlanib borishi hamda kamol topishi uchun kerakli hayotiy vositalarga bo‘lgan zaruriyat.



1-rasm. Dinning tarkibiy qismlari²⁴

Dinning tarkibiy qismlari ma‘lum bir dinga e‘tiqod qiluvchi kishi ya‘ni dindor, muqaddas manba, dinga oid urf-odat va ma‘rosimlar, ibodatxona va albatta e‘tiqoddır(1-rasm). Ziyorat esa ziyoratchi, ziyorat obyekti hamda ziyorat amallarini o‘z ichiga oladi (2-rasm).

¹⁹ M.I.Al Zoubi, Y.Ibrahim. Tourists or Pilgrims: Classification of the Visitors at the Baptism Site of Jesus Christ in Jordan. International Review of Management and Marketing | Vol 10 • Issue 1 • 2020. – 72-73 b.

²⁰ Tatjana Schnell & Sarah Pali (2013) Pilgrimage today: the meaningmaking potential of ritual, Mental Health, Religion & Culture, 16:9, 887-902, DOI: 10.1080/13674676.2013.766449 To link to this article: <http://dx.doi.org/10.1080/13674676.2013.766449>.

²¹ Hillary Kaell (2016) Can Pilgrimage Fail? Intent, Efficacy, and Evangelical Trips to the Holy Land, Journal of Contemporary Religion, 31:3, 393-408, DOI: 10.1080/13537903.2016.1206254 To link to this article: <http://dx.doi.org/10.1080/13537903.2016.1206254>.

²² V.N.Yakunin, V.M.Yamashev, O.I.Anuchin, T.I.Adaevskaya, N.V.Ovsyannikova. Religious tourism and pilgrimage in Russia: culturalhistorical analysis. The Turkish Online Journal of Design, Art and Communication - TOJDAC November 2016 Special Edition. – 2596 p.

²³ Сентякова Татьяна Евгеньевна Ресурсы паломнического туризма // Иднакар: методы историко-культурной реконструкции. 2017. №1 (34). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/resursy-palomnicheskogo-turizma> (дата обращения: 24.12.2022).

²⁴ D.Raximjanov, O.Ernazarov. Dinshunoslikka kirish [Matn]; o‘quv qo‘llanma. — Toshkent; «O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti, 2018. — 11 b.

2-rasm. Ziyoratning tarkibiy qismlari²⁵

„Ziyorat” hamda „diniy turizm” tushunchalari o‘xshash biroq, maqsadlar, motivlar, maqsad qo‘yish (целеполаганиям) va shu kabilarda farqlanadi. Diniy turizm ziyoratga juda ham yaqin turadi. Bu „haqiqiy ziyorat” darajasiga chiqmagan biroq, anglash turizmi endilikda ularni qoniqtirmaydigan turistlar uchun mo‘ljallangan ziyoratdir. Aynan ular uchun diniy turizm, ta’lim va ma’rifiy maqsadlarda muqaddas joylarni ziyorat qilish mavjud²⁶.

Ziyorat bilan bog‘liq tushunchalarning tahlili jarayonida ota-onani ziyorat qilish, qarindoshlarni ziyorat qilish, xasta ziyorati kabi atamalarga ham ko‘p bora duch kelish mumkin. Buni shu bilan izohlash mumkinki darhaqiqat, islom dini odoblari nuqtai nazaridan yuqoridagi amallarni bajarish savobli sanaladi biroq, biz ularni bevosita ziyorat turizmiga aloqador deya yakuniy xulosa bildirsa olmaymiz. Buning boisi shundaki ularning barchasi diniy yondashuv xususan, islom dini hamda xalq ma’naviy, tarbiyaviy kamoloti vositasidan kelib chiqib terminologik qonun-qoida singari ijtimoiy miqyosda singib ketgan. Bizning fikrimizcha „do‘stlar va qarindoshlarni ziyorat qilish” (Visiting friends and relatives) yoki „do‘stlar va qarindoshlarnikiga tashrif buyurish” turizm shaklini qo‘llash qarindoshlarni ziyorat qilish tushunchasiga muvofiq keladi. Bunga ota-onani ziyorat qilishni ham qisman kiritish mumkin.

„Do‘stlar va qarindoshlarni ziyorat qilish” atamasi asosan „zavq” va „biznes” „boshqalar” bilan bir qatorda to‘rtta asosiy motivatsion toifadan biri sifatida ishlatiladi.²⁷ „Do‘stlar va qarindoshlarni ziyorat qilish” atamasi o‘z istiqomat joyidan boshqa yo‘nalishda joylashgan do‘stlar hamda qarindoshlarnikiga tashrif buyurish demakdir²⁸.


Xastalikka chalingan yaqin insonlarni ko‘rish maqsadida tashrif buyurishni meditsina turizmi yoki qarindoshlarni ziyorat qilish shakliga kiritish mumkinmi yoki yo‘qmi degan savolga uzil kesil yo‘q degan javobni berish mumkin. Bu shakldagi turizmni **„mehribonlik turizmi” (kindness(mercifull) tourism)** deb atash maqbul variantdir. Ota-onani ziyorat qilish tushunchasi bu o‘rinda ham qisman muvofiq keladi. Demak, „mehribonlik turizmi” xasta ziyorati (begona bo‘lishi ham mumkin), xasta bo‘lgan yaqin qarindoshlarni ziyorat qilish va qisman ota-onani ziyorat qilish tushunchalarini o‘z ichiga oluvchi turizm shaklidir. Shuni alohida qayd etish kerakki, yaqin qarindoshlar orasida kasallikka chalingan kishilarni ko‘rish maqsadida safar qilishni ziyorat hamda savob tushunchalari bilan bog‘liqligi mavjud ekanligini inobatga olmaslik mumkin emas va bu o‘rinda „kindness tourism” atamasini qo‘llash lozim ko‘plab tushunmovchiliklar yechimi bo‘lishi mumkin. Mehribonlik turizmi – bu diniy amallarni bajarish bilan bog‘liq bo‘lmagan biroq, diniy ta’sirga ko‘ra, shuningdek, ruhiy osoyishtalik, qalb xotirjamligi maqsadida xastalikka chalingan insonlarni, yaqin qarindoshlarni hamda ota-onani ko‘rish maqsadida safar qilishdir.

²⁵ Muallifning manbalar asosidagi ishlanmasi.

²⁶ З.Г. Облицова. Паломничество и религиозный туризм: сходство и различия. 2019.

²⁷ Griffin, T. (2013). Visiting friends and relatives tourism and implications for community capital. Journal of Policy Research in Tourism, Leisure and Events, 5(3), 233-251.

²⁸ Barnett, E. D., MacPherson, D. W., Stauffer, W. M., Loutain, L. Hartz, C. F., Mattell, A. and Berhens, R. H. (2010) The Visiting Friends or Traveler in the 21st Century: Time for a New Definition, Journal of Travel Medicine, 17(3), 163-170.



3-rasm. Ziyorat turizmi va diniy turizmning shakllanish jarayoni²⁹

Ziyorat diniy e'tiqodga asoslanib amalga oshiriladigan amallar ekanligini hisobga olib, u dinning tarkibiy qismidir degan fikrga kelish mumkin. Biroq, turizm tushunchasi bu ikki terminga qo'shilganida vaziyat mutlaqo o'zgaradi.

Jahon Turizm Tashkilotiga ko'ra: „Turizm - bu ijtimoiy, madaniy va iqtisodiy hodisa bo'lib, u odamlarning shaxsiy yoki biznes / kasbiy maqsadlarda odatdagi muhitdan tashqaridagi mamlakatlarga yoki joylarga harakatlanishini nazarda tutadi. Bu odamlar tashrif buyuruvchilar deb ataladi (ular turistlar yoki ekskursionistlar bo'lishi mumkin; rezidentlar yoki norezidentlar) va turizm ularning faoliyati bilan bog'liq bo'lib, ularning ba'zilar turizm xarajatlarini o'z ichiga oladi”³⁰. Demak, turizm ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy hodisa.

Ziyorat turizmi diniy turizmning tarkibiy qismi emas. Ziyorat dinning tarkibiy qismidir. Din tushunchasi diniy turizm tushunchasi ta'sirida din bilan bog'liq bo'lmagan juda ko'plab jihatlarni o'zida mujassam etganini inobatga olib, ziyorat turizmi diniy turizmning tarkibida bo'la olmaydi degan fikrni ilgari surish mumkin. Musulmon xristian diniga ta'luqli ziyorat obyektida ziyorat amallarni bajarmaganidek xristian ham musulmonlarga tegishli obyektda ziyorat qilmaydi. Xo'sh, agar shunday bo'ladigan bo'lsa u holda nima sababdan diniy turizm va ziyorat turizmi bir-biriga qo'shilib ketishi kerak? Aynan diniy amallar bilan bog'liq vaziyat sababli ham ziyorat va diniy turizmni aralashtirib yoki bir xil tushuncha sifatida qabul qilishning imkoni mavjud emas. Boshqa istalgan turizm turlarini xohlagan kishi agar jismoniy, ruhiy va shu kabi boshqa imkoniyatlari yetsa amalga oshira oladi. Biroq, din va e'tiqod masalasida bunday deyish imkonsizdir. Shuning uchun ham diniy turizm va ziyorat turizmi alohida-alohida turizm yo'nalishlari sifatida talqin etilishi lozim. Demak, yuqoridagilarni inobatga olgan holda diniy turizm va ziyorat turizmiga quyidagicha ta'riflarni berishimiz mumkin:

Diniy turizm – bu turistlar uchun diniy e'tiqod nuqtai nazaridan ahamiyatga ega bo'lgan va ega bo'lmagan muqaddas joylarga, diniy obyektlarga, diniy amallarni bajarish bilan bog'liq bo'lmagan maqsadlarda qilinadigan sayohatdir.

Ziyorat turizmi – bu turistlar uchun diniy e'tiqod nuqtai nazaridan muhim ahamiyatga ega bo'lgan muqaddas joylarga, diniy obyektlarga diniy amallarni bajarish bilan bog'liq bo'lgan maqsadlarda qilinadigan sayohatdir.

Xulosa va takliflar

Tahlil va analizlar natijasida diniy hamda ziyorat turizmi tushunchalari bo'yicha quyidagi xulosalarga kelindi:

1. Diniy turizm va ziyorat turizmi o'rtasida o'ta murakkab bog'liqliklarning mavjud ekanligi hozirga qadar ko'plab ilmiy tushunmovchiliklar, qarama-qarshi fikrlarni yuzaga keltirgan va munozaralar hozirga qadar davom etib kelmoqda.

²⁹ Muallif ishlanmasi

³⁰ <https://www.unwto.org/glossary-tourism-terms>

2. Umumiste'moldagi xastani ziyorat qilish, ota-onani ziyorat qilish, yaqin qarindoshlarni ziyorat qilish kabi shakllarni ziyorat turizmiga ham, diniy turizmga kiritmasdan „mehribonlik turizmi“ (kindness tourism) deb nomlanadigan yangi terminda atash maqsadga muvofiq.
3. Ziyorat dinning tarkibiy qismiga kiradi va uning ajralmas bir qismidir. Faqat bu tushunchani diniy turizm va ziyorat turizm tushunchalari o'rtasidagi mutanosiblik deb qabul qilish ilmiy xatoliklarni keltirib chiqaradi.
4. Ziyorat turizmi diniy turizmning tarkibiga kirmaydi. Buning asosiy sababi diniy turizm iymon-e'tiqod tushunchasiga zamonaviy ta'sirlar natijasida juda ko'plab yangiliklarning o'zlashib ketganligidadir. Ziyorat turizmida ziyorat amallarining ado etilishi ushbu sayohat ishtirokchilarining boshqa turizm shakllaridan farqlanishida sosiy rolni bajaradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. A.Maddrell, R.Scriven. Celtic pilgrimage, past and present: from historical geography to contemporary embodied practices. *Social & Cultural Geography*, 2016 Vol. 17, No. 2, 300–321, <http://dx.doi.org/10.1080/14649365.2015.1066840>.
2. A.V.Narbekov. Dinshunoslik asoslari: O'quv qo'llanmasi. –T .: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2007. – 10 b.
3. Apollo, M., Wengel, Y., Schänzel, H., & Musa, G. (2020). Hinduism, ecological conservation and public health: what are the health hazards for religious tourists at hindu temples? *Religions*, 11, 416.
4. Barnet, E. D., MacPherson, D. W., Stauffer, W. M., Loutain, L. Hartz, C. F., Mattell, A. and Berhens, R. H. (2010) The Visiting Friends or Traveler in the 21st Century: Time for a New Definition, *Journal of Travel Medicine*, 17(3), 163-170.
5. C.Fernandes, E.Pimenta, F.Gonçalves and S.Rachão. A new research approach for religious tourism: the case study of the Portuguese route to Santiago. *Int. J. Tourism Policy*, Vol. 4, No. 2, 2012. – 84 p.
6. Chélini, J., & Branthomme, H. (1982). Les chemins de Dieu. Histoire des pèlerinages chrétiens des origines à nos jours. Hachette.
7. Coleman, S. and Elsner, J. 1995. Pilgrimage: Past and Present in the World Religions. Cambridge, MA: Harvard University Press.
8. Collins-Kreiner, N. (2010). The geography of pilgrimage and tourism: Transformations and implications for applied geography. *Applied Geography*, 20, 153–164.
9. Collins-Kreiner, N. (2015). Dark tourism as/is pilgrimag. *Current Issues in Tourism*, 19, 1185–1189.
10. Collins-Kreiner, N. (2016). The lifecycle of concepts: The case of 'Pilgrimage Tourism'. *Tourism Geographies*, 18(3), 322–334. <https://doi.org/10.1080/14616688.2016.1155077>
11. D.H. Olsen and D.J.Timothy, Tourism and religious journeys, in *Tourism, Religion and Spiritual Journeys*, Contemporary Geographies of Leisure, Tourism and Mobility, D.J.Timothy & D.H. Olsen (eds.), Routledge, London, 2006, 5.
12. D.Raximdjano, O.Ernazarov. Dinshunoslikka kirish [Matn]; o'quv qo'llanma. — Toshkent; «O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati» nashriyoti, 2018. — 11, 50 b.
13. E. Cohen, Pilgrimage and tourism: Convergence and divergence, in *Sacred Journeys*, A. Morinis (ed.), Greenwood Press, Westport, 1992, 47–61pp.
14. E. Rot, K.Mikinac, and S.Bogdan. 2014. General characteristics of religious tourism in Croatia. *UTMS Journal of Economics* 5 (1): 79–87.pp.
15. Gladstone, D.L. (2013). From pilgrimage to package tour: Travel and tourism in the third world. London: Routledge.
16. Griffin, T. (2013). Visiting friends and relatives tourism and implications for community capital. *Journal of Policy Research in Tourism, Leisure and Events*, 5(3), 233-251.
17. Hole Y., Snehal P. The significance of pilgrimage tourism to sustainable development with special reference to the Indian context // *African Journal of Hospitality, Tourism and Leisure*. – 2019. – T. 8. – №. 3. – C. 1-11.

18. Hovi, T. (2010). Dracula tourism as pilgrimage? Scripta Instituti Donneriani Aboensis, 22, 211–227. <https://doi.org/10.30674/scripta.67368>
19. Jackowski A. Religious tourism: problems with terminology //Peregrinus Cracoviensis. – 2000. – №. 10.
20. Kiely, T. (2013). Tapping into Mammon: Stakeholder perspectives on developing church tourism in Dublin's Liberties. Tourism review, 68(2), 31–43. <https://doi.org/10.1108/TR-01-2013-0001>. <https://doi.org.ezproxy.otago.ac.nz/>
21. Laing, J. H., & Crouch, G. I. (2011). Frontier tourism: Retracing mythic journeys. Annals of Tourism Research, 38(4), 1516–1534. <https://doi.org/10.1016/j.annals.2011.02.003>
22. Lam, Kai Shun, A Rationalized Visit to Holy Land - Israel (June 1, 2021). – 35 p. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=3857345> or <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3857345>.
23. M. Giușcă. Religious tourism and pilgrimage at Prislop Monastery, Romania: motivations, faith and perceptions. 149-167 p.
24. M. Pourtaheri, K.Rahmani, H.Ahmadi. Impacts of Religious and Pilgrimage Tourism in Rural Areas: The Case of Iran. Journal of Geography and Geology; Vol. 4, No. 3; 2012. 122-129 p.
25. M.I.Al Zoubi, Y.Ibrahim. Tourists or Pilgrims: Classification of the Visitors at the Baptism Site of Jesus Christ in Jordan. International Review of Management and Marketing | Vol 10 • Issue 1 • 2020. – 72-73 b.
26. M.Simona. Pilgrimage phenomenon in the new context of post-communist Romanian media. APOSTOLESSACHESS. Journal for Communication Studies, vol. 4, no. 2(8) / 2011. – 129 p.
27. Mendel, T. (2010). Foot-pilgrims and backpackers: Contemporary ways of travelling. Scripta Instituti Donneriani Aboensis, 22, 288–315. <https://doi.org/10.30674/scripta.67372>
28. Mróz, F. The Impact of COVID-19 on Pilgrimages and Religious Tourism in Europe During the First Six Months of the Pandemic. *J Relig Health* **60**, 625–645 (2021). <https://doi.org/10.1007/s10943-021-01201-0>.
29. Mustonen, P. (2006). Volunteer tourism: Postmodern pilgrimage? Journal of Tourism and Cultural Change, 3(3), 160–177. <https://doi.org/10.1080/14766820608668493>
30. R. Polus, N. Carr, · T.Walters. Conceptualizing the Changing Faces of Pilgrimage Through Contemporary Tourism. International Journal of the Sociology of Leisure (2022) 5:321–335 <https://doi.org/10.1007/s41978-022-00109-7>.
31. Rejman, K., Maziarz, P., Kwiatkowski, C. A., & Haliniarz, M. (2016). Religious tourism as a tourism product. *World Scientific News*, (57), 562-575.
32. S.Liszewski, (2000) 'Pilgrimages or religious tourism', Peregrinus Cracoviensis, No. 10, pp.47–51.
33. T.Hassan, M.Carvache-Franco, W.Carvache-Franco, and O.Carvache-Franco. Segmentation of Religious Tourism by Motivations: A Study of the Pilgrimage to the City of Mecca. Sustainability 2022, 14, 7861. – 1p. <https://doi.org/10.3390/su14137861>.
34. Tatjana Schnell & Sarah Pali (2013) Pilgrimage today: the meaningmaking potential of ritual, Mental Health, Religion & Culture, 16:9, 887-902, DOI: 10.1080/13674676.2013.766449 To link to this article: <http://dx.doi.org/10.1080/13674676.2013.766449>
35. Timothy, D., & Olsen, D. (Eds.). (2006). *Tourism, religion and spritual journeys*. London: Routledge.
36. V. Pușcașu. European Journal of Science and Theology, June 2015, Vol.11, No.3, 131-142. Religious tourism or pilgrimage?
37. V. Turner, Hist. Religions, 12(3) (1973) 191-230 pp.
38. V.N.Yakunin, V.M.Yamashev, O.I.Anuchin, T.I.Adaevskaya, N.V.Ovsyannikova. Religious tourism and pilgrimage in Russia: culturalhistorical analysis. The Turkish Online Journal of Design, Art and Communication - TOJDAC November 2016 Special Edition. – 2596 p.
39. Z. Islomov, N. Muhamedov, F. Sindarova.Dinshunoslik: akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi. – T.: «Niso Poligraf», 2016. – 7 b;

40. Z.Mu, H.Li, W.Jiang-Hong, L.Ji, J.Yan-Geng and L.Xiting. Religious tourism and cultural pilgrimage: a Chinese perspective. Religious tourism and pilgrimage festivals management : an international perspective / [edited by] Razaq Raj and Nigel D. Morpeth.2007. – 99 p.
41. З.Г. Облицова. Паломничество и религиозный туризм: сходство и различия. 2019.
42. Коновалова Е. Е., Завойская А. А. Организация и развитие паломнического туризма в Кировской области // Современные тенденции в экономике и управлении: новый взгляд. 2010. №5-2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/organizatsiya-i-razvitie-palomnicheskogo-turizma-v-kirovskoy-oblasti> (дата обращения: 24.12.2022).
43. Котова Татьяна Павловна, Матвеева Любовь Дмитриевна, Щербаков Александр Сергеевич О проблемах паломнического туризма в Башкортостане // Современные проблемы сервиса и туризма. 2019. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-problemah-palomnicheskogo-turizma-v-bashkortostane> (дата обращения: 24.12.2022).
44. Сентякова Татьяна Евгеньевна Ресурсы паломнического туризма // Иднакар: методы историко-культурной реконструкции. 2017. №1 (34). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/resursy-palomnicheskogo-turizma> (дата обращения: 24.12.2022).
45. Якунин Вадим Николаевич Религиозный туризм и паломничество: особенности организации, проблемы и перспективы развития // Культурное наследие России. 2017. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/religioznyy-turizm-i-palomничество-osobennosti-organizatsii-problemy-i-perspektivy-razvitiya> (дата обращения: 25.12.2022).
46. <https://www.unwto.org/glossary-tourism-terms>

